мулоқотнинг сўроқ шакли ва айни унинг мазмунига кўра тегишли паралингвистик восита турларидан фойдаланишиб, "How do you do?" (сўзма-сўз таржима қилинганда "Сиз қандай бажарасиз?") иборасини ишлатишади ва тингловчига сўроқ оҳангида муружаат қилиш билан суҳбатдошни ўз юзида берган саволига нисбатан жавоб кутаётганини (ажабланиш, диққат билан кузатиш ва бошқ.) ифодалайди (одатда инглизлар расмий учрашувларда қўл бериб кўришмайди). Шу каби ҳолатлар, ўзбекларда: "Яхшимисиз?", русларда: "Как дела?" ("Ишлар қандай?"), французларда: "Comment ça va?" ("У қандай кетаяпти?"), немисларда эса: "Wie geht's?" ("Қандай борапти?") каби ифодаланади. Лекин, айрим миллатларда тингловчининг иши билан боғлиқ жараён деярли қизиқтирмайди ва улар саломлашишда қуйидагича, яъни италянларда: "Come sta?" ("Қандай турибсан?"), хитойликларда: "Бугун тановул қилдингизми?", арабларда: "Дунё сен билан!", эронликларда: "Қувнок бўл!", зулусларда: "Мен сени учратдим!", гренландларда: "Ҳаво нақадар гўзал!" ва навахо ҳиндуларида эса: "Ҳаммаси яхши!" каби иборалар билан қўлланилади.

Бироқ, айрим миллатларда мазмунан саломлашиш турлари ҳам мавжуд бўлиб, улар айнан мазкур халқнинг урф-одатлари, этно-психологияси, географик жойлашуви, маданий дунё қараш ва кундалик юмушларидан келиб чиққан ҳолда саломлашиш одати турига айланганлигини кузатиш мумкин. Масалан, монголларда: "Сизнинг чорвангиз яхшими?" ёки "Қандай кўчиб ўтаяпсиз!", грузинларда: "Гамардjobsа!" ("Зафар қозон!", "Тўғри бўл!"), японларда: "Коннитива" ("Мана кун ҳам келди"), Помир тоғида яшовчи

халқларда: "Бди!" ("Толиқиш нималигини билмагин!"), вайнахларда: "Озод бўл!" ва малайзияликларда: "Сиз қаерга кетаяпсиз?" деб савол берилиб, одатда уларга мужмаллик билан "Айланиб келгани" деб жавоб берилади. Шу ўринда ҳам айтиш лозимки, кўп миллатларда учрайдиган "Салом!" сўзи (шу ўринда "Шалом!" ҳам) "Сенга тинчлик тилайман!" ёки "Тинчлик бўлсин!" маъноларини англатади.

Бундан ташқари, ҳар бир миллатда қўл бериб саломлашиш ўзига хос маъно англатиб, унинг турлича кўринишлари мавжуд. Улар суҳбатдош билан тингловчи ўртасидаги мулоқотнинг мазмун-моҳиятига кўра, дўстона, ғараз, илиқ, бепарво, мурувватли, мулозаматли ва бошқа маъноларни акс эттириб, бунда тингловчи суҳбатдошининг саломлашиш жараёнида мумкин бўлган унинг барча салбий ҳатти-ҳаракатларини уйғунлигига, яъни юзидаги сохта табассумлик, овоз оҳангини кўтариш, саломлашганда қўлни қисниш ёки менсимаслик аломати мавжуд бўлган қўл учидан номига сўрашиш, лабини буриштириш, эътиборсизлик қилиш, кўзини олиб қочиш, тишини гичирлатиш, қовоқ солиш, ўрнидан турмаслик, диққат билан кузатиш орқали захрини сочиш каби паралингвистик воситаларга эътибор қаратиши лозим.

Аммо, кўп миллатларда саломлашиш жараёнида ўзига ҳос бўлган бошини қимирлатиш ҳаракати айрим ҳолатларда "Ҳа" тасдиқ маъносини англатиб келишига кўникиб қолганмиз. Шу боисдан, суҳбатдош томонидан паралингвистик воситаларни ўз ўрнида тўғри қўллаш ва тингловчига тушунарли қилиб фойдаланиш талаб этилиб, уларни фақатгина суҳбат мазмун-моҳиятига кўра тушуниб олиш мумкин холос. Масалан, юқорида келтирилгани каби

бошни пастга ва юқорига қимирлатиш кўп миллатларда "Ҳа" тасдиқ маъносини англатса-да, Туркия, Болгария, Ҳиндистон ва Греция давлатларида яшовчи аҳоли ўртасида унинг акси тушунилади ва ушбу ҳаракат "Йўқ" маъносини ифодалайди. Ўз навбатида, бошни тез-тез пастга ва юқорига бир оз қимирлатиш японларда тингловчини диққат эътибор билан тинглаётгани туғрисида ахборот берса-да, суҳбатдошнинг сўзларини маъқуллаётганлигини англатмайди. Шунингдек, имо-ишоралар билан хорижликларни турли хил тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар арабларда ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз инкорлик аломатларини изҳор қилиш учун бошни орта қисқа, лекин тезлик билан қимирлатиш йули ва қисқа тушунарсиз овоз оҳангини чиқариш орқали ифодалашади.

Паралингвистик воситалар орасида одоб-ахлоқ норма талаб қиладиган ҳаракат нафақат саломлашишда, балки хайрлашувда ҳам бўлиб, уларни ифода қилиш мураккаб ҳусусиятга эга. Новербал мулоқотни саломлашиш жараёнида қўллаш аниқ бир маъно ифода этиб, инсонлар улардан ўзаро миллий, маданий, ижтимоий ва руҳий ҳолатини касб этиш учун қўллайди. Айнан шунинг учун ҳам саломлашиш келгусида суҳбатдош билан тингловчи (ёки тингловчилар) ўртасидага ўзаро муносабатларни қай тарзда давом эттиришини белгилаб, салом бериш жараёнида суҳбатдош хусусидаги айрим характер жиҳатлари, руҳий ҳолати, муносабатга киришишдан асосий мақсад-вазифалари ва бошқа ахборотларни олиш имконини беради.

Турли миллатларда саломлашишнинг паралингвистик воситаларда акс эттирилиши билан боғлиқ барча вазиятлар ўрганилиб, саломлашиш турларини қуйидаги гуруҳларга ажратиш

мумкинлиги юзасидан назария илгари сурилди:

1) Маданий саломлашиш (ёшларни биринчи бўлиб катталарга салом бериши, озчиликни кўпчиликка салом бериши, қўл бериб кўришишда аёллар ўз қўлқопини ечиш заруриятини йўқлиги ва бошқ.).

Масалан: "Салом бериш тартиби шуки, уловда кетаётган одам пиёдага, юриб кетаётган киши ўтирган одамга, кичик ёшдаги киши ёши катталарга, озчилик кўпчиликка салом беради." [20];

2) Расмий дипломатик саломлашиш (халқаро норма одоб-ахлоқлари талаблари асосида расмий учрашувларда аёл ва эркакни ўнг қўл кафтини қисиб сўрашиш ҳолатлари ва бошқ.).

Масалан: "Дипломатик учрашувлар ўзаро салом алмашиш билан бошланади. Саломлашиш турлари ҳар хил бўлади. Ҳорижий мамлакатларда узоқ сафарда бўлган киши бу мамлакатнинг миллий удум ва қонун-қоидаларини ўз мамлакати урф-одатлари билан таққослайди. Мисол учун шуни таъкидлаш лозимки, мусулмонлар учун Шариат қонунларига биноан аёл ва эркак кишининг қўллари, агар улар қариндош бўлмаса, ҳатто бир-бирига тегиб кетиши ҳам катъиян ман этилади." [16];

3) Миллий саломлашиш (айни бир миллатга хос бўлган саломлашиш тури, ўзбек маданиятида ёши улуг аёлларни эркакларнинг елкасини сийпалаб дуо қилиши ва бошқ.).

Масалан: "Икки кундош эсонмисиз, омонмисиз, эсон-омон юрибсизми?... сўзлари билан озорсиз қилиб бир-бирининг елкасига ва қўлтиқ остига қўл юборишдилар." [18];

4) Ноодатий (норасмий) саломлашиш (бугунги кунда айрим ёшларни саломлашишнинг турли усуллари билан фойдаланиши, кўз қисиб, қўлини

кўтариш, бошини ирғаш, қошини чемириш, қорин, бош ва оёқ уриштириш ва бошқ.).

Масалан: "Энди кўча-кўйда саломлашаётганларга бир назар солинга. Оммавий маданият аталмиш бало шу кўринишга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Бошни бошга, муштни муштга, тўпиқни тўпиққа уруштириш, елка билан бир-бирини туртиш, кафтни юқорига кўтариб, тарсиллатиб уруштириш каби гайриодий кўришишларга парво қилмай ҳам кўйдик, кўзимиз ўрганиб қолди." [17];

5) Диний саломлашиш (диний амаллар бажариш жараёнида ёки бажарилгандан сўнг саломлашиш турлари, "Ҳайит" намозидан сўнг ёнидаги шахсларни қучоқлаб саломлашиш ва бошқ.).

Масалан: "Зиё шоҳичи намоз ўқумоқда бўлиб, меҳмонхона чет кишидан холи эди. Бу тасодуфдан Ҳасанали сўйинди ва Зиё аканинг намозни битиришини кутиб ўлтурди. Зиё шоҳичи ёнига салом бериб жойнамоздан орқасига қараб кўйди." [18];

6) Жинсига кўра саломлашиш (эркакларда қучоқ очиб танишларининг ўнг ва чап томонларига бағрини босиб кўришиш, аёлларда эса ўз кафтини суҳбатдош тирсагига қўйиш орқали ва бошқ.).

Масалан: "Икки дўст ўртада гўё ҳеч нарса бўлмагандай хамманинг олдида қучоқлашиб кўришдилар" [8];

7) Ҳарбий саломлашиш (кичик лавозим ёки унвондаги ҳарбийларни бевосита ёки билвосита командирига ўнг қўлини ҳарбий бош кийимига текизиш орқали ва бошқ.).

Масалан: "Батальон командири, майор Кожевников Собир Раҳимовни кўриб честь бериб саломлашди-да: - Отлиқ аскарликдан ҳам хабариигиз бор экан-ку, - деб қулди." [9];

8) Ижтимоий гуруҳга оид саломлашиш (яқин қариндошлар ёки ўзаро муносабатлари яқин бўлган инсонларни ўпишиб кўришиш ҳолатлари, бир жамоа ёки касбадиларни ўзига хос саломлашиш турлари ва бошқ.).

Масалан: "Эшикдан кириб, қўл қовиштириб тўхтаган Гулшан икки букилиб салом берди." [14];

9) Вазиятга қараб саломлашиш (ўзини сездирмаслик ёки фош қилиб қўймаслик мақсадида билинар-билинмас бошини эгиш, қисқа муддатга кўз қирида қиё боқиш ёки тасдиқ маъноси сингари кўзини юмиб очиш ва бошқ.).

Масалан: "Тожи опа бош ирғаб, ўзича димоғида минғирлади, сўрашган бўлди. Дадам Тожи опага қарамай, бошини ирғади, гўё шу билан унинг сўрашишларини қабул қилди." [15];

10) Халқаро саломлашиш (турли миллатларда саломлашишнинг аини бир шаклидан фойдаланиб келиши, одатда халқаро мусобақаларда спортчилар ўзаро саломлашганда қўл бериб кўришиш ҳолати ва бошқ.).

Масалан: "Қўл бериб кўришиш одамлар орасида ибтидоий даврдаёқ одат тусига кирган ва ҳозирда халқаро саломлашишнинг расмий шакли ҳисобланади. Қўл бериб сўрашишнинг пайдо бўлишини этнограф ва археологлар қуйидагича изоҳлашади. Ибтидоий одамлар бир-бирига дуч келганда, "Мен сени ўлдирмоқчи эмасман, қара, қўлимда тош йўқ" деган маънода бир-бирларининг қўлларини ушлаб қўйишаркан." [19];

Юқоридаги саломлашиш гуруҳларини ўз навбатида турли хил кичик гуруҳларга бўлиш мумкинлиги, бироқ, улар қатъий равишда вазият, муҳит, вақт, ўртадаги муносабат, руҳий ҳолат, халқаро одоб-ахлоқ нормалари ва ҳаттоки бош кийимнинг мавжуд ёки



мавжуд эмаслиги билан ҳам изоҳланади. Масалан, ҳар бир давлат ҳарбий хизматчилари ўзига хос ҳарбий саломлашиш нормаларига эга бўлиб, уларда саломлашиш турига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумҳарбий Низоми талабларига мувофиқ, ҳарбий хизматчи бош кийимсиз ҳолатда (ўз навбатида қурол билан турганда ҳам, айрим ҳолатлар бундан мустасно) ўнг қўлини бош қисмига текизиш орқали ҳарбий саломлашиш мумкин бўлмаса-да (яъни паралингвистик воситаларсиз, бунда фақатгина вербал мулоқот орқали саломлашиш амалга оширилади), аммо АҚШ ҳарбийларида бош кийимсиз ҳам қўлини бош қисмига текизиш орқали саломлашиш тури мавжуд.

Шу билан бирга, америкалик ёшлар яқин танишини учратганда, унинг елкасини енгилгина қоқиб қўйиши, Францияда ҳаттоки норасмий вазиятда ҳам танимаган шахсларни ўпишиб саломлашиш ёки хайрлашиш ҳолатлари айрим миллатларга қўпол бўлиб туюлиши мумкин. Айниқса, Яқин Шарқ ёки айрим мусулмон давлатларида нотаниш эркак киши билан аёл кишини саломлашиши диний урф-одатларига кўра маън қилинган. Биргина, Эрон аёлларини нотаниш эркак (яъни номаҳрам, яқин қариндошлари бундан мустасно) билан қўл бериб кўришиши шаърий талабларга асосан тақиқланган бўлиб, бу нафақат ўзаро саломлашишга, балки халқаро спорт мусобақаларда тантанали тақдирлаш маросимларига ҳам тааллуқлидир.

Шу билан бирга, маълум бир касбга, ижтимоий гуруҳга ёки ҳудудга хос бўлган шахсларнинг жаргон ва шевага оид саломлашиш турлари мавжуд бўлиб, улар нафақат хорижлик, балки маҳаллий аҳоли орасида ҳам

тушунмовчиликни келтириб чиқариши мумкин. Бир сўз билан айтганда, паралингвистик воситалар мулоқотнинг вербал тури каби шева, жаргон, вульгаризм, киноя ва бошқалар каби ўзаро айрим гуруҳлар ўртасида, айнан бир миллат орасида ёки географик худуд жиҳатидан қўлланиши ва ҳақорат ёки кесатиш маъноларини ҳам англатиши мумкин. Масалан, ҳайдовчилар йўлда ҳаракатланиш давомида саломлашиш учун паралингвистик воситаларнинг турли ҳил усулларида фойдаланиши ҳаммага маълум бўлиб, буни улар автомобиль чироқларини ёқиб ўчириш, сигнал чалиш, бошини қимирлатиш, кўз қисиш, қўлини кўтариш ва бошқа ҳаракатлари билан ифодалайдилар.

Бундан ташқари, ҳар бир миллатнинг этно-психологияси ва қабул қилган урф-одатларига кўра, саломлашишнинг ажойиб турлари мавжуд бўлиб, айниқса, британияликлар ўзларига яқин бўлган дўстларини учратганда ҳам, оддийгина қилиб "салом" деб қўя қолишади ва бу каби совуққонлик каби ҳаракатлардан Шарқ давлатлари вакилларини ҳафа қилиб қўйиши табиий ҳолдир.

Шунга қарамасдан, саломлашганда бир миллатнинг юксак маданиятини намоён қилиш ҳолатлари мавжуд бўлиб, ўзбек миллий маданияти шулар жумласидандир. Масалан, Ўзбекистонда салом бериш жараёнида ўнг қўлини кўксига қўйиш, тазъим қилиш, нотаниш бўлса ҳамки, юзида табассум билан қарши олиш, меҳмонлар кўнглини олиш каби улуг фазилатлар мужассам бўлади. Қадимда амир ва хонларнинг қабулхонаси "саломхона" деб номланиб, унинг хизматчиси "салом оғаси" деб юритилган. Келинни куёв хонадонига келган биринчи куни хонадон катталарига, яқин қариндошларига тазъимга олиб чиқиш маросими ёки умуман келинчак

таъзими ҳам "келин салом" номини олган. Қолаверса, икки маротаба қайтадан кўришиш ҳам анъанага айланиб қолган бўлиб, яъни уюштирилган давраларда аввал умумий, кейин эса алоҳида-алоҳида сўрашишга ўтилади. Ҳар бир меҳмон мезбондан ёки мезбон ҳар бир меҳмондан ҳол-аҳвол сўраб чиқади ва буни саломлашишнинг иккинчи қисми деб аташ ҳам мумкин.

Нафақат қадимги даврларда, балки ҳозир ҳам юқори доираларда саломлашиш санъат даражасига кўтарилган. Мураккаб, такрорий, биров вақт талаб этиладиган салом бериш тартиби чуқур ҳурмат ва садоқатни билдирган. Даврлар ўтиши билан ҳар бир халқ ўзининг дунёқараши, атроф-муҳитга нисбатан муносабати ва маданий талаб меъёрларидан келиб чиққан ҳолда саломлашишнинг турли шакллари қабул қилганлар. Жаҳондаги кўпгина халқларда салом вербал мулоқот орқали амалга оширилса-да, аммо ўз ўрнида қўл, бош каби тана аъзоларининг ҳаракати инсонга қўшимча мулозамат, кишилар ўртасида муҳаббат пайдо қилиб, ўртадаги гина ва хусуматларни кетказди. Айниқса, географик жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган хитой ва кореяликларда бош ва бўйин қисмларини бир оз пастга юзланса, японларда эса буткул гавда қисмини пастга энгаштириш қабул қилинган ("Сайкэйрэй" - қанчалик пастга ва узок вақт энгашса, шунчалик суҳбатдошга нисбатан мулозамат кўрсатилиши).

Ўзбекистондаги саломлашиш ҳаракатлари, фойдаланиладиган сўзлар ҳудудлараро жиҳатидан биров бўлса-да фарқланади. Лекин, ўзаро алоқаларнинг мустақамлиги, аҳолининг этник жиҳатдан у қадар фарқланмаслиги сабабли кескин тафовутлар учрамайди. Бироқ, сўнгги вақтларда ривожланиш ва онг ўзгариши натижаси ўлароқ,

саломлашиш анъанасида ҳам "бузилишлар" кўзга ташланмоқда. Бу асосан ёшлар орасида ўзаро саломлашишдаги назокат, эҳтиромнинг йўқолиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Кундалик ҳаётимизда саломлашишнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлмоқдаки, бош уриштириш, елкаларни, қоринларини уриштириш, саломлашганда нафақат қўл, балки оёқларнинг ҳам ишлатилиши, қолаверса, айрим йигитларнинг ўта нафислик билан ўпишиб кўришишлари ҳам атрофдагиларга биров кўнгилсиз ҳолат бўлиб туюлиши мумкин. Бу ҳаракатлар кўп ҳолатларда ўзаро яқинлик, бошқалардан ажралиб туриш истаги билан изоҳланар, лекин бунда бошқа халқлар ва уларнинг маданиятини таъсири борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Ёшлар ва миллий-маънавий меърос муносабати масаласи инсоният тарихида долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Бу ёшларнинг миллий-маънавий меъросга бўлган ишончи ва эътиқодини доимо мустақамлаб боришни тақозо этади. Ёшларнинг миллий-маънавий меъросга бўлган ишончи ва эътиқоди мамлакатнинг мустақил тараққиёт йўли ва унинг истиқболи билан бевосита боғлиқ. Шунга қарамасдан, Республикаимиз раҳбарияти ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор бериб келмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 14 сентябрдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги Қонуни ва 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонларида яққол кўришимиз мумкин. Унда ёшларнинг ўзбек миллий-маънавий меъросини ҳурмат қилиш ва унга таяниш мамлакат тараққиётида муҳим

эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, мазкур Қонун ва Фармонларда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими тўғрисидаги фикрлар тарғиб қилинган бўлиб, ёш авлодни вояга етказишда маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятлардан фойдаланиш келажакда, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради деб ўйлаймиз. Бундай миллий-маънавий меъросимиз асосида вояга етган ёшларимиз ўтмиш аجدодлари каби Ватанига содиқ, миллати учун ўз жонини аямайдиган фидойи инсонлар бўлиб етишишлари шубҳасиздир. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мулоқотнинг новербал тури ёрдамида

саломлашиш турли миллатлар ўртасида қабул қилинган умумий паралинг-вистик тушунчаларга ўхшаса-да, аслида улар бошқалардан этно-психологик, географик жойлашуви ёки урф-одат, одоб-ахлоқ тушунчалари, миллий маданияти ва қадриятлари туфайли том маънода фарқ қилиши мумкин бўлиб, новербал ва вербал мулоқотлар суҳбатдошнинг фикрини ифода этишда бир-бирларини тўлдириб келиши, баъзи бир ҳолатларда эса бири иккинчисидан ўз устунлигини намоён этиши мумкин. Шунга кўра, мақолада билдирилган фикрларни янада кенг ва чуқур тадқиқ қилиш, ундаги илмий-танқидий мулоҳазаларни инкор қилиб бўлмас даражада назарий ва амалий исботланишини мустақамлаш, етакчи олимлар эътиборини тортиш учун олдинга сурилган янги назарияларни ўрганишда давом этиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар:

1. 2017 йил 5 июлдаги "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармон.
2. Г.В. Кольшанский. Паралингвистика. М., 1974.
3. Варгас 1986 - M.F. Vargas. An introduction to nonverbal communication. The Iowa State Univ. Press /Ames, 1986.
4. Григорьева, Григорьев, Крейдлин 2001 - С.А. Григорьева, Н.В. Григорьев, Г.Е. Крейдлин. Словарь языка русских жестов. Москва - Вена: "Языки русской культуры", "Wiener Slawistischer Almanach, Sonderband 49, 2001.
5. Дюранти 1992 - Duranti, A. Language and bodies in social space: Samoan ceremonial greetings. American anthropologist, 94, 1992, 657 - 691.
6. Коллет 1982 - Collett, P. Meetings and misunderstandings // G. Bochner (ed.) Cultures in contact: Studies in cross-cultural interaction. Oxford: Pergamon Press, 1982, 81 - 98.
7. Шифрин 1974 - Shiffirin, D. Handwork as ceremony: The case of the handshake. Semiotica, 12, № 2, 1974, 189 - 202.
8. Б. Ахмедов. Амир Темур. Т.: Халқ мероси нашриёти, 1995.
9. А.Ахтамов. Бухородан Берлинга. Т.: Адабиёт ва санъат нашри, 1971.
10. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990.
11. <http://www.Lex.uz>
12. <http://www.etiket.ru>
13. <http://www.tursovet.ru>
14. <http://kutubxona.com> =Abdulla\_Qodiriy\_Mehrobdan\_chayon
15. <http://ziyouz.uz/ozbek-nasri/masuma-ahmedova/ma-suma-ahmedova-toji-opaning-tuguni-hikoya/>
16. <http://www.authorstream.com/Presentation/raimbekovjahongi-2185632>
17. <http://www.uychi.uz/index.php/uz/yangiliklar/197-salomlashish-ma-naviyat-belgisi>
18. <http://aim.uz/kitoblar/badiiy-adabiyotlar/22760-abdulla-qodiriy-o-tkan-kunlar-roman.html>
19. <http://ziyouz.uz/odamiylik-ko-rki-yohud-salomlashish>
20. <http://mehrob.uz/article/32>

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**РУС, ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ "СЎЗ" ЛЕКСЕМАСИНИНГ  
КОННОТАЦИЯЛАРИ**

**Латинов Оқил Жўракулович**

Тошкент давлат педагогика университетида Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудир, филология фанлари номзоди, доцент

**For citation:** Latipov Okil. Connotations of lexeme "word" in Russian, Uzbek and English languages. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 44-49



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-6>

*Келиб тушган сана 5 октябрь, 2019*

*Эълон қилинган сана 31 март, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Мақола рус, ўзбек ва инглиз тилларидаги "сўз" компоненти билан боғлиқ бўлган иборалар ва паремиологик (мақол ва маталлар) бирликларнинг кўчма маъноларини чоғиштирма тарзда ўрганишга бағишланган. Унда уччала қардош бўлмаган тилларда мазкур сўз иштирокидаги ифодали бирикмаларнинг муқобил ва эквивалент вариантлари аниқланган.

**Калит сўзлар:** коннотация, фразеологик ва паремиологик бирликлар, ибора, идиома, муқобил, тилларни чоғиштирма ўрганиш, семантик тузилма, эквивалентлик.

---

**КОННОТАЦИИ ВОКРУГ ЛЕКСЕМЫ "СЛОВО" В РУССКОМ, УЗБЕКСКОМ И  
АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ**

**Латинов Оқил Журакулович**

Заведующий кафедрой русского языка и методики преподавания Ташкентского государственного педагогического университета, кандидат филологических наук, доцент

**АННОТАЦИЯ**

---

Статья посвящена сопоставительному изучению коннотативных значений фразеологических и паремиологических единиц русского, узбекского и английского языков с компонентом "слово". В ней выявлены аналогичные и эквивалентные варианты образных выражений трех неродственных языков с данной лексемой.

**Ключевые слова:** коннотация, фразеологические и паремиологические единицы, фразеологизм, идиома, аналогия, сопоставительное изучение языков, семантическая структура, эквивалентность.

---

## CONNOTATIONS OF LEXEME "WORD" IN RUSSIAN, UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

**Latipov Okil Jurakulovich**

Head of the Department of Russian Language and Teaching Methods at the Tashkent state pedagogical university, candidate of philological sciences, associate professor

### ANNOTATION

The article is devoted to the comparative study of connotative meanings of the phraseological and paremiological units of the Russian, Uzbek and English languages with the component "word". It identified similar and equivalent versions of the figurative expressions of three unrelated languages with this lexeme.

**Key words:** connotation, phraseological and paremiological units, phraseological unit, idiom, analogy, comparative study of languages, semantic structure, equivalence.

*"Словами можно смерть предотвратить,  
словами можно мертвых оживить"*  
(А.Навои)

Слово - ни с чем несравнимое богатство любого языка. Слово - это самое мощное орудие человеческой мысли, выражающее наши желания, чувства, эмоции. Каждое слово в любом языке имеет свой вес, свой эмоциональный фон. Поэтому немаловажно уместное употребление данного богатства. Недаром, ведя речь об обычаях своего народа в романе "Мой Дагестан" аварский поэт Расул Гамзатов, акцентирует внимание читателя на мысли о том, что меткое слово стоит оседланного коня. Нас интересует вопрос о том, каково участие компонента "слово" в составе клишированных единиц, то есть в составе устойчивых словосочетаний русского, узбекского и английского языков. В основе коннотации любого слова лежат их первичные, денотативные значения. Слово - многозначно: в русском языке оно используется в 9 значениях: " 1. Единица языка, служащая для наименования понятий, предметов, лиц, действий, состояний, признаков, связей, отношений, оценок. 2. Речь, способность говорить. Дар слова. 3. Разговор, беседа, что-н. сказанное. 4. Публичное

выступление, речь. Вступительное слово или заключительное слово докладчика. Последнее слово подсудимого. 5. Речь на какую-н. тему, повествование, рассказ. 6. Право, позволение говорить публично. Свобода слова. 7. Мнение, вывод (часто о достижениях в какой-н. области). 8. То же, что обещание. 9. Текст к музыкальному произведению. Например, романс на слова Пушкина" [4, 728-729].

Слово в науке о языке - кратчайшая единица языка, выражающая своим звуковым составом понятие о предмете, процессе, явлении действительности, их свойствах или отношениях между ними. Сила слова находит свое отражение, прежде всего, в следующих паремиях, приведенных в монографии отечественного ученого-паремиолога П.У. Бакирова: доброе слово дороже золота; доброе слово - что весенний день, синонимичное ласковое слово - что весенний день; ласковое слово лечит; доброе слово человеку - что дождь в засуху; доброе слово лучше мягкого пирога; доброе слово теплей хорошей шубы греет; ласковое слово не трудно да спору; добрым словом и бездомный богат; покорное слово

размягчает душу (ср.: аналогичное в узбекском - яхши сўз жон озиги); и собака от ласкового слова хвостом виляет (ср.: аналогичное в узбекском - яхши сўз билан илон ҳам инидан чиқади); слово не пуля, а ранит; слово ранит сильнее штыка; слово - солома: загорится - не зальешь; от одного слова да на век ссора; сказанное слово и топором не вырубешь; подмеченное метко ударяет крепко [2, 120-121] и многие другие. Следовательно, данные паремии призывают нас чаще произносить добрые слова по отношению друг к другу, быть сдержанными, осторожными при обращении со словами. По этому поводу классик русской и мировой литературы Л.Н. Толстой пишет: "Нужно усилие для всякого воздержания, но из всех таких усилий самое трудное - это усилие воздержания языка. Оно же и самое нужное".

Первичное значение слова способствовало образованию следующих фразеологических единиц: слово в слово (о переводе, пересказе: буквально), не нахожу слов или не хватает (нет) слов для чего-н. (не в состоянии выразить что-н. от волнения, возмущения), слово за слово (о постепенном развитии разговора, спора; разг.), в одно слово [5, 432] (употр. в случаях, когда двое или многие сказали одновременно одно и то же; разг.), слова не добиться от кого-н. (трудно вызвать на разговор), словом не обмолвился кто-н. (не произнёс ни слова, промолчал; разг.), двух слов связать не может кто-н. (перен.: о том, кто не умеет понятно изложить свою мысль; разг. неодобр.).

Клишированные единицы понять друг друга без слов, рассказать в немногих словах, спасибо на добром слове (за хорошие, добрые слова), перейти от слов к делу, передать что-н.

на словах: (устно), взять свои слова обратно (отказаться от сказанного), добр только на словах (на самом деле не добр), со слов кого-н. (как сказал кто-н.), на слове или на слове ловить кого-н. (требовать исполнения обещанного, а также подмечать ошибку, несообразность в том, что сказано), рассказать своими словами (не буквально, передавая только содержание), по словам кого-н. (как говорит или как выражается кто-н.), слово ранит, слово лечит (посл.) появились исходя из третьего значения данной лексемы, причем смысл данной поговорки переключается с изречением великого узбекского поэта А.Навои, отражающим бесподобную силу слова.

Слово в значении "обещание" послужило почвой для образования устойчивых выражений типа: дать слово сделать что-н., верить на слово, не сдержат слова, взял с него слово молчать; не давши слова крепись, а давши - держись (посл.).

Последнее значение способствовало образованию в русском языке следующих фразеологических единиц: вначале было слово (книжн.) - утверждение примата мысли, разума, слова [по евангельскому сказанию о проповеди Иоанна Богослова, начинавшейся словами о первичности разума, слова, мысли, об их божественном начале], слово и дело! - в Русском государстве до 1762 г.: возглас в знач.: вот преступник против государя, знаю это, готов донести на него в сыскную службу, к слову пришлось (разг.) - о том, что сказано кстати, по поводу чего-н., к слову сказать - то же, что кстати (в 3 знач.), не то слово! (разг.) - реплика, выражающая одновременно подтверждение и мысль о необходимости более сильной, категорической оценки (ср.: Устал? - Не

то слово. Я просто с ног валюсь), нет слов! (разг.) - выражение крайнего удивления, одобрения или осуждения, одним словом - то же, что словом, слов нет - конечно, это так, но... (ср.: слов нет, он красив, но не в моём вкусе).

Не все слова могут иметь коннотации, о чем свидетельствует паремия "Не всякое слово есть пословица". Уменьшительно-ласкательная форма данной лексемы "словцо" является ключевым в составе русской пословицы для красного словца не пожалеет родного отца, аналогичное с пословицей гап келганда отангни аяма в узбекском языке.

В пятитомном словаре узбекского языка зафиксировано 8 значений компонента "сўз" (слово): "1.Ўз товуш қобигига эга бўлган, нарса-ҳодисалар, жараёнлар, шахслар, белги ва миқдорларни, хусусиятларни, ҳаракат ва ҳолатни, алоқа ва муносабатларни номлаш учун хизмат қиладиган, мустақил луғавий маънога эга бўлган, шунингдек, турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг муҳим тил бирлиги; гапнинг қурилиш материали. 2. Бирор маъно турига, услубга оид шундай бирлик (тилда, нутқда ифода воситаси сифатида). 3.Сўзлашувда, гапта, нутқда шундай воситалардан фойдаланиш қобиляти, санъати. 4. Мақол; матал; ибора. 5. Гап, гап-сўз, нутқ.6. Миш-миш гап овоза; игво. 7.Ўгит, панд-насиҳат, таълим-тарбия, илтимос ёки буйруқ мазмунидаги гап. 8. Ваъда, лафз; азм-қарор" [6, 655-656].

В узбекском языке образовано большое количество пословиц с компонентом "сўз": сўздан сўзнинг фарқи бор, ўтгиз икки нархи бор (слово слову рознь); оталар сўзи - ақлнинг кўзи (слова (наставления) отца - ключ к мудрости); эл бор ерда сўз бор (где народ, там и слово); ёмоннинг бўзини

олгунча, яхшининг сўзини ол (лучше брать слова (наставления) от хорошего человека, чем полотно от плохого); дўст сўзини ташлама, ташлаб бошинг қашлама (слушайся друга (то есть дорожи словами друга), ослышался - пеняй на себя); йигит сўзи бир бўлур(мужчина должен постоять за свои слова); турсанг сўзингда - ҳурмат юзингда (сдержал слово - хвала и честь тебе), а также фразеологизмы типа: сўз бермаслик 1) гапиришга имкон бермаслик, 2) бўйсунмаслик, сўз очмоқ - гапиришни бошламоқ, сўз қотмоқ-бирор гап, сўз айтмоқ, гапирмоқ, сўзини икки қилмаслик, сўзини ерда қолдирмоқ - буйруқ ёки илтимосини бажармаслик, сўз(и)га кирмоқ - айтганини қилмоқ, маслаҳат бўйича ҳаракат қилмоқ, сўзида турмоқ, орадан сўз ўтмоқ (ёки чиқмоқ) - келишмовчилик рўй бермоқ, низо чиқмоқ, сўз ўйини - бир сўзнинг турли маъноларидан ёки турли маънодаги шаклдош сўзлардан фойдаланиб тузилган, турлича тушунилиши мумкин бўлган ибора, бир сўзли - 1) бир сўзда, ўз айтганида туриб оладиган; ўжар, қайсар, 2) сўзидан, лафзидан қайтмайдиган; айтганини қиладиган; ваъдали, ўз сўзли - ўз сўзини ўтказадиган, айтганини қилдирадиган, гапининг икки қилинишини ёқтирмайдиган.

Лексема "слово-сўз" также выступает в качестве ключевого слова в составе паремий типа: "сўз кўрки - мақол, гузар кўрки - баққол (украшение речи - пословица, украшение гузара (улицы) - бакалейщик); сўз кўрки - мақол, эркўрки - соқол (украшение речи - пословица, украшение мужчины - борода); сўзнинг либоси - мақол (одежда речи - пословица); мақол - сўзнинг бобоси, мато - бўзнинг бобоси (пословица - прекрасная речь, ткань - лучшее полотно)" [2, 23-24].

Словопроизводные с данным компонентом активно вовлечены в процесс образования следующих клишированных единиц: оз сўзла, кўп тингла; кўп билган оз сўзлар, оз сўзласа ҳам, соз сўзлар; бошингта қилич келса ҳам, тўғри сўзла; ширин сўзли - шоҳ косадан сув ичар; тўғри сўзлининг тўни йиртик; бир сўзлининг юзи ёруғ; ўз сўзли йигит - кун юзли йигит; яхши сўздан илон чиқар инидан, ёмон сўздан пичоқ чиқар қинидан и другие.

Английский язык располагает большими возможностями образования идиом с участием компонента "слово-word" (около 100 образных выражений): "at a word - только скажи слово; bandy words - перебраниться; be as good as one's word или синонимичное one's word is one's bond - его слово - лучшая гарантия - держать слово, быть хозяином своего слова; be not the word for it - разг. не то слово; be unable to put two words together - не быть в состоянии связать двух слов; bewor sethan one's word - нарушить своё слово, не сдержатъ своего слова; burning words - горячие, волнующие, вдохновляющие слова; eat one's words - взять свои слова обратно; fine words butter no parsnips - посл. (соотв. разговорами сыт не будешь; соловья баснями не кормят); fine words dress ill deeds - посл. (соотв. красивые слова иногда прикрывают неприглядные поступки)" [3, 832-836].

Лаконичность речи выражаются в идиомах in a few words - в нескольких словах, кратко, вкратце; in a word - одним словом, короче говоря; in words of one syllable - просто и ясно, короче говоря.

Антонимия наблюдается в парах: be as good as one's word - держать слово, быть хозяином своего слова и be worse than one's word - нарушить своё слово, не сдержатъ своего слова; a word in season - своевременный совет и a word out season - несвоевременный совет.

Проведенный анализ семантической структуры компонента "слово" - "сўз" позволяет сделать вывод о том, что в сопоставляемых языках наблюдается большое количество образных выражений, несущих как положительные, так и отрицательные эмоционально-экспрессивные коннотации. В ходе компонентного анализа семантической структуры фразеологических и паремиологических единиц в трех языках разной системы были выявлены их аналогичные варианты с данной лексемой: слово не воробей, вылетит не поймаешь - айтилган сўз - отилган ўқ [1, 620] - a word spoken is past recalling; нет слов! - гап йўқ; дать слово - сўз бермоқ; fine words butter no parsnips - соловья баснями не кормят; fine words dress ill deeds - красивые слова иногда прикрывают неприглядные поступки; hard words break no bones - брань на вороту не виснет; a word to the wise - умный понимает с полуслова; words cut more than swords - злые языки - острый меч - не ножа бойся, а языка - слово пуще стрелы разит - ах, злые языки страшнее пистолета (Грибоедов); many a true word is spoken in jest - во всякой шутке есть доля правды - в шутку сказано, да всерьез задумано; words are the wise man's counters and the fool's money - умный взвешивает слова - дурак говорит не думая; words are but wind - сказать можно, что угодно - тил суяксий; waste words - тратить слова попусту - бросать слова на ветер и многие другие.

Наша молодежь живет в полилингвальных условиях, следовательно, знание и успешное применение эквивалентных и аналогичных вариантов образных выражений разных языков способствует решению в определенной степени вопросов межкультурной коммуникации.



Следует отметить, что в русском языке в основном данная лексема чаще выступает в качестве ключевого слова в составе фразеологизмов, тогда как в узбекском и английском языках больше встречаются паремиологических единиц, то есть пословиц и поговорок с компонентом "сўз-word".

Исходя из данных примеров, на занятиях русского языка обучаемым

можно предложить ряд заданий: найти аналогичные варианты русских пословиц или фразеологизмов в узбекском языке, привести примеры устойчивых словосочетаний с участием данного компонента в трех сопоставляемых языках, перевести их на русский язык, а также выяснить, в каких ситуациях применяются в речи данные образные выражения.

#### **Литература:**

---

1. Абдурахимов М. М. Узбекско-русский и русско-узбекский словарь. - Т.: Академнашр, 2014. -704 с.
2. Бакиров П.У. Пословицы - энциклопедия народной жизни. Т.: Академнашр, 2018. -76 с.
3. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. - М.: Русский язык, 1984. -944 с.
4. Ожегов С.И. Словарь русского языка. - М.: Русский язык, 1991. - 917 с.
5. Молотков А.И. Фразеологический словарь русского языка. М.: Русский язык, 1986. -543 с.
6. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т.:Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2008. -680б.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ**

**Гайбуллаева Хатира Муратджановна**

Тошкент давлат педагогика университети "Инглиз тили амалий курси" кафедраси ўқитувчиси

**For citation:** Gaybullaeva Khatira. Linguacultural aspects of speech etiquette units. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 4, pp. 50-54



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-7>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**ANNOTATION**

---

Мақолада инглиз ва ўзбек тилларидаги нутқий этикет бирликларининг лингвомаданий аспекти ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга мулоқот давомида нутқий этикет бирликларини тўғри танланиши коммуникантлар ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги гарови эканилиги тақдирланган. Мақолада Е.Н.Ширияев, В.А.Маслова ва Н.И.Формановскаяларнинг мавзуга доир фикр ва мулохазалари ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** нутқ, этикет, лингвомаданий, миллий, сўзлашув, муружаат.

---

**ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЕДИНИЦ РЕЧЕВОГО ЭТИКЕТА**

**Гайбуллаева Хатира Муратджановна**

Преподавательница кафедры "Практический курс английского языка", ТГПУ

---

**АННОТАЦИЯ**

---

В данной статье рассматриваются лингвокультурологические аспекты единиц речевого этикета в английском и узбекском языках. Также подчеркивается правильный выбор речевых единиц в общении являющимися гарантией того, что между коммуникантами не возникнет недопонимания. В статье приводятся примеры взглядов и мнений Ш. Ширияева, В. А. Маслова и Н. И. Формановской.

**Ключевое слово:** речь, этикет, лингво культурологическая, национальная, разговор, обращение.

---

## LINGUACULTURAL ASPECTS OF SPEECH ETIQUETTE UNITS

Gaybullayeva Khatira Muratdjanovna,

Teacher of department "Practical Course of English Language", TSPU.

## АННОТАЦИЯ

The given article is dedicated to analysis of linguacultural aspects of speech etiquette units in English and Uzbek languages. It also emphasizes the correct choice of speech tags in communication which are a guarantee that no misunderstanding will arise between communicators. The article provides examples of the views and opinions of Sh. Shiryayev, V.A. Maslov, and N. I. Formanovskaya.

**Keywords:** speech, etiquette, linguocultural, national, conversation, address.

Нутқий этикет бирлиги умумий ва хусусий тилшуносликда универсал синтактик бирлик ҳисобланади. Нутқий этикет бирликлари лингвокуль- турологик ҳодиса ҳисобланади, чунки унда нафақат лингвокультурологик лисоний маркерлар мавжуд, балки у орқали миллий-маданий концептларни ҳам ифодалаш мумкин. Бу эса нутқий этикет бирликларини лингвокуль- турологик аспектда қарашимизни тақозо этади.

Тил одамлар учун мулоқот ва янги ахборотни ўзлаштириш воситаси, фикр ва туйғуларнинг ифода қуролидир. Ундан самарали фойдаланиш, одамлар онги ва қалбига таъсир ўтказа олиш учун эса тил эгаси ўз миллий маданиятининг узвий давоми бўлмиш нутқ маданиятига эга бўлиши зарур.

Лингвистик маънода нутқ маданияти икки даражага эга: нутқ тўғрилиги, яъни сўзловчи томонидан замонавий адабий тилнинг меъёрларига риоя этилиши ва нутқ маҳорати - нутқнинг ўринли бўлиши, аниқлиги, қисқалиги, тозаллиги ва маънодорлиги.

Миллий тилнинг бир қанча лингвистик ва экстралингвистик меъёрлари асосида тартибга солиниши натижасида адабий тилнинг юзага келиши ҳам тасодиф эмас, балки қонуниятдир. Бунда кўпгина интралингвистик ва экстралингвистик омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Нутқ маданиятининг этик жиҳати, мулоқот жараёнида нутқий хулқ-атвор қоида ва меъёрларига риоя қилишни, мулоқотнинг сўзлаш формула-лари тизимини билишни талаб этади.

Нутқ маданиятининг аспектидан яна бири нутқ этикети ҳисоб-ланади. Маданиятли сўзлашиш нутқ этикетидаги меъёрлар ҳақидаги тасаввурни ўз ичига олади. Этикет, жумладан, нутқ одоби нутқ маданиятининг муҳим унсурларидан ҳисобланади.

Нутқий этикет бирликлари ҳозирги ўзбек ва инглиз тилларида огзаки ва ёзма нутқда қўлланилиши билан характерланади. Шунингдек, улардаги этикет мазмуни ўзаро муомалада айтилувчи бирликларда фаол ифодаланиши билан ажралиб туради. Тилшуносликда турли терминлар билан аталиб келинаётган, ўзаро муомалада қўлланилиши одат тусига кирган бирликлар нутқий этикетлар термини билан аталади.

Нутқий этикет формулаларни қўллаш мурожаатдан бошланади. Мурожаат этнос маданиятининг бир қисмини акс эттирувчи синтактик бирлик ҳисобланади. Мурожаат этикет формулаларини асосий алоқа ўрнатувчи бирлиги ҳисобланади. Одатда алоқа мурожаат орқали ўрнатилади. Мурожаат шаклини танлаш суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатларнинг қандай бўлишини аниқлайди.

Нутқ одоби қоидаларига кўра, вазиятга қараб турли этикет бирликлари ишлатилади булар, саломлашиш, хайрлашиш, узр сўраш, миннатдорчилик билдириш, улардан асосан этикет формулаларидан ўзига керакли ижобий мулоқот муҳитини яратиш мақсадида фойдаланади. Мурожаатларда узр сўраш, илтимос қилиш, миннатдорчилик билдириш каби этикет бирликлари қўлланилади.

Икки тилдаги юқоридаги каби эквивалент нутқий этикет бирликлари бир-бирдан структураси, семантикаси ва ишлатилиши бўйича фарқ қилади. Семантик фарқланиш маданият бўйича лингвумаданий фарқни ҳам ўз ичига олади. Нутқда этикет бирликларини танлаш жуда ҳам мураккаб ҳисобланади, сабаби мурожаатнинг, юқорида айтганимиздек, кўп вазифали эканлиги ва унда ҳам кўпчилик вазифаларнинг бирга келишидир.

Нутқий этикет бирлиги кичик синтактик тизимни ҳосил қилади. Бу тизим ичидан нутқ жараёнида маълум бир нутқий этикет бирлигини шаклини танлаб олиш нутқ вазиятига, коммуникантларнинг ижтимоий мақомларига, ёшига, бир-бирларини яхши танишига, дўстоналик муносабати даражасига, қариндошлик даражасига, жинсий фарқига, ахлоқига, кайфиятига, миллатига, суҳбат мавзусига, бир-бирига нисбатан турган масофасига, мулоқот даврида нутқ қаратилган шахснинг кўриниб турганлиги ёки кўринмаётганлигига, мулоқот жойига, тингловчининг исми сўзловчига номаълум бўлганлигига боғлиқ ҳолда танланади. Демак, нутқий этикет бирлигини мулоқотда танлаш ва уни тушуниш коммуникантлардан муайян билимни талаб қилади. Нутқий этикет бирлигини ноўрин танлаш коммуникантлар ўртасида зиддият туғдириши мумкин. Бинобарин, чет

тилини ўша тилда гапирувчи миллатнинг маданиятини яхши ўрганмасдан тўлиқ тушуниб бўлмайди.

Мурожаат, Н.И. Формановская фикрича, энг ёрқин ва кўп ишлатиладиган этикет белгисидир. Айрим мурожаатларда аташ, тингловчи эътиборини сўзловчи гапига қаратиш вазифалари билан бирга, баҳолаш вазифаси ҳам бўлади. Бундай мурожаатлар баҳолаш сўзлари, бирикмалари, маълум баҳолаш воситалари билан ёки баҳолаш маъносини ифодаловчи сифатларнинг отлашган шакллари билан келади ёки ифодаланади: Ҳурматли Ботир Носирович, Аҳмаджон, шу ердამисиз? Good morning, Your Majesty. Мурожаат этикет формулаларини асосий алоқа ўрнатувчи бирлиги ҳисобланади.

Мурожаат орқали сўзловчи тингловчига ижобий муносабат ифодаланиши мумкин, бунда сўзловчининг мақсадларидан бири тингловчига таъсир ўтказишидир. Буни қуйидаги икки мисолда яққол кўриш мумкин:

Эркин, мана буни кўтаришиб юбор.

Эркинжон, мана буни кўтаришиб юбор.

Илтифот ва ҳурматни ифодаловчи мурожаатлар одатда юқори лавозимли шахсларга, ҳурматли кишиларга, чет эл фуқароларига мурожаат қилинганда ишлатилади ва бунда мурожаат муайян сўзлар, морфемалар билан келади: Муҳтарам, ҳурматли, жаноб, хоним, ака, опа, -жон, His/Her Majesty, His/Her Excellency, Dear, Mister, Mistress, Miss ва б.

Кўринадик, икки тилдаги бу эквивалент мурожаатлар бир-бирдан структураси, семантикаси ва ишлатилиши бўйича фарқ қилади. Семантик фарқланиш маданият бўйича лингвумаданий фарқни ҳам ўз ичига олади.

Нутқда мурожаатни танлаш жуда ҳам мураккаб ҳисобланади, сабаби мурожаатнинг, юқорида айтганимиздек, кўп вазифали (полифункционал) эканлиги ва унда бир қанча вазифаларнинг бирга келишидир.

Табрик нутқий этикет бирлиги сифатида қаралади. Нутқий этикет бирликларининг табрикларда қўлашнинг ўзининг хусусияти бўлиб, унда этикет формулалари мурожаат + тилак кўринишда бўлиши мумкин.

Қадри аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари! 14-январь ватан ҳимоячилари куни барчангизга муборак бўлсин! ..... Сизларга омада ва зафарлар тилаб... ("Халқ сўзи" газетасидан); Аҳмаджон, туғилган кунинг билан табриклайман. Сенга соғлиқ ва ўқишларингда мувафаққиятлар тилайман... (оғзаки нутқдан); Қадроним, сизга айтар сўзим бор: сизни шунчалик соғиндимки, ҳижрон юрагимга ўт қаламоқда... сизга доимо омадлар тилайман....

Илтимос мулоқотда вазиятга кўра қўлланиладиган нутқий этикет бирлиги бўлиб, асосан мурожаатдан кейин келади. Мурожаат +илтимос. Масалан:

Dear Dr Roberts. I would like to convey my warm congratulations on your appointment to the board of Electrical Industries Ltd... Please.....

Dear Mrs Anderson. Please convey our sympathy to Lady Langley and her family.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хизмат хатларида нутқий этикет формулалари мурожаатлар, миннатдорчилик билдириш, илтимослар куйидаги каби ясалади:

Dear Mr. Gore. Thank you for your quotation for strawboards dated 19 February. I shall bear your firm in mind when I require other products in the future.

**Yours sincerely**

Дўстона турдаги ноталар хурматни

ифодаловчи сўзлар билан бошланади: Сизга ҳурмат билан шуни маълум қиламанки...; Камоли эҳтиром ила..."; Сизга чуқур ҳурмат билан... - I should like to take this opportunity to express to Your Excellency my sincere appreciation of the friendly relations.

Ҳар иккала миллат оиласида ота-она фарзандларига исми ёки ўғлим, қизим, новвотим, шакарим, асалим (son, darling, honey, sweetie, dear) сўзларини ишлатган ҳолда мурожаат қиладилар.

Жиянларнинг амаки ва тоғаларига, холаларга ва аммаларга мурожаати иккала тилда ўхшаш, яъни: тоға, амаки (uncle), хҳола, амма (aunt) сўзлари ундалма сифатида ишлатилади.

Тоға, мен сизни кутиб ўтирган эдим, деди ўрнидан туриб Унсин (Ойбек).

Хола, ойим касал, илтимос, тезроқ бизни кига боринг, деди йиғлаб Назира опанинг жияни (Б.Рахматиллаева).

Амма, яхши ҳам сиз бор экансиз, бўлмаса дадам битта ўзлари жуда қийналган бўлар эдилар, деди Нодира (Б.Рахматиллаева).

Амаки, қўйиб юборинг, деб ялинишга туши Мирсалим овозининг борича хўнграб.

Come in, Uncle Titus (B. Shaw). Am I right, Aunty (F. Kidd).

Ўзбек оиласида келин қайнонасига ойижон, қайнотасига дадажон деб мурожаат қилади. Инглиз тилида эса бундай ҳолларда эркалаш қўшимчаси қўшилмайди.

Ойижон, уйимга бориб келсам майлими?; Дадажон, сизни ойижоним чақиряптилар.

Нутқий этикет формулаларининг миллий-маданий хусусиятлари хайрлашиш ва илтимосларда ҳам кўринади.

"Гулчехра опа, сизга раҳмат..."; "Ўзр, гапингизни бўлдим..."; "Сизга катта раҳмат иштирокингиз учун..."; "Миннатдорлигимизни қабул қилинг; "Кўнгиригингиз учун ташаккур...".

"Thank you for your participation";  
"Please, admit our gratitude to you".

Нутқий этикет формулаларини қўллашда истак билдириш миллий-маданий хусусияти билан ажралиб туради. Миннатдорчилик маъносини ифодалашда 'Барака топ' ифодаси ишлатилади. Масалан,

Раҳмат ўғлим, умригдан барака топ.

Илтимос этикет формулаларининг қўлланилиши: "Илтимос, айтиб берсангиз"; "Илтимос, бу ҳақида тўлиқроқ маълумот берсангиз", - *Guu, sitting in the corner, please stand up* каби бирликлар орқали амалга ошади.

Мақолада тил бирликлари, хусусан, нутқий этикет бирликларини лингвوماданий аспектларини таҳлил қилиш мақсад қилиб қўйилган. Тадқиқотимизда қиёсланаётган

тилларда нутқий этикет бирликларини ифода этувчи салом, ассалом, хайр, кўришгунча, учрашгунча, раҳмат, миннатдорман, азизим, ҳурматли каби лексик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари аниқланди.

Ҳозирги амалий грамматика бўйича дарсликларда нутқий этикет бирликларига жуда кам ўрин ажратилган. Фикримизча, янги ёзиладиган дарсликларда уни кенгроқ ёритиш зарур, чунки, ҳозирги замон чет тил ўқитиш методикасида фақат тилни эмас, шу орқали ўрганилаётган халқнинг маданиятини ҳам ўзлаштириш талаб қилинмоқда, зеро нутқий этикет бирликлари тили ўрганилаётган мамлакат маданиятининг бир қисмини ифодалайди.

#### Адабиётлар:

1. Ширяев Е. Н. Культура русской речи // Теория, метод, практика. - М.: АН России, 1993. -Т. 51, №2. -С.22-28.
2. Маслова В.А. Лингвокультурология. - М.: Академия, 2001. - С.6-8.
3. Формановская Н.И. Вы сказали: "Здравствуйте", речевой этикет в нашем общении. Изд. 3. - М.: Знание, 1989. -С. 41-47.
4. Менглиев Б. "Глобаллашув: тиллар тараққиёти ва таназзули". "Маърифат" газетаси, 2017 йил, 19 октябр, 76-сон. (Mengliev B. "Globalashuv: tillar taraqqiyoti va tanazzuli". "Ma'rifat" gazetasi, 2017 yil, 19 oktabr, 76-son.)
5. Рахмонов Ф. "Ўзбек тилида лугавий синонимия ва градуонимиянинг ўзаро муносабати PhD диссертацияси". Фаргона-2018, 22-б. (Rahmonov G'. "O'zbek tilida lug'aviy sinonimiya va graduonimiyaning o'zaro munosabati. PhD dissertatsiyasi". Farg'ona-2018, 22-b.)
6. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик лугати. 1-жилд Т: "Университет" 2000. (Rahmatullaev SH. O'zbek tilining etimologik lug'ati. 1-jild T: "Universitet" 2000)
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилд. -Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006, 2008. (O'zbek tilining izohli lug'ati. Besh jild. -T.: O'zbekiston Milliy ensiklopediyasi, 2006, 2008.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ЗАМОНАВИЙ АРАБ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА "СИЗИФ ҲАҚИДАГИ МИФ"  
АФСОНАСИНИНГ БАДИИЙ ИНЪИКОСИ

Мухиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна,

Тошкент давлат шарқшунослик институти, Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси,  
филология фанлари доктори

**e-mail:** dmuhiddinova@inbox.ru

**For citation:** Mukhiddinova Dilafuz. Literary looks of myth about "Sizife" in modern Arab and Uzbek literature. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 55-62



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-8>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

АННОТАЦИЯ

Мақолада француз, араб ва ўзбек адиблари ижодида миф ва афсоналарга мурожаати баён этилган. Мифларга ижодий ёндошув - XX асрнинг иккинчи ярми ва охиридаги замонавий араб ва ўзбек насрида кенг ўрин эгаллади. Араб ёзувчилари жамиятдаги долзарб муаммоларнинг ечимини топишда, инсон хилқатининг моҳияти ва унинг ички "мени"ни ёритишда, ҳамда адабий мерос анъаналарини тиклаш мақсадида мифларга, асотир-афсоналарга мурожаат этишлари таҳлил қилинган. Хусусан, француз, араб ва ўзбек ёзувчилари қадимги юнон "Сизиф ҳақидаги миф" мифологик сюжетлари, образларига эркин мурожаати орқали янги, ўзига хос, миллий руҳдаги ҳикояларни яратдилар. Араб ва ўзбек адиблари асарларида, бир томондан, мифларга эркин ижодий ёндошуви кузатилса, иккинчи томондан, экзистенциализм фалсафаси қарашлари илгари сурилган. Жумладан, XX аср француз адиби Альбер Камю, араб араб ёзувчиларидан Жўрж Салим, Дийо аш-Шарқовий, ўзбек адибларидан Улугбек Ҳамдам, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Сизиф ҳақидаги миф" грек афсонасига ўзига хос бадиий ёндашувлари қиёсий таҳлилга тортилган. Қиёсий таҳлилда француз, араб, ўзбек, ёзувчиларнинг асарларида кўтарилган гоё, асарнинг мазмун-моҳияти, бадиий хусусиятлари, образлар талқини асарлардан парчалар орқали келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** миф, неомифологизм, "онг оқими", туш, Осирис

ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОТОБРАЖЕНИЕ МИФА О "СИЗИФЕ" В  
СОВРЕМЕННОЙ АРАБСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

Мухиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна,

Ташкентский государственный институт востоковедение,

Кафедра зарубежной восточной литературы, доктор филологических наук

## АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается процесс отображения мифов и легенд в произведениях французских, арабских и узбекских писателей. Творческое обращение к мифам занимает широкое место в современной арабской и узбекской прозе второй половины и конца XX века. В результате анализа выявляется, что арабские писатели обращаются к мифам и легендам с целью решения самых насущных проблем в обществе, освещения сущности человеческого существования, отражения внутреннего "я" и возрождения традиций литературного наследия. В частности, французские, арабские и узбекские писатели создают новые, оригинальные рассказы, наполненные национальным духом, на основе свободного обращения к мифологическим сюжетам и образам древнегреческого "Мифа о Сизифе". В произведениях арабских и узбекских писателей, с одной стороны, присутствует свободный творческий подход к мифам и, с другой стороны, выдвигаются философские взгляды экзистенциализма. Также, представлен сравнительный анализ оригинальных художественных подходов французского писателя XX века Альбера Камю, арабских писателей Джорджа Салима, Диё аш - Шарковий, узбекских писателей Улугбека Хамдама, Хуршида Дустмухаммеда к древнегреческому "Мифу о Сизифе". На основании сравнительного анализа произведений французских, арабских и узбекских писателей, раскрываются идея, содержание, художественные особенности, интерпретация образов данных произведений.

**Ключевые слова:** миф, неоидеология, "поток мыслей", сон, Осирис, реализм, фольклор, мифология.

## LITERARY LOOKS OF MYTH ABOUT "SIZIFE" IN MODERN ARAB AND UZBEK LITERATURE

**Mukhiddinova Dilafruz Zohriddinovna,**

Tashkent state institute of oriental studies, Department of Foreign oriental literature,  
doctor of philological sciences

## ANNOTATION

The article reveals the process of displaying myths and legends in the works of French, Arab and Uzbek writers. Creative appeal to myths occupies a wide place in modern Arabic and Uzbek prose of the second half and the end of the twentieth century. The analysis reveals that Arab writers turn to myths and legends in order to solve the most pressing problems in society, to illuminate the essence of human existence, to reflect the inner "I" and to revive the traditions of literary heritage. In particular, French, Arab and Uzbek writers create new, original short stories, filled with the national spirit, on the basis of free access to mythological subjects and images of the ancient Greek "Myth of Sisyphus". In the works of Arab and Uzbek writers, on the one hand, there is a free creative approach to myths and, on the other hand, philosophical views of existentialism are put forward.

The article presents a comparative analysis of original artistic approaches of Albert Camus, the French writer of the twentieth century, Arab writers George Salem and Diyo al - Sharqawi, as well as Uzbek writers Ulugbek Hamdam and Khurshid Dustmuhammad to the ancient Greek "Myth of Sisyphus". On the basis of the comparative analysis of the works of French, Arab and Uzbek writers, the idea, content, artistic features, interpretation of the images of these works have been revealed.

**Key words:** myth, neo ideology, "stream of consciousness", dream, Osiris, Realism, folklore, mythology.

**А**дабий жараёнда, ижодда мифларга, афсоналарга, фольклорга мурожаат қилиш тез-тез кузатиладиган ҳодиса, лекин ҳар бир ёзувчи уларга ўз дунёқаришидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Алоҳида олинган адибнинг бадиий иқтидори мифологик сюжетлар ва образларни асардаги турли ғоя ва мақсадларга бўйсиндиради. "Мифлар - инсонни кашф қилишнинг, инсон руҳияти, уммонига киришнинг бир воситаси. Ҳар қандай мифда халқ ўтмиши, дунёқараш, шахс "мен"и яширинган".



Адабиётдаги мифологик образ, сюжетларга янгича ижодий ёндашув асосида албатта, диний дунёқараш ва халқ оғзаки ижоди намуналари ётади. Адабий жараёнда мифларга ижодий ёндашув ҳар бир даврда ўзига хос тарзда кечган. Рус адабиётшуноси В.Е.Хализев таъкидлайдики, "Мифларга ижодий ёндашув жараёнида бадиий санъат яратувчилари, биринчи ўринда, ёзувчилар қатнашади. Улар, аввало етиб келган мифларга ўз муносабатларини билдирадilar, иккинчидан ўзларининг шахсий мифларини яратадилар" . Масалан, жаҳон адабиётидареализм ва романтизм босқичида И.В.Гёте, Ж.Г.Байрон, М.Де Сервантес, У.Шекспир, А.Толстой ва бошқалар, замонавий янгиланиш босқичида Ж.Жойс, С.Беккет, Ф.Кафка, А.Камю, Т.Манн, М.А.Булгаков, Ч.Айтматов, Мо Янн, Абе Кобэ каби ёзувчилар мифларга ижодий ёндашув натижасида янги бебаҳо асар намуналарини яратдилар. Ва натижада "неомифологизм" , яъни мифларга янгича ёндашув дунёга келди.

Араб ёзувчилари жамиятдаги долзарб муаммоларнинг ечимини топишда, инсон хилқатининг моҳияти ва унинг ички "мени"ни ёритишда, ҳамда адабий меросдаги қадимий анъаналарини тиклаш мақсадида мифларга, асотир-афсоналарга, пайгамбарлар ҳақидаги қиссаларга мурожаат қилдилар. Мифология ва адабиёт бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва барча даврларда бир-бирини тўлдириб турувчи омиллардир. Замонавий Миср ва Машриқ араб мамлакатлари адабиётида Нажиб Маҳфуз, Юсуф Идрис, Дийо аш-Шарқовий, Жўрж Салим, Мунир Утейба, Закария Тамер, Абдурахмон Мажид ар-Рубейъий, Муҳаммад Шаълон, Илийос Фаркуҳ, Валид Ихлосий, Муҳаммад Иброҳим ал-Ҳож Солиҳ ва бошқа бир қатор ёзувчилар

мифологик сюжет ва образларга, диний муқаддас китоблардаги ривоятларга ижодий ёндашув натижасида тағ маъноларга эга мураккаб услубдаги асарларини яратдилар. Бу, аслида, жаҳон адабиётдаги мушатарак жиҳатлар. Уларнинг айримлари ўзбек адабиётда ҳам мавжуд. Жумладан, мавжуд адабий ҳодисалар замонавий ўзбек адабиёти билан таққослаганда Омон Мухтор, Хуршид Дўстмуҳаммад, Улугбек Ҳамдам, Исожон Султон, Ҳабибулло Ҳайдар ва бошқа ёзувчиларнинг ижодида ҳам мифологик сюжет ва образларга, диний муқаддас китоблардаги ривоятларга янгича ижодий-услубий ёндашувларни кузатиш мумкин. Бундай ёндашув замонавий асарларни ҳам бадиийлик, ҳам мазмундорлик нуқати назаридан янги босқичга кўтарди, бадиий жиҳатдан юксак, серқатлам, серқирра, мураккаб, тағ маъноли рамзий ва мажозий, фалсафий мушоҳадаларга бой тўзал асар намуналарининг яратилишида муҳим омил бўлди. Араб ҳикоянавислари ҳам ўз бадиий-услубий изланишларида иймон-эътиқод, поклик, тўғрилиқ, эзгулик каби ҳамиша долзарб бўлган умубашарий мавзуларни кўпроқ ёритдилар.

Жаҳон адабиётда юнон мифологиясига мурожаат этиш энг кўп кузатиладиган бадиий ҳодисадир. Айниқса, "Сизиф" ҳақидаги мифга эътиборнинг салмоғи катта. Юнон мифологиясига кўра, Сизиф айёр, ҳатто Худоларни ҳам алдашга қодир, улар билан зиддиятга борган, шу билан бирга инсонпарвар шахс образидир. Сизиф ўзининг исёнкор хатти-ҳаракати туфайли маъбулларнинг қаҳрига учраб, дўзахда тоғнинг тепасига оғир харсанг тошни думалатиб олиб чиқққанда, унинг яна пастга думалаб тушиб кетиши ва яна бетўхтов олиб чиқиши каби жазога маҳкум қилинади.

Янги давр адабиётида "Сизиф" ҳақидаги мифга ижодий ёндашувни биринчилардан бўлиб француз ёзувчиси, модернизмнинг экзистенциализм оқими асосчиларидан Албер Камю бошлаб берган. Шунингдек, яна бир француз адибларидан Робер Мерл ҳам мазкур мифга мурожат қилиб пьеса яратган. "А.Камю мазкур қадимги афсонанинг иккинчи қисмидан, яъни Сизифнинг жазоланиши ҳақидаги воқеадан фойдаланган бўлса, Р. Мерль эса Сизифни жазоланишига сабаб бўлган гуноҳни асос қилиб олган".

А.Камюнинг "Сизиф ҳақида миф" асарига ўзбек адабиётшунослари ҳам ўз фикрларини билдирганлар, жумладан А.Қосимов А. Камюдаги абсурд масаласи борасида шундай фикр билдиради: "А.Камюнинг "Сизиф ҳақида асотир" асарида абсурд тушунчаси экзистенциализмнинг асосий тамойили сифатида тадқиқ этилган. А. Камю инсон ҳаётининг бемаъни эканлигини афсонавий Сизиф образидаги катта тошни думалатиб, тоғ чўққисига олиб чиқай деганда тошнинг думалаб, яна қайта паства тушишиб кетавериши ва бу ҳаракатнинг узлуксиз такрорланавериши орқали кўрсатган".

А. Камю асарида гарчи инсон бахтсиз тақдир олдида ожиз бўлса-да, у мана шу бахтсизликни мардонавор, сабр билан, кўтаринкилик руҳи билан енгиши лозимлигини уқтиради. Р.Мерл эса бахтсиз тақдирга инсоннинг ўзи сабабчи, унинг ўзи бахт учун курашиши лозим, деган гоъни илгари суради. Гарчи икки француз ёзувчиси бир афсонадан ўз асарларида икки қарама-қарши гоъни илгари суришда фойдаланган бўлсалар-да, иккала адибнинг ҳам асарларида инсонпарварлик, кўтаринкилик руҳи устувор мавқе тутди.

Замонавий араб адабиётида шоирлардан Шокир ас-Сойиб, Али

Аҳмад Саид ва б., ҳикоянависликда эса суриялик ёзувчи Жўрж Салим (1933-1976), мисрлик ёзувчи Дийо аш-Шарқовий (1938-1977) лар ҳам ўз ижодларида "Сизиф ҳақида миф" га мурожаат қилганлар. Мисрлик ёзувчи Дийо аш-Шарқовий " "Бог" ҳикоясида ҳосилсиз ерни боққа айлантirmoқчи бўлган деҳқоннинг тинимсиз меҳнатини Сизиф меҳнатига ўхшатади ва асотирлаштиради. Аммо А.Камюнинг қаҳрамони Сизиф ўз оғир меҳнатининг беҳудалигини аниқ англайди. Кекса Миср деҳқони - фаллоҳ эса гуллаётган бог тўғрисидаги орзусини амалга ошириш учун тинимсиз меҳнат қилади. Шу билан бирга Дийо аш-Шарқовий А.Камю асаридаги сюжетдан фарқли равишда ҳикоясида қадимги Миср мифи - табиатнинг яратувчилиқ, ҳосилдорлик Худоси Осирис тўғрисидаги мифга ҳам ишора қилади. Қишлоқда бирорта одам чолнинг бог ўстиришига ишонмайди. Ҳосилсиз ерда бог ўстириш учун курашида деҳқоннинг ўгиллари халок бўлади. Аммо ҳикоя ниҳоясида тошли ерда бог барпо бўлади. Шундай қилиб, Д.Шарқовий инсоннинг ер курашидаги самарасиз меҳнати тўғрисидаги афсонага ҳосилдор Нил водийсининг афсонасини қарама-қарши қўйган ҳолда ўзига хос сюжетга эга бўлган асар яратади. Адиб тинимсиз меҳнат орқали орзуга етишиш мумкинлигини, инсон ҳаёти ва унинг машаққатлари маъно-мазмунга эга эканлигини исботлашга ҳаракат қилади.

Суриялик ёзувчи Жўрж Салимнинг "Қалъа" ҳикоясининг бадиий-поэтик услуби А.Камю, Д.аш-Шарқовий асарларидан тубдан фарқ қилади. Ж.Салимнинг мазкур ҳикоясида магик реализм унсурлари - сюжетнинг реал ва норéal воқеликка бўлиниши, мифологик сюжет, образларга ижодий ёндашув каби бадиий-услубий изланишлар хос. "Магик реализм

йўналишида мифларга ижодий ёндашув асосий унсурлардан ҳисобланади". Ж.Салимнинг "Қалъа" ҳикоясининг А.Камю ва Р.Мерлнинг асарларидан мазмунан фарқи шуки, ёзувчи ҳикоясида Сизифнинг гуноҳини ва унга чиқарилган жазо ҳукмини тамомила қайта ишлаган ҳолда уларни бирлаштириб юборади. А.Камю ва Р.Мерллар мифдан ўзларига тегишли қисмини ажратиб олиб, мифологик образдан, мифологик сюжетдан воз кечмаган, оригиналликни сақлаган ҳолда асарни қайта ишлаган бўлсалар, Ж.Салим ҳикояда бевосита мифологик образдан фойдаланмайди, балки мифнинг асосий ғоясини ҳаётдан бегоналашган образ орқали тасвирни ўз даври муаммоларига яқинлаштиради. Ж.Салим ҳикоя қаҳрамонини ҳам, мифологик қаҳрамон Сизифнинг қилган гуноҳини ҳам, унга ҳукм қилинган жазони ҳам ўзгартириб юборган. Шунга қарамай, сюжет унсурлари кузатилса, бу уч адиб асарларининг асоси бир эканлиги очилади.

Бу асос улар орасидаги ўхшашликда намоён бўлади, яъни "Қалъа" ҳикояси қаҳрамони ҳам ҳар куни гордан зиналар бўйлаб пастга тушиб, у орқали шаҳар майдонидан чиқишга ҳукм қилинади, ҳикоя қаҳрамони эса, худди Сизифдек, бу буйруқни сўзсиз итоаткорлик билан бажараверади. Буни ҳикоядаги рамзий образлардан Қалъа эгасининг ҳикоя бош қаҳрамони, яъни ҳаётдан зериккан, чарчаган инсонга нисбатан ҳукмида, яъни жазосида кўриш мумкин. "Қалъа" ҳикоясининг реал қисми бу ҳаётдан, ўз тақдирдан зериккан, чарчаган инсон ҳаётини тасвирлашдан иборат. Бош қаҳрамон ўзидаги бу ҳолатни энгиш учун ота-боболаридан фарқли равишда ҳар куни ишидан сўнг шаҳар бўйлаб сайр қилишни одат қилади. Бу эса, унинг "инқилоб"га

биринчи қадами эди. Ёзувчи бу сайрларини "қоянинг силжиши" га ўхшатади, лекин бу сайрлар қаҳрамонга ҳеч қандай руҳий хотиржамлик бермайди. Ҳикоянинг нореал қисми эса бош қаҳрамоннинг рамзий, сирли, гўзал боққа келиб қолиши, унда баланд, осмонўпар, ажабтовур қалъани кўриши ва у ерга бориши, у ерда рамзий образлардан қўриқчилар, қўриқчиларнинг бошлиғига учраши ва Қалъа эгасини таниши каби гайритабиий, сирли воқеаларнинг баёнидир. Яъни, ҳикояда қалъа эгаси ҳаётдан зериккан, чарчаган инсонни жазолаш учун у севган машгулотдан, яъни у саёҳатни севадиган инсон бўлгани учун унга мос жазони қўллайди.

"Шу онда уни қалъанинг энг юқорисига олиб чиқдилар, қалъа юқорисида қазилган горга етиб боргунча юрдилар. Кўриқчилар бошлиғи унга деди.

-Мана шу гор зиналаридан пастга тушасан, зиналар сени шаҳар майдонига олиб боради.

-Шаҳар майдонидами?

- Ҳа, шаҳар майдонига. Ва сен туни билан саёҳат қиласан.

Кўриқчилар каттаси шундай деб туриб уни гор оғзига итарди. У қўриқчилар бошлиғига сўнгги бор назар ташлаб, ҳолсиз аҳволда деди:

Мен шу аснода қалъа эгасини кўраманми?

-Тўлиқ покланмагунингча ва бу ҳаётни охиригача ўтказмагунингча уни ҳеч қачон кўрмайсан".

Ҳикоя қаҳрамонига ҳар куни гордан пастга қараб, зиналар ёрдамида тун оғушида сайр қилиш вазифаси юклатилади. Ҳикоя қаҳрамони эса буйруқни бажаришга мажбур, у бундан бош торга олмайди. Қаҳрамонга юклатилган бу жазонинг ҳеч охири кўринмайди, чунки бу ҳаракат ҳикоя

қаҳрамонлардан бири қўриқчилар катгаси айтганидек, "бошланишнинг бошланишигача кетма-кет давом этади". Ж.Салим "бошланишнинг бошланиши" иборасида чуқур диний-фалсафий мушоҳадани баён этгандек туюлади. Фикримизча, бу иборанинг маъноси шуки, инсон ўз ҳаёти давомида поклик томон, руҳий баркамоллик томон юришни бошламас экан, унинг асл қадами ҳали бошланмаган бўлади, бундай инсонга ҳали ҳақиқат йўли очилмаган. Инсон умрини ўтказаверади, лекин кимдир ҳақиқатни англаб, ҳис қилиб яшаса, яна кимдир буни ҳис қилмаган ҳолда, ўзининг том маънодаги ҳаёт мазмунини тушунмаган ҳолда яшаб, умрини бесамар, беҳуда ўтказиб юборади. Мазкур ҳикояда худди шундай умрини бесамар, беҳуда ўтказётган, ҳали ўз ҳақиқатини англаб етмаган инсон образи яратилган, яъни бунинг замирида бош қаҳрамоннинг дунёга келиши, яшашдан мақсади, ҳаёт қонунларини ҳали тўлиқ англаб етмагани, руҳий баркамолликка эришмагани, ва умуман, у ҳали қалъа эгасини, яъни Яратувчини кўришга лойиқ даражага етмаган инсон эканлигига ишора яширинган.

Ж.Салимнинг "Қалъа" ҳикоясида Фарбдаги абсурд адабиётига хос бўлган умидсизлик, тушкунлик кайфияти етакчилик қилади. Тасвир мароми ҳам айти шу мазмунни ифода этадиган услубда давом этади. Бу жиҳатлар уни фарб модернизмга яқинлаштиришига қарамасдан, тасвир мароми ҳикоянинг якуний қисмидаёқ ўзгариб шарқона қадриятлар, шарқ халқларига хос бўлган ишонч, умид каби инсониятни яшашга ундовчи туйғуларга ўрин беради. Буни ҳикоя бош қаҳрамоннинг "Мен шу тариқа қалъа эгасини кўраманми?", деган саволига қўриқчилар бошлигининг "Тўлиқ покланмагунингча ва бу ҳаётни охиригача ўтказмагунингча

уни ҳеч қачон кўрмайсан", деган жавоби юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Мазкур ибората тасаввуф таълимоти гоёлари ҳам кўзга ташланади, зеро, инсон фақатгина ўзига берилган умрни тўғри яшаб, мукамал покликка эришсагина Яратувчига етишиши мумкин, деган таълимот, маълумки, тасаввуфга оидир. Ж.Салим мазкур ҳикояда комил инсон гоёсини илгари суриб, инсониятни комилликка, ҳақиқатга эришишга ундайди.

Улугбек Ҳамдам нинг "Кўнглимдаги дарё", шунингдек, "Лола" туш-ҳикоясида ҳам "Сизиф ҳақида миф"га ишора кўзга ташланади. У.Ҳамдам ҳикоясида инсониятнинг тўхтамас, бир хил, узлуксиз давомий ҳаракатини акс эттиради. Ҳикоя бош қаҳрамонининг тушида баланд чўққидидаги лолага бўлган интилиши, лолага етишиш учун ҳаракати, турли тўсиқларга учраши чўққига етиб борганда, яна олдинда янгидан янги чўққиларнинг туриши орқали Сизифнинг ҳарсанг тошни чўққига олиб чиққанда яна пастга думалаб кетиши ва уни яна қайта пастга тушиб чўққига олиб чиқиши каби ҳолатига ҳамоҳангдир.

"Лола" ҳикоясида лола рамзий, ассоциатив образ ҳисобланиб у ўзида жуда кўп маъноларни жамлайди. "Шундоқ рўбарўмда қоя - қиррадор тошли, тик ва баҳайбат. Устида ҳилпираб турган алвонранг, бениҳоя гўзал лолага ҳамма ўзини уради". Лола -ҳақиқат, мақсад, орзу, эзулик, гўзаллик, инсон умри, ҳаёт машаққатлари тимсоли. "Одамлар - қанчаси афсонавий қояга тирмашиб, афсонавий чечак сари кўтарилаётган, қанчаси қулаб ҳу-у-ув пастларда қолган тошларга урилиб мажақланган. Масофанинг ўртасигачаям ҳали ҳеч зот етмаган". Ҳикоя бош қаҳрамонининг туши орқали лолага етишиш учун минг машаққатлар билан чўққига интилаётган инсонларнинг ҳаракати, бу йўлда баъзиларини

чўққини забт этиши, баъзиларининг эса чўққига чиқаетганда пастга қулаб кетишини тасвирлаб, ҳаётда ўз мақсади, орзуси сари интилаётган инсонларни, уларни бу дунёда ё мақсадларига етишишлари, ёки етмасликлари, ёки ҳаёт машаққатлари ичида инсонларнинг тушкунликка тушиб тўхтаб қолишлари ёки яна олдинга сари интилишлари акс эттирилган. Буни ёзувчи қуйидагича ифодалайди: "Туш кўраман. Тушимга ҳам шу довон, унинг машаққатлари кирибди. Мен тақрор уни қўлга киритибман. Аммо ошиб ўтгач не кўз билан кўрайинки, юқорида яна одамзоднинг ўтишини хаёл қилиб бўлмайдиган сон-саноқсиз тик қоялар кетма-кетлиги савлат тўкиб турарди. "Дод!" - дея бақирганча уйғониб кетаман... Лекин, барибир юксакка қарашга, у ердаги ҳақиқатни билишга маҳкум этилганимни унутолмайман. Таваккал қилиш пайти келганди: ё ҳаёт-ё мамот!.." Кўриб турганимиздек, У.Ҳамдам ҳикояда "ҳақиқатни билишга маҳкум этилганимни унутолмайман" жумласида юнон мифологиясидаги Сизифга ҳукм қилинган узлуксиз меҳнатга ишорани кўришимиз мумкин. Инсон оғирми, энгилми ҳаёт синовларини энгиб ўтишга маҳкум. У Сизифдек тинимсиз меҳнат гирдобиди қолган ҳилқатдир. Лекин мана шу меҳнатдан маъно топиб яшаш инсонга хос хусусиятдир. Шунингдек, яна бир машҳур ўзбек адиби, ўтқир қалам соҳибларидан Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам "Донишманд Сизиф" романида қадимги юнон афсонасига мурожаат қилиб, А.Камюдек мифнинг аслиятини сақлаган ҳолда, Сизиф меҳнатини, унинг тақдири бўйича ҳис кечинмалари-ю, ўй-ҳаёллари гўзал тарзда бадиий тасвирлаган.

"...Сизифнинг, зеро у тақдир ва қисматни ўзига раво кўрилган инъом,

иноят, насиба деб билади, ҳамон маъбудлар маъбудди раво кўрдими, вассалом, Сизиф унга қарши галаён кўтармайди, у ўзини ғаддор исёнкорлар тоифасига қўшмайди, тақдир қайтмас панжасига панжа уриш ниятида қилич яланғочламайди, балки кўксини қалқон қилиб харсангтошни чўққига олиб чиқиш ҳақида қайгуради, астойдил қайгургани учун ҳам мақсад-шу орзу унинг аъмолига, ўтаётган умрининг мазмунига айланиб кетганди".

Х.Дўстмуҳаммад асариди Сизиф мардлик, жасорат рамзи, ўз тақдирдан мамнун, иродаси мустаҳкам, маъсулиятли, меҳнатсевар, кучли сабр-тоқатга эга инсон тимсолидир. У ўз матонати, ўзининг метин иродаси, туганмас сабр-тоқати билан минг машаққатлар билан катта харсанг тошни тоғ чўққисига олиб чиқади, у тошни ўз матонати билан энгади.

Гувоҳи бўлганимиздек, юнон мифологиясидаги Сизиф ҳақидаги мифга француз, араб, ўзбек замонавий ёзувчилари мурожаат қилишган. Улар инсоният меҳнатининг узлуксиз, давомийлигини баён этишган. Лекин, инсон меҳнатининг самарали ёки самарасиз эканлиги муаммосига мазкур ёзувчилар турли хил нуқтаи назардан ёндашганлар. Бунда ёзувчилар ижодида ҳам услубий, ҳам мазмуний хилма-хиллики кузатиш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, француз ёзувчиси А.Камю "Сизиф ҳақида миф" асариди мазмуний жиҳатдан бу дунёнинг беҳудалиги, инсоннинг ёлғизлиги, самарасиз меҳнат гирдобиди қолганини, лекин мана шу самарасиз меҳнатни маъсулият, мамнуният билан мардоновор энгиб ўтиши лозимлиги таъкидлаган. Услубий жиҳатдан эса А.Камю юнон мифиди арихетип образ ва сюжетни аслидек сақлаб қолиб, Сизифнинг ҳатти-ҳаракати кўпроқ ёзувчи томонидан шарҳланган. Худди

шунингдек, Х.Дўстмуҳаммад ҳам "Донишманд Сизиф" романида юнон мифологиясининг образ ва сюжет моҳиятини сақлаган ҳолда янги маъно, мазмунлар бойитиб, бош қаҳрамон Сизифнинг жонли сиймосини ярата олган. XX аср охири араб ёзувчиларидан Дийо аш-Шарқовий эса "Боғ" ҳикоясида реал воқеликни тасвирлаб, Сизиф меҳнатини Миср деҳқони ҳаётига кўчирган. Ёзувчи деҳқоннинг оғир меҳнати, унинг натижага, орзуга бўлган тинимсиз интилиши бесамар кетмаслиги, ҳаётнинг беҳуда эмаслигини таъкидлаган.

Жўрж Салимнинг "Қалъа" ҳикоясида эса ҳикоя сюжетига юнон мифининг янги талқини мужассам. Ҳикоя қаҳрамонида ўзи яшаб турган ҳаётига нисбатан Сизиф каби норозилик уйғонади, натижада у бу қилмиши учун жазога маҳкум қилинади. Лекин, А.Камюнинг асардан фарқли равишда Ж.Салимнинг ҳикоясида жазо ижросининг муқаррарлиги, бунинг учун инсоннинг комиллика эришиши, покланиши лозимлиги таъкидланади. Услубий жиҳатдан эса Ж.Салим ҳикоясида магик реализм унсурлари

яққол кўзга ташланади, рамзий, мажозий, ассоциатив образлар асосий ўрин тутати. Ўзбек ёзувчиси У.Ҳамдам "Лола" ҳикоясида инсонни Сизиф каби оғир, машаққатли меҳнати, яъни ҳикоя бош қаҳрамонининг тоғнинг юқориси чўққига чиқиши ва етиб борганда олдинда яна шундай чўққилар борлигини тасвирлаб, бу меҳнатнинг замирида орзуга, ҳақиқатга интилиш, ҳаёт машаққатлари ётишини кўрсатган. Адиб ҳикояда услубий жиҳатдан туш, "онг оқими" каби поэтик воситалардан, рамзий образлардан фойдаланган.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий араб ва ўзбек ёзувчилари асарларида жаҳон ҳамда миллий мифология, фольклор жанрлари, муқаддас диний китобларда келтирилган қисса ва ривоятларга мурожаат этган ҳолда жаҳон адабий жараёнидаги замонавий йўналиш ва оқимларни миллий заминга мослаштириш жараёнини юзага келтирдилар. Уларда анъанавий сюжет воқеалари бугунги замон инсонни тимсолида гавдалантирилди. Услубий жиҳатдан эса, ҳикояларда модернистик тасвирга оид услубий воситалар, магик реализм унсурлари истифода этилди.

#### Адабиётлар:

1. Ҳамдам У. Ватан хақида кўшиқ (Роман ва ҳикоялар). – Т.: Академнашр, 2014. – 544 б.
2. Мифы народов Мира. – М.: Астрель, 2006. – 392 с.
3. Мифы и легенды народов Мира. Передняя Азия. – М.: Литература Мир книги, 2004. – 416 с.
4. Дўстмуҳаммадов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоячилигида бадий тафаккурнинг янгилаinishи (80-йилларнинг 2-ярми ва 90-йиллар). Филол. фан. ном. дис. автореф. – Т., 1995. – 28 б.
5. Дўстмуҳаммад Х. Донишманд Сизиф. Романлар. – Т.: Ўзбекистон, 2016.
6. Ганиханова Е.Э. Мифологические образы в современной арабской поэзии (50-70-е годы XX века) и их функциональная нагрузка. Диссер... на соис.. канд. филол. наук. – Т. 1993. – 164 с.
7. Затонский Д.В. Модернистские мифы и действительность. В кн: Современные проблемы реализма и модернизм. – М.: Наука, 1965. – С. 192-195
8. Муҳиддинова Д.З. Жўрж Салим ҳикояларида бадий тафаккур эволюцияси. Филол. фил. номз. диссер. – Т., 2008. – 163 б.
9. Теория литературы. Литературный процесс. 4-х т., – М.: ИМЛИ РАН, «Наследие», 2001. Т.4. – 455 с.
10. Қосимов А. Адабиётдаги экзистенциализм ва абсурд тушунчаларининг фалсафий асосларига доир. Ўзбек тили ва адабиёти журнали – Т.: ЎзРФА "Фан", 2002, №6, – Б.35.
11. Эшонкул Н. Мендан "мен" гача. – Т.: Академнашр, 2014. – Б.113.
12. Халиев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа. 2005. – С.122-123.
13. جورج سالم. حكاية الظمأ القديم. قصص. دمشق: منشورات اتحاد الكتاب العرب، 1976.
13. ضياء الشرفاوي. الحديقة. قصص. القاهرة، 1976.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ПОРТРЕТНЫЕ ОПИСАНИЯ КАК РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ МОДАЛЬНОСТИ  
АВТОРА**

**Нормуродова Нозлия Зарилловна,**

Кандидат филологических наук, доцент Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы им. А.Навои  
e-mail: nozliyanormurodova1@gmail.com

**For citation:** Normurodova Nozliya. Portrait descriptions as a representation of author's modality. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 5, pp. 63-68



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-9>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

В статье ставятся вопросы о портретных описаниях как репрезентация модальности автора. Показаны точки зрения известных лингвистов относительно их специфики. Доказывается значение имплицитного и эксплицитного портретов в репрезентации индивидуальной картины мира автора. Обращается внимание на путаницу в терминологии, часто встречающуюся на страницах лингвистических исследований. Рассмотрены различные значения самого термина "портрет". Подробно раскрываются такие спорные вопросы, как компактный, рассредоточенный, дескриптивный, динамический, маркированный.

**Ключевые слова:** портрет, модальность, индивидуальная картина мира, имплицитный, эксплицитный, уровень.

---

**PORTRAIT DESCRIPTIONS AS A REPRESENTATION OF AUTHOR'S  
MODALITY**

**Normurodova Nozliya Zarilovna**

PhD, Associative professor of Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after A.Navoi

---

**ABSTRACT**

---

The article raises questions about the portrait descriptions as a representation of author's modality. The viewpoints of well-known scholars regarding their specifics are shown. The importance of portrait description in revealing author's individual world picture is proved. Attention to the confusion in terminology often found in linguistics studies is drawn. Various meanings of the term "portrait" are considered. Such controversial issues as laconic, detailed, descriptive, dynamic, marked portraits are revealed in detail.

**Keywords:** portrait, modality, individual world picture, implicit, explicit, level.

## ПОРТРЕТ ТАСВИРИ МУАЛЛИФ АСАРИНИНГ МОДАЛЛИК ИФОДАЛАНИШИ СИФАТИДА

**Нормуродова Нозлия Зарилловна,**

А.Навий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети  
Филология фанлари номзоди, доцент

### АННОТАЦИЯ

Мақолада портрет тасвири муаллиф модаллигини ифодалаш хусусида фикр юритилади. Таниқли олимларнинг назарий қарашларининг ўзига хос жиҳатлари талқин қилинади. Муаллиф индивидуал дунё манзарасини акс эттирадиган эксплицит ва имплицит портрет турлари таҳлил этилади. Шунингдек, "портрет" атамаси атрофидаги тушунчалар кўрсатиб берилди. Портретнинг баҳс мунозарасига сабаб бўлувчи масалалар борасида атрофича фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** портрет, модаллик, индивидуал дунё манзараси, имплицит, эксплицит, даража.

**П**роблема портретизации в художественном дискурсе привлекает внимание исследователей разных направлений - лингвистов, литературоведов, философов [1, 2, 3, 4, 5].

На современном этапе лингвистических исследований существует два понимания термина "портрет", во-первых, как одно из средств художественной характеристики персонажей через изображение их внешности и, во-вторых, как "целостность внешнего и внутреннего человека" [2, С.2]. В широком понимании портрета включаются психологическая характеристика, факты биография и т.д. [7, С.19], а также характерологическое представление персонажа [5С.60], описание "внутреннего состояния персонажа, его действий и взаимоотношений с другими персонажами, манеры говорить и образ мышления" [8, С. 46]. Л. Н. Дмитриевская определяет портрет в литературном произведении как "одно из средств создания образа героя, с отражением его личности, внутренней сущности, души через изображение внешнего облика..." [4, С.90]. Исследователи рассматривают портретное описание как совокупность большого количества семантических элементов, отображаемых в

репрезентации внешнего облика человека в художественном дискурсе.

Портрет является одним из составных частей художественного образа, он включает в себя и общие типические черты и индивидуальные. С одной стороны, персонаж художественного произведения изображается в большинстве случаев как социальная и историческая языковая личность, представитель определенной общественной эпохи, определенного класса и классовой группы; его наружность, движения, манеры характеризуют обычно ту социальную среду, которую автор в своем произведении обобщает и идеологически оценивает. Кроме того, художественный портрет является опосредованным отражением ЯЛ автора, его неповторимой индивидуальностью, отличающейся от других членов своей среды, выбором и сочетанием индивидуальных черт художественного портрета. Автор также выражает свое идейное отношение к той социальной группе, представителем которой является персонаж.

Каждый художественный портрет представляет собой двухуровневую структуру: эксплицитные (физические данные персонажа) и имплицитные (внутренний мир персонажа) данные. Классификация структуры портрета



проводится по типу дистрибуции портретных описаний в тексте: компактные (непрерывная структура) и рассредоточенные (прерывная структура) портреты [1, 4].

Одной из основных составляющих концептуальной картины мира в художественном дискурсе является духовный мир персонажа. Анализ языкового материала содержит не только внешнее описание персонажа, но и раскрытие внутреннего духовного мира персонажа, его концептуальной картины мира которая выражает модальность автора.

Существуют несколько типов корреляции внешних (описания внешности персонажа) и внутренних (описания внутреннего мира персонажа) признаков в описании портрета: 1) внешние и внутренние признаки совпадают: а) по типу положительной оценки; б) по признаку отрицательной оценки. 2) внешне и внутренние характеристики составляют оппозицию: а) положительная оценка- отрицательная оценка; б) отрицательная оценка-положительная оценка. Эти четыре типа портрета выявляют корреляции между лингвистическими и концептуальными структурами, определяющими характер художественного портрета. "Внешность" и "духовный мир человека" во взаимодействии создают определенный концепт, который является весьма значимым в репрезентации картины мира в художественном тексте [1] Таким образом, анализ лингвистической литературы выявил различные подходы к решению проблемы художественного портрета и его типов. В целях нашего исследования наиболее приемлемыми представляются целесообразным разграничение следующих типов художественных портретов.

- компактный портрет - это единичное портретное описание.

- рассредоточенный портрет представляет собой неоднократное, периодическое обращение к внешности персонажа в ходе повествование.

- портрет-восприятие (портрет-оценку);

- ситуативная портретная характеристика- портрет-ситуация

- статический портрет представляет собой обобщенный портрет героя, локализованный в пространстве и времени, т.е. предметы, признаки описываются в их качественной определенности и неизменности в определенный период времени, поэтому статический портрет чаще всего имеет компактное строение.

- динамический портрет изображает визуально воспринимаемое поведение человека, т.е. прежде всего мимику, жесты, походку, изменяющейся выражение лица, глаз и т.д.

- имплицитный (может быть акцентным для данного персонажа; такой признак иногда выступает в качестве доминирующего и своеобразно преломляет внутренний мир персонажа

- маркированный - направлен на создание конкретного, зрительно закреплённого образа;

- дескриптивный - передается признак, который соотносится со сферой рационально - оценочного восприятия, преобладает описательный компонент значения.

Одним из ярких примеров портретного описания является роман Шарлотты Бронте "Jane Eyre". Главными персонажами данного романа являются: Jane Eyre и Mr. Rochester. Автор рассказывает о тяжелом детстве Jane, о том, как ей приходится преодолевать очень много трудностей на своем жизненном пути, о становлении ее характера и внутреннего мира, и о том, что проявляется в портретных описаниях.

Выбранный для анализа портрет относится к типу, рассредоточенному и дескриптивному, так как на протяжении всего романа меняется и внешность, и характер главной героини. Автор, подчеркивая мелкие, но значимые детали в образе героини создает параллельные линии между внешностью и ее внутренним миром.

В самом начале романа художественный портрет Джейн предстает внешне некрасивой девочки, что, по мнению окружающих, определяет весьма неприязненное отношение к ней. Это утверждение может быть проиллюстрировано следующим примером:

"If she were a nice, pretty child, one might compassionate her forlornness; but one really cannot care for such a little toad as that."

В данном примере в описании внешности персонажа используется метафора "toad" подчеркивающая неприязненное отношение к Джейн что объясняется ее внешностью, а использование сослагательного наклонения создает контраст между привлекательной и отталкивающей внешностью, одновременно выражая внешние и внутренние по признаку характеристики отрицательной оценки.

В другом отрывке также отличается невзрачные внешние данные персонажа, однако в отличие от предыдущего в нем выражена положительная оценка:

"She has a peculiar face; fleshless and haggard as it is, I rather like it; and when in good health and animated, I can fancy her physiognomy would be agreeable"...

В описании внешности используются следующие лексемы: peculiar- different to what is normal or expected; strange; fleshless- lean and gaunt [www.merriam-webster.com/dictionary]; haggard-looking exhausted and unwell, especially from

fatigue, worry, or suffering, значение которых свидетельствует о неяркой внешности персонажа. Однако в контексте данного высказывания выражена, как отмечалось выше, положительная оценка: likeit, agreeable.

В следующем примере хотя по-прежнему несмотря на некрасивую внешность персонажа подчеркивается внутренние качества персонажа, сила воли, что является положительной оценкой характера персонажа.

You will find she is some young lady who has had a misunderstanding with her friends, and has probably injudicious sly left them. We may, perhaps, succeed in restoring her to them, if she is not obstinate: but I trace lines of force in her face which make me skeptical of her tractability.'... "She looks sensible, but not at all handsome." ... "The grace and harmony of beauty are quite wanting in those features" [8, С.168].

Следует отметить, что портретное описание Джейн представлено в основном в восприятии других персонажей, что дает возможность с одной стороны автору высказать отношение к ней остальным персонажам, с другой стороны показать значимость художественного портрета в раскрытии образа.

Это утверждение может быть проиллюстрировано следующим примером.

"Eight years! You must be tenacious of life. I thought half the time in such a place would have done up any constitution! No wonder you have rather the look of another world. I marveled where you had got that sort of face. When you came on me in Hay Lane last night, I thought unaccountably of fairy tales, and had half a mind to demand whether you had bewitched my horse: I am not sure yet [8, С,144]."

Здесь основное внимание уделяется не столько внешности персонажа, сколько ее воздействию на других, в

данном случае мистера Рочестера восприятию которого лицо Джейн обладает сказочным магическим воздействием.

Важно подчеркнуть, что образ Джейн можно отнести к так называемому динамическому типу портрета, которая на протяжении всего романа подвергается внешним и внутренними изменениями.

The flame flickers in the eye; the eye shines like dew; it looks soft and full of feeling; it smiles at my jargon: it is susceptible; impression follows impression through its clear sphere; where it ceases to smile, it is sad; an unconscious lassitude weighs on the lid: that signifies melancholy resulting from loneliness. It turns from me; it will not suffer further scrutiny; it seems to deny, by a mocking glance, the truth of the discoveries I have already made, - Jane Eyre to disown the charge both of sensibility and chagrin: its pride and reserve only confirm me in my opinion. The eye is favourable. 'As to the mouth, it delights at times in laughter; it is disposed to impart all that the brain conceives; though I daresay it would be silent on much the heart experiences. Mobile and flexible, it was never intended to be compressed in the eternal silence of solitude: it is a mouth which should speak much and smile often, and have human affection for its interlocutor. That feature too is propitious. I see no enemy to a fortunate issue but in the brow; and that brow professes to say, - I can live alone, if self-respect, and circumstances require me so to do. I need not sell my soul to buy bliss. I have an inward treasure born with me, which can keep me alive if all extraneous delights should be withheld, or offered only at a price I cannot afford to give.' The forehead declares, 'Reason sits firm and holds the reins, and she will not let the feelings burst away and hurry her to wild chasms. The passions may rage furiously, like true

heathens, as they are; and the desires may imagine all sorts of vain things: but judgment shall still have the last word in every argument, and the casting vote in every decision. Strong wind, Earthquake - Jane Eyre shock, and fire may pass by: but I shall follow the guiding of that still small voice which interprets the dictates of conscience.'... 'Well said, forehead; your declaration shall be respected [8. С.88].

Данное описание представляет собой фреймовую структуру, т.к. портрет формируется напорных составляющих: eye, lid, mouth, brow, forehead. Через отношение Рочестера к Джейн, автор дает полную характеристику персонажа: ее психологического, эмоционального состояния. В данном абзаце мы видим, что Рочестер говоря о ее внешности, замечает каждое изменение, каждую мелкую деталь на ее лице. Помимо этого, как мы говорили в самом начале, что портрет является рассредоточенным, мы видим, что Джейн изменилась и внешне, и внутренне. Внутреннее состояние героини подчеркивается следующими лексемами: flame, soft, susceptible, melancholy, sensibility, favourable, Mobile and flexible, propitious, inward treasure, passions. Автор подчеркивает внутреннюю привлекательность и достоинство героини. Главная героиня является олицетворением не внешней красоты, а внутреннего мира.

Следует отметить, что некоторые авторы специально выделяют языковой портрет, безусловно, есть сопоставительный художественный портрет в живописи, или в психологии. Но наш анализ направлен на языковой портрет, т.е. художественный портрет выраженный языковыми средствами. И выше отмеченные портреты (портрет-штрих, оценочный портрет, ситуативный портрет, дескриптивный портрет) являются языковыми портретами.

Выделенные портреты художественного персонажа выявляют корреляции между лингвистическими и концептуальными структурами, определяющими характер портрета. Два смысловых плана - внешность и духовный мир человека во взаимодействии создают определенный концепт, который является весьма значимым в репрезентации картины мира автора в дискурсе.

Характер портрета и, следовательно, его роль в произведении могут быть самыми разнообразными. Здесь необходимо подчеркнуть, что в художественной литературе чаще встречается психологический портрет, в котором автор через внешность героя стремится раскрыть его внутренний мир, его характер [2, С.67].

He was certainly wonderfully handsome, with his finely-curved scarlet lips, his frank blue eyes, his crisp gold hair. There was something in his face that made one trust him at once. All the candor of youth was there, as well as all youth's passionate purity. One felt that he had kept himself unspotted from the world. ('The Picture of Dorian Gray' O.Wilde)

Выбранный портрет является деконцентрированным, качественным, дескриптивным, автор использует детали, которые придают

индивидуальность внешнему облику персонажа (scarlet lips, frankblueeyes, crispgoldhair). Портрет представляет собой фреймовую структуру, опорными составляющими которой являются: lips, eyes, hair, face. Описание этого художественного портрета содержит очень положительную характеристику персонажа, подчеркивает не только красоту Дориана (wonder fully handsome, scarlet lips, blue eyes, gold hair) и его положительную оценку: frank eyes, candor of youth, youth 'spassionate purity, unspotted from the world. В данном отрывке совпадают внешние и внутренние характеристики персонажа.

Подводя итог, можно отметить следующее: портретное описание имеет двухуровневую структуру: поверхностную - внешние характеристики персонажа, внутреннюю - внутренний духовный мир персонажа. Корреляция между этими признаками может совпадать: 1) по типу положительной оценки; 2) по признаку отрицательной оценки; или составлять оппозицию: 1)положительная оценка - отрицательная оценка; 2) отрицательная оценка- положительная оценка. Портретное описание может проявляться на психологическом, эмоциональном уровне, через отношение людей и состояние персонажа.

#### Литературы:

1. Караулов, Ю. Н. Русский язык и языковая личность. М. : Наука, 1987. 264 с.
2. Краткий словарь когнитивных терминов / Е. С. Кубрякова, В. З. Демьянков, Ю. Г. Панкрац, Л. Г. Лузина. М. :Филол. фак. МГУ им. Ломоносова, 1996. 245 с.
3. Молчанова, Г. Г. Английский как неродной. М. :Олма Медиа Групп, 2007. 384 с.
- 4.Нормуродова Н.З. Выражение языковой личности в художественном диалоге:автореф. дис. ... кандидатафилол. наук. Самарканд, 2012. 28с.
- 5.Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Stylistics of literary text. Т., Tafakkurqanoti, 2013.
6. Normurodova N.Z. Linguistic Personality In The Light Of Antropothentric Paradigm: Basic Notion, Best Practices, Challenges And Perspectives\LangLIT, INDIA, 2018\12-34
7. Bronte, Sh. Jane Eyre. СанктПетербург : Антология КАРО, 2007. 255 p.
8. Bushnell, C. Lipstick Jungle. N. Y. :Ballantne Books, 2006.355 p.

---

**СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**БАДИЙ МАТН: ТУШУНЧА ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ**

**Юсупов Ойбек Нематжонович,**

Тошкент давлат педагогика университети доценти

**Ондрина Анна Александровна,**

Тошкент давлат педагогика университети талабаси

e-mail: mr.yusupov85@mail.ru

**For citation:** Yusupov Oybek, Ondrina Anna. Literary text: semantic analysis concept and differential specificity. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 5, pp. 69-73



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-10>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада бадий матннинг тушунча ва дифференциал хусусиятлари таҳлил қилинган. Zero бадий матннинг ўзига хослиги нутқий тузилманинг индивидуаллигини ўз ичига олиб, барча элементларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини аниқловчи бадий асарнинг қурилиши ҳисобланади. Хабар етказувчига дунёқараш ва муносабат бўйича айнан муаллиф ўз интенциясига мувофиқ ҳолда мурожаат қилинувчи дунёқарашига мос равишда мурожаат қилувчининг ментал ва руҳий призмаси орқали етказилувчи дунё проекцияси ва асосий категориялари ҳисобланади.

**Таянч сўзлар:** тил, матн, бадий матн, лингвистика, парадигма, дискурс, дефиниция, семантика, когнитив модел.

---

**ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ТЕКСТ: СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЕ И ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНУЮ СПЕЦИФИКУ**

**Юсупов Ойбек Нематжонович,**

Доцент Ташкентского государственного педагогического университета

**Ондрина Анна Александровна,**

Студентка Ташкентского государственного педагогического университета

В данной статье анализируется представление о художественном тексте и его дифференциальная функция. Поскольку, текст исследуется как когнитивный модель в процессе творческих речач. Так же исследования коммуникативно-прагматического компонента художественного перевода являются, с одной стороны, образно-эстетические характеристики перевода в сопоставлении с оригиналом, а с другой, - влияние локальных и временных параметров коммуникации и личностных и профессиональных установок переводчика на выбор варианта перевода.

**Ключевые слова:** язык, текст, художественный текст, лингвистика, парадигма, дискурс, дефиниция, семантика, когнитивный модель.

## LITERARY TEXT: SEMANTIC ANALYSIS CONCEPT AND DIFFERENTIAL SPECIFICITY

**Yusupov Oybek Nemaţjonovich,**

Associate Professor of Tashkent State Pedagogical University

**Ondrina Anna Alexandrovna,**

Student of Tashkent State Pedagogical University

### ANNOTATION

In given article analyzed conception about literary text and its differential function. The text is studies as a cognitive model in the process of creative speeches. Research-pragmatic component of literary translation one of the figurative and aesthetic characteristics of the literary in comparison with the original, the impact of local and temporal parameters of communication and personal and professional studying interpreter to choose a translation option.

**Key words:** language, text, artistic text, linguistics, paradigm, discourse, definition, semantics, cognitive model.

**Б**угунги кунда лингвистика ривожини учун тил бирлигидаги функционал моҳият ва когнитив салоҳиятга қаратилган тажрибалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу каби принциплардан фойдаланилган лингвистик таҳлиллар тилни мулоқот воситаси сифатида матннинг мураккаблигига асосланган қонунларини тадқиқ этишда семантик тузилмалардан фойдаланилади. Айнан шунинг учун ҳам матн моҳиятини англаш жараёнига когнитив ёндашув талаб этилади.

Матннинг функционал-когнитив парадигмаси изоҳи тилда матннинг экстралингвистик реалликка (идеологик, ижтимоий ва психологик омиллар, шунингдек коммуникатив-прагматив ва муаллифнинг когнитив ва мақсадли қурилмаси тизими) боғлиқ ҳолда муайян дискурснинг бирлиги сифатида кўриб чиқилади.

Бадиий адабиётда ушбу тушунча "бадиий матн" сифатида амалга оширилиб, матннинг дистинктив белгиларини ва шунингдек, (бир вақтнинг ўзида) унинг хусусиятларини қамраб олади. Бундан ташқари З.Я. Тураева матнга "тизимли ва индивидуал

бирлик" сифатида қоида яратиб, матн индивидуаллиги "бадиий образнинг тўхтовсиз вариативлик натижаси", дея таъкидлайди [8]. Адабиёт тили нафақат филологларни, балки файласуфларни, шоирларни, ўқитувчи ва гуманитар соҳадаги барча мутахассисларни ўзига жалб қилиб, "биз адабиётдан ҳаётни ўрганишимиз" мумкинлиги нуқтаи-назаридан нутқнинг энг шаклланган даражаси сифатида қаралиб келинмоқда [7, 73].

Ю.М. Лотман "Санъат тўғрисида" номли ўз ишида "бадиий матнни юқори даражада йўналтирилган ахборотни ўз ичига олиш қобилияти мавжуд бўлган механизмнинг алоҳида образи сифатида кўриб чиққан" [11, 281].

Бадиий матннинг кучи жой ва вақт билан чегараланмайди, чунки унинг моҳияти яширинча эмас, аксинча беқиёс ҳисобланади. Бу эса санъатнинг буюк асари кўп асрлар мобайнида ўз долзарблигини йўқотмайди, балки ҳар хил вақт ичида бошқача талқин қилинишини ва қабул қилинишини кўрсатади.

Г. Гегел "бадиий асар (матн) тугалланган ҳаётини воқеаларни ўзи ичига олса-да, у асосланган объект

сифатида ўзи учун эмас, балки биз учун шартланган бўлади, шунинг учун ҳар қандай санъат асари ўз ичига инсон олдиди турган диалогни олади" дейди. [3, 273-274]. Г. Гегелнинг ушбу фикри кейинчалик Ю.М. Лотман ишларида кўрина бошлади ва у "Матн суҳбат жараёнида массив моҳиятга эга эмас, у генератор", - дея фикр билдиради [11, 427]. Кейинчалик эса "матн фикрнинг генератори сифатида суҳбатдошга муҳтож генератор", - деган фикрлар ҳам билдирилган. [11, 429]. Шунинг учун Н.С.Олизов "бадий матн дискурси жараёнида муаллиф томонидан ўқувчининг бадий адабиётга нисбатан нотўқил фаолияти, мавжуд диалог иштирокчиси деган фикрни илгари суради. Бунда матн ижодий фаолиятнинг охири натижалари сифатидагина эмас, балки ўқувчи ва муаллифнинг вербал мулоқоти майдонини акс эттиради [6, 171]. Муаллиф томонидан яратилган матн етакчи бадий ижодкорликнинг тўлдирилган тажрибадаги турли даражалардаги бадий меъёрларнинг ва иерархияда бадийсизликнинг ички боғланиши мураккаб тизимида шаклланиб, матнга киритилган ахборотни тўлиқроқ таснифлайди [11, 269-270]. Буларнинг барчаси бадий матн ўз ичига ўзаро тиллар муносабатини, ижтимоий ва маданий қоидаларни олиши, ўқувчига йўналтирилган тиллар воситасидан иборат ва фаолиятнинг маданий турлари ва фикрлар йўллари акс эттиришини англатади. Бадий матн билимнинг қўйидаги асослари асосида ташкил этилади:

- контекстли (асосий фикрнинг таянчи - ҳаққонийлик, мувофиқ фактлар ва воқеалар);

- адабиётга тааллуқли (прецедент матнлар, услубнинг назарий билимлари);

- тилга оид (фонетика, лексика, меъёрлар ва бошқалар) [5, 38].

"Бадий матн" тушунчанинг ўзига хос хусусиятларини юзага келтириб, биз илмий адабиётдаги ягона фикрларни топа олмаймиз. Масалан, В.Г. Адмони "нутқий изоҳнинг шаклда ифодаланиши, расомнинг дилдан тушуниши, унинг ички ҳиссиётдан пайдо бўлади" дейди.

В.А Пишальников бадий матн - бу эстетик қадр-қимматга эга бўлган вербал асарга коммуникатив йўналтирилган бўлиб, у уни қабул қилиш жараёнида юзага келади". В.П. Беляниннинг фикрига кўра, бадий матн - "ҳаққонийлик акси бўлиб, матн орқасидаги моҳият таркибини англатади".

Шундай қилиб, бадий матннинг асосий таснифлари қўйидаги ҳолатларда тан олинади:

- муаллиф заковати ва ҳиссиётдаги призма орқали тасвирланади;

- хабар қилувчининг ўқувчига қаратилган эстетик нуқтаи назарини ифодалайди.

Демак, матнларнинг бошқа турларидан фарқли ўлароқ бадий матн антропоцентрик ҳисобланиб, қабул қилувчи субъектнинг қабул қилинган фаол ўрнини англатади. Ақл-заковатнинг призма орқали акс эттирилган фаолият ва муаллифнинг матн модаллиги ҳисларига мувофиқ бўлиши мумкин. Матн модаллиги - бу "хабар берувчига муаллиф муносабатини тасвирлаб, унинг концепцияси, нуқтаи-назарини, позициясини, қадрли йўналишлар, ўз ўқувчиларига юборилаётган хабарни шакллантиради". [1, 96].

Н.В. Максимовнинг фикрига кўра, модал доираси албатта, "дунё фрагментини шахсий ўзлаштириш бўйича сигнификатив ҳолатни акс эттиришни кучайтиради", бироқ

принципиал ҳолатда фаолиятнинг концептуализациясининг когнитив йўлларини ўзгартирмайди.

Бадиий матнлардаги модаллик "матндаги кўринишлар ўртасидаги ифода йўллари ва матн объектларининг сифатли баҳоларининг объектив воқеаликнинг кўринишлари ва предмет танлови натижаси сифатида ўз хабарига нисбатан муаллифнинг объектив муносабатига асосланган субъективликни ифодаловчи коммуникатив-семантик категорияси" сифатида кўриб чиқилади [4, 28]. Бадиий коммуникациядаги матнларда модаллик муаллифнинг бадиий дунёқарашини аниқлаб, уни эстетик нуқтаи назарини ҳам аниқлаб келади.

Кўпгина тадқиқотларда бадиий матн хусусиятидек, антропоцентрик ва ижтимоий тавсияларга бўлинади.

Е.А. Гончаровнинг фикрига кўра, умумий антропоцентрик бадиий матн сифатидек унда учта марказнинг ташкил этилиши билан юзага келади:

- муаллиф-бадиий асарнинг яратувчиси;
- ҳаракатланувчи шахс;
- ўқувчи-бадиий асарнинг қайта "яратувчиси".

Бошқача қилиб айтганда, матн инсон томонидан ташкил этилади, инсон ва предмет учун унинг тасавури кўпинча инсон ҳисобланади, бу эса унинг антропоцентричилигини кўрсатиб беради.

Ю.М. Лотман таҳлилига кўра, бадиий матннинг турли қирралари навбатманавбат кўп ўлчов антроморф доирасида ёритилади. Бадиий матннинг ўзига хос хусусияти икки хил тарзда амалга оширилади ва у ҳаётнинг бир бўлаги сифатида муайян изоҳга, яъни бу универсумга мувофиқ бўлади [11, 238]. "Мнемоник-бадиий матн "фақатгина янги матнларнинг генератори эмас, балки маданий хотиранинг конденсатори ҳисобланади ва матн

олдинги контекстлар ҳақида хотирада сақлаш қобилиятга эгадир". [10, 21]. Ўйинли - "бадиий матн ўқиш вақтида ўқувчига унга қулай яқинлик даражасида айланади", бунда "ҳақиқий ва муаллиф томонидан бурилган ўқув прагматик бадиий матнлар ўртасидаги ўйин" ҳисобланади [10, 94].

Матннинг антропоморф образи билан параллел равишда матн унинг топологик ва масофали образи ривожини ўз таркибига олади. Зеро, бу образ ҳар хил тарзда тузилмавий ва когнитив парадигмалар таъсири остида шаклланган бўлиб, айнан шунга мувофиқ бадиий матннинг терминологик аппаратида мувофиқ тарзда "тузилма" тушунчаси сифатида "масофа" ва "соҳалар", жумладан "семиосфера" ва "концептосфера" тушунчаларига киради.

Тузилмавий парадигма моҳиятида кўп қаватли семиотик макон сифатида шаклланиб, семиосфера кўламининг элементларидаги конгломерат тўғрисида гап боради. У эса маданий чегарани тўлдирувчи семиотик синхрон маконини юзага келтиради ва алоҳида семиотик тузилманинг иш шароити ҳисобланади. [10, 4].

Когнитив парадигма доирасида О.П. Воробьёв матнни "концептуал макон яъни концептларнинг картаси ва тармоғи, яъни алоҳида индивид учун ёки жамоатчилик учун доминант ҳисобланган мантиқ сифатида изоҳлайди" [2, 281-282].

Бадиий матннинг ижтимоийлиги бир томондан алоҳида вақт билан, иккинчи томондан ижтимоий функциялар билан боғлиқ ҳисобланади. Унда жонли ижтимоий кучлар мавжуд бўлиб, унинг шаклидаги ҳар бир элемент аниқ ижтимоий белгиланган бўлади.

Ҳар бир бадиий матн муаллифнинг нуқтаи назари ҳисобланиб, унда муаллифнинг атроф-муҳит тўғрисидаги



тасаввурлари ва ўйлари бирлаштирилади. Шундай қилиб, бадиий матн - бу борлиқнинг реал ва экстенционал акси ҳисобланади.

Е.П. Воронцовнинг фикрича, муаллиф борлиқ моделини ўз тасаввуридан келиб чиққан ҳолда матнда бутун, такрорланмас дунё манзарасини, фақатгина ушбу бадиий асарнинг ўзига хос хусусиятларидан тузади. Бадиий матннинг дунё манзараси бўйича бундай нуқтаи назар билан боғлиқ ҳолда муаллифнинг қабул қилиш призмаси орқали ифодаланган дунё модели тушунилади, яъни ўзига хос психологик дунё ва қадриятлари тавсифловчи санъат қонунлари бўйича шаклланувчи ҳақиқатнинг асосий тури сифатида қаралади.

Шундай қилиб, бадиий матннинг ўзига хослиги нутқий тузилманинг индивидуаллигини ўз ичига олиб, барча элементларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигини аниқловчи бадиий асарнинг қурилиши ҳисобланади. Хабар етказувчига дунёқараш ва муносабат бўйича айнан муаллиф ўз интенциясига мувофиқ ҳолда мурожаат қилинувчи дунёқарашига мос равишда мурожаат қилувчининг ментал ва руҳий призмаси орқали етказилувчи дунё проекцияси ва асосий категориялари ҳисобланади. Шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бадиий матн манзилининг психологик жараёнларини таҳлил қилишга имкон бериб, унинг "хаёлий механизми"га ва улкан когнитив салоҳиятга эга эканлигини кўрсатади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Брандес М.П. Стиль и перевод/М.П. Брандес. - М.: Высшая школа, 1988. - 127 с.
2. Булыгина Т.В. Языковая концептуализация мира (на материале русской грамматики)/Т.В.Булыгина, А.Д.Шмелев. - М.: Изд-во "Языки русской культуры", 1997. - 574 с.
3. Верещагин Е.М. Лингвострановедческая теория слова / Е.М.Верещагин, Г. Костомаров. - М.: Русский язык, 1980. - 320 с.
4. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология: на материале французского и русского языка. Учебное пособие. - 2-е изд. / В.Г. Гак. - М.: Изд-во "Международные отношения", 1989. - 264 с.
5. Дридзе Т.М. Текстовая деятельность в структуре социальной коммуникации / Т.М.Дридзе. - М.: Наука, 1984. - 268 с.
6. Ивин А.А. Основания логики оценок/А.А.Ивин. - М.: Наука, 1970. - 294 с.
7. Камю А. Бунтующий человек/А. Камю. - М.: Изд-во политической литературы, 1990. - 414 с.
8. Крюков А.Н. Антиномии в теории перевода и их разрешение/А.Н. Крюков // Сборник научных трудов МГЛУ., 1996. - Вып. 426. - С. 100111.
9. Ларсон М.Л. Смысловый перевод / М.Л. Ларсон. Санкт-Петербург: Издательство Санкт-Петербургского Университета, 1993. - 453с.
10. Лосев А.Ф. Форма. Стиль. Выражение/А.Ф.Лосев. - М.: Изд-во "Мысль", 1995. - 944 с.
11. Лотман Ю.М. Внутри мыслящих миров. Человек - текст - семиосфера - история / Ю.М. Лотман. - М.: Изд-во ЯРК, 1996. - 464с.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ТАСВИР, ТАЛҚИН ВА БАДИЙ ПСИХОЛОГИЗМ**

**Ботирова Шахло Исамиддиновна**

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси ўқитувчиси. botirova.2020@mail.ru

**For citation:** Botirova Shahlo. Image, Interpretation and Artistic Psychology. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 3, pp. 74-88



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-11>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақолада Улугбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи реалистик асар сифатида юзага келганлиги, ўз навбатида тасвир, талқин ва бадий психологизм муаммолари, Муҳаммадjon aka, Юсуф, Амир, Содиқ каби қаҳрамонларнинг психологик жараёнларда қалб, руҳ, онг кечинмалари уйғунлашиб кетганлиги таҳлил қилинган. Роман руҳига сингдирилган мантиқ - масъулик мантиги нафақат ҳар бир қаҳрамон ўзи учун, ҳеч бўлмаса яқинлари, туғишганлари учун масъул деган тушунча болам, қўшним, элим, улусим, юртим деган юксак гоёлар сари етаклаши ёинки Ватан - уйингнинг остонасидан бошланади, деган пурвиқор фикр ҳам аслида ҳар бир қаҳрамонни алоҳида шахс сифатида, яқдилликда бир миллат сифатида юксалтиришга қаратилган.

**Таянч сўзлар:** реалистик асар, тасвир, талқин, қаҳрамон, психологизм, бадий психологизм муаммолари, психологик жараён, қалб, руҳ, онг.

---

**ИЗОБРАЖЕНИЕ, ТОЛКОВАНИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ПСИХОЛОГИЗМ**

**Ботирова Шахло Исамиддиновна,**

Преподаватель кафедры "Узбекского языка и литературы", ТЧППИ

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье были проанализированы, что романе Улугбека Хамдама "Равновесие" стал реалистическим произведением, а проблемы образа, интерпретации и художественного психологизма, такие герои, как Мухаммаджан бей, Юсуф, Амир, Садик, в психологических процессах гармонично переплетаются с душой, духом, умственными переживаниями. Логика - ответственности, заложенная в духе романа, - это не только понятие, что каждый образ несет ответственность за себя, по крайней мере, за своих близких, детей, соседей, клея, улуса, страны, что приводит к высоким идеям, которые, по сути, начинаются с порога родного дома - Родины, но и направлены на то, чтобы поднять каждого героя как отдельного человека, в единстве как нацию.

**Ключевые слова:** Реалистическое произведение, образ, толкование, психологизм, проблемы художественного психологизма, психологический процесс, душа, сознание.

## IMAGE, INTERPRETATION AND ARTISTIC PSYCHOLOGY

Botirova Shahlo Isamiddinovna,

Teacher of the department "Uzbek language and literature", TRCHSPI.

## АННОТАЦИЯ

In this article, Ulugbek Hamdam's novel "Balance" appeared as a realist work, in turn, the problems of image, interpretation and artistic psychology, as well as the psychological processes of heroes such as Muhammadjon brother, Yusuf, Amir, Sodiq, heart, soul, mind senses are harmonized. Logic - the logic of responsibility, laid down in the spirit of the novel - is not only the concept that each character is responsible for himself, at least for his loved ones, who gave birth to children, neighbors, glue, ulus, country, which leads to high ideas, which, in fact, begin with the threshold of his home - Homeland, but also aimed at raising each character as an individual, in unity as nation.

**Keywords:** Realistic work, image, interpretation, hero, psychologism of artistic psychology, psychological process, soul, mind, consciousness.

Ёзувчи бадий талқин воситасида макон ва замонда яшаётган инсон муаммолари хусусида фалсафий мушоҳада юритар экан, унинг ҳаёт ҳақидаги мулоҳазалари, табиийки, сабаб ва оқибат, мақсад ва моҳиятга асосланган бўлади. Мазкур жиҳатлар ёзувчининг ўзига хос услубини намоён этади. Улугбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи реалистик асар сифатида юзага келган. Ўз навбатида бадий қаҳрамонлари ҳам реалистик қаҳрамон ҳисобланади. Лекин унда рамзий-мажозий талқин бунда персонажларнинг психологиясидаги жараёнлари ҳам асар мазмунини очишда муҳим ўринга эга. Масалан, Муҳаммаджон ака, Юсуф, Амир, Содик каби қаҳрамонлар талқин этилган психологик жараёнларда қалб, руҳ, онг кечинмалари уйғунлашиб кетади: "Юсуф ўшанинг (аламзадалиқнинг - таъкид бизники. Ш.Б.) табиатига қулоқ тутди... Шунда ҳис қилдики, у ерда дунёга - ташқарига томон юриш ҳақида шивир-шивирлар авжи чиқаётганди. Яъни хаос - ташқарининг таъсирида ташқарига нисбатан ичкарида пайдо бўлган алғовдаловлик энди худди ўз эгасини тишлаб олган бўри боласи каби ташқарини ҳам ўз келбатига ўхшатгиси келарди" Мазкур парчада Юсуф воқелиқни

рамзий-мажозий тарзда англаши ва тушуниши кўзга ташланади. Тасвир реалистик услубда берилган, бироқ, қалбидаги иложсизликдан туғилган армон, алам унинг руҳиятидаги кескин ўзгаришларга олиб келди. Натижанда, у борлиқни рамзий-мажозий тарзда идрок қилиб, миллий характерини намоён этди.

Ўқувчи романни ўқиш жараёнида, қаҳрамонлар мисолида инсон ўзини, яқинини, уни ўраб турган атроф-оламни кўргандек бўлади. Борган сари тасаввурлар тиниқлашиб, ранглар ойдинлашиб теран маъно касб этади. Бадий матн таҳлили орқали ёзувчи концепциясининг эстетик вазифаси юзага чиқади. Ёзувчининг эстетик идеали "Мувозанат" романида ижтимоий-ахлоқий ва маънавий-руҳий асосда шаклланади ва намоён бўлади.

Роман руҳига сингдирилган мантиқ - масъулият мантиги нафақат ҳар бир қаҳрамон ўзи учун, ҳеч бўлмаса яқинлари, туғишганлари учун масъул деган тушунча болам, қўшим, элим, улусим, юртим деган юксак гоёлар сари етаклаши ёинки Ватан - уйининг остонасидан бошланади, деган пурвиқор фикр ҳам аслида ҳар бир қаҳрамонни алоҳида шахс сифатида, яқдилликда бир миллат сифатида

юксалтиради. Шундай экан, романга хос реалистик тасвир ҳаётнинг бадиий инъикоси сифатида талқин этилган ҳар бир қаҳрамон ҳаёти, орзу - интилишлари, гам - ташвишлари, топганлари ва йўқотганлари турфа хил тақдирлар мисолида жонланар экан, макон ва замон бадиий инъикосида миллий руҳият акс этади. У.Ҳамдам яратган ҳар бир характер яралишидан ёзувчи бадиий тафаккурида қўйма шаклланган ва асар гоёсини очиб беришга хизмат қилувчи эстетик идеал сифатида намоён бўлади. Масалан, "Юсуф тўнини елкасига ташлаганча оҳиста юриб ташқарига чиқди. Ҳаво кечагидан ҳам баҳорийроқ эди. Тун бўлишига қарамай, осмоннинг қорага мойил кўкимтир рангини илгаш мумкин (эҳтимол, "осмоннинг ранги кўк" деган фикрнинг соясидир бу!), юлдузлар ҳам шаҳардагидек узоқда эмас, балки томбошига чиқиб сакрасанг бир нечасини узиб олгудексан. Енгил эпкин ҳовлининг этак тарафидан қий ҳидини олиб келиб димоққа урди... " Мазкур парчада ёзувчи воқеликни реалистик усулда тасвирлар экан, ундаги гап қурилиши ва фикрлаш тарзига соф миллий руҳи синглириб юборган. Бу айниқса, "тўнни елкасига ташлаб ташқарига чиқиш", "томбошига чиқиб сакраш" жумлаларида соф миллийлик тафаккур тарзи мавжуд. Чунки ўзбек миллий уйлари пастроқ бўлади ва атрофига тут, ўрик, жийда, олма каби дарахтлар экалиги уларнинг мевани олиш учун томга чиқиш керак бўлган. Шу ҳолатдан фойдаланиб, юлдузларни ҳам узиб олгудек деган хулоса келинапти. Шунингдек, бу ерда руҳий параллелизм ҳам қўлланган. Бу усул "Ҳаво кечагидан ҳам баҳорийроқ эди. Тун бўлишига қарамай, осмоннинг қорага мойил кўкимтир рангини илгаш мумкин (эҳтимол, "осмоннинг ранги кўк" деган фикрнинг соясидир бу!),

юлдузлар ҳам шаҳардагидек узоқда эмас", деган гапларда аниқ бўртиб турибди. Мазкур усул ҳам персонаж қалбидаги ватаний туйғуни, қадрдон уйини соғиниши ифодалайди. Ёзувчи шу ерда ватан сўзи ишлатмасдан ватан мавзусини ҳам киритиб кетганки, бу парчадаги мазмуний қатламнинг теранлигининг ифодаси ҳисобланади.

Романда қатор рамзлар мавжуд бўлиб, улар кўпинча матн остига сингдириб юборилган: "Муҳаммаджон ака дабдурустдан кўрқиб кетди, у қушча қулаб тушади, деб ўйлаб, қулочини очдики, тутиб қолай деб... Лекин йўқ! Қушнинг қанотлари эркин ҳаво таъмини ҳис қилгани ҳамон аввалига иштиёқсиз беш-олти "пир-пир" этиб, сўнг дадил қанот силкиб кўкка кўтарилди" (24-б). Лавҳада қафасга ўрганган қушнинг озодликни ҳис қилиш жараёни қанчалар ишонарли тасвирланган бўлса, тағматндаги ишора - қуллик исканжасидаги инсоннинг озодликка кўникиши ҳамда бу эрк улуг ниятлар, улкан ишлар рамзида берилган бўлса, "тобора кўтарилиб келаётган қуёш нурлари" ёруғлик, ниятга етказадиган нурафшон кунларнинг яқинлигини келтирувчи мужда сифатида қабул қилинади.

Ёзувчи олам ва одам хусусидаги мушоҳадакор фикрлар, ҳар бир зиёли тийнатидаги эврилишлар, жамият мақсадининг келажак сари талпинишигача зукколик билан бадиий қамраб олади. Баъзан румиёна фикрлари билан ислом дини фалсафасига хос шахс қалбида алоҳида меҳрни уйғотади. Тасвир усули ва баёндаги бундай ўзига хослик романдаги персонажлар ички олами ва муаллиф психологиясидаги воқеликни бадиий идрок этиш, синтез қилиш ва яқунда қатъий хулоса сифатида ўқувчига етказиш жараёнининг мукаммаллашувига хизмат қилади. Айнан шу мукаммаллашиш

замирида муаллиф, персонаж ва ўқувчи психологиясининг яхлитлашуви юз беради. Натижада асарнинг гедонистик, руҳий-ахлоқий, ижтимоий-фалсафий моҳияти намоён бўлади.

Психологик таҳлил муаммосини ўзбек романлари мисолида таҳлил қилган мунаққид Ҳ.Умутов таърифлаганидек: "Инсон руҳиятининг таҳлили, уни чуқур тушуниш ва тасвирлаш маҳорати - адабиётнинг туб моҳиятини белгиловчи хусусиятларидан бири" ҳисобланади. Бунини романдаги инсон қалбининг нозик жилолари: феъл-атвори, руҳияти, кўнгил талпинишлари бадий талқин этилганида кузатиш мумкин. Асарда ҳар бир персонаж (Юсуф, Амир, чўпон, Содик, Эргаш, Заҳро, Ойгул) ўз зиддиятлари - ботинан ва зоҳиран курашлари орқали талқин этилганки, асар қаҳрамонларини ижтимоийлик маҳсули деб қарашдан кўра, маънавий-ахлоқий мезонлардан келиб чиқиб баҳолаш романга хос хусусият - воқеа-ҳодисалар эпик тасвирига нисбатан инсон мукамалроқ бадий инъикос қилинганини билдиради.

Ўзувчи маҳорати ҳаёт материални бадий акс эттиришда ранг-баранг тасвир воситаларидан нечоғли унумли фойдалана олганлиги билан ўлчанар экан, роман жанри чексиз имкониятларга эгаллиги билан бошқа адабий жанрлардан жиддий тафовутланади. Адиб унда инсон ҳаётининг солномасини муфассал ифодалашга диққатини қаратади. Бошқача айтганда, одамзот такомиллидаги муҳим эврилишлар бадий шакл миқёсларини белгилаб беради. Эпик тасвир турфалиги сюжет қисмларини шартли ва теран моҳият сари йўналтиради. Натижада одамзот турмуш тарзи ҳаққонийлиги тасвирни яхлитлаштиради. Шу нуқтаи назардан, "Мувозанат" романида қаҳрамон

шахсиятига катта фалсафий-ижтимоий умумлашма сингдирилганлигига амин бўлаемиз. Зеро, асарда тасвир ошкор қатламнинг мавжудлиги ижодий мустақиллик ва мантиқий тугалланганликни уйғунлаштирган ҳолда, яхлит поэтик тизимга жипслай боради. Ҳам мазмуний, ҳам шаклий, ҳам услубий бутунлик бадийлик даражасини белгилайди. Асарда эстетик маърифат ва эстетик юк ўртасидаги кескинликни тафовутлаш жониз. Ижодий индивидуалликдан бадий умумлашмага ўтиш эса талқин ўзига хослигини ташкил этади. Адиб аксар ўринларда қаҳрамон характерини ҳам руҳий, ҳам ижтимоий моҳиятини очиб беришга интилади. Юсуф курсдоши Заҳро билан бўлган ўзаро мунозарасида кўнгил маишати учун эмас, балки борлиқ хусусидаги мушоҳадаларига ҳам юзма-юз келаемиз. Айнан, икки суҳбатдош жамиятдаги оғир кечмишларни "вақтинчалик" деб баҳолайди. Бу эса, романдаги мувозанат сари қадам ташлаётган қаҳрамонлар характерида маромига етади:

"...Кунини кеча мен поезда бир нечта ёшлар билан гаплашиб келдим. Ва икром бўлдимки, бутунлай янги авлод етишиб келяпти экан. Улар тарбиясида ўтмишга нисбатан керагидан ортиқ танқидий руҳ, бугунни эса беҳад идеаллаштиришга ўхшаган қусурларни пайқаган бўлишимга қарамай, мулоҳаза юрита-юрита охири севиниб кетдим. Сабабки, улар ўтмишни қўмсаб қийналмайди, бу ёқда дўппи тор келганда у ёққа талпиниб, ўзи шундоқ ҳам қийин аҳволни баттар мураккаблаштирмайди, катта авлодларга ўхшаб ҳар бир киши ўз ботинида иккига бўлиниб кетмайди, балки бири у соҳада, кими бунда ўзлигини янги келажакни бунёд этиш ишига бағишлайди. То улар бор экан, эртага - қурилаётган янги давлатда бутун оёқ ости бўлиб ётган қадриятларнинг,

қонун-қоидалару тартиб-интизомнинг қайтадан қад ростлаши муқаррар" (1-236).

Ёшлигидан ўз мувозанатини сақлаб қолишга интилган Юсуф ҳали руҳий сокинликка эришишга вақт борлигини ёзувчи сиртдан баҳолаб боради. Романнинг сюжети марказида реалистик тасвир принципидан унумли фойдалана олганини кўришимиз мумкин. Юсуф ўз ёлғизлигидан сиқилган Заҳронинг ташвишлари билан андармон бўлиб, вақтинча ички изтиробларини унутди. У ботинидан тушқун кайфиятни қувиб солган ҳодисанинг мантиқини англашга уринар экан, бунга ҳеч бир исм топиб беролмайди. Бинобарин, Юсуф руҳий хотиржамлик бор жойда инсон мувозанати доимо сақланишини романнинг бир неча ўринларида атрофидагиларга таъкидлайди. Айни пайтда, унинг ўша мувозанат сари илдам юриши жамият ҳаётининг ҳам изига туша бораётганидан далолат беради. Демак, Юсуфга хос мувозанат жамият мувозанатини ҳам билдиради.

Ёзувчи романда улкан имкониятларнинг одам феълига таъсирини алоҳида шахснинг парвози ҳамда инқирози яъни кучли ва ожиз томонлари фонида кўрсатишни мақсад қилади. Бу эса, шубҳасиз табиий чиққан ва буни Миразим ва Саиднинг ҳаёти мисолида кўришимиз мумкин. Мансаб паллапояларидан кўтарилиб бораётган Саиднинг кутилмаганда "қулаб тушиши" бу ёруғ оламда ҳамма нарса омонат эканлигини англаб етишига замин ҳозирлайди.

Адибнинг "Мувозанат" романи ҳам хилма-хил адабий йўсиннинг қоришувидан таркиб топган бўлиб, уни реал моҳиятга эга реалистик роман дейиш тўри бўлади. Тўғри унда модернизмга хос кайфият ҳам ўз аксини топган. Чунки воқеликни бадиий идрок

этишнинг нореалистик ва реалистик методининг баъзи хусусиятлари бири-бирига ўтиб туриши одатий ҳодиса ҳисобланади. Моҳият-эътибори билан айтганда, ифода мустақиллиги, руҳият тасвири, анъанавий-қодирийона романий тафаккурнинг ҳисси, ойбекона мушоҳадаларнинг теранлиги, румиёна фикрлар мантиқийлиги кўзга ташланади. Аммо ёзувчининг индивидуал услуби барчасини ўзига симириб, реал тасвир ва бадиий психологизм уйғунлигида ифода этган. Негаки, ҳар қандай бадиий талқин инсон руҳий борлигини кашф этишга қаратилган бўлади. Жумладан, Юсуфнинг қайноқ ҳаёт ичкарасида чорасиз қолиши, кўнгил, оила халоватининг бузилиши, миллат руҳиятидаги муайян эврилишлар давомийлиги романда хилма-хил тақдирлар кесишувида реал моҳият касб этади. Ҳаммамиз ҳис қилган, кўниккан кадриятлар замонлар эврилишида бошқача моҳият касб этиши мумкин. Оралиқда қолган инсон нафақат азоб чекади, балки ўз ҳаётини изидан чиқариши турган гап. Ана шундай инсон характери, унинг руҳий оламини англаш ва бадиий очиб бериш жуда мураккаб ва заҳматталаб жараён ҳисобланди. Улугбек Ҳамдам "Мувозанат" романида ўзбек халқи ҳаётининг сўнгги ўн йилликлар, яъни асосан истиқлолга эришилган паллалардаги "ўтиш даври" қийинчиликларини моҳирона тасвирлайди: "Ҳаммалари дастурхон атрофига ўтиришганда дуо ўқилди. Сўнг Ҳалима ая туриб, нон-чоё келтирди. Элбекка бир ҳовуч ёнғоқ бериб, ўғлим шуларни чақиб кел, дея ўзи чўкка тушиб нон ушата бошлади. Юсуф сумкасидан қанд ва пишлоқ олиб дастурхонга қўйди. Одил ака ҳар доимги жойида бўлса ҳам аввалгидек ёнбошлаб эмас, балки тиззаларини омонатгина букиб,

оёқларини иложи борича ўзига яқин тортиб ўтирарди" (39-б). Ушбу лавҳадаги Одил аканинг психологик портрети моддий қийинчилик, йўқчиликдан руҳан эзилган отанинг хижолати мисолида гавдаланади. Шунингдек реалистик тасвир замирида миллий руҳият Ҳалима ая мисолида яхши очилган. Одатда, ўзбек оилаларида дастурхон тузаш, борини имкон даражасида ҳамма билан баҳам кўриш учун аёллар масул ҳисобланади. Бу ерда ҳам Ҳалима ая нонушта қилиш учун зарур озуклик камлигини билин-тирмасликка ҳаракат қилиб, ёнгоқ чақиряпти, нон ушатыпти.

Романда асосий эътиборни тортадиган жиҳатлар, хусусан, миллат бошига ёғдирилган қулфатлар орқасида ҳақ-ҳуқуқларини тўла англаб етмаган, бунга имконият бермаган шароит ва халқ менталитети акс этганлигида кўринади. Бунга мисол тариқасида Муҳаммаджон ака ҳаётини тасвирлар экан, унинг ўтмиши ёлғонлар қуршовида ўтганлигини ўзига хос бўёқларда акс эттиради. Бу эса ўз навбатида колониал сиёсат манфаатларининг ифодаси бўлиб, ҳукмрон мафкура тарғиботи айнан шунини тақозо этишига диққатни қаратади. Жумладан, Муҳаммаджон ака тийнатиға хос чизгилар Юсуфнинг кейинги ҳаёти аросатда ўтмаслигига ишора этади. Романдаги ҳар бир ижодий талқинда мужассамлашган муаллиф концепцияси қаҳрамон характериға ойдинлик киритади. Асосий образ тадрижи тасаввур чизикларини марказлаштиради, тасвир унсурлари эса эпик майдон фалсафий теранликларини бадий умумлаштиришга хизмат қилади. Муҳаммаджон аканинг "Менинг умрим ёлғон билан кечди. Ёлғонга бош эгиб, ёлғонни ёзганларнинг, шунини истаган кимсаларнинг хизматини қилиб кечди. Сеники шундай кечмасин" (26-б), дея

куйинишлари Юсуф тафаккурида миллий ўзлигини англашга туртки бўлади.

Айниқса, адиб ижодида кузатиладиган бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш жоиз: баъзан ёзувчи талқинида руҳий таҳлил муайян изчиллик касб этмайди, балки тарқоқ қирраларга сингдирилади. Ушбу хусусият Саид ва Манзура, Маиразим ва Заҳро, Юсуф ва Ойгул, Амир ва Гулшода каби марказий персонажлар тимсолида реаллашади. Бу ҳолат замирида ҳаётий қонунларнинг мантиқий асосланганлиги ётади. Мантиқий асос муайян тафсилотлар, турли шарт-шароит, миллий қадриятлар таъсири ҳосиласидир. Муаллиф романинг гоёвий таянч марказига бирданига ўтмайди. Ёзувчи ўқувчини аста-секинлик билан психологик вазиятга тайёрлаб боради. Давр руҳиятини қаҳрамон ички нутқи воситасида очиб беради. Инсон моҳияти, ҳаёт ўлчови ва яшашдан кузатиладиган мақсад тўғрисида фалсафий мушоҳада юритган адиб янгиланаётган тафаккур ва ижтимоий шароит тақозосини моҳирлик билан уйғунлаштириб юборади. Бутун ҳаёт йўлини тафтиш қилаётган Юсуф оғир изтироблар исканжасида қоврилади. Унинг онгида кечаётган мушоҳадалар миллат руҳиятини ҳам тақдим этади. Ёзувчи, шу тариқа, романий тафаккур унсурлари билвосита жамиятчи ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланадиган янги шахс концепциясининг маънавий-ахлоқий мезонларини қаҳрамонлар ҳаёти орқали очиб беради. Қолаверса, уларда акс этган мураккаб руҳий изтироблар шахснинг ўз-ўзини англаб етиши, характер намоён бўлишидаги нуқсонлар билан беаёв курашиши сингари муаммоларни биринчи планга чиқаради.

Ёзувчининг ижодий муваффақиятларидан бири - қаҳрамон нутқи хосланганлик даражасининг устувор-

лигига эришганлиги билан изоҳланади. Жумладан, Юсуфнинг "Бизга бериши мумкин бўлганларнинг ҳеч бирида ўша савил йўқмиш" нутқида зоҳир бўлган ички "мен"и, унинг кайфиятини тўлалигича намоён этади. Натижада қаҳрамон тийнатида объектга нисбатан ранг-баранг шахсий муносабатлар шаклланади. Шунга асосланиб, айтиш мумкинки, ёзувчининг бошқа романларидан жиддий тафовутланган "Мувозанат" асари шаклий-мазмуний-фалсафий жиҳатдан энг мукаммал роман ҳисобланади. Чунки унда воқелик ҳамда эпик кўламини баҳолашга йўналтирилган яхлит нуқтани назар изчиллиги таъминланган. Ижодкор бадий талқин жараёнида баён қилишнинг хотира, руҳий кечинма, лирик чекиниш ва моно-диалогик усулларни қўллашди.

Адабиётшунос олим Ҳ.Умуров: "Романда эпик тасвир билан ҳис-туйғулар тасвири ўзига хос уйғунлашади. Асарда ташқи воқеликнинг панорамаси - қаҳрамонлар қалбидаги кечинмаларни реаллаштиргани каби, кечинма ва фикрлар оқими ўз навбатида тасвирланаётган ҳаётнинг моҳиятини очади", - дея таъкидлайди. Мунаққиднинг ушбу фикрларини "Мувозанат" романига нисбатан ҳам қўллаш мумкин. Масалан, қуйидаги парчада айнан шунга ўхшаш вазият намоён бўлган: "Мансур ва унинг икки таниши - оппоқ халатлардаги ҳалиги дўхтирлар Муҳаммаджоннинг шундоқ бош томонида бир-бирларига латифа айтиб кулишарди. Юсуф умрида бундан хунукроқ, бундан жирканчроқ манзарани кўрмаганди. Туйқусдан унинг кўнгли айниди. Ошқозонида бошланган галаён бирпасда бўғзини ёриб чиқди, кўзлари ачишиб ёшланди, қулоқлари битди, лекин оғзигасиз тупуккина келди. У ҳақиқатдан ҳам бугун ҳеч нима тотмаганди". Парчага диққат қилинса,

ёзувчи эпик тасвир билан бирга персонажларнинг эпик кечинмалари, дидлари, маънавий-ахлоқий қиёфаларини ҳам биргаликда кўрсатган. Ахир оғир бемор боланинг тепасида ўзаро кулги қилишлари антигуманизм ҳисобланади. Ишдан чарчаб келиб, кечга томон хатни ўқиган ва танишларидан қарз сўраб сарсон кезиб, бир амаллаб Ровотга келган Юсуфнинг жисмоний чарчоқлари билан руҳий қийноқлари қўшилиб, ичида кўнгли озиш юз берди. Энг фожеали жиҳати шундаки, айнан шу палладан бироз ўтгач, муҳаммаддон ичаги ёрилиб, ана шу дўхтирлар қўлида жон беради. Бу ерда ёшгина ўглининг ўлимини эшитган Юсуфнинг ҳолатини тасаввур қилиш қийин эмас.

У.Норматов "Амир романдаги энг концептуал образ" деган фикрига қўшилган ҳолда макон, замон ва инсон мувозанати ёзувчи томонидан турли хил образлар ва уларнинг ҳаётга бўлган муносабатида акс этганига амин бўламиз. Маслак ва эътиқод уйғунлиги Юсуфда яшаш мақсади моҳиятидан келиб чиққан бўлса, Амирда диний тасаввуф илмига интилиш, аммо уни тўғри англамаслик, билимсизлигидан келиб чиқади. Хўш, Амир концептуал образ сифатида қандай бадий вазифани бажаради. Амирнинг руҳий изтироблари ҳаётдан кўнгли тўлмаслик сабабидан майдонга чиқмайди, у тўла-тўқис соғлом миллат тафаккури орзуларининг рўёбга чиқаётганидан ўсиб чиққан ички инқилоб самараси ўлароқ юзага келган. Амир эътиқодда ўзини ушлаганида эди, бошқача бўларди. Адиб Амирнинг даҳшатли қийноқлар ичра тўлғонишини тасвирлар экан, бунда онгли шуурий ҳиссиёт биринчи ўринга чиққанлигини кузатишимиз мумкин.

Бадий асар реал олам, воқеликка нисбатан ёзувчи муносабати ҳосиласи сифатида юзага келар экан, унда



объектив борлиқ субъектив англаш, тасвирлаш, таҳлил этиш орқали намоён бўлади. Ёзувчи асарда характер бадиий тадрижини шакллантирса, иккинчи томондан жамият ҳаётининг муҳим кирраларини тасвирлай боради, учинчидан инсон иродасини букиб турган тўсиқларни аёвсиз тафтиш этади. Айнан шу жиҳат, "Мувозанат"да етакчилик қилган. Бунда биринчи галда ёзувчи инсонларо маънавий-ахлоқий ҳамда миллий дунёқараш, миллий руҳият масалаларига жиддий эътибор қаратади.

Адабиётшунос Д.Қуронов ёзувчи ижодий нияти хусусида шундай фикр билдиради: "Ижодий ният асарнинг санъаткор онгидаги хомаки эскизидир. Бадиий ижод жараёнининг ўзига хослиги шундаки, санъаткор ижодий ниятидаёқ ўқувчига муайян таъсир қилишни кўзда тутаяди, яъни мақсад ижрога таъсир қилади, ният ва ижро бирлашади. Зеро, санъаткорнинг эстетик идеали билан мавжуд воқелик орасидаги номувофиқлик бадиий ижодга ундовчи мотив бўлса, идеалга яқинлашиш унинг мақсадидир". Демак, ёзувчи ижодий нияти романда шифокорлар ҳаёти, амалдор ва тадбиркор, деҳқон ва зиёли каби жамиятнинг турли қатламига хос характерларни ўзига хос тарзда талқин этганлигида кўзга ташланади. Ушбу жиҳатларни бир нуқтага йиға олган адиб, миллат келажакининг мувозанати сари қадам ташлаётган инсон "мен"ига эътиборини қаратади. Руҳий таҳлил фақатгина характер ниятини очишга хизмат қилибгина қолмасдан, жамият ҳаётини таҳлил ва талқин этиш каби муҳим муаммоларга ҳам ўз таъсирини ўтказаяди. Талқинларо бир-бирига мантиқий уланган қисмларда миллат қиёфаси гавдаланади. Дарвоқе, "Мувозанат" романида тасвир иккиланганлиги ҳам кўзга ташланади.

Аслида "иккиланганлик" ҳодиса сифатида адабиётда кўп учрайдиган ҳодиса. Бу ҳақда адабиётшунос Суворон Мели "Ўғригина бола"нинг иззати номли илмий мақоласида жуда ёрқин мисолларни беради. Ҳар тасвир, ҳатто образлар ҳам иккиланади. Кампир дастлаб кўрқаяди, сўнг ўғрига меҳри тушиб қолади. Ўғри ҳам охирида ўз дардини айтади. Олим мақолада қаҳр ва меҳр ҳақида гапириб, улар асар бадииятини белгилувчи асос бўлганини келтиради. Демак, Улугбек Ҳамдам "Мувозанат"да иккиланиш орқали персонаж, муаллиф руҳиятидаги ўзгариш, миллий андиша ёки ич-ичдан умуминсоний эканлигига урғу беради.

Кўрсатиб ўтиш жоиз, ҳозирги ўзбек насрида руҳий-фалсафий тасвир шартларининг етакчилик қилиб бораётганлиги эътиборга молик ҳодисадир. Негаки, миллат тафаккур тарзи ҳар қачонгидан ҳам эврилиб, кундан-кунга ўзгариб бораётганлиги, биринчи навбатда, адабий-бадиий талқинларда ўз ифодасини топади. У.Ҳамдамнинг "Мувозанат" романида замон билан ҳамнафас бўлишга интилаётган, бошидан ўтган кечмиши қандай бўлишидан қатъий назар, янгиликка интилаётган ва уни қабул қилишга ботинан тайёр, аммо ташқи олам, жамиятдаги зиддиятлар билан юзма-юз келаётган қаҳрамон билан юзлашамиз. Миразим ва Саиднинг руҳий кемтикликлари ҳам аслида ўз-ўзича ёлғизлиги туфайлидир. Ҳатто улар ҳам Юсуф ўз эътиқодида собит туришини исташаяди, дунёни Юсуфдақалар қутқараяди деб ўйлашади. Бойликнинг изидан лоқайдлик касалига учраган Миразимнинг "Охириги илинжим Юсуф эди, - Миразим хаёлан ўз-ўзига фалсафа сўқиб қўярди, - у ҳам соб бўлганга ўхшайди. Ман билган олимларнинг ҳаммаси ўзини пулга ўриб бўлиб эди, биргина Юсуф ўзига гард

юқтирмай келаётганди. Унинг ана шу томонда туриши манинг қатимдадир қандайдир мувозанатни ушлаб ҳам турувди, чоғи" (114-б) каби мулоҳазалари Юсуфни билган, ким бўлишидан қатгий назар ҳар бир роман қаҳрамони уни билган одамлар назаридаги бир сўзли, қағъиятли, улуг мақсадлар йўлида кетаётган Юсуфнинг йўлидан оғмаслик тарафдори, ҳатто улар хаёлан Юсуф билан фикрлашади, уни кутишади, ундан маслаҳат олишади. Шу ўринда меъёрини унутган Миразим ўзини Юсуф орқали оқламоқчи бўлади, ҳаётий ақидасига айланган "одамзот ҳамма вақт китобдан бурун нонга қўл чўзиб келган. Зеро моддий ҳамиша бирламчи бўлган" каби хулосаларини Юсуф мисолида тасдиқдан ўтказиб олади.

Роман моҳиятидан келиб чиқиб баҳо берадиган бўлсак, Миразимда ҳам, Саидда ҳам онда-сонда бўладиган ҳолат - виждон уйғониш ҳолати руҳий ички монологда берилди. Улар ич-ичидан парвардигор бандаси эканликларини тан олади: бири амалга, мансабга, унинг орқасидан келадиган шон-шавкату мол дунёга, иккинчиси эса бемисл бойликка ва у туфайли келадиган маънавий бузуқликка муқкасидан кетади.

Саиднинг Юсуф ҳақидаги фикри ўз дунёқарашини - ўз қаричидан келиб чиққан эди. "Дарҳақиқат, нега Юсуф энди рози бўлмақчи? - хаёлан муаммонинг тагига етмоқчи бўлди. Ҳарҳолда, қийналиб қолганга ўхшайди, ранги-рўйи бир аҳвол, озиб-тузиб кетибди. Уст-боши ҳам яхши эмасдек туюлди... Тагин ким билсин, Манзура айтаётгандек замонга қўшилиб у ҳам ўзгаргандир. Ахир дунё кимларни не қўйларга солмаяпти? Уларнинг олдида Юсуф ким? Одамга ўхшаб яшагиси кеп қолган бўлса бордир" (110-б). Эътибор қилсак, энг юқори мансаб

пиллапояларида юрган Саид ҳатто дўсти тўғрисида ҳам хотинининг фикри орқали мулоҳаза юритади: "Манзура - ҳақ, ҳали хануз эски ошна-оғайниларга ёрдам берай, деб юриш - болалик, гурлик. Янги одам ўзига қандай фойдаси тегиш-тегмаслигини ўйламаслик мумкин эмас. Бу - авваламбор, ўзига керак... Манзура бежиз "Ўйлаб кўрайлик", демаяпти" (111-б).

Юсуфнинг иқтидорини, билимини аслида Миразим ҳам, Саид ҳам тан олади. Ҳатто домлалари Юсуфни "Дунёнинг таянч нуқтаси" деб аташлари бежиз эмаслигини билишади. Аммо улар ҳали ҳам Юсуф билан маънавий - руҳий яқин бўлганларида эди, дўстларининг аҳволини, қалбини, бутун борлигида акс этиб турган руҳий азобларини англаган бўлар эдилар.

Романдаги яна бир концептуал образлардан бири - бу Заҳро образи. Орзулари осмон аёл, бойлик ва имкониятлари кенлиги ва дабдабали ҳаёт қафасида маънавий маҳв бўлади. Муттасил руҳий сўроқлар исқанжасида ҳаёти ҳам, хаёли ҳам издан чиқаётганини англайди, буларнинг барисига сабабчи деб лоқайд эри Миразимни айблайди.

Хонадонларига курсдоши Юсуфнинг ташриф буюриши уни ўзи жирканаётган тубанлик жарлигидан қутқарадигандек туюлади. "Фақирликнинг нелигини билмаган, бир ўзи эмас, балки бутун оиласи - энди тили чиққан боласи-ю умр йўлдоши билан бир бурда нонга ёки дорига зор бўлиб, тасодифдангина нажот кутиб ўтишнинг нималигидан хабарсиз"(121-б) Заҳро инсон учун энг ёмони - маънавий қашшоқлик деб билади. Икки йўл орасида турган, руҳида аламзадалик ниш ўра бошлаган Юсуфнинг мувозанатдан чиқишига моддий қийинчилик сабаб бўлаётган дамда Заҳро билан яқинлик уни тезлаштиради.

Захро шоҳона ҳаётдан бебиб, борлигини пароканда этган нарсанинг нима эканлигини аниқ чамалайди, аммо унга мос бир тадбир этагини ушлай олмайди. Чунки аёл шарқлик бўлгани учун ҳам ўз эътиқолида собит қолишга маҳкум эди. Аммо бунинг натижаси ўлароқ, мавжуд ўзбекона кадриятларнинг парчаланишини шахснинг танҳолигидан, унинг ёлғизлигидан, ботинидан ахтарган маъкул.

Дархақиқат, Миразим ўз дунёси ичра - маишат оламига тамомила ғарқ бўлган эди. Эр-хотин орасига совуқлик солган асосий нарса инсоннинг ҳаддан зиёд моддият оламида беизтироб яшаётганида кўринади. Миразимнинг асосий вақти бозорда ўтади ҳамда кўнгил маишати эҳтиёжини қондириш учун ҳар хил "малла сочли" қизлар билан дон олишиб юради. Бунинг салбий оқибатлари Захро ҳаётини ҳам издан чиқаради.

Адиб характер бадиий тадрижини шакллантирар ва унга ўзига хос чизгилар берар экан, биринчи галда ҳодисотнинг мантиқийлигини - руҳий таҳлил имкониятларини кенг қўллаш орқали очиб беради. Талқиннинг бундай имкониятлари роман жозибасини - характер психикасини, унинг ўйлари, ташвишлари, ботинига муқим ўрнашиб олган исён - аламзадалиқни бартараф этишга қаратилганлиги билан ҳам диққатга сазовордир. Чунки адоғсиз муаммолар кemasида омонат чайқалиб бораётган қаҳрамон кечинмалари шу жараёнга юзма-юз келишга етаклайди. Инсон ҳамиша ёлғизликда турли хаёллар исқанжасида беадоғ ўйлар суради, мушоҳадалар юритади, фикрлайди. Ўз ҳаётини яхшилашга интилаётган Юсуф ҳам ёлғиз эди. Унинг ботинига раҳна солган бирдан-бир жиҳат ҳам ўзининг ёлғизлиги эди. У ана шу ораликда ҳар бир қадамини ўйлаб,

сарҳисоб қилиб босар экан, турли дабдабаю асаадан безган, жисм ҳирси тамомила ўзини маҳв этаётган Захро ҳаётига бир дам ёруғлик киритганини кейингина англаб қолади. Ўз дўстига хиёнат қилганини - гуноҳини тан олади. Худого ёзгиради: бу қандай кўргулик - хатолар нечун тугамаслигининг сабабини сўрайди. Ислом дини бағри кенг дин. Бандаси айбини тан олиб, ибодату тавба-тазарру қилса, айби кечирилиши муқаддас китобларда айтиб ўтилган. Юсуф ҳам бу борада ўз эътиқолида собит қолишга уринади. Лекин хато ҳамиша хатолигича қолаверади. Ёзувчи реал тасвир моҳиятида замондош инсоннинг хатою камчиликлари, ютуқлари билан бус-бутунича турли хил ҳолат-кечмишлар орқали ёритади. Захро ва Юсуф муносабати роман сюжет йўналишида қандай ўрин эгаллайди, деган савол туғилиши, табиий. Айтиб ўтиш жоziки, Улуғбек Ҳамдам яратган характерлар тадрижий бадиий қонуният асосида ривожланади, ёзувчи бадиий тўқимаси концептуал гоёси негизида шаклланади. Ёзувчи романда иштирок этувчи персонажлар устидан ҳукм чиқармайди, агар Юсуфни ўз эътиқолида собит турганида эди, ўз дўстининг хотини билан кўнгил маишатини қилмаган бўлар эди. Алалоқибат жисм ва руҳ ёлғизлиги туфайли азият чекан Захро ботинида, ўз эри Миразимга нисбатан нафрат туйғуси аланга олади ҳамда қалгис ишга қўл уради.

Шу ўринда Улуғбек Ҳамдамнинг "Мувозанат" романи хусусидаги турли хил муносабат билдирилган баъзи баҳс - мунозараларга эътиборимизни қаратсак. Отаули "Руҳий қадрим" деб номланган мақоласида "Мувозанат"да бош қаҳрамон ўз дўстининг кўзига чўп солиб, унинг хотинига ўйнаш туғинади, буниси етмагандек, ерга урганда шердек наъра тортиб кўкка сапчийдиган ёшдаги

одам ҳозирги дориломон замонда ётоқхонада ярим бўлка қотган нонни сувараклар билан "баҳам кўриш"га мажбур бўлади". Бундай ўқувчини ачинтирадиган ожиз - нотавон, ўзининг инсоний қадридан мутлақо беҳабар кимсалар... шонли замонамиз қаҳрамонлари, буюк ўзбек халқининг ёрқин тимсоллари эмаслар, албатта" деган хулоса билдиради. Отаулининг фикрларидан танқид социалистик реализм тамойилига кўра олиб борилганини англаймиз.

Зиёли Юсуфнинг Заҳро билан бўлган мунозараси унинг кейинги ҳаётини яхшилаш учун бир кўприк, восита, холос. Ана шу кўприкдан ОМОН ўтган қаҳрамон келажаги, янги ҳаёти ўша нуқтадан туриб бошланади. Негаки, адабий талқинда инсон умидлари жилваланар экан, ёзувчи бадиий эстетик тафаккури жамият ҳаётидаги муаммоларни илғаб олади ва инъикос этади. Реалистик тасвир имкониятлари тадрижий такомиллишиб, эврилиб бораётганлигини Улуғбек Ҳамдамга замондош ижодкорлар изланишларида ҳам кузатиш мумкин. Бу хилдаги ўзгаришлар истиқлол даври романчилигида асосий йўналиш - романий тафаккур имкониятларининг нақадар чексизлиги ва турфалиги билан белгиланади:

"Шу билан бирга, агар ҳақиқатнинг кўзига тик қарамоқчи эсак, бундай сирлар ўзгаларда ҳам бўлиши мумкин-ку, - дерди Заҳронинг ичида кимдир. - У ҳолда одамлар ташқаридан қандай кўринсалар, ичкарида ҳам шундай эмас эканлар-да. Бундан чиқдики, биз иккиюзламачилармиз. Дилимизда бошқа тилимизда бошқамиз. Одамзод ўз қўллари билан бунёд этган жамият ҳали унинг барча саволларига жавоб тополгани йўқ. Бизнинг асл истакларимиз, эҳтиёжларимиз ташқарига чиқолмай, унга йўл

тополмай бўғилиб ўлади. Лекин биз атрофга жилмаймоқчи бўламиз, чорасизликдан келган яралардан бағримиз қонга тўлиб кетган бўлса-да, юзимизга бахтиёрлик табассумини чизмоққа тиришамиз. Ҳа, биз мунофиқлармиз. Аввало ўзимиз, ўз табиатимиз олдида товламачилик қиламиз. Шунинг учун "Кўйнимда бир ёру кўнглимда бир ёр", дея одамзоднинг асл ҳолини биргина мисрага абадул-абад парчинлаб ташлаган шоирга дилимиз жўр бўлса-да, тилимиз уни ахлоқсизликда айбашдан чарчамайди" (231-б.).

Юқоридаги иқтибосда ўз эрига нисбатан хиёнатга қўл урган Заҳро табиатидаги эврилишларни зукко китобхон тўла англаб этади. Лекин шу ўринда савол туғилади: Заҳро ўз эрига хиёнат қилдими ёки ўзлигига? Шоҳона ҳаётда яшаб, ҳайҳотдек ҳовлида танҳоланиб, руҳан ёлғизланиб қолган Заҳронинг ўй-мушоҳадалари Юсуфдек зиёли ва ақлли инсонга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж Миразимнинг аёлига бир оддий буюмдек қараши, безътиборлиги натижасида кун ўтган сайин улғайиб, борлигини емира бошлайди. Бир дилкаш дардқаш истаги Юсуф ва Заҳрони бир-бирига яқинлаштиради.

"Мувозанат" романининг бадиий муваффақиятини таъминлаган, ёзувчига хос услубни намоён қилган психологик усул ва воситалар - психологик монолог, психологик портрет, психологик пейзаж, психологик нутқ қаҳрамонлар руҳий эврилишларини очиб беришга хизмат қилади: "Эрталаб супирилган йўлақлардан бошқа ҳаммаёқ тилларанг хазон билан қопланган. Заҳронинг бола мисол бу заррин гилам устида думалагиси келди, аста қўзғалиб хазонларни босганча кеза бошлади...

У куз каби маънос тортиб қолган эди.

Ҳатто ботинида илгариги - бор-йўғи ярим йил аввалги қуюн тепаёзганди. Энди Захро гўё тақдирга тан берган каби юввош тортганди" (158-б).

Бугунги роман қиёфаси гарбона асосни шарқона руҳда идрок қилиш билан ҳам ўзига хосликни тайин этади. Бунга монанд муайян шаклу шамойил касб этиб, адабий йўналишлари анчагина барқарорлашган яқин йигирма йиллик ўзбек романларида давр руҳияти ва ижодкор фалсафаси уйғунлиги, илғор романчилик мактабларининг сезиларли таъсири борлигини ҳам унутмаслигимиз керак, албатта. Шу жиҳатдан изоҳлайдиган бўлсак, 80-йиллардан бошлаб ҳаётни янгича тафаккур тарзида тасвирлаш бошланди. Ровий тимсолига бўлган эътибор кучайди. Инсонни мукамал талқин этишда ёзувчилар турли хил услублар ва методлар синтезига мурожаат эта бошладилар. "Мувозанат"да ҳам адиб томонидан адабий-бадий синтез ҳодисаси моҳирона қўлланганига амин бўламиз.

Романда руҳий таҳлил имкониятлари ёзувчининг ҳар бир асарига ўзига хос амалга оширилади ҳамда турли бадий вазифани бажаради. Бу эса бизга бадий психологизм имкониятларини бадий тафаккури даражасида намоён қилган Улугбек Ҳамдамни психолог ёзувчи дейишимизга асос бўлади.

Адабиётшунос А.Расуловнинг "Улугбек Ҳамдам романи ҳозирги ўзбекнинг ўйлари, изланишлари, руҳий-маънавий изтироблари ҳақидаги асардир. "Мувозанат"нинг ютуғи шундаки, унда жонли, тирик, изланувчи, хомсут эмаган бандалар тимсоли тиниқ тасвирланган. "Мувозанат"да яхлитлик, бир бутунлик руҳи бор", - деган фикрлари асардаги ҳар бир эпизодда изчиллик борлигини, теран мушоҳадага йўғирилган сюжет чизиқларида характер тадрижан

ривожланиб боришини англатади. Романда икки қарама-қарши куч: манфаат ва бойлик илинжида омонат умр кemasида сузиб бораётган инсон "мен"ига дуч келамиз. Ўздан ўтганини ўзи билладиган ва хатоларини тўла идрок этиб, ҳаётини яхшиламоққа аҳд қилган, бу иши билан миллат ва жамият турмушини, унинг шонли келажаги хусусида қайғурадиган замондош инсон образи юксалади. Миллат сажиясини бир инсон ташқи ва ички оламида акс садо бериш ҳолларини турфа хил тақдирлар тимсолида кузатамиз. Реал ҳаёт ичкарисида - инсон орзулари нақадар адоқсиз эканига гувоҳ бўламиз. Шафқатсизларча бойлик ва шуҳратпарастлик касалига мубтало бўлган одамзод табиатини тўла идрок этишга замин ҳозирлаган хилма-хил касб эгаларининг жонли лавҳалардаги ҳаракатига тўқнашамиз. "Мувозанат" диндорга диний илмлар, тадбиркорга тужжорлик ишларидан, зиёлига илмий қарашларни, оддий инсонга яшаш саодати ва бахти хусусида сўз очади ҳамда ўзга бир олам сари етаклайди.

Ёзувчи "Мувозанат" романида функционал-ғоявий чизгилар, талқин ва тасвир қоришиқ табиати, нутқий манера ва ифода воситалари узви турмушнинг оддий икир-чикирларидек туюлган бир-бирини тўлдирадиган ҳамда муайянлаштирадиган ички тизимни ифодалайди. Аслида ҳам "ҳар бир инсон ўз истак ва эҳтиёжларининг ёнидадир" (Мавлоно Румий), Юсуф интилган мувозанат - бахтли бўлиш орзусида кечган ибратли ва аччиқ ҳаёти китобхонда мушоҳадакор, баҳссталаб фикрларни уйғонишига туртки бўлади. Бу жараёнда Юсуфнинг биргина ботинига сингиб кетган аламзадалик бир учи жамият бағридан сув ичса, бир учи эса атрофидаги одамларнинг бешафқатлигидан таранглашиб боради. Бунинг ёрқин мисоли дўсти

Нуриллонинг фирмада ишлаб топган пулини қарзга олиб кетгач, қайтиб қорасини кўрсатмасдан кетгани сабаб шогирди Шавкатнинг муҳтожлик сабаб пул сўраганида ботинида кечган руҳий изтироблари романда реал тасвирланади. Қаҳрамоннинг Нурилло ва Шавкат билан муносабатларида ёзувчи инсоннинг ожиз ва қудратли томонларини рўй-рост кўрсатишга ҳаракат қилади. Биз шарқликмиз. Шунинг учун ҳам қон-қонимизга, табиатимизга сингиб кетган меҳр-муҳаббат, ачиниш ҳисси доим бизни ўз йўлига бошлаб тураверади. Оқибат эса, хато иш қилганимизни тўла англаб етамиз. Йиллар давомида ўз ҳаётини таҳликага солиб, борлиги билан муҳтожликни енгишга киришган Юсуф айни пайтда ўзини енгиб, муҳтожнинг эҳтиёжини чиқариб юборади. Лекин дўстининг унга фириб бериб алдаб кетганини кейингина тушуниб етади. Бу ҳол Юсуфнинг аламзадалигини баттар кучайтиради. Реалистик тасвир имкониятларидан унумли фойдаланган ёзувчи инсон шахсига буюк эҳтиром билан назар ташлайди. Негаки, ўзлигини англаш сари юзланган Юсуф доим ҳам ўз хатосини тўла англаб етолмайди. Ўтган кунларидан, аччиқ қисмати муҳрлаган тақдирдан тайинли хулосалар чиқаришга баъзида ожизлик қилади. Романда ана шу жиҳатлари билан "хом сут эмган" бандалар алал-оқибат ўтмиш ва келажак хусусида мушоҳада юритиши, улардан керакли хулосалар чиқаришга бўлган интилишлари рўй-рост тасвирланади. Айни шу жиҳат истиқлол даври романларида реалистик тасвир имкониятининг нақадар чексиз эканлигини далолатлашга хизмат қилса, иккинчи жиҳатдан миллат кишига бўлган чуқур ҳурмат белгисини ҳам тўла асослайди. Сабаби романда ўтмиш ва келажак хусусидаги жонли лавҳалар,

воқеалар, бир-бирига ўрнини бўшатиб бераётган ҳодисотлар узвийлиги жанрий-композицион яхлитликни келтириб чиқаради.

Адабиётшунос Ҳ.Каримовнинг "Роман замондан озикланади, замон эса ундан ўз қиёфасини қидиради, унинг воситасида ўзини янада яхшироқ англашга ҳаракат қилади", - деган хулосалари ҳар қандай адабий талқин моҳиятида давр кайфияти ва ўша замон руҳияти акс этиши мумкин, деган хулосага келишимизга замин ҳозирлайди. Дарҳақиқат, романнинг бугунги қиёфаси кечагига нисбатан тубдан жанрий қамров нуқтаи назаридан, ифода негизи ўзига хослигидан ҳам жиддий тафовутланади. Чунки ҳар қандай давр ўша пайтдаги адабий асарга ўз таъсирини ўтказмай қўймайди, албатта. "Мувозанат"да ҳам худди шу хилдаги кайфиятни кўришимиз мумкин. Айтиш жоизки, "Мувозанат" романи руҳий-фалсафий таҳлил имкониятлари билан суғорилганлиги учун ҳам унда замондош инсон қисмати рўй-рост гавдалантирилган. Бунда Юсуфга нисбатан анчайин кўп ҳаёт машаққату заҳматларини чеккан, ҳалол инсон, отаси Одил аканинг изтироблари - Амирнинг ақлдан озиши, келини Гулшоданинг аянчли аҳволи ва ўз жонига қасд қилиши, уларнинг болалари тирик етим бўлиб қолиши, ўғли Юсуфнинг фарзанди Муҳаммаджондан, оиласидан ажралиши бир ота ҳаётида қандай из қолдириши жонли лавҳаларда акс эттирилади. Романда хилма-хил тақдирлар зиддияти - ўз-ўзи билан аёвсиз руҳий олишаётган инсон шахсига дуч келамиз. Қисматига нима битилган бўлса, одамзот ундан асло қочиб қутулолмаслигини ёзувчи исботлашга уринмайди, аксинча тасвир руҳига сингдиришга, ўқувчининг ўзи тегишли хулосалар чиқаришига ундайди:

"Янги йил байрами яқинлашаётганиди. Юсуф фирмада ишлаб жамғарган пулларининг бир қисмига совға-салом сотиб олди. У буни ўтган йили қилолмаганди. Сезиб турардики, бу ишни жуда катта мароқ ва иштиёқ билан бажарди. Энди тезроқ яқинларини соғ-саломат кўргиси, улар билан дастурхон атрофида чордона қуриб ўтирган қўйи узун-узун суҳбатларга толгиси, эсидан чиқиб кетаётган аския ва пайровларга қўшилгиси, қаҳ-қаҳ уриб кулигиси келарди. Худди бир вақтлардагидек...

Эрталабки гира-ширликда Юсуф туман марказидаги мол-қўй сотиладиган бозор яқинида машинадан тушиб қолди. Бозор гавжум, мол-қўй эса одамдан-да сероб эди.

У симобдек қайнаб турган майдонга бир пас разм солиб турди-да, ўзига синашта боқаётган одамнинг олдига дадил бориб сўрашди:

- Ассалому алайкум!

- Валай...

- Мабадо даллолмасмисиз?

- Худди ўзи. Нима оласиз, молми қўй, новвосми гунажин, кўчқорми совлиқ?..

- Соғин сигир. Туққанига бир-икки ҳафта бўлган, серсут, зотдор сигир топиб беринг, ака.

- Юринг... "(256-257 б).

Ушбу лавҳада Юсуф неча йиллардан буён ўйлаб юрган режасини амалга ошириши учун тиним билмай ишлаши, ачиқма-аччиқ курашиши натижасида эришганига ёзувчи мантиқан ургу беради. Бир пайтлар кўрасида "битта туёқ" қолмасида отасининг ўғлига энг сўнгги оила нажоти - соғин сигирни сотиб пулини бергани учун Юсуф ота-онаси олдида қарздор эканлигини ич-ичидан ҳис этиб яшайди. Ундаги руҳий интилиш - фарзандлик маъсулияти инсонийлик бурчи билан сингишиб кетади. Қаҳрамон тийнатига хос олийжаноб туйғулар уни руҳий мувозанат сари етаклайди.

Айни шу жиҳатдан Юсуфнинг ботинидаги лоҳаслик ўрнини - кураш, ишчанлик, миллатнинг бир аъзоси эканидан фахрланиш, кўпчилик учун фойдаси тегадиган иш қилаётганидан гурурланиш, аввалги ишлаб юрган соҳаси университетга қайтиши, талабаларга тарих илмидан сабоқ бериши ҳоллари тасвирланган ўринлар бир қадар тезлашиб кетгандек кўринади. Хотима бир оз соддароқ яқунланган. Бу билан роман қатида яширинган ҳаёт фалсафасига сира раҳна солинмайди. Ёзувчи бадийий нияти - Улуғтоққа - иймонга кўз тиккан Юсуф тийнатига бошқача назар билан қарайди ва ўзига хос рамзий-мажоз мантиқини сингдириб боради. Ёзувчи айни шундай йўл тутганини бирдан далолатламайди, китобхонни чигал психологик вазиятларга аста-секинлик билан тайёрлаб боради. Улуғтоғ романда рамзий тимсол. Ёзувчининг: "Улуғтоғ - иймон рамзи. Мусулмон кишиси ҳамиша иймонли бўлишга шошилади. Ўзида ҳамиша шунга эҳтиёж истақмайил сезиб яшайди. Чунки ҳар жиҳатдан бақувват Ислом дини моҳиятида ҳам Иймон масаласи, Иймон тушунчаси катта бир ўзакни ташкил этади. Шундай экан, Иймонли одам Катта давлатнинг буюк Келажаги сари қадам ташлайди. Иймонли Одам ҳеч қачон ўзгаларга жабр-зулми, ёвузликни раво кўрмайди. Иймонли Одам ҳамиша ўз суянган, синган Эътиқолида собит қолишга уринди" , деган фикрлари Юсуф сингари қаҳрамонлар моҳиятига сингдирилган асл мақсаддир.

Улуғтоғни Иймон рамзи деб қараган Юсуф неча-неча тақдир тарихларни бошидан ўтказмасин, доимо Иймон ва Эътиқолида собит қолишга уринди ва шунга амал қилиб яшади, интилгани - Мувозанат сари дадил қадам билан етиб олади.

Маълумки, ҳар бир ёзувчининг услуби истеъдод табиати, ижодий қиёфаси, тафаккур тарзи, ифода йўсини, адабий анъаналарга муносабатига боғлиқ равишда кечади. Нисбатан қисқа вақт ичида сўз ва фикр эркинлиги бадиий адабиётда ҳам акс этаётганини "Мувозанат" каби асарлар мисолида айтишимиз мумкин. Ижодий индивидуаллик бадиий асарнинг барча шаклий-мазмуний сатҳларида намоён бўлар экан, айтиш пайтда, композицион яхлитлик бадиий изланишлар орасидаги типологик муштаракликни инкор этмайди. Ёзувчи "Мувозанат"

романида анъанавий талқин усулларини ривожлантирган ҳолда, миллат умумруҳиятидаги жиддий эврилишларни бадиий маҳорат билан тасвирай олганида кўринади. Романда бадиий психологизмнинг кучайиши, яъни воқеа-ҳодисалар тасвиридан инсон онги, унинг руҳий олами тадқиқи даражасига кўтарилгани асосланди. Шу билан бирга адиб ўз асарларида шакл ва мазмун уйғунлигига қаҳрамонлар руҳий оламини бадиий инъикишоф этиш орқали эришган, деган хулосага келинди.

#### Адабиётлар:

1. Умутов Ҳ. "Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги". - Т.: "Фан", 1983.
2. Отаули. "Руҳий қадрият". Мустақиллик даври адабиёти. -Т.: "Адабиёт ва санъат нашриёти", 2006.
3. Умутов Ҳ. Рисолалар, сайланмаси. 1-жилд. - Тошкент.: "Фан", 2007.
4. Расулов А. Бадиийлик безавол янгилик. -Т.: "Шарқ", 2007.
5. Ҳамдам, Улугбек. Мувозанат. -Тошкент: Шарқ, 2007.
6. Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. - Т.: "Yangi nashr", 2010.
7. Қуронов Д. Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. - Тошкент: Akademnashr, 2010.
8. Сувон Мели. "Ўғригина бола"нинг иззати. // Ўзбек адабий танқиди. Антология. - Тошкент: Turon-Iqbol, 2011.
9. Норматов У. Интернет материали: [www.ulugbekhamdam.uz](http://www.ulugbekhamdam.uz)
10. [www.quronov.narod.ru](http://www.quronov.narod.ru).



---

**СЎЗ САҲЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ИБРАГИМ ЮСУПОВ ПОЭМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ**

**Ержанова Дилфуза Қодирбаевна,**

Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти.

e-mail: e.dilfuza@karsu.uz

**For citation:** Erjanova Dilfuza. The lexical features of Ibrayim Yusupov's poems. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 5, pp. 89-97



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-12>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Мақолада қорақалпоқ халқ шоири И. Юсупов поэмаларининг лексик ўзига хослиги, шоирнинг тилдаги лексик воситалардан (синонимлардан, антонимлардан, архаизм ва неологизмлардан, ўзлаштирма сўзлардан) моҳирона фойдаланиши, унинг ҳозирги қорақалпоқ адабий тилининг ривожланишидаги ўрни урганилган. Бадиий асарларда синонимлар, одатда, бир сўзни битта матнда такрорламаслик мақсадида ёки бир предметни, ҳодисани, тушунчани ҳар томонлама таъриф-тавсиф этиш учун қўлланилади. Шеърый асарларда эса, улар баъзан мисралардаги қофиядошликни сақлаш мақсадида ҳам ишлатилади. И.Юсуповнинг поэмаларида ҳам мазкур вазибаларни амалга оширишга хизмат қилган. И.Юсуповнинг поэмаларида табиат, ҳўл, саҳро билан инсон ўртасидаги қарама-қаршилик романтик планда тасвирланади. Шу сабабдан антонимларнинг қўлланилиши табиийдир. Масалан, унда ҳаёт ва ўлим ҳўсусида сўз юритилади. Қорақалпоқ тилидаги ўзлаштирма сўзлар орасида рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан кириб келган сўзлар алоҳида ўрин эгаллайди. Улар поэмаларнинг аксарият ўринларида учрайди ҳамда турли вазибалар бажаради. И. Юсуповнинг поэмаларида фразеологик бирикмалар ҳар хил мақсадларда қўлланилган. Асарларда учрайдиган фразеологизмларнинг аксарияти феъл сўз туркумига ҳос фразеологизмлар бўлиб, улар оддий феълларга нисбатан иш-ҳаракат динамикасини бир қанча кучли ва образли тарзда ифодалайди. И. Юсупов поэмаларда сўзларни тўғри танлаб, синонимлардан, антонимлардан ва эмоционал-экспрессив лексикадан моҳирона фойдаланган ҳўлда асар тилининг бадиий ҳамда кўркемлигига эришган.

**Таянч сўзлар:** қорақалпоқ тили, поэма, синоним, антоним, эскирган сўзлар ва неологизмлар, бошқа тиллардан кириб келган сўзлар, эмоционал-экспрессив сўзлар ва фразеологизмлар.

---

**О ЛЕКСИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ПОЭМ ИБРАГИМА ЮСУПОВА**

**Ержанова Дильфуза Кадирбаевна,**

Базовый докторант Каракалпакского государственного университета

---

**АННОТАЦИЯ**

---

В статье рассматриваются лексические особенности поэм каракалпакского народного поэта И. Юсупова, его мастерство в использовании лексических средств языка (синонимов, антонимов,

архаизмов и неологизмов, заимствованных слов, фразеологических единиц), роль поэта в развитии современного каракалпакского литературного языка. В художественных произведениях синонимы обычно используются для описания качества разносторонности понятий или для того, чтобы регулярно повторять в тексте описания понятия одного предмета или явления. А вот в поэтических произведениях они иногда используются для сохранения схожести стихотворных рядов. В поэмы И. Юсупова встречаются отношение человека с природой, пустыней в романтическом плане. И поэтому естественно используются антонимы. Например, о жизни и смерти. Из заимствованных слов в каракалпакском языке определяющую роль играют слово вошедшие из русского языка и соответственно слова заимствованные из других языков в русский язык. Такие слова в произведении употребляются часто и выполняют различную роль. В поэмы И. Юсупова фразеологические обороты используются в различных целях. Большинство из фразеологизмов - глагольные фразеологизмы. В отличии от обычных глаголов они образно и сильно показывают динамику движения. В поэме поэт правильно использовал синонимы, антонимы, эмоционально-экспрессивную лексику и добился сделать язык произведения красочным и художественным.

**Ключевые слова:** каракалпакский язык, поэмы, синонимы, антонимы, омонимы, архаизмы и неологизмы, заимствованные слова, эмоционально-экспрессивные слова и фразеологизмы.

## THE LEXICAL FEATURES OF IBRAYIM YUSUPOV'S POEMS

**Erzhanova Dilfuza Kadirbayevna,**  
PhD Student of Karakalpak State University

## АННОТАЦИЯ

The article is about the great Karakalpak poet I. Yusupov's skills of using lexical cohesion in language (synonyms, antonyms, archaisms and neologisms, phraseologisms and subordinated) and the role of his poems in the development of Karakalpak literal language. In literary works synonyms is usually used for not to repeat one word in one text or one object or state, meaning from all sides. But in poetic works sometimes they are used to save rhyme in poem. In the poems of I.Yusupov the opposition between nature, desert, steppe and man is given in romantic plan. Because of this, the usage of antonyms in it is essential. For example, it's told about life and death. In the poems of I. Yusupov the phraseological word combinations are used in different purposes. Majority of phraseologisms of poem are verbal phraseologisms, they shows the action dynamics stronger and artistic than simple verbs. I. Yusupov chose the words in their proper way, used the synonyms, antonyms, and emotional - expressive lexis effectively, could manage to make its language artistic and beautiful.

**Keywords:** Karakalpak language, poem, synonym, antonym, homonym, obsolete words and neologisms, the words come from other languages, emotional-expressive words and phraseologisms.

**И**брагим Юсупов (1929-2008) - народный поэт Узбекистана и Каракалпакстана. Он внес огромный вклад в развитие каракалпакской поэзии и в поднятии ее на новые вершины, хорошо изучал историю, классическую поэзию Востока, а также литературы Западной Европы, брал с них пример и мастерски применял их в своем творчестве.

И.Юсупов - автор нескольких прекрасных поэм. Лучшими произведениями поэта являются, пожалуй, "Судьба актрисы" (1958 г.), "Правда о ковровщице" (1961 г.),

"Степные грёзы" (1964 г.), "Тумарис" (1970 г.). Каждое произведение И.Юсупова отличается от другого своей жанровой принадлежностью, содержанием, идейной сутью, использованием поэтических средств.

"Степные грёзы" - это романтическая поэма о газовиках и нефтяниках, покорителей безжизненного плато Устюрт, лирическая песня о труде и природе, гимн трудовому человеку. Художественная форма, в которую облечены идеи поэта, так совершенна, что позволяет назвать поэту жемчужиной каракалпакской поэзии.

Одно из важнейших качеств поэзии И.Юсупова – высокая художественность, образность языка, изящество стиля. Поэт отказывается от штампов фольклора и книжного языка. Традиционная символика и метафорическая образность переосмысливаются в его поэтическом сознании, оказывая сильное эмоциональное воздействие.

Поэт достиг больших успехов в отборе лексических средств, обеспечивших идейную яркость и художественную выразительность его произведениям. Синонимия, широко употребляемое лексическое средство в языке его художественных произведений. Синонимы для него являются средством эмоционального воздействия, ясного выражения идейного содержания его поэм.

И.Юсупов хорошо понимал семантико-изобразительные возможности синонимов и умело использовал их. Он в своей поэме «Степные грёзы» доказал, что каракалпакский язык богат синонимами. Самый главный аллегорический герой в данной поэме – Степь. Название поэмы также связано с этим. Поэт, в качестве синонимов слова *дала* «степь» использовал много слов: *мәнзил* «место», *қула дала* «бескрайная степь», *шөл* «пустыня», *қурғақшылық* «засуха», *сахра* «сахара» и т.д. Эти слова в поэме характеризуют степь. Например:

*Дала мегзер бай хәм зыкна адамға,  
Жаңғырық болмайды қула даланда.  
Горизонт! Балалық қыялларымның,  
Алыс мәнзиллери, сырлы жийеги.  
Қайсар қурғақшылық – шөл армиясы,  
Мени кирпич қакпай турады бағып.  
Шықты мәрт ойшыллар асаў сахраның,*

Даже если эти слова в общенародном языке различаются друг от друга, они использованы поэтом в качестве контекстуальных синонимов [4].

Употребляя числительное *еки* «два» в своих строках в формах *қос* «пара, парный, двойной», *егизек* «близнецы, пара», *жуп* «пара», *пар* «два, пара», он повышает художественность песни:

*Қос ыйықтан қулаған қос бурымы.  
Қара үйде еки бесик тербеліп,  
Инғалайды қыз хәм бала – егизек («Правда о ковровщице»).*  
*Жуп шелегин алды қолға,  
Пар шелегин қойып шетке («В местах, где цвела акация»).*

Употребляя в своих поэмах различные синонимы, поэт обеспечил проникновенность произведения. В примерах ниже на основе многозначности слова с помощью употребления синонимов ему удается дать образность и проникновенность [1;130].

Биз тахтын аўдардык *патшаның, ханның* («Судьба актрисы»).  
Қайсындай *патшалар*, қайсындай *шахлар* («Степные грёзы»).  
*Елим* ушын,  
*Халқым* ушын,  
Сен ушын («Товарищ учитель»).  
Сәлем берип күтип алар *устазын*,  
*Мугаллим* де турар күлип ортада («Товарищ учитель»).

Еркин *мийнет* етсе егер!  
...*Еңбегинди* еске алып («В местах, где цвела акация»).  
Бағып *шатыр* турған жерге,  
Жазда әкелип *қосын* тикти («В местах, где цвела акация»).  
*Алтын* тарақ пенен шашынды тарап,  
...*Тилла* әребегин әкелдим саған («Гнездо соловья»).

В приведенных строках поэт с целью усиления действенности своих поэм, он не повторяет одно и то же слово, уместно употребляет синонимы.

В поэме «Степные грёзы» романтически повествуется противоположность между природой, степью, сахарой и человеком. Поэтому, употребление в ней антонимов – дело естественное. Например, в поэме говорится о жизни и смерти:

Соңғы үш күн – *өмир*, *өлим* елеси.

При этом указаны самые высокие пределы, уровни противоположных понятий. Это тесно связано с основным содержанием и идеей поэмы.

Другие антонимы употреблены в поэме «Степные грёзы» для характеристики различных противоположных признаков, действий. Например:

*Күшли* *әззисин* ийтерип таслап,  
*Суұлылар* *суұсызға* шық тамызбады,  
Адам өзін сонда түсине баслап,  
*Суұлыға* *суұсыздың* кегин қозғады.

Здесь посредством антонимов очень образно описана борьба противоположных сторон сахара с помощью ряда антитез типа сильный-слабый, водный-безводный [6].

Посредством антонимов также описано то, что трудны похождения человека по Устюрту. Например:

Адым *артқа* кетер, атсаң *илгери* («Степные грёзы»).

Здесь автор использовал образную конструкцию из народного языка *алға атқан адымы артқа кетеди*.

В поэмах поэта существительные, прилагательные, наречия употреблены в качестве антонимов в составе одного контекста и обеспечивают остроту содержания.

*Өмир, өлим арпалысқан айкаста («Товарищ учитель»).*  
*Бағана жас көрсем, енди гаррысаң... («Судьба актрисы»)*  
*Досларым ким,*  
*Душпаным ким? («Товарищ учитель»).*  
*Бирдиң марапатын хошлап,*  
*Көпишиликтен безип болмас («Ажинияз»).*

Мастерство поэта выражено также в том, что употреблены антонимы в разных местах, чтобы выразить общее содержание поэмы. Это указывает на то, что автор для образности смог свободно и мастерски употребить антонимы в языке. Поэт использовал антонимы для изображения жизненных противоречий [5;22].

*Күн мисли тандырга түскен бир қораз,*  
*Лаўлап жанып барар қуўрақ шақадай.*  
*Муздай деми менен моторды үрлеп,*  
*Суўларды тондырды, музлатты торди.*  
*Онда мерўерт суўлы еки көк теңиз,*  
*Салқын леби менен желпип шалқыйды.*  
*Ыссы көз жаслары артезиан болып,*  
*Шөл тәңириси жылар адам алдында («Степные грёзы»).*

В этих примерах поэт указал, что природа сахара зимой слишком холодная, летом нетерпимо человеку жаркой. Таким образом, поэт мастерски употребив синонимы и антонимы, достиг художественной красоты языка.

Часто встречаются в произведениях И.Юсупова омонимы. Например:  
 Жамғыр суўы липлеп, *сай* хәм салада («Правда о ковровщице»);  
*Сай* келместей ақылына адамның,  
 Бир әжайып гилем тоқып таслайық («Правда о ковровщице»);  
 Намыссызбан, *жузим*, кеўлим қап-қара («Товарищ учитель»);  
 Туўыласаң десе *жуз* рет,  
 Тек те усы жерде туўылар едим.  
 Жәхәнгир шах, қайт ырайдан,  
 Арғы *жузге* сыймайсаң ба? («Тумарис»)

В этих примерах слово *жуз* имеет значения: 1) «лицо, облик человека»; 2) «сто, сотня»; 3) «та сторона, тот берег».

Поэма «Степные грёзы» посвящена описанию жизни людей подчинящих плато Устюрт в 1960-годы. Поэтому в ней не встречаются устаревшие слова. Однако, автор пользуется некоторыми устаревшими словами для романтических образов, метафор и сравнений. Например:

*Күйип қус қанаты, жанып дойнақлар,*  
*Устиңизден ел серпилип қашқанда,*  
*Қайсындай патшалар, қайсындай шахлар,*  
*Суў тамыза алған таңлайыңызға.*

Чтобы передать колорит того времени, автор употребляет устаревшие слова, употребляемые людьми, а также некоторые наименования о государственном управлении.

Алтын *эребегин* алып,  
*Эташтанга* таслады ол.  
Үй толы журт *кәтқудалар*,  
*Сәркардалар* өрре турды («Тумарис»);  
Мен үлкен келиниц яғный *бәйбише*...  
Ах, қандай азаплы ролин, *тоқал!* («Судьба актрисы»).

В очень ранние времена слово *тангри* из тюркского языка обозначал «бог», позднее с принятием мусульманства вместо него стали употреблять арабское *алла*, и персидское *кудай*. В поэме «Степные грёзы» автор употреблял слово *тәңри* при описании образа пустыни, его духа. Например:

*Шөл тәңириси* сырттан қазып қарышын,  
Оларды тум-тустан алды қармаққа.  
*Шөл тәңриси* – атан, Қурғақлық – енен.

А слово *кәрұан* употреблен, чтобы передать картину того времени:

Жипек, кишмиш, гилем, гәлле тийеген,  
*Кәрұанлар* ағылды, Батысқа қарай.

Для отображения современной действительности, обозначения новых понятий, явлений, появившихся в жизни общества, И.Ю.Супов создавал неологизмы. Однако при употреблении их поэт стремился к тому, что они служили художественной целенаправленности произведения. Эти неологизмы являются терминами в различных сферах, вошедшие из русского языка, они служат для точного описания события в поэме.

Слова, пришедшие из русского и через русский язык часто встречаются в произведениях поэта и выполняют различные функции. В первую очередь слова из русского языка употребляется в номинативной функции, означая ранне незнакомые понятия, то есть эти слова заимствованы из-за того, что этих слов в языке раньше не было. В их ряд можно включить в поэме «Степные грёзы» такие слова как *глобус*, *парта*, *баржа*, *шофер*, *домна*, *мартен* и другие. Например:

Гелледей *глобус* – жумыр жер мына,  
*Парта* үстінде турды.  
*Баржалар* жылжыйды жағысқа қарап.  
Мәрт *шофёрлар* қыя шөллерди басып,  
*Қурылыс материалын* тасып жүр тынбай,  
Бул күни *мартенлерди* мәс етип хәм де,  
Алыс *домналарға* күнди орнатар.

Такие слова обычно употребляются в качестве слов-терминов, когда говорится об определенном событии, картины или предмета. Например, для того, чтобы описать остановившегося в пустыне машины употреблены слова, связанные с автомобилем: *мотор, радиатор, кузов, шин*.

Мотор радиаторды «ишип» босатқан,  
*Машина* токтады ыңыранған пәтге,  
*Кузовта бочканың* данғырлысы саз,  
 Фляталар қырда қалған бақадай.  
 Сызды дала баўырын хеш тыным таппай,  
*Шинлердиң* нағысы шыжбай изленип.

В поэме «Степные грёзы» описана картина пустыни Устюрта. Поэт образно сравнивает жизнь в ночной пустыне с баскетболом, и поэтому используется многими спортивными терминами: *стадион, баскетболшы* «баскетболист», *судья, болельщик, команда, спортсмен* и другие. Но они служат не для номинации, а в переносном смысле в качестве художественного средства. Например:

Дала – *стадион*, куяш – отлы топ,  
 Батыс горизонтқа зыңғыды эне!  
*Баскетболшы* қызлар командасындай,  
 Жүйткип барар жалаңаяқ жайранлар,  
 Жылқышы қышқырар *судьясындай*,  
 Жық-жық қарлығашлар – *болельщик* баллар,  
 Ол сетка сыяқлы топты күтпекте.  
 Қай күшли *команда* оған топ салар,  
 Гә жерде елеңлер, гә жерде буғып,  
*Фотокорреспондент* – тынымсыз қоян,  
 Пошша диң қаўада шыр-пыры шығып,  
*Репортаж* берер *эфирге* мудар,  
 Күн батты *сеткага* топ түсти демек,  
 Даңқ *пьедесталы* – ески қорғанға,  
*Спортсмен* кийик шығар өрмелеп.

Поэт с помощью этих сравнений и метафор пользуется спортивными терминами, о пустыне. Передал динамичную картину прекрасного движения ночной степи, уверяет, что и тут есть жизнь. Автор таким образом объясняет свою мысль, и свою веру.

Некоторые русские слова, использованные в поэмах И.Юсупова в настоящее время в языке используются редко. Например:

Баскыласып күлки үсти-үстине,  
 Кетти шағлап *патефонның* сести де («Товарищ учитель»).

Кешеўлеп қалған бир *фаэтон* арба,  
Тасырлап баратыр бағдың алдында («Судьба актрисы»);  
Ақырында Арыўхан *файтонга* минди...  
Досларым, аржағын билмеймен енди («Судьба актрисы»).

В языке произведений И.Юсупова фразеологические единицы имеют особую значимость. Поэт отбирал их в соответствии с идейным содержанием произведения.

Особое внимание уделял поэт целесообразности использования фразеологизмов для образного изображения мысли, четкого выражения идейного замысла. В произведениях И.Юсупова употреблены фразеологизмы, присущие разговорной речи:

Жазатайым бундай келген адамға,  
*Танытты* эжесин кўдиретли кўштиң.  
Биреў-биреўине *тис қайрап* жүрип,  
Қазды небир шүңгил тас куйыларды.  
Деген-ақ муң екен от самал гүўлеп,  
Қайқайып кәрўанның түсти изине («Степные грёзы»).

Если выразить значения в этих примерах обычными словами, то утратилась бы экспрессивность и образность. Произведение написано в стихотворной форме, поэтому некоторые компоненты фразеологизмов употреблены в нем, меняясь местами, исходя из ритма, рифмы и других особенностей. Используются, меняясь местами по своеобразию: *ознакомил с отцом – с отцом ознакомил, следовал за караваном – за караваном следовал* и т.д.

И.Юсупов в своих поэмах использовал фразеологизмы в разных целях. Многие встречающиеся в его поэмах фразеологизмы – глагольные. Они по сравнению с обычными глаголами сильно и художественно описывают динамику действий и придают особую художественность языку произведения [3]. Можем наблюдать, что И.Юсупов в своей поэме «Товарищ учитель» использовал несколько фразеологизмов, связанных со словом *көз* «глаз». Такие фразеологизмы употреблены в повествовании самого автора и придали языку произведения особую художественность: *көз жумбайды* «не выспаться», *көз жумса* «хорошо выспаться», *көзди ашыў* «быть грамотным», *көзге шалынды* «показалось», *көз астынан бир қарады* «наблюдал, обращал внимание», *көз алартты* «презирал», *отын алды көзиниң* «запугал», *көз таслады* «обращал внимание», *көз жиберди* «просматривал» и т.д.

Я жыйналыс ...қулласы, *көз жумбайды*.  
*Көз жумса*, тилеги сол ойдағы.  
Билимленип *көзди ашамыз*.  
Қырдогерек зорға *көзге шалынар*.



Арт бетине көз астынан бир қарап.  
 Жер аудардық көз алартқан жаўыңды.  
 Ким еди сол отын алған көзиниң?  
 Ашыў қысса көзлеринде от жанып.  
 Узақларға көз таслады ол эсте.  
 Ырас, достым, көз тоймастай караса.  
 Посёлкаға көз жиберер күлимлеп.

Поэт в своей поэме «Степные грёзы» уместно употребляет фразеологизмы, присущие общенародному языку, нейтральные с точки зрения стилистики: *қулақ аспады* «не слушал», *тиси батпады* «ему не по зубам», *изине түсти* «преследовал», *сыймай ханама* «радости моей не было предела» и т.д. Примеры:

Сол себепли олар *қулақ аспады*,  
 «Узлий» синоптиктиң прогнозына.  
 Маған *тиси батпай* ойланып өткен,  
 Шөл тәңириси сырттан қазып қарышын,  
 Оларды тум-тустан алды қамаққа,  
 Қалың тайгаларда түстим изине,  
 Иске асқан шөл арманын көремен,  
 Көрип куўанаман *сыймай ханама*.

Авторское новаторство И.Юсупова выражается в тонком знании семантических богатств каракалпакского языка, что подтверждает его широкое ocasionальное употребление фразеологизмов и слов иноязычного происхождения.

Таким образом, известный своими прекрасными стихами и поэмами И.Юсупов, искусно выбирая слова из богатой сокровищницы общенародного языка, в своих произведениях, смог придать им поэтическую силу и художественность. Такое мастерство поэта особенно бросается в его поэмах.

Язык поэм И.Юсупова отличается богатством лексики, фразеологии, стилистической выразительностью. Основной прием актуализации этих средств – тщательный отбор слов, умение творчески использовать законы стихотворной комбинаторики.

Язык и стиль творческого наследия И.Юсупова наглядно свидетельствуют о том, что поэт выработал свою оригинальную индивидуальную манеру, выдвинувшую его в первые ряды славной когорты мастеров каракалпакского художественного слова.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Бекбергенов А. Синонимлер хэм антонимлер. // Каракалпак тили бойынша изертлеулер. Нөкис, «Каракалпакстан», 1971, 115-132-стр.
2. Бекбергенов А. Каракалпак тилинің стилистикасы. Нөкис, «Каракалпакстан», 1990.
3. Бердимуратов Е. Хазирги каракалпак тили. Лексикология. Нөкис, «Билим», 1994.
4. Садыкова Р. И.Юсупов шығармаларында контекстлик синонимлер. // «Әмиўдәрйя», 1999, №5-6.
5. Сейтназарова И. И.Юсупов шығармаларында контекстлик антонимлердиң қолланылыуы. // Хазирги филология илиминиң әҳмиетли мәселелери. Нөкис, 2013, 20-26-р.
6. Хожанов Ш. Каракалпак тилиндеги антонимия кубылысы. Нөкис, «Билим», 2017.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ЖОРЖ МАРТИННИНГ ФЭНТЕЗИ АСАРЛАРИ ВА УЛАРДА РАМЗИЙ ОБРАЗ  
ЯРАТИШ МАҲОРАТИ**

**Насриддинов Дилшод Аъзамқулович,**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети таянч докторанти  
e-mail: dilshodnasr@gmail.com

**For citation:** Nasriddinov Dilshod. Literary text: semantic analysis concept and differential specificity. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 5, pp. 98-106



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-13>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Ушбу мақолада замонавий "фэнтези" жанри ва унинг адабиётда тутган ўрни, шунингдек, фантастика билан муштараклиги ва фарқли жиҳатлари таҳлил остига олинган. Жумладан, мақолада америкалик ёзувчи Жорж Мартин ижодига оид туркум фэнтези асар "Муз ва олов кўшиги" (A Song of Ice and Fire) нинг биринчи романи бўлган "Тахтлар жанги" (A Game of Thrones) да ва замон ва макон муаммоси ёритилган. Шу билан биргаликда асар муаллифининг рамзий образ яратишдаги бадиий маҳорати очиб берилган.

Жорж Мартиннинг фэнтези асарида макон рамзий образини ёритиши учун Британия ва Шимолий Америкадаги тарихий воқеа-ҳодисалар мотив бўлиб хизмат қилган. Мазкур асардаги географик ҳудудларнинг тасвири айнан ҳозирги табиат тасвири ва иншоотларнинг жойлашувидаги ўхшашликлар мисоллар билан таҳлил қилинган. Масалан, асардаги мамлакат муҳофазаси учун барпо қилинган "Wall" (Девор) жойлашуви ва тасвири жиҳатидан Британиядаги Адриан деворини эслатиши, мамлакат қирғоқларини ювиб турувчи The Shivering Seadенгизининг ҳозирги Шимол (The North Sea) денгизига мос келиши, асардаги етти қироллик Tin Islands (ёки римликлар учун - Iron Island) Бирлашган Қиролликнинг қадимий тарихидаги Англо-Саксон қиролликлари - Northumbria, Mercia, Wessex, Sussex, Essex, East Anglia, Kent ни ёдга солиши ва асардаги асосий сулола вакиллари the Targaryens ёки аждаҳолар ҳозирги Уэлсликларнинг рамзий аждаҳоси сифатида гавдалантирилганлиги илмий ишимизнинг мазмунини ташкил қилган.

**Таянч сўзлар:** фэнтези, илмий фантастика, миф, жанр, феномен, архитектуроник.

---

**ФЭНТЕЗИ ПРОИЗВЕДЕНИЕ ДЖОРДЖА МАРТИНА И МАСТЕРСТВО  
СОЗДАВАНИЕ СИМВОЛИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ**

**Насриддинов Дилшод Аъзамқулович,**

Базовый докторант УзГУМЯ

**АННОТАЦИЯ**

---

Данная статья изучает понятие "фэнтези" с точки зрения его места в современной литературе, а также как нового феномена в литературе, взгляды ученых и критиков к данному понятию как

к жанру, взаимодействие и отличия от действующего литературного жанра - фантастики. В частности обращено внимание на вопросы времени и пространства в романе "A Game of Thrones" (Игра престолов) из цикла романов "A Song of Ice and Fire" (Песнь льда и пламени) американского писателя фэнтези Джоржа Мартина. Также раскрыто художественное мастерство автора произведения в создании символического образа.

В произведениях фэнтези Джоржа Мартина для освещения вопроса пространства мотивом послужили исторические события в Британии и Северной Америке, сходства описания географических местностей в произведении с описанием природы и расположения сооружений в реальности. Например, соотносительность "Wall" (Стены), возведенной для обороны страны, по месторасположению и описанию со стеной Адриана в Британии, сходство моря The Shivering Sea, омывающего берега страны, с нынешним Северным морем (The North Sea), напоминание семью королевствами Tin Islands (или Iron Island - для римлян) в произведении Англо-саксонских королевств - Northumbria, Mercia, Wessex, Sussex, Essex, East Anglia, Kent в древней истории Объединенного Королевства и образное представление представителей основного поколения the Targaryens или драконов в качестве символического дракона нынешних Уэльсцев.

**Ключевые слова:** фэнтези, научная фантастика, миф, жанр, феномен, архитектурник.

## THE FANTASY WORKS OF GEORGE MARTIN AND MASTERY OF CREATING SYMBOLIC TOOLS

Nasriddinov Dilshod Azamkulovich,  
PhD student, UzSUWL

### ANNOTATION

This article studies the concept of "fantasy" in terms of its place in modern literature, as well as a new phenomenon in literature, the views of scientists and critics to this concept as a genre, interaction and differences from the current literary genre - fiction. In particular, attention was paid to the questions of time and space in the novel "A Game of Thrones" from the cycle of novels "A Song of Ice and Fire" by the American fantasy writer George Martin. And also revealed the artistic mastery of the author of the work in creating a symbolic image.

In the works of fantasy by George Martin for the coverage of the issue of space, the motive was the historical events in Britain and North America, the similarity of the description of geographic areas in the work with adescription of the nature and location of structures in reality.

For example, the correlation of the "Wall" erected for the defense of the country, by location and description with the wall of Adrian in Britain, the similarity of the sea The Shivering Sea washing the shores of the country with the current North Sea, reminder by the seven kingdoms of Tin Islands (or Iron Island - for the Romans) in the works of the Anglo-Saxon kingdoms - Northumbria, Mercia, Wessex, Sussex, Essex, East Anglia, Kent in the ancient history of the United Kingdom and a figurative representation of the representatives of the Targaryens main generation or dragons as the symbolic dragon of the current Welsh.

**Key words:** fantasy, science fiction, myth, genre, phenomena, architectonic.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ва XXI аср бошларида "фэнтези" феноменининг адабиётда жадал қўлланилиши ва унинг жанрга хос бўлган хусусиятлари олимлар ўртасидаги турли баҳс мунозарага сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам фэнтези жанрида ёзилган асарлар унинг адабиётда ривожланиб боришига ва оммаланишига олиб келди. Баҳсларнинг узоқ давом этишига қарамадан, турли

даврларда ва турли мамлакатларда анъанавий адабиётга ёнма ён тарзда фэнтези ижод маҳсулларининг яратилиши давом этиб келмоқда. Фэнтези ҳақида жуда кўп фикрлар берилган бўлса-да, жанрнинг ҳалигача муайян таърифи ишлаб чиқилган эмас.

Ушбу илмий мақоламиз орқали фэнтези феномени ва унинг фантастик жанр хусусиятларидан фарқли унсурларини топиш, шунингдек

фэнтезининг замонавий адабиётидаги ўрни ва америкалик ёзувчи Жорж Мартин ва унинг фэнтези туркум асарлари "Муз ва олов кўшиғи" (A Song of Ice and Fire) га кирувчи "Тахтлар жанги" (A Game of Thrones) романида макон масаласи юзасидан рамзий образларни таҳлил қилишни мақсад қилдик.

Замонавий оммавий маданиятда фэнтези ўзига хос тушунча ҳосил қилади ва унинг матнда акс этиши муҳим аҳамиятга эга. Бу тушунчанинг оммавий нутқда пайдо бўлиши эса XX асрнинг 80-90 йилларига тўғри келади ва ҳозирги кунда бу тушунча анча оммалашган нутқий бирликдир. Интернет тармоғида ҳам фэнтези ни намоён қилувчи турли электрон журналлардан: "Кубикус архивлари", "Фаол Органика", "Фантастикалар олами" нукўришимиз мумкин. Фэнтези мотивларини ўз ичига олган китоблар "Узуклар ҳукмдори", "Гарри Поттер", "Қилич ва сеҳргарлик қаҳрамонлари" асосида яратилган. Фэнтези асарлари асосида турли кино-фильмлар суратга олиниб, бир вақтнинг ўзида "Юлдуз зарраси", "Эрагон", каби китоблар ёзилди. [7, 169]. Шу ўринда, "фэнтези" тушунчасини тадқиқотчилар кенг ва тор маънода талқин қилишган. Шулардан адабиётчи Т. Чернишева фэнтезини "борлиқнинг ягона терминлашган намунаси, эртакка, ўйин фантастикага кўп жиҳатлари билан мойиллигидир" [8, 117] деб таъриф берса-да, полшалик фантастик ёзувчи Анжея Сапковский "фэнтези жанрининг таъсири Ўрта аср романларида кучли сезилади. Артур сеҳр-жоду афсоналари, унинг қиличи ва романтикаси бунга мисол бўлади" деб изоҳлайди [6].

Бу икки адабиётшуноснинг фикридан келиб чиқсак, биз ҳақиқатдан ҳам фэнтези оламида эртакка хос бўлган хусусиятлар ва улардаги

образларнинг реал ҳаётда учрамаслигини кўришимиз мумкин, масаланинг иккинчи томони яъни, фэнтези замирида тарихий унсурларнинг уфуриб туришини кўраимиз. Бу нуқтаи назардан рус муҳбири В. Березин ўзининг мақоласида фэнтези жанрига бериб ўтган изоҳи юқорида таъкидлаган фикримизга мос келади. В. Березиннинг ёзишча фэнтезининг адабиётга кириб келиши қадимги юнон мифологияси ва ўрта аср эпоси ҳисобланган "Беовулф" га боғлайди. Шунингдек, "фэнтези" ўзаги қадимий тушунча бўлиб, у қирол Артур ва рицарлар қадимий айлана столи давридаги сюжет воқеаларни бутунлай қамраб олади. Юнон-Рим пантеонларнинг таъсирида шаклланганлигига қарамай, "фэнтези" га Кельт эстетикаси доминантлик қилган.[1, 7].

Бу фикрга таянган ҳолатда, шунини айтишимиз мумкинки; фэнтези жанрига алоқадор бўлган асарларда миф ва эртакка хос бўлган мотивларнинг ажралиб туриши билан биргаликда тарихий ҳақиқатларни аниқлашимиз қийин эмас. Айниқса, фэнтези асарларда келтирилган шахслар, ижтимоий тузум шакли, давлат бошқарувидаги қиролликлар, геогрфик ҳудудлар рамзий ёки эртакнамо қилиб тасвирланган бўлса-да, бундай образлар ёки сюжет воқеаларига маълум тарихий фактлар мотив бўлиб хизмат қилади. Фикримизнинг далили сифатида фэнтези ёзувчи Ж. Мартиннинг туркум асари "A Song of Ice and Fire" (Муз ва олов кўшиғи) да кўришимиз мумкин, чунки асарда келтирилган барча воқеа ҳодисалар Англияда бўлиб ўтган Қизил ва Оқ атиргуллар жанги, ўрта асрларга хос Европа ижтимоий ҳаёт ва унинг давлат бошқаруви сиёсатига мос тушади. Шунингдек, ўрта аср Европа ҳаётининг магия сюжетлар, рамзий тимсоллар

билан уйғунлашганлиги китобхонни асар мазмун моҳиятини чуқурроқ англашга ундайди. Китобхон адибнинг асарларини ўқир экан, ўзини ўзга оламда кўради. Жумладан, адиб бу оламда ҳақиқат ва фэнтези ўртасидаги тўсиқни олиб ташласа-да, асарларда ҳақиқат ва фэнтезининг хусусиятларини китобхоннинг ўзи фарқлай олади. Бу борада адибнинг ҳақиқат ва фэнтези тафовутидаги фикрларини келтириб ўтадим. "Фэнтези - кумуш ва тўқ қизил, тўқ кўк ва ҳаво ранг, олтин ва лазурит тоши билан тизилган обсидиан (шишасимон вулканик тоғ жинси). Ҳақиқат эса - фанер ва тўқ жигар ранг ва оч яшил билан бўялган пластик. Фэнтези хабанера (музикий оҳанг) ва асал, долчин ва чиннигуллар, жуда яхши қизил гўшт ва вино, ёз каби ёқимли. Ҳақиқат эса - ловия ва сули, якунида чанг; Бербанкнинг туганмас дўконлари, Кливленднинг ҳаво қуврлари, Ньюаркнинг автопарклари. Фэнтези эса, Минас Тир-танинг миноралари, Горменгастнинг қадимий тошлари, Камелотнинг заллари" каби жисмлари қидиришга ҳаракат қилади. [nana-diviana/livejournal/com]

Шу билан биргаликда, адибнинг фэнтези жанридаги жараёни Икарнинг қанотлари ёрдамида парвоз қилишга, ҳақиқатни эса, жанубий-ғарбий авияқатновларига қиёслаши, китобхондан мукамал руҳиятни шакллантирган қобилият соҳиби бўлишни талаб этади. Юқоридаги фэнтези учун берилган изоҳлардан келиб чиқиб, фэнтези жанри учун ўзимизнинг қуйидаги таърифимизни беришни лозим топдик. Фэнтези одатда мифологик ва эртақ мотивларига хос жанр бўлиб, ўзида ўрта аср рицарлик романларидаги унсурларини, сеҳр-гарлик ва романтик аъёналарини акс этган, фантастикадан фарқли равишда, инсон ҳаёлотида пайдо бўлиб, ғойиб

бўлувчи сюжет воқеаларни қамраб олган асарларни ўз ичига олади.

Келтирган таърифимиз бўйича фэнтези ва фантастик оламнинг инсон ҳаёлида пайдо бўлишини ўзига хос бўлган ўхшашлик жиҳатлари деб қарасак, фантастиканинг келажакка билан бирга унинг асарлардаги илмий ҳодисаларга боғлиқлигини англай оلسак, унинг маълум жиҳатдан фэнтезига нисбатан фарқли томонларини кўра олишимиз мумкин. Бу ўринда, рус фантастик ёзувчиси Г. Гуревич фэнтезини "ноилмий фантастика" деб номлаши ёки [2, 28], фэнтезининг жанр сифатида фантастик унсурларидан фарқланувчи жиҳатига белорус олими Г.Нефагинанинг "агарда муаллиф фэнтезининг кўп сонли усулларидан фойдаланса ҳам, шу асар фэнтезига алоқадор бўлиши мумкин [4, 200] деган фарази, фэнтезининг фантастика олаmidан айро ҳолда ўзининг йўналишига эга жанр сифатида қарашимизга асос бўлади. Бу икки жанрнинг инсон онгида турли рўё воқеаларнинг пайдо қилиши, баъзи ҳолларда узоқ ўтмиш сари етаклайди, бу ўз навбатида, шу воқеалар тарихда ҳам бўлганмикан деган саволларни юзага келтиради. Фэнтези жанрининг тарих билан алоқадорлиги рус ёзувчиси Вс. Кузнецовнинг келтириб ўтган фикрида кўрамир. Ёзувчининг "Фэнтези: жанрининг анатомияси" номи ишида келтиришича: фэнтези олами бир неча йўллар билан шаклланиши мумкин. Бу ҳақиқий тарихга муқобил вариант сифатида яратилиши, ҳақиқий ўзгарган ўтмишдаги сеҳргарликни яратиш, ҳақиқий дунёнинг кўринишини ўзгартирган ҳолда уни онг оламига янгича ном билан ўтказишдир. [http://magazines.russ.ru/sp/2000/2/10ku.html]

Адибнинг фикрига таянган ҳолатда фэнтези оламининг ички тузилишида маълум даражада тарихнинг ҳам

аҳамиятини кўрамыз. Бунда тарихий воқеликнинг сеҳргарлик билан муштараклигини ҳис қилган ҳолда, ўзимиз учун ўзга дунёни кашф қиламиз. Ҳудди шу каби дунёни юқорида айтиб ўтган Жорж Мартиннинг "A Song of Ice and Fire" (Муз ва олов кўшиғи) туркум асарида учратамиз. Гарчи ўзи америкалик ёзувчи бўлсада, у яратган ғарб ўрта аср тарихидаги оламнинг фэнтези жанрида акс этиши, китобнинг бадиий олами юқори даражада эканлигига асос бўлади. Ҳозирги кунда ҳам америкалик адибимиз Жорж Р.Р. Мартин ўзининг ижод намуналарини бутун дунё китобхонларига тақдим қилмоқда. Шу ўринда биз ёзувчининг қисқача ҳаёт ва ижодига тўхталиб ўтамыз. Жорж Мартин 20 сентябр 1948 йил АҚШ нинг Нью-Жерси штатидаги Бейонне шаҳарчасида туғилган. Ота-онаси Рэймонд Колинз Мартин ва Маргарет Брэди Мартин бандаргоҳ юк ташувчиси бўлиб ишлаганлар.

Жорж Мартиннинг оиласида ўзидан ташқари яна икки сингласи Дарлин Мартин Лапинский ва Жанет Мартин Паттен бўлган.

Дастлаб, Бейоннедаги Мэри Жейн Донахью (Mary Jane Donohoe School) бошланғич сўнгра Мэрист-Хай-Скул (Marist High School) тамомлайди. Ёшлигидан ўқишга меҳр қўйди. Қўшни болаларга турли кўрчинчи тарихий ҳикояларни ёзиб сотарди. Юқори синфда у комик жанрдаги асарларни тўпловчисига айланди, шунингдек, ҳаваскор журналларга ёзиб турарди. 1970 йили Еванстондаги Шимол - Ғарбий университети (Northwestern University)да журналистика соҳаси бўйича бакалавр, сўнгра магистр (1971йил) даражасига эришди. Шу даврларда унинг дастлабки асари "Самовий илмий фантастика" (Galaxy Science Fiction) журнаlining феврал

ойи сониди "Қаҳрамон" (The Hero)номи билан нашр қилинди.

Адиб 80-чи йиллар давомида жуда кўплаб фэнтези асарлар яратади, ҳаттоки, Голливудга келиб ўзи яратган асарларининг сценаристисифатида фаолият кўрсатади. Унинг машҳурлик погонасини ўзи яратган туркумли фэнтези асар "Муз ва олов кўшиғи" (A Song of Iceand Fire)да кўринади. Дастлаб, адиб Жон Толкиеннинг"Узуқлар ҳукмдори" (The Lords of Rings) асаридан илҳомланиб юрган бўлса-да, замонавий фэнтезига жиддий қарамас эди, лекин яна икки ёзувчи Тед Уилиамс унинг "Хотира, Қайгу ва Машаққат" ва Жек Венснинг асарларини ўқиб чиққанидан сўнг у янги жанр асосида асар ёзишга киришди. "Муз ва олов кўшиғи" (A Song of Iceand Fire) асари бутун жаҳон китобхонлари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

Унинг адабий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ижод маҳсули "Муз ва олов кўшиғи" (A Song of Iceand Fire) бўлиб, фэнтезининг эпик жанрида ёзилган. Асар цикли етти романдан яъни "Тахтлар жанги" (A Game of Thrones), (1996), "Қироллар тўқнашуви" (A Clash of Kings) (1998), "Ҳанжарлар бўрони" (A Storm of Swords) (2000), "Қузғунлар байрами" (A Feast for Crows) (2005), "Аждаҳолар билан рақс" (A Dance with Dragons) (2011), "Қиш шамоллари" (The Winds of Winter) (2018), "A Dream of Spring" (нашр этилмаган) боратдир. [https://en.wikipedia.org/wiki/George\\_R.\\_R.\\_Martin](https://en.wikipedia.org/wiki/George_R._R._Martin)].

Жорж Мартиннинг тарихий воқеалар уйғунлигида фэнтези оламига кириб бориши китобхонда алоҳида қизиқиш уйғотида шу билан биргаликда қаҳрамонлик эпосларини акс эттирувчи етти тарихий воқеликка олиб киради. Ўзининг машҳурлиги ва асарлардаги архитектуроник унсурларнинг қизиқарли

бўлишига қарамай, ҳозирги кунда бу китоблар жуда кам ўрганилган. Жорж Мартиннинг бу туркум асари ўрта аср ижтимоий тузумини тарихий воқелик сифатида ҳикоя қилади. Шу жиҳатдан, асарда келтирилган рамзий образларнинг тарих билан алоқадорлигини таҳлил қиламиз.

Бу ўринда диққатимизни ёзувчининг бадий оламида яратилган рамзий образлар яъни, Вестереос қитъаси, қитъанинг шимолий чегараларига томон чўзилган девор The Wall, қитъа қирғоқларини ювиб турувчи The Shivering денгизига, қитъадаги етти қироллик ва уларда яшовчи сулолаларнинг тарихий прототипига, афсонавий аждаҳоларнинг рамзий тимсол сифатида келтирилишига қаратдик.

Жорж Мартин яратган олам (Вестереос қитъа), ундаги макон тушунчаси ва ушбу маконнинг асардаги географик ўрни, табиати тўғридан тўғри шимол ва жанубни бир - биридан ажратиб турган макон ҳозирги Америка қитъасини тасвирига мос келади ва бадий оламдаги муҳит бизни Америка фуқаролик уруши даврига етаклаб боради.

Шимолий қитъа тасвирлари Буюк Британияни табиатини намоён этади. Қитъанинг шимолий чегараларни ўраб турган деворга асарда куйдагича таъриф берилади: "The Wall is a colossal fortification which stretches for 300 miles along the northern border of the Seven Kingdoms, defending the realm from the wildlings who live beyond. The Wall is reported to be over 700 feet tall and is made of solid ice" [24, 178-179]. Бу девор асарнинг макон элементи бўлиб, фикримизга кўра, бу аналог эмас балки ёзувчининг инновациясидир. Чунки шунга ўхшаш услубдаги қурилиш ва худди шундай вазифани бажарувчи иншоот Буюк Британия ҳудудид

жойлашган машҳур римликлар босқини давридаги меъморий ёдгорлик Адриан девори тасвирига хосдир. Адриан девори ҳақидаги маълумотлар "Ёввойилар" (Wildings) романида келтирилишича, Адриан девори асосан кельт қабилалари - Picts and Scotsлар ҳужумидан Рим империяси чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифасини бажарган [11, 252]. Бундан ташқари, Мартиннинг келтириб ўтган жойлари ҳам Буюк Британия харитасида берилган географик ҳудудларнинг иқлими ва табиатини эслатади. Шунингдек, қитъадаги бутун қуруқликнинг ҳар томондан ўраб турган денгизни асарда The Shivering (shivering - лотин тилидаги "shiver" тан олинган бўлиб - титрамоқ; қалтирамоқ (одатда совуқдан ёки қўрқувдан) [10, 1350] номи билан кўрсак-да, унинг реал борлиқдаги Шимолий денгизни ёдга солади. Бу денгиз қуруқликни ўраб турган девор ортидаги қирғоқларни ювиб туради. Агар ҳар икки харитани (Буюк Британия ва Ж.Мартин харита намунаси) солиштирсак, ҳар икки денгизнинг жойлашувини мос келишини сезмаслик мумкин эмас.

Асардаги яна бир етакчи образ саналган Етти Қироллик деб номланган мамлакатнинг ва қиролликдаги сулола вакиллари ҳақидаги барча фикрлар Буюк Британия тарихидаги англо - саксонлар даврига бориб тақалади. "By 600, with the invasions over, these seven kingdoms had been established (T.C. - Northumbria, Mercia, Wessex, Sussex, Essex, East Anglia, Kent)" [25, 13]. Бундан ташқари етти қироллик тушунчаси, романларда ҳам маълум калит сўз сифатида бир неча марта келтирилган. Етти қироллик номлари ҳақидаги фикрларни биз Коллеманнинг "Комитет 300" асарида ҳам учратамиз. Бунда барча зодагон хонадонлар биргаликда Меровинглар сулоласини

ташқил қилади ва етти мамлакат қироллигини: Италия, Германия, Швецария, Буюк Британия, Голландия ва Грецияни вужудга келтирганлигини айтиб ўтган. Меровинглар сулоласи ўз даврининг қудратли сулоласи бўлиб, "аждаҳо" номи билан ном қозонган. Шунингдек яна бир қизиқарли факт сифатида Меровинглар келиб чиқиш илдиэлари Британ оролларидаги Tuatha de Danaan қабилаларига бориб тақалишини таъкидлаб ўтган.

Жорж Мартин ижодидаги етти қироллик сулола вакиллари узоқ вақт давомида Таргарянлар ёки Аждаҳолар номи билан аталиб, босқинчилик билан шуғулланишган. Таргарянлар ҳақида гап кетганда ёзувчи улар ҳақида куйидаги фикрни келтириб ўтади: "The Targaryens are the blood of the dragon, descended from the high lords of the ancient Freehold of Valyria, their heritage proclaimed in a striking (some say inhuman) beauty, with lilac or indigo or violet eyes and hair of silver-gold or platinum white" [11, 799]. Асардаги рамзий образлардан бири аждаҳо бўлиб, у Таргариенлар хонадонининг рамзи сифатида тасвирланган. Амалдаги Уэлс миллий байроғида тасвирланган қизил аждаҳо ёки И-Драйг Гохе (Y Draig Goch) асардаги рамзий аждаҳо тимсолининг прототиби сифатида берилган. Шу ўринда Уэлс қадимий аждаҳолари ҳақида куйидаги маълумотни айтиб ўтишни лозим деб биламиз: Уэлснинг афсонавий аждаҳолари Драг-ушумгал каби ҳеч ким ҳисобланмаган фақатгина Қадимий Шумерлар афсонавий аждарҳо қироллигининг авлодлари бўлганлар. Қадимги Англияда у "бинафшаранг аждаҳо" номи билан машҳур бўлган.

Афсоналарда айтилишича, у Шимтлар қироллик хонадонига тегишли ва шумер Шаррукинлар авлодидан бўлган Аккадлар

сулоласининг қирол аждаҳоси бўлган. Шунингдек, у ўлмас ва ўзгарувчанликни севгувчи аждаҳо сифатида тасвирланган. [3, 185]. Аждаҳонинг тўлиқ ранги сақланиб қолган бўлиб, фақат қадимий романлар дунёсининг тарихий воқеалари сабабли аждаҳонинг бош қисми ўзгартирилган: "The Targaryen banner is a tree-headed dragon, red or black, the three heads represented Aegon and his sisters" [11, 799]. Жорж Мартин асаридаги рамзий образларнинг тасвири борлиқ билан ҳамма ҳам бўлиши, ёзувчи бадий оламига тарихий воқелик асослигидан далолат беради. Ҳаттоки, асарда келтирилган образларнинг ташқи кўринишида ҳам ўхшашликларни (the Last Targaryens) - Визерислар (Viserys) и Дейенерис (Daenerys): "He was a gaunt young man with nervous hands and a feverish look in his pale lilac eyes" [11, 25]; "The color [of the dress - T.C.] will bring out the violet in your eyes" [11, 25]; "Look at her. That silver-gold hair, those purple eyes..." [11, 30]; "Anger flashed in her brother's lilac eyes" [11, 30] кўра оламиз.

Асарда таъкидлангандек, аждаҳолар сулоласи вакиллари ўзларининг кумушранг сочлари ва бинафша ранг кўзлари билан ажралиб турувчи жиҳатлари ҳозирги Европа одамларининг ташқи кўриниши билан боғлиқдир. Шу каби, аждаҳолар сулоласидан бўлган афсонавий қирол романда Aegon the Conqueror [11, 30] номи билан Етти Қироллик (Seven Kingdoms) даврида қонхўр босқинчи шахс сифатида тасвирланган, бу жиҳатдан уни тарихда 1066 йил Британияни фатҳ этган Вилгельм босқинчига ўхшатамиз. [12, 25]. Шунингдек, Mad King Aerys II Targaryen Англия қироли бўлган Этелреда Безрассуд шахсини ёдга солади. [12, 27]. Ёзувчи ўзининг қаҳрамонларига берган бундай характерли ном ва тасвирларни



бошқа хонадон вакилларида ҳам учратамиз: John the Bastard [11, 253]; Turgion, called the Imp (бунда "шайтон" сўзи "шумтака" сўзига ўзгартирилган, шунингдек Turgion - митти деб ҳам номланган). [11, 787]. Бу икки ном ҳам тарихдаги босқинчи Вилгелем номи билан боғлиқ бўлиб, никоҳсиз туғилганлиги учун ҳам Bastard (валеди зино) номини олган. Кейинчалик, унинг ҳаётдаги жўшқинлиги унга отаси Роберт II дан қолган "Шайтон" номини берган.

Тарихий нуқтаи назардан, қадимги сулолаларнинг номланишига айнан инсонларни қўрқувга солувчи илон, аждар ёки шер каби ҳайвонлар номларини сулолавий рамз қилиб олинганини биламиз. Айнан шунга ўхшаш унсурларни ёзувчининг асариде келтирилган сулола номланишида гувоҳ бўламиз. Таргариенлардан сўнг, Етти Қиролликнинг темир тахтларига the Lannisters (Ланнистерлар)дан бошқа ҳеч ким хонадонда рамзий шер бўла олмади. [11, 787]. Бунда ёзувчининг рамзий образлар яратишда ёки уларни номлашда ўрта асрлар тарихига мурожаат қилганлигини англашимиз мумкин.

Адибнинг туркум асарда афсонавий мотивлардан ташқари, Таргариенлар хонадонининг тасвирида ўзига хос бўлган фалсафий дунёқараш ҳам мавжуд, яъни Толкиенга хос бўлган аждаҳони олтинга боғлиқлиги, қоровуллик ёки ёш қизларни ўғирлаш каби эртақнамолик хусусиятлари олиб ташланган. Мартиннинг қўллаган асосий концепцияси бу қолипидан чиқиш яъни "аждаҳо материя образи бўлган:"For centuries the Targaryens had married brother to sister, science Aegon the Conqueror had taken his sisters to bride. The line must be kept pure, Viserys had told her a thousand of times; theirs was the kings blood, the golden blood of Valyria, the blood of the dragon" [9, p. 29]; "To preserve the blood royal and keep

it pure, House of Targaryen has often followed the Valyrian custom of wedding brother to sister" [11, 799]. Шунингдек адибнинг образ яратиш давомида, кўчманчи Дотракиларнинг ташқи кўриниши ва яшаш тарзи ҳақидаги тасвирларга "...I looked at the Dothraki and saw half-naked barbarians, as wild as their horses. <...> They are better riders than any knight, utterly fearless, and their bows outrange ours. The Dothraki fire from horseback, charging or retreating, it makes no matter, they are full as deadly... and there are so many of them, my lady. Your lord husband alone counts forty thousand mounted warriors in his khalasar" [11, 376] дуч келамиз. Уларнинг қаҳри қаттиқ ва баджаҳдлигини қуйидаги тасвир билан ифодаланган. "His face was hard and cruel, his eyes as cold and dark as onyx" [11, 34]. Кўчманчилар ҳаётида отларнинг муҳимлигини акс эттириш учун "In some khalasars <...> the blood riders shared the khal's wine, his tent, and even his wives, though never his horses. A man's mount was his own" билан изоҳлайди. [11, 379]. Дотракиларнинг ўт-ўлан қидириб саёҳатга чиққанлари тасвири асарда турли кўринишларда келтирилган. "Past here, there were no hills, no mountains, no trees nor cities nor roads, only the endless grasses, the tall blades ripping like waves when winds blew. <...> There are hundred kinds of grass out there, grasses as yellow as lemon and as dark as indigo, blue grasses and orange grasses and grasses like rainbows" [11, 219], уларнинг босқини таъсирида ҳаробалик қуйидаги "Behind them the great horde might tear the earth and muddy rivers and send up clouds of choking dust, but the fields ahead of them were always green and verdant" [11, 222] тасвир билан изоҳланган.

Бу образлар тарихда маълум ва машҳур бўлган кўчманчи хазарлар ҳақидаги маълумотларни ёдга солади: "пакана бўйли, соқолсиз, илмсиз, отлар

орасида ўсган. Улар отлар билан шунчалик яқин (туғишгандек)ки, отларга жуда катта эътибор беришади ва улар пидё юришни ўзларига ор деб билганлар. Улар фақат отларда жанг қилишганлар, сифатли қурол-яроғ (камон, найзалардан) фойдаланишган. Улар худди қочқин каби доимо ҳар ерга кўчиб юрганлар. Улар мўл ўтлоқларга келганларидан сўнг, ўтовларини айлана шаклда жойлаштиришади, чорвалар учун барча озиқ овқатларни йўқ қилиб, барча нарсаларни худди ўз шахридек араваларга жойлаштирадди.... Улар йўлларига учраган нарсаларни барбод қилиб кетардилар [5, 14].

Жорж Мартиннинг асарида Дотракиларнинг ташқи кўринишида узун соч муҳим рамз сифатида аҳамият касб этган. Ҳаттоки, уларнинг жангда мағлубиятга учрашлари натижасида улар сочларини кесиб ташлашлари Дотракилар учун катта шармандалик эди. "When Dothraki are defeated in combat, they cut off their braids in disgrace, so the world will know their shame" [24, 34]. Бу каби ўхшашликни тарихий Данов авлодларида кўрамиз. Улар "узун сочли қироллар" деб номланган. Улар мажусийлик давридан бошлаб токи монархия танназулга юз

тутгунга қадар узун соч қўйиб юришганлар. Бу монархиянинг асосий қонуниятларидан бири бўлган. Юқоридаги изланишларимиз натижасида қуйидаги умумлашма хулосаларга келинди. Жорж Мартин "A Game of Thrones" асарида географик, фольклор ва қадимги Британия тарихи билан сулолавий кесишмалардан ташқари, асар асосида бошқа тарихий элементлар, яъни контекстда келтирилган сюжетларда узоқ ўтмиш воқеалари ётади. Шунингдек, Шимолий Америкага боғлиқ бўлган воқеа ҳодиса ва реал тарихий фактлар асос бўлган. Ёзувчи яратган дунё топографик жиҳатдан, Буюк Британия, Шимолий ва Жанубий Америкага параллеликни ўз ичига олади. Асардаги номи келтирилган бир неча объектлар ва қахрамонлар Буюк Британия тарихидаги ҳукумат номлари ва географик ҳудудларга мос калишлигига асос мавжуд. Уэльс символизми кенг кўламда қўлланилган. Диний маданий кўринишларнинг тасвирлари қадимги туманли Альбионда аналогларини кўришимиз мумкин. Ёзувчининг яратган ижодий олами ва унинг ичидаги белгили, рамзли тизими бундан ҳам кўпроқ илмий изланишлар олиб боришга имконият беради.

#### ДАБИЁТЛАР:

1. Березин, В. Фэнтези / В. Березин // Октябрь. -2001. - № 6. -С. 6 -12.
2. Гуревич, Г. Что такое фантастика и как ее понимать? / Г. Гуревич// Мир фантастики. -2010. -№20. -С. 25 -30.
3. Керлот Хуан Эдуардо. Словарь символов. - М.: REFLbook, 1994. - 608 с.
4. Нефагина, Г.С. Русская проза второй половины 80-х -начала 90-х годов XXвека / Г.С. Нефагина. - Минск: Экономпресс, 1998. -231 с.
5. Плетнёва С.А. Хазары. - М.: Наука, 1976. - 96 с. Pletneva S.A. Hazary [Khazar]. - М.: Nauka, 1976. - 96 p.
6. Сапковский, А. Нет золота в Серых горах! [Электронный ресурс]. -Режим доступа: <https://e-libra.ru/read/141509-net-zolota-v-seryx-gorax.html>.
7. Толкачёв В.С., Фэнтези: жанр или литературной направление. Проблемы изучения зарубежной литературы. - 2010. 169 с
8. Чернышева, Т. Природа фантастики/Т.Чернышева. - Иркутск: Изд-во Иркут. ун-та, 1984. -331с
9. Collins Cobuild English Language Dictionary [Text]. - London: Clays Ltd, St. Eves plc, 1991. - 1805p. (CELD).
10. Hornby A.S. Oxford Advanced Learner's Dictionary of Current English. - New York: Oxford University Press. - 2000. - 1715 p.
11. Martin George R.R. A Game of Thrones - Falkirt, Stirlingshire: Clays Ltd. - 803 p.
12. Richer John, Saywell John, Spring Earle, Vallery Hugh. The British Epic. - Toronto: Clarke, Irving and Company Ltd. - 1967. - 347 p.

---

**СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**НАВОИЙ ВА ШАРҚ АДАБИЁТИДАГИ ИЖОДИЙ МЕТОДНИ КОНЦЕПТУАЛ ҲАМ ИЖОДИЙ МЕТОДНИ ТАЊИМЛАШ**

**Зариф ҚУВОНОВ,**

Навоий давлат педагогика институти Ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси.  
zarif\_1178@mail.ru

**For citation:** Zarif Kuvonov. Conceptual Tasks Of Studying A Creative Method In Creativity Of Navoi And Eastern Literature. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 5, pp. 107-113



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-14>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада ижодий метод ва унинг бадиий адабиёт ривожига тутган ўрни, ўзбек ва Шарқ адабиётларида метод масаласининг ўрганилиши ҳақида мулоҳазалар юритилган. Адабиётшунос Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ижодий методи муаммолари, Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихи, тараққиёти, бадиий методнинг умумий ва муштарак жиҳатлари ўрганилган. Маълумки, ҳар қандай ижодкорнинг адабиёт тарихида тутган ўрни ва сўз санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш, биринчи навбатда, унинг бетакор ва ўзига хос услуби ва ижодий методи масаласини чуқур ўрганишни тақозо этади. Шу маънода услуб ва ижодий метод тушунчалари адабиётшуносликда долзарб муаммолардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Мақолада А.Ҳайитметовнинг "Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари", "Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан" китобларида илгари сурилган илмий-назарий фикрларга муносабат билдирилган.

**Таянч сўзлар:** ижодий метод, романтизм, реализм, шартлилик тамойили, услуб, реалистик тасвир, эстетик идеал

---

**КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ ИЗУЧЕНИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЕТОДА В ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ И ВОСТОЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ**

**Зариф КУВОНОВ,**

Старший преподаватель кафедры узбекской литературы Навоийского государственного педагогического института

---

**АННОТАЦИЯ**

В статье рассматривается творческий метод и его роль в развитии художественной литературы и методологии изучения узбекской и восточной литературы. Литературный исследователь Абдукадир Хаитметов изучал проблемы творческого метода Алишера Навои, историю и развитие

художественных методов восточной литературы и общие аспекты художественной методологии. Общеизвестно, что роль любого писателя в истории литературы и его вклад в развитие словарного запаса, прежде всего, требуют тщательного изучения его уникального и неповторимого стиля и творческого метода. Таким образом, понятие стиля и творческого метода стало одним из самых актуальных вопросов литературы. Также в статье изложено независимое мнение автора на научно-теоретические идеи, изложенные в книгах А.Хайитметова "Проблемы творческого метода Алишера Навои", "Из истории творческого метода восточной литературы".

**Ключевые слова:** креативный метод, романтика, реализм, принцип обусловленности, стиль, реалистичный образ, эстетический идеал.

---

## CONCEPTUAL TASKS OF STUDYING A CREATIVE METHOD IN CREATIVITY OF NAVOI AND EASTERN LITERATURE

**Zarif KUVONOV,**

Senior teacher of department of Uzbek literature, Navoi state pedagogical institute

---

### ANNOTATION

The article considers the creative method and its role in the development of literature and the methodology of studying Uzbek and Oriental literature. Literary researcher Abdukadir Khaitmetov studied the problems of the creative method of Alisher Navoi, the history and development of artistic methods of Oriental literature and the general aspects of artistic methodology. It is well known that the role of any writer in the history of literature and his contribution to the development of vocabulary, first of all, requires careful study of his unique and inimitable style and creative method. Thus, the concept of style and creative method has become one of the most actual issues of literature.

The article presents the independent viewpoint of the author on the scientific and theoretical ideas presented in the books of A. Hayitmetov "Problems of the creative method of Alisher Navoi", "From the history of the creative method of Oriental literature"

**Keywords:** creative method, romance, realism, the principle of conditioning, style, realistic image, aesthetic ideal.

---

**А**дабиётшуносликнинг назарий масалаларидан бўлган адабий танқид, бадиий метод, шунингдек ижодкорнинг услубини ўрганиш Абдуқодир Ҳайитметов тадқиқотларида етакчи ўрин тутди. Ҳайитметов биринчилардан бўлиб, дастлаб Навоий ижоди мисолида ижодий метод ва услуб масаласини [1], кейинчалик эса Шарқ адабиёти миқёсида бу каби назарий муаммоларни тадқиқ этди [2]. Улуғ шоир ижодкорнинг поэтик услуби ва ижодий методига доир назарий масалалар ечимига қаратилган тадқиқотлар Абдуқодир Ҳайитметов илмий фаолиятининг етакчи бўғинига айланганлиги кўрама. Ижодкорнинг ўзига хос услубига унинг санъаткорлик маҳоратини намоён эта олишига илмий жамоатчилик диққатини бу масалага қайта-қайта

жалб этиши боиси шундаки, ижодий метод билан услубнинг ўзаро муносабати, уларнинг ҳар бирининг моҳияти, ўзаро алоқалари, бир-бирларига таъсиридаги қатор мураккабликларни тўғри белгилашга, ниҳоят, уларга бевосита тааллуқли бўлган жуда кўп муаммоларни яхлит тасаввур қилишга ёрдам беради.

Ўрта асрлар Шарқ мумтоз адабиётининг, шу жумладан, унинг энг йирик намоёндаларидан бири бўлган Алишер Навоийнинг ижодий методи илмий тадқиқ этилиши зарур жиҳатлардан бири бўлиб, қуйидаги муаммолар ечимига йўл очади: биринчидан, ижодкор мансуб давр савияси ва талаблари, умуман, бадииятнинг муайян ҳолати ва долзарб масалалари ва ўзининг ғоят мураккаб, кўп қиррали ва зиддиятли бутун ижодий

фаолияти, гоъвий ёндашуви, бадий воситалари ҳамда усуллари билан узвий боғланган бўлиб, шуларнинг кўпини бевосита қамраб олади, иккинчидан, ечимини қутаётган муаммолар, назарий характерга эга бўлган масалалар билан, чунончи, қадимий Юнон ва Рим, қадимдан то XV асрга қадар бўлган Марказий Осиё ва Эрон, Араб ва Озарбайжон маданияти, айниқса, адабиёти, санъати, фалсафаси, эстетик таълимотлари билан чамбарчас боғлиқлиги, ва учинчидан, ҳам ижодий методнинг ўзи, ҳам у билан алоқадор бўлган аксар бошқа масалалар Ҳайитметовгача О. Ҳошим [3], А.Саъдий [4], Н.Маллаев [5], В.Зоҳидов [6] ишларида айрим мулоҳазалар билдирилган бўлса-да, махсус ўрганилмаган, таҳлилга тортилмаган эди.

Абдуқодир Ҳайитметов Навоий бадий методи текширишга киришар экан, аввало, Навоийгача бўлган форс-тожик тилидаги адабий меросга таянади. Негаки, Навоийга қадар форс-тожик адабиёти ва форс тилидаги Озарбайжон адабиёти бу борада нисбатан жуда катта ютуқларга эришган эди. Бадий метод нуқтаи назаридан ҳам бу халқлар адабиётига доир илмий-назарий қарашлар Е.Э.Бертельс [7], И.С.Брагинский [8] ишларида кузатилади.

А. Ҳайитметов "Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари"да шоир ижодий методи асос-эътибори билан романтик характерга хос бўлса-да, реалистик, ҳаётий манзаралар яратишга монелик қилмаганлиги кўрсатади. Тўғри, метод ижодкорнинг дунёқарashi, оламни тушуниши ва акс эттириши принциплари, услуби, адабий-эстетик қарашлари билан узвий боғлиқ бўлган масаладир. Алишер Навоий сингари буюк санъаткорлар ижодий методи аниқлаш - бу айти

вақтда, ўша даврдаги бутун Яқин Шарқ адабиётининг асосий методини белгилашни тақозо этади. Демак, ўзбек, форс-тожик адабиётлари тарихининг бу даврини атрофлича ўрганиш асосида буюк шоирнинг ижодий методини текширишгина санъаткорнинг ҳаёт воқелигига ҳамда ўз даврига бўлган муносабатини ҳам англашга ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, у ёки бу ижодкорнинг ижодий методи - бу бутун адабиётнинг методи бўлиши ҳам, бўлмалиги ҳам мумкин. Алишер Навоий ижоди методи - бу бутун катта бир давр Яқин Шарқ адабиётининг методи бўлган. Айни пайтда ҳар бир даврдаги адабиёт методини текширишда ҳаққонийлик тамойиллари билан реализмни айти тенг, айнан бир хил деб қараш ҳам мумкин эмас. Чунки, ҳаққонийлик тамойили романтизм деб аталган ижодий методда ҳам мавжуд. Романтизм методидagi ҳаққонийлик билан реализм методидagi ҳаққонийлик орасида мавжуд бўлган тафовутни унутмаслик керак. Романтизмда ҳаққонийликнинг мавжуд бўлиши, реалистик элементларнинг яшаши - бу реалистик метод дегани эмас. Олим буни теран англаган ҳолда Алишер Навоийнинг ижодий методини текшириш жараёнида қизиқарли фикр-мулоҳазаларни, мунозарали масалаларни ўртага ташлайди ва шоир ижодий методи унинг асарларининг гоъвий йўналиши, образлари, уларнинг характерли хусусиятлари орқали таҳлил қилади.

Ижодий метод билан услубнинг ўзаро муносабатини, уларнинг ҳар бирининг моҳиятини, ўзаро алоқаларини, бир-бирига таъсиридаги қатор мураккабликларни тўғри белгилаш уларга бевосита тааллуқли бўлган жуда кўп муаммоларни яхлит тасаввур қилишга ёрдам беради [9; 280]. Шу боис

Ҳайитметов Навоий ижодининг ва Шарқ адабиётининг ўзига хос ижодий методи масалаларини ўрганишда қуйидаги жиҳатларни таҳлил этишга эътибор қаратди:

1. Навоий ва Шарқ адабиётидаги ижодий методни концептуал ўрганиш масаласи. Бунда олим ижодий метод масаласи нафақат бир ижодкор, балки бутун даврнинг характерли хусусияти эканлиги, Навоийнинг ижодий методи бутун Шарқ адабиёти ижодий методининг бир қисми бўлиб, унеча мавжуд методнинг (романтизм, реализм) узвий давоми сифатида анъанавийлик касб этганлиги;

2. Навоий ижодида романтизм. Олим романтизм методининг жаҳон адабиёти миқёсида текширар экан, Европада XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида пайдо бўлган бу йўналишни Шарқ адабиётига хос бўлган умумий жиҳатлари ва фарқли хусусиятларини кўрсатади, жумладан, "романтик услубда ёзган ижодкорлар ўз асарларида дидактиканинг салмоқли ўрин тутишини ҳамда асарларида ҳиссиёт тасвири билан шахс эрки ва исёни тасвири, инсоннинг жамият олдидаги бурчи масаласи"[1;34] илгари сурилганлиги, "анъанавийлик ва шартлилик"ка асосланганлиги билан Европа романтик адабиёти билан тафовутли жиҳатларини текширар экан, анъанавийликка асосланган романтизмнинг адабиёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатганлигини эътироф этади. Шарқ адабиётида романтизмнинг майдонга келишида халқ оғзаки ижодининг ўрнини алоҳида кўрсатади: "Романтизмнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида энг зўр битмас-туганмас чашма-халқ оғзаки ижоди" [2;257] эканлиги, "бадий тасвирда идеаллаштириш тамойилининг бош иддизлари ҳам халқ оғзаки ижодида" [1;23], шунингдек,

шарқ адабиётида яратилган дostonларнинг идеаллик масаласини "халқ мифлари асосида яратилган асарлардаги идеаллаштириш усули" [1;35] деб белгилайди. Олимга кўра, "Шарқ романтикларининг асарларидаги бош қаҳрамонлар Европа романтикларининг асарларидаги бош қаҳрамонлардан, хусусан, Байрон поэмаларининг қаҳрамонларидан шу билан фарқ қиладики, бу қаҳрамонлар маълум бир романтизм даврининг спектик кайфиятларини акс эттирмайди. Улар халқ ижоди асарларининг бош қаҳрамонларига жуда яқин бўлиб, ўз шахсий манфаатлари учун эмас, кенг халқ оmmasининг иделлари учун ҳам кўрашади" [2; 283]. Шу ўринда Шарқ адабиётида романтизмнинг кенг ўрин тутишида "Шеърнинг энг яхшиси ёлғон" концепциясининг таъсири муҳим ўрин тутганлигини айтади. Бу қараш қадим араб адабиётида юзага келган бўлиб, бадий асардаги фантазия, хаёл, орзу, муболага кабиларни ишонарли тарзда тасвирлашдир. Ўз фикрини далиллашда олим Низомий Арузий Самарқандийнинг: "Шеър шундай бир санъатки, шоир унинг ёрдами билан кишини ўзига жалб этувчи таассуротларга эга бўлади ва ўзининг таъсирли мулоҳазаларини бир-бирига шундай боғлайдики, натижада кичкина жуда катта, катта эса жуда кичкина бўлиб кетади" деган қарашларини келтиради.

Ҳайитметов романтик қарашларнинг юзага келишини шу жиҳат билан асослашга киришар экан, "...ўрта асрларда адабий ҳаётда - бадий ижодда, хусусан шеърятда хаёлий, ўз даврида нореал, орзудаги нарсаларни ёзиш керак деган фикр кўп вақт устун бўлган" [2;81]лигини жуда тўғри таъкидлайди. Негаки, бу билан ижодкорнинг ўз эстетик иделларини эркин ифодалаш, шеърхон тасаввур

оламини кенгайтириш, сўз орқали ифодаланган тасвирнинг қабариклини оширишга имкон яратилади. Олим бунга қатор мисоллар келтиради, масалан, Навоийнинг "Саҳоб эрмаски, кураб тоғ уза ҳар сори огланмиш, Ки дуди оҳу афғоним фалак тоқиға чирмонмиш" байтини таҳлил қилар экан, тасвирда ўзидан қаттиқ овоз чиқариб тоғга йўл олган қора булутлар булут эмас,-дейди ошиқ,-балки менинг оҳу афғонларимнинг тутунларидир; аслида улар тоғга йўл олганлари йўқ, фалакнинг тоқиға - гумбазига чирмашмоқда. Булар ҳиссиётнинг романтик тасвирдир" [1;137].

Шарқ адабиёти ижодий методида романтизм етакчи ўрин тутушини академик Иззат Султон ҳам "Ҳофиз ва Навоий, Низомий ва Руставели бошқа классикаримиз ҳақида биз бутинисича олганимизда, уларнинг поэзияси романтик поэзия эканлигини айтишимиз мумкин" деб кўрсатади. [10;370] А.Ҳайитметов Навоий ижодий методини тўғри белгилашда шоир асарларини у ёки бу ижодий методга тўла мос эканлини инкор этади ва "Навоий ижодини бир ижодий метод доирасида тушуниш мутлақо мумкин эмас. Унинг ижодида реалистик тасвирни ҳам, сўфиёна мажозни ҳам, эпик қаҳрамонлик услубининг хусусиятларини ҳам кўрамиз" [1;170], деб таъкидлар экан, етакчи услуб сифатида романтик услубни қайд этади.

"Алишер Навоий ижоди методи масаалари" асаридаги бу қарашларни "Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан" китобида кенгайтириб, анъанавий романтик характер ўрта аср ўзбек, форс-тожик адабиётининг, умуман шарқ адабиётининг энг характерли белгиси деб белгилайди ва "Навоий ижодида романтика том маънода ижодий метод сифатида шаклланиб, ўзбек адабиёти тарихида

катта ютуқларни қўлга киритган"лигини қатор мисоллар билан кўрсатади. [2; 215]

Реалистик тасвир белгилари. Навоий ижодида реалистик тасвир кўринишлари кўпроқ лирик асарларида, айниқса, ҳасби ҳол мавзусидаги шеърларида, қитъа ва чистонларида, шунингдек сатирик характерга эга асарларида яққол кўринади. Ҳайитметов реал тасвирлар ҳам рамзий-мажозий хусусият касб этишини, шартли тасвир реализмнинг асосий белгиси бўла олмаслигини илмий асослар экан, "реалистик лавҳалар ва ҳикоялар шоирнинг дидактик таълимоти ва фикрлари билан узвий боғланиб кетган" деган хулосага келади. Масалан, "Сабъаи сайёр"даги Баҳромнинг ҳалокатини реал тасвир эмас, балки рамзий, шоирнинг ўз идеасининг шартли ифодалигини айтади. Бунга мисол тариқасида шоир шеърлятидаги реалистик элементларга келтиради: "кўзлар қамашти", "чиқди мендин жизу биз", "учар ҳар дам кўзим", "чиққур кўз" каби ҳаётийликка асосланган тасвирий кўриниш ва ибораларни, ёки поэтик тасвирдаги бир қатор реалистик кўринишлар орқали ўз қарашларини асослайди. Жумладан, шоир шеърлятидаги ошиқ ўз юрагидаги доғларни карвон қўнган манзилда ўт ёқилиб, қуйган ерга ўхшатиши ("Ақлу сабру хуш итиб, кўнглумда қолди доғлар, Корвон кўчса, қолур ўтлар ери манзил аро"); ёки ошиқ танидаги ишқ яраларининг малҳам қўйиш билан тузалмаслигини, кўнгли шод бўлмаслигини девор ёриқларини балчиқ билан суваганда ҳам вайрона уйнинг тузалмаганига ўхшатиши - реалистик элемент: "Захмима марҳам ёқиб, гамгин кўнгул шод ўлмади, Раҳнага болчиғ суваб, вайроним обод ўлмади". [1;154]. Олим яна бунга шоир шеърлятидан кўплаб мисолларни келтириб ўз фикрларини илмий асослайди: кийикни

кўриб, орқасидан бахтиёр югурган ёш бола ("Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб, Тифл янглигим, югургай ҳар тарф оху кўруб") тасвири; хирмондаги донларни майдалаш учун ошиқ кучли охи билан фалакни ел тегирмонига айлантиргани "Жон мазраида бўлди не тонг дард хирмани, Оҳимдин ўлди чунки фалак ел тегирмани" сингари мисоллар билан фикрини далиллайди. Кўринадики, "Тафаккур, маърифат, халқ ва Ватан муҳаббати мунаввар айлаган Шарқ реализми Европа ёзувчилари тасаввурини ҳаракатлантирган реализмдан фарқланади" [10;13] деган қараш ҳам Ҳайитметов мулоҳазаларига таянади. Чунки, Ҳайитметов юқорида кўрганимиздек, шарқона реалистик қарашларнинг ўзига хос жиҳатларини биринчилардан бўлиб илмий-назарий асослаб берди.

Ҳайитметов ижодий метод масаласини фақатгина романтизм ва реализм йўналиши мисолидагина эмас, балки, эстетик идеал, шартлилик тамойиллари, услуб масалалари билан узвий ўрғанади. Негаки, ижодкорнинг ижодий методини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Олимнинг ижод метод ва уни ўрганишга доир ишлари дастлаб "Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари" монографиясида айрим мулоҳазалар билан бошланган бўлса, кейинчалик "Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари" ҳамда "Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан" китобларида бу назарий қарашлар ривожлантирилди. Бу масалани ўрганишга олим кейинчалик ҳам қайта-қайта мурожаат қилганлига гувоҳ бўламиз: "Алишер Навоийнинг ижодий методи" ("Ҳаётбахш чашма"), "Ғазалда ички руҳий ҳолат тасвири", "Навоийнинг ижодий методи масаласи", "Улуғ шоир шеърий услуби масаласи", "Навоий дostonларида

шартли тасвир", ("Навоийхонлик суҳбатлари") каби тўпламларидан ўрин олган мақолаларида бу жиҳатларни илмий-назарий асосда бойитиб борди. Ҳар қандай ижодкорнинг адабиёт тарихида тугган ўрни ва сўз санъати тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш, биринчи навбатда, унинг бетакрор ва ўзига хос услуби масаласини чуқур ўрганишни тақозо этади. Шу маънода услуб ва ижодий метод тушунчалари адабиётшуносликда долзарб муаммолардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳайитметовнинг ижодий метод ҳақидаги тадқиқотларидан шундай хулосаларга келиш мумкин:

1. Ижодий метод масалаларини текшириш, унинг тарихий асосларини белгилашда Низомий, Умар Ҳайём, Саъдий, Ҳофиз Шероъий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуғ сўз санъаткорлари ижодининг ўз даври билан, ўша даврга хос бўлган адабий-эстетик қарашлар ҳамда адабий услублар билан чамбарчас боғлиқлиги илмий тарзда очиб берилди.

2. Ҳайитметов Навоийгача бўлган Шарқ адабиётини ижодий метод масаласини ўрганишда антик адабиёт намуналари билан қиёслаб текширишга ҳаракат қилади: ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кўрсатди;

3. Навоий ижодий методи унғача мавжуд методнинг узвий давоми бўлиб, анъанавийликка асосланган деган муҳим хулосага келди. Навоий ижоди методини шоирнинг лирик ва эпик асарлари мисолида текширди, "Метод нуқтаи назарида унинг эпик ижодига хос ҳамма асосий хусусиятлар лирик ижодига ҳам хос" эканлигини исботлади.

5. Навоий шеъриятидаги романтик тасвирлар билан бирга реалистик моментлар ва элементларнинг мавжудлиги шоир ижодининг реалистик кўринишидан далолат



беришини изоҳлайди ва ижодий метод масаласи санъаткорнинг ҳаётга, воқеликка муносабати бўлиб, сўз санъатининг давр ҳодисаларига муносабатини ифодалаш билан бир қаторда ижодкорнинг асар яратиш учун бўлган эстетик тамойилларини аниқлаб беришини жуда тўғри кўрсатди.

**Адабиётлар:**

---

1. Ҳайитметов А. Алишер Навоийнинг ижодий методи масалалари. Тошкент: "Фан",-1963. Б-173.
2. Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. Тошкент: "Фан",-1970. Б-329.
3. Ҳошимов О. Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари. Тошкент-Самарқанд, 1933. Б-28.
4. Саъдий А. Положительные образы в творчестве Алишера Навои. "Труды УзГУ" новая серия, № 17, филология, вып.3, Самарқанд. Изд. УзГУ, 1946.
5. Маллаев Н. "Навоий "Хамса"сида романтизм ва реализм тенденциялари". // Ўзбек адабиёти тарихи. Тошкент, 1957. Б-115.
6. Зоҳидов В. Мир идея и образов Алишера Навои. Ташкент: Фан,-1973. 416 с.
7. Бертельс. История персидско-таджикской литературы.- М: Наука.-1958.-253с.
8. Брагинский. Отзывы о реалистичных традициях восточной литературы. "Современный Восток", 1958. № 9. 45-51 с.
9. Қулжонов А. Реализм ва роамантизм. Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,- 1983. Б-280.
10. Султон И. Адабиёт назарияси. Тошкент: "Ўқитувчи",-1980. Б-370.
11. И.Ҳаққул. Айнийнинг илм ва ижод олами. // Ўзбек тили ва адабиёти журнали № 4. 2018. Б.10-20.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

---

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АНГЛАТУВЧИ ҚЎШМА СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИ  
ХУСУСИДА

**Рустамов Дилшодбек Абдуваҳидович,**

Анижон давлат университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
e-mail: dilshod\_bek@bk.ru

**For citation:** Rustamov Dilshod. Translation of the different words expressing national values.  
International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 114-119



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-15>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*  
*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

АННОТАЦИЯ

---

Мақолада тиллардаги миллий қадриятларнинг ифода усуллари, уларнинг бошқа ҳодисалар: реалии, прагматик маъно, стилистик ифода каби ҳодисалардан фарқланувчи хусусиятларини кўрсатиб беради. Турли турдаги мантларда улардаги семантик\*прагматик ифодаларга асосланган ҳолда таржимادا уларнинг семантикасини сақлаш долзарблиги ва ўгириш усуллари қисқача ёритиб берилди. Миллий қадриятлар ва маданият ифодаси сифатида кўп компонентли қўшма сўзлар олинган бўлиб, улардаги ўзига хос семантикани таҳлил қилади.

**Калит сўзлар:** миллий қадриятларнинг лексик ифодаси, реалиялар таржимаси, прагматик таржима, таржимадаги генерализация, конкрет таржима, лексик алмаштириш.

---

О ПЕРЕВОДЕ СЛОЖНЫХ СЛОВ ВЫРАЖАЮЩИЕ НАЦИОНАЛЬНЫЕ  
ЦЕННОСТИ

**Рустамов Дилшодбек Абдуваҳидович,**

Доцент АндГУ, кандидат филологических наук, (PhD)

АННОТАЦИЯ

---

Способы выражения национальных ценностей в языках изложенные статье показывает отличительные черты других национальных явлений: реалии, прагматический смысл и стилистическое выражение. На основе семантических прагматических выражений в различных текстах кратко представлены сохранение семантики их перевода и способы их передачи. В качестве выражения национальных ценностей и культуры, были выбраны много компонентные сложные слова, анализируются их своеобразная семантика.

**Ключевые слова:** лексическое выражение национальных ценностей, перевод реалий, прагматический перевод, обобщение перевода, специфический перевод, лексическое изменение.

---

## TRANSLATION OF THE DIFFERENT WORDS EXPRESSING NATIONAL VALUES

**Rustamov Dilshodbek Abduvakhidovich,**

Associate professor of AndSU, Candidate of philological sciences (PhD)

### ANNOTATION

In the article there is depicted expressions of national values and their differential features from realities, pragmatic and stylistic meanings. Basing on the important role of language units bearing national values in the content of discourse we pointed out some possible ways of their translating in order to save their expressive and pragmatic notions. We took semi-compound words as the main source of our research.

**Key words:** lexical expressions of national values, translation of realities, pragmatic translation, generalization in translation, concretization in translation, lexical interchange.

Тиллардаги барча лексик бирликлар ўз функцияларидан келиб чиққан ҳолда бирон бир предмет ёки концептларнинг шаклий ифодаси бўлиши билан бир қаторда, ўз мазмунларида шу тилда сўзлашувчи халқларнинг маданияти, манавий қарашлари, тарихий тарққиёти ва миллий ўзлиги таъсирида шаклланган қўшимча семантик ва когнитив тушунчаларни ҳам ифода қилади. Бу тушунчалар ўрганиш ва уларнинг тиллараро қиёсий таҳлилларига қизиқиш кейинги йилларда тилшуносликдаги энг долзарб масалалардан бирига айланди. Ваҳоланки тиллардаги борлиқ ва олам борасидаги тушунчалар барча тилларга умумий бўлсада, борлиқдаги ҳодисаларнинг кишилар томонидан англашилиши ва идрок қилиниши турлича бўлиб, бу ҳолат тиллар ва миллатлар ўртасидаги маълум фарқланишларни юзага келтиради. Халқнинг олам ва борлиқдаги ҳодисаларга бўлган муносабати ва қарашлари ўз навбатида халқнинг қадриятлари, манавияти ва маданиятида ўз аксини топади. Тилдаги ҳар бир сўз ва иборалар шубҳасиз шу халққагина тегишли бўлган миллий рухиятни намоён қилади.

Тиллардаги бу каби тил бирликлари тилшуносликда турли кўринишлар ва

ёндашувлар асосида старлича таҳлил қилинган бўлишига қарамай, кўп ҳолларда улар тил бирликлари мазмунидаги семантикани тўлақонли акс эттириб беришга қодир бўлмайдилар. Жумладан фақат бир тилга хос бўлган тил бирликлари реалаялар сифатида, улардаги қўшимча семантик оттекалар прагматика, онгдаги реализацияси эса когнитив тилшунослик каби соҳаларда кенг ўрганилган бўлишига қарамай лексик бирликлар ва ибораларнинг коннотатив қўлланилиши, уларнинг деривациялари ўзига хосликларини бу соҳа тамойиллари орқали изоҳлаб бўлмайди. Масалан реалаялар одатда фақат бир тилда мавжуд бўлган тушунчани ифода қилиб, улар одатда қалқалаш ва транслитерациялар орқали ўгирилиши мумкин. Аммо тилда халқнинг яшаш тарзи, маданияти ва қадриятлари билан боғлиқ тушунчалар ҳам мавжуд бўлиб, улар реалаялардан фарқли равишда бошқа тилларда ҳам мавжуд бўлишига қарамай, ўз семантикаларидаги айрим жиҳатлари ва ижтимоий ҳодисалар билан асосиацияларига кўра ўзига хосликка эга бўлишлари мумкин. Бу каби ҳодисалар тиллардаги миллий қадриятлар ва миллий маданият ифодалари сифатида таҳлил қилиниши мумкин. Бу ҳол айниқса таржима жараёнида яққолроқ сезилади.

Ваҳоланки тилдан тилга таржима жараёнида лексик бирликларнинг фақатгина семантикаси эмас, қолаверса улар мазмунидаги миллий ўзига хослик ва маданиятга боғлиқ тушунчалар ҳам ифода қилиниши лозим бўлади. Бу каби тушунчалар айниқса мураккаб структурага эга бўлган қўшма сўзлар таржималарида кўп учрайди. Чунончи тиллардаги қўшма сўзлар ўз структурал семантик табиатларидан келиб чиққан ҳолда халқнинг миллий менталитетини акс эттирувчи энг муҳим восита бўлиб, бир пайтнинг ўзиде тилдаги морфологик\*семантик ўзига хосликларни акс эттириши билан бир қаторда, икки мустақил сўзларнинг бирикувида миллий қадриятларни ва менталитетни ифода қиладилар. Масалан қўшма сўзлар энг кўп тарқалган от сўз туркумига оид сўзлар бўлиб, уларда шу халқнинг яшаш шароити асносида шаклланган қадриятлари ўз аксини топган бўлади. Жумладан инглиз халқи ҳаётида азалдан "ўрмон, овчилик" каби тушунчалар билан боғлиқ қадриятлар кўплиги боис, тилда "wood" ёрдамида ҳосил қилинган қўшма сўзлар мазмунида аксарият ҳолларда миллий қадрият бўлган "дарахт" семаси ўз аксини топади. Шунга кўра "dogwood\* eman turi (dern)", "Redwood - qizil daraxt" каби қўшма сўзлар айнан дарахт турини акс эттириш учун қўлланилади. Аксарият ҳолларда қўшма сўзларнинг миллий қадриятлар ва манавият белгиларини ифода қилишлари уй\*рўзгор буюмлари, касб\*корга оид сўзлар мисолида аниқроқ кўринади. Жумладан инглиз тилидаги "housecoat - аёллар уйда кийиладиган халати", knapsack - рюкзак", "Businessman \* бизнесмен, тадбиркор" каби сўзлар морфологик жиҳатдан қўшма сўзлар бўлиши билан бир қаторда, инглиз маданияти ва миллий қадриятларига хос бўлган

тушунчаларни акс эттиради. Бу ҳолат миллий қадриятларни ифодаловчи бу каби сўзларни реалияларга яқинлаштиради. Аммо бу каби сўзлар мазмунида акс эттирилаётган тушунча ва ҳодисалар бошқа тилларда ҳам мавжуд эканлиги, уларнинг семантикасида айрим фарқланишлар сезилиб тури сабабли уларни реалия сифатида таҳлил қилиб бўлмаслигини исботлайди. Масалан "businessman, cowboy" сўзи ўзбек тилида ҳам "тадбиркор, чўпон" шаклидаги мос муқобилларига эга бўлсада, таржима жараёнида матн мазмунидаги миллий оттенкани сақлаб қолиш мақсадида "бизнесмен, ковбой" кўринишида таржима қилиниши кўп учрайди. Аммо реалиялар ва миллий қадриятларни англлатувчи сўзлар ўртасидаги дифференцияларни кўп ҳолларда аниқлаш жуда мушкул бўлади. Масалан "She handed me five cartwheels - Қиз менга қиймати бир долларга тенг бўлган бешта танга узатди. She handed me her cartwheels\*Қиз менга ўзининг кенг соябонли шляпасини узатди." Ушбу икки мисолда биргина "cartwheel" сўзининг ҳам реалия(шляпа), ҳам миллий қадрият (йигирма тийинлик танга) сифатидаги реализацияси акс эттирилган. Бу концептлар ўз навбатида мос равишда таржима қилинган. Миллий қадриятлар ифодаланишида кўп ҳолларда ўлчов бирликлари қўлланилиб, улар аксарият ҳолларда метафорик ва грация орқали ҳосил қилинган қўшма сўзлардан ташкил топадилар.

Кўп ҳолларда ўлчов бирликлари бошқа тилларда мос келувчи ёки умуман шундай семантикани англлатувчи лексик бирликларга эга бўлмаслиги сабабли катта қийинчилик туғдиради. Бундай ҳолатларда улар изоҳлаш ёки алмаштириш орқали таржима қилиниши мақсадга мувофиқ

бўлади. Бу борада илмий изланишлар олиб борган олимлар мос муқобилларига эга бўлмаган миллий қадриятлар қуйидагича усуллар орқали ўгиришни тавсия қиладилар1.

- Бевосита вазифадoshiлик асосидаги аналоглар ёрдамида

- Ўхшашлик асосида алмаштириш

- Тушунтириш орқали таржима

Шундай бўлсада юқоридаги таржима усулларини қай бири энг мақбул эканлигини танлаш жуда қийин бўлади. Уларнинг қайбирини танлаш контекст ва бирликнинг қўшимча семантик ифодаларига таянган ҳолда амалга оширилади.

Halves - and quarters and dimes - Not for Sam Turner. (O.Henry. FRIENDS IN SAN ROSARIO.)

- До мелочи Сэм Тернер не унижался никогда. ("Друзья из Сан-Розарио" (Сб. "Дороги судьбы") Е.Калашникова тарж.)

Майда чуйдалар учун Тернер обрўсини тўкмас эди.(m.t.)

Ушбу контекста "Halves- and quarters and dimes" каби лексик иборалар пул ўлчов бирликларини ифода қилсада, ушбу контекста улар коннотатив маъно касб этиб, ўлчов бирлиги эмас фразеологик бирлик сифатида қўлланганлар. Шу сабабли уларни тўғридан-тўғри ўлчов бирлиги сифатида "ярим, чорак, чақа"тарзида таржима қилиниши улар мазмунини нотўғри англашилишига сабаб бўларди.

Бунда бирикма муқобил эквивалетига ҳам эга бўлиши мумкин ёки семантик жиҳатларига кўра яқин бошқа бир бирикма қўлланилиши мақсадга мувофиқ бўлади. "The cattleman was caught in a stampede-of dollars. -Уларга пуллар дарё бўлиб оқиб келарди." Ушбу контекста "stampede- of dollars" фразеологик бирикмаси миллий қадриятни акс эттирувчи восита сифатида мос равишда "дарё бўлиб

оқимоқ" ибораси билан таржима қилинган. Уларда образли маъно кўчиши орқали ҳосил қилинган бирикма ўзбек тилида ҳам худди шундай фразеологик бирикма орқали ўгирилган. Уларнинг семантик ифодалар ҳам бир бирларига тўлиқ мос келганлигидан бир\*бирларига муқобил бирикмалар ҳисобланади. Бунда фразеологик аналог ёки муқобиллаш қўлланилди.

Кўп ҳолларда инглиз тилидаги миллий қадриятлар билан боғлиқ бўлган қўшма сўзлар коннотатив тарзда мажозий маънода қўлланилиб қўштирноқ орасида ифодаланишлари мумкин. Бунда улар сўз бирикмаси эмас, балик алоҳида қўшма сўз сифатида таҳлил қилиниб, таржима жараёнида ҳам шундай ёндашувни талаб қилади. Масалан "His regular toast is 'nothing doing'... (O.Henry. Arabian Nights at Medison Square)

Его дежурный тост - "все трын-трава"... (О.Генри. Сборник "Четыре миллион" Е.Калашникова тарж.)

У ҳамиша "...ўрдакка не гам" шиори билан яшар эди." Мисолдаги "'nothing doing" бирикмаси миллий қадрият сифатида эквивалент таржима усули орқали "ўрдакка не гам" тарзида ўгирилган. Бу эса қўшма сўзнинг реалия ёинки оддий сўз бирикмаси эмас айнан миллий қадриятни акс эттирувчи тил бирлиги эканлигини қисман исботлайди. Худди шундай ҳолатни бошқа контекстларда ҳам кузатишимиз мумкин. "I fell from the fire into the frying-pan.- Ўзимни ёмғирдан қочиб дўлга тутилганлигимни англаб етдим".

Six feet two in height, miles broad, and no deeper than a crystal brook...-

Шести футов двух дюймов ростом и необъятной ширины в плечах, он был, что называется, душа нараспашку.

У олти футуикки дюмли бўйли, елкалари кутилмаган даражада кенг

елкали ва одамлар таъбирлашича бир қайнови ичида бўлган бир киши эди.

Миллий қадриятларни акс эттирувчи қўшма сўзлар аксарият ҳолларда рўзгор билан боғлиқ тушунчаларни акс эттириб, бевосита шу халққа тегишли бўлган миллий тушунчалар ва қарашларни ифода қилади. Бундай изоҳлар аслият тилида мавжуд бўлган, бироқ ўзбек китобхони учун нотаниш бўлган аслият тили халқига, уларнинг турмуш шароитига оид реалияларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради. Масалан, қуйидаги жумла таркибидаги реалия таржимасига эътибор беринг: ...for desert you got Brown Betty which nobody ate.... \* Ширинлик учун дастурхонга "Малла Бетти" деб номланувчи олмали пудинг тортидди, бироқ уни ҳеч ким емади. "Олмали пудинг" сўзининг қўшилиши ўзбек китобхонини ширинлик сифатида дастурхонга тортиладиган "Малла Бетти" нима эканлиги ҳақида бош қотиришдан халос қилади.

Миллий қадриятларни ифода қилувчи сўз ва иборалар реалиялардан фарқли равишда кўп ҳолларда таржиманинг умумлаштириш, яъни генерализация - конкрет маъноли сўзларни таржима тилида ҳаммага тушунарли бўлган умумий маъноли сўзлар билан алмаштириш орқали таржима қилинади.2 Чунинчи миллий қадриятга оид бу сўз ва иборалар мазмун ва моҳиятига кўра бошқа тиллардан қисман фарқ қилсаларда, аксарият ҳолларда бошқа тилларда ҳам мавжуд бўлиши мумкин. Масалан: "A swept yard that was never swept where Jonson grass and rabbit-tobacco grew in abundance." Ж. Лондон "Love of Life"-1905.)

"Топ-тоза" ҳовли ҳеч қачон супирилмас ва бутунлай ўт-ўланлар билан қопланиб ётарди. (Ф. Абдуллаев тарж. "Ҳикоялар"- Т. 1955.59 б.)

Аслиятдаги иккинчи мисолда эса АҚШ нинг жанубий штатларида ўсадиган бегона, ёввойи майсалар ҳақида гап кетяпти. Ўзбек китобхонларига аслиятда тилга олинган "джонсон майсаси", "қуён тамакиси" номли ўсимликлар мутлақо маълум бўлмаслиги мумкин. Шу сабабли уларнинг номлари генерализация усули билан майсаларнинг умумий номи "бегона ўт-ўлан" сўзлари билан алмаштирилган. Қолаверса бу матн орқали ўқувчига "ҳовлини қандай майсалар босиб кетганлигини эмас", ҳовли ташландиқ ҳолга келиб қолганлигини етказиш муҳимроқ.

Генерализация кўпинча қўшма сўзлар таржималарида қўлланилиб, атоқли отларни турдош отлар билан алмаштириш орқали ҳам юз беради:

The prisoners have been taken by Black Maria

Маҳбуслар полиция машинасида олиб кетилди

Аслиятда берилган автомобил номи таржималарда аслиятдаги ахборотни тўлиқ қоплай олмаса-да, "полиция машинаси" сўзи билан берилиб умумлаштирилган ва бу ўртача маданий савияли китобхонларга аслият мазмунини адекват тушунишга ёрдам беради. Бу ўринда инглиз китобхонларига таниш бўлган фон билимлар ўзбек китобхонларига иложи борича етказишга уринилган. Қолаверса миллий қадриятлар асосида ҳосил қилинган қўшма сўзларнинг аксарияти от туркумига оид бўлиб, уларнинг тилдан тилга таржималарида лексик алмаштириш, тушириб қолдириш ёки изоҳлаш у уллари орқали ҳам ўгириш кузатилади. Бундан кўзланган асосий мақсад имкон борича сўзнинг семантикаси орқали ифодаланаётган қадриятнинг моҳиятини очиб беришга қаратилган бўлади. Масалан: "I cannot agree with the

painters who claim superciliously that the layman can understand nothing of painting, and that he can best show his appreciation of their works by silence and a cheque-book". (Maugham. The Moon and Six Pens. Pp-1)

Санъатнинг ўзига хос хусусияларини билмайдиган одамлар рассомчиликда муқаррар равишда ҳеч нарсанинг фаҳмига етмай томоша қилганлари маъқул деб фикр юритадиган рассомларга қўшила олмайман. (Моэм. Ой ва сариқ қақа. А.Файзулла тарж)

Ҳулоса қилиб айтадиган бўлсак атоқли отлар антропонимлар, топонимлар ҳам халқнинг тарихий тараққиёти ва маданияти билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги, лексик бирликлар каби стилистик-прагматик ва коннотатив маънолар ифода қилганлиги боис улар тилдаги реалаялар қаторига киритилиши мумкин. Реалаялар таржимасида қўлланиладиган таржима усуллари ушбу

лексик бирликлар таржимасида ҳам қўлланилиши мумкин.

Тилдаги миллий реалаялар қаторида шу тилда сўзлашувчи халқнинг маданияти билан боғлиқ бўлган, мулоқот жараёнида қўлланиладиган мулоқот этикетини англатувчи нутқий калималар, эркалатиш-кичрайтириш сўзлари, мурожаат ва эмфатик конструкциялар ҳам киритилади. Уларда ҳам халқнинг миллий белгилари, ўзига хос турмуш тарзи ва маданияти ўз аксини топади. Бу борада илмий изланишлар олиб борган В.С.Влахов тилдаги бу каби мулоқот этикетлари таржимасида асосан қуйидаги усуллар қўлланилишини таъкидлаб ўтган.

-транскрипция

-функционал эквивалент

- функционал аналог

-тўлиқ таржима

Маданий этикетни англатувчи сўз ва иборалар ўз мазмунларида ёрқин миллий колорит ва маданият белгиларини ҳам мужассам этган бўлади.

#### Адабиётлар:

1. Kwofie, E. (1999): "On the relationship of translator to linguistics and stylistics" in *Eurekavd*. 13, June pp-40-50
2. Lawal B. et. all (1996): "A pragmatic study of selected pairs of Yoruba proverbs" in *Journal of Pragmatics*, pp- 635-652.
3. Латышев Л. К. Технология перевода. Уч. пособие по подготовке переводчиков. - М.: ТЕЗАУРУС, 2000. - 280с.
4. Швейсер А.Д. Социолнгвистические основы теории перевода // *Вопр. языкознания*. - 1985. - № 5. - С.15-23

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ЎЗБЕК ПОЭЗИЯ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ  
ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ**

**Курбанов Элбек Элмуратович,**  
Андижон давлат университети, тадқиқотчи  
e-mail: kurbanov.el@bk.ru

**For citation:** Kurbanov Elbek. Interpretation of uzbek poetry in english language. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 120-124



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-16>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилingan сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

---

Мазкур мақолада ўзбек поэзия намуналарининг таржимасининг инглиз тилидаги интерпретациясини таҳлил қилишга бағишланган. Зеро адабий алоқалар халқлар ўртасида бирдамлик руҳиятини яратади.

**Таянч сўзлар:** таржима, интерпретация, поэзия, тил.

---

**ИНТЕРПРЕТАЦИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ**

**Курбанов Элбек Элмуратович,**  
Сойскагель АндГУ

**АННОТАЦИЯ**

---

В данной статье анализируется интерпретация переводов узбекских поэтических образцов. Поскольку на основе литературы развивается отношение разных народов.

**Ключевые слова:** перевод, интерпретация, поэзия, язык.

---

**INTERPRETATION OF UZBEK POETRY IN ENGLISH LANGUAGE**

**Kurbanov Elbek Elmuradovich,**  
Researcher, AndSU

**АННОТАЦИЯ**

---

This article analyzes the poetic interpretation of the Uzbek translation samples. Since, on the basis the literature developing attitudes of different nations.

**Key words:** translation, interpretation, poetry, language.

---



Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда хорижий тилларни ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайishi ва чет эллар билан турли адабий-маданий алоқаларнинг кенг қўламда йўлга қўйилиши жаҳон адабиётининг сара намуналаридан воқиф бўлиш мақсадида таржима асарларига эҳтиёжни тўлиқ қондиришни тақозо этмоқда. Зеро, юртбошимиз И.А. Каримов бадиий адабиётнинг аҳамияти ҳақида тўхталиб, "Инсонни, унинг маънавий оламини кашф этадиган яна бир қудратли восита борки, у ҳам бўлса, сўз санъати, бадиий адабиётдир" [1], деб ёзган эдилар.

Бадиий адабиётни янада чуқурроқ тадқиқ этиш, жумладан, бадиий асар матнида қўлланилган тасвирий воситалар, поэтик тасвирий воситаларни қиёсий ўрганиш ҳозирги филологик тадқиқотларнинг устувор илмий-назарий йўналишларидан бирига айланди.

Ўзбек ва инглизабон адабиётларида шеърий таржималар XX асрнинг ўрталаридан жадал ривожланиб борган. Бундай адабий алоқалар албатта, халқлар ўртасида бирдамлик руҳиятини яратади. Ўзбек адабиётидан инглиз тилига таржима қилинган шеърий асарларни ўрганамиз.

Шундай таржималардан 1958 йилда Москвада инглиз тилида "Uzbek poetry" ("Ўзбек шеърияти") номи билан кўп асрли ўзбек шеъриятининг мухтасар антологияси нашр этилди. Назаримизда, бу нашр антология сифатида инглизчага таржима ёсинидаги илк қадамдир. Китобга ўн тўртта ўзбек шоири (3 шоир мумтоз адабиёт, 11 шоир замонавий шеърият вакиллари)нинг ижодидан намуналар киритилган эди. Китоб адабиётшунос олим Иззат Султоннинг "A few words about Uzbek poetry" ("Ўзбек шеърияти ҳақида бир неча сўз") номли сўз боши билан очилади. Унда олим кўп

асрлик ўзбек шеърияти ҳақида инглиз ўқувчилари учун янгилик бўлган маълумотлар бериб ўтади. Хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Кутадғу Билиг" номли дидактик асари, Яссавий, Қутб, Хоразмий, Дурбек, Атойи каби шоирлар ижоди, Лутфийнинг "Гул ва Наврўз" достони борасида фикр юритади. Буюк тафаккур соҳиби, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг "Ҳамса", "Ҳазоин ул-маоний" (муаллиф мақолада "Чордевон" деб ёзди) каби китобларига киритилган дostonлар ва газаллар, Захириддин Муҳаммад Бобур асарлари, шунингдек, замонавий ўзбек шоирлари: Ҳамза, Фафур Фулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Миртемир, Зулфия, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Мамарасул Бобоев, Қуддус Муҳаммадий ҳамда улардан кейинги авлод вакиллари ижоди тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар қилган ва мақолани мазмунли қилган, бойитган. Ҳар бир муаллиф ҳақида қисқача биографик маълумотлар берилганлиги китобнинг қийматини янада оширган.

Мазкур антологияга Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" дostonидан парча ҳамда уч газали ва ҳикматлари киритилган. Шунингдек, Муқимий ва Фурқатнинг газаллари ҳам мумтоз шеърият намуналари сифатида китобдан жой олган.

Китоб тузувчилари инглиз китобхонини замонавий ўзбек шеъриятининг атоқли намоёндалари ижоди билан кенгроқ таништиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйишган. Таржима учун, асосан, шоирларимизнинг маълум ва машҳур шеърлари танлаб олинган. Шеърларни (албатта, рус тили орқали ўгирилган, деб ҳисоблаш керак) В.Иевлева, Д.Ротенберг, О.Моисеенко сингари таржимонлар инглиз тилига ўгирганлар. Ушбу антология инглиз ўқувчисига ўзбек шеъриятининг олис еллари

ҳақида яхшигина тасаввур бериши билан қадрлидир [2].

Америкалик шоир Мел Кен ва Туркияда яшаб ижод қилаётган, ўзбек адабиётининг оташин жонқуярларидан Темура Хўжа ўғли, Фитрат ва Чўлпон ижодини ўрганган олимлардир. Уларнинг таржималаридан мисол келтирсак: Аслиятда:

**Кўнгил**

*Кўнгил, сен бунчалар нега  
Кишанлар, бирла дўстлашдинг?  
На фарёдинг, на оодинг бор,  
Нечун сен мунча сустлашдинг?*

*Ҳақорат дилни оғритма с,  
Тубанлик мангу кеимасми?  
Кишанлар парчаланмасми?  
Қиличлар энди синмасми?*

*Тириксан, ўлмагансан,  
Сен-да одам, сен-да инсонсен,  
Кишан кийма,  
Бўйин эгм,  
Ки сен ҳам ҳур туғилғонсен!*

Таржимада:

**Heart**  
*Oh, my heart! Why do you behave.  
So amicably toward these chairs?  
You never weep or writhe in pain  
How can you endure your endless silence?*

*Don't the insults ever offend you?  
Is there no end to your submission?  
Will you ever break free one chain?  
And can the swords ever be shattered?*

*You are a live, not a dead thing,  
You are still manly, wholly human.  
Don't bear these chains,  
Don't bend down,  
Know that you too were free born!*

Аслиятда:

**Куз**

*Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар  
Оғриқ, мағлуб, тутқун*

*Шарқнинг юзидек.*

*Бўронларнинг кўзлариким, ўйноқлар,  
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.*

*Қора булут тўдасиким кўкларни  
Шарқни ёпган янглиғ ёпмишдир.  
Куз қўшини - оғу булут ўқларни  
Ёз бағрига ҳеч саноқсиз отмишдир!*

*Бало янглиғ қатор-қатор чизилиб,  
Кўк юзидан қарғалар ҳам ўталар.  
Шарқдек ичдан яширингина эзилиб,  
Кўп жонлилар сўнги тинни куталар.*

*Бутун борлиқ - чоғлиқ ўчиш олдида,  
Совуқ... қора кишга кўчиш олдида...*

Таржимада:

**Fall**

*The green leaves have all gone yellow  
As the sick, captive, broken face of the East  
The eyes of the twisters dance  
Like the bloody victorious leers ohe West.*

*The sky was shrouded by a bank of black  
clouds,*

*Like the veil that covers the face ohe  
East.*

*The armies of all have launched their  
myriad*

*Poisoned arrows toward summer's bare  
chest.*

*Also, there in sky passes a flock of crows,  
A misfortune compounded by several dark  
rows.*

*Many souls stand a waiting the final  
breath,*

*Like the East that secretly mourns its  
sorrows.*

*All existence sits perched on the eve of  
expiration.*

*On the eve of moving on to winter's icy  
foundation.*

Ушбу шеърин таржималарни Мел Кене ва Темура Хўжа ўғли жуда юксак эстетик дид ва маҳорат билан таржима

қилишган. Лекин биринчи шеърый таржимада, мутаржимлар "Кўнгил" сўзини "Юрак", яъни "Heart" сўзи билан таржимани сарлавҳасини нотўғри беришган, аслида уни "soul" сўзи билан ифода этишганда таржима янада аниқроқ чиққан бўларди. Кейинги таржимада эса "Куз" сўзини мажозий ўхшатиш билан "туғалл" ёки "тўкилиш" сўзлари билан таржимани маромига етказишган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки инглиз ва америка таржимонлари "Бобурнома"-ни таржимасини бевосита аслиятдан, таржима қилиб ўрганишган. Шундай мутаржимлардан бири, бу Жон Лейден бўлиб, у инглиз шарқшунослигида алоҳида ўрин туади. Жон Лейден Бобурийлар тарихини илмий жиҳатдан чуқур ўрганиш учун келганлардан бири бўлган. У ўз даврининг машҳур ҳақими ва шоири эди шу билан биргаликда. Унинг рафиқаси Изабелла Скотт эса Буюк Британиянинг таниқли аъёнларидан бири, машҳур ёзувчи Валтер Скоттнинг синглизидир. Жон Лейден, "Бобурнома"дан қилган насрий ва назмий парча таржималарини адиб Валтер Скоттга тақдим этганда, у ҳайратда қолади. Асардаги тарих, география, маъданшуносликка оид маълумотларни махсус фанлар билан шугулланувчи олимлар ҳукмига ҳавола қилади, ўзи эса Бобурнинг ижодий фаолиятига қизиқиб, унинг шеъриятига жуда юқори баҳо беради. Валтер Скотт "Бобурнома" таржимасини яратишда Жон Лейденга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак берганлиги маълум. Жон Лейден асар қўлёзмаларини 1804-1805 йилларда туркий аслиятдан ўрганишга киришган, лекин у асар таржимасини охирига етказишга олмади, сабаби у вафот этади. Унинг вафотидан сўнг, тадқиқотни у билан бир вақитда форсча таржимадан ўгиришга киришган Увильям Эрскин поёнига етказиш ва 1826 йилида чоп эттиради [3].

Хенри Бевериж ва Анетта Сусанна Бевериж ҳам "Бобурнома" асарини таржима қилишда қийинчиликка дучор бўлишган, улар туркий ва форсий-тожик тилидан ҳабардор бўлсада, шеърый сатрлар қатига жо қилинган руҳиятни, шира, нозик шарқона маънолар, тавозе, такаллуф, одоб ахлоқ, ҳатти-ҳаракатлар, муҳкам тушунчаларни тўла бериша олмаган буни айтиш қийин. Худди шуни эътироф этиб А.Бевериж хоним Бобурнинг бадий маҳоратини қуйидагича таърифлайди: "Бобурнинг иккинчи сатридаги руҳий ҳиссиётига бирон қўшимча қилишга ожизман. Бир-бирига зид фикрлар нимани англашишни тушиниб етиш мушкул. Бобур ўзининг ички руҳий акс садоларини шеърларда намоён қилади. Шайх Зайн бутун воқеаларини назмда тасвирлаб, шундай шоирона услубда давом этади... Бобур воқеалар битилган саҳифаларнинг сатирларини ўзининг олийжаноб қалбидан узр сўраган ҳолда пушаймонлик, кайфиятига чўмиб, ўз қалб яраларини бармоқ тирноқлари ила тимдалаб, танбеҳ пичоғи билан саралаб қофияга олган. Мен бундай ботиний илоҳий мисраларни назарда тутган ҳолда, уни тангрига бўлган тавба илтижоси ва Аъло ҳазратларининг айтган бетакрор сўзлари ҳар қандай эзонларнинг сўзларидан ҳам кудратлироқ, деб тушунаман" [4].

Жумладан англиялик тадқиқотчилар орасида биринчи бўлиб Олаф Кэроу "Совет салтанати. Ўрта Осиё ва сталинизм" китобида Чўлпон шахсияти ва ижодига алоҳида эътибор берган эди. Китобнинг "Чиғатой мероси" бобида Чўлпон ва Мағжон ижоди қиёсланеди: "Мағжон - кун, мен - тун" атамасини туркий халқ (кун) ва ўрисларга (тун) нисбатан қўлланган бўлса, Чўлпон "шарқ" ва "ғарб" атамаларини ишлатиб, булар орқали эзилганлар (шарқ) ва

золимларни (гарб) назарда тутган эди" [5], деб тўғри хулосага келади, тадқиқотчи.

Олаф Кэроу фикрига кўра мумтоз адабиётимиз Алишер Навоий билан бошланиб, Чўлпон билан тугайди. Олим Чўлпон шеърларидан мисоллар келтиради ва уни таҳлил қилади. Олаф Кэроунинг кузатишчи, "Чўлпон 1926 йилгача миллий руҳда шеърлар ёзган. Шоирнинг илк шеърларини ҳозир топиб бўлмаса керак" [5], деб афсусланади у.

Шеърый жанрлардан бўлган, қасида жанрида теран фалсафий фикрлари кенг ва батафсил баён қилган, Шайбонийхоннинг "Баҳр ул-ҳудо" ("Ҳидоят денгизи") деб номланган қасидасини инглиз шарқшуноси Ч.Риё ўрганган. Ушбу қасида ҳижрий 914 йилнинг муҳаррам ойида - милодий 1508 йил май ойининг 3-14 кунлари Бастон ва Домгон (Хуросон) шаҳарларида ёзилган 260 байт (520 мисра)дан иборат мазкур қасиданинг ҳозирча ягона деб ҳисобланган қўлёзма нусхаси ҳам Британия музейи кутубхонасининг Шарқ қўлёзмалари бўлимида Add. 7914у. Рақами билан қайд этилган ва Ч.Риё томонидан тавсифи берилган йирик мажмуа таркибидан жой олган.

Шайбонийхоннинг "Баҳр ул-ҳудо" қасидасини америкалик олим А.Бодроглигети "Урал-Олтойшунослик халқаро журнали"да, мазкур қасидани сўз боши, изоҳ ва лугат билан нашр эттирган. Ношир асарни ўрта аср

Шарқида энг туркий тилда ёзилган энг узун қасида деб ҳисоблайди ва шоирнинг баъзи мавзуларда, айниқса, илм ҳақидаги фикрлари тарқоқ ҳолда берилганлигини назарда тутиб, қасидани кўчирган котиб унинг асл тузилишини ўзгартирган бўлиши мумкин, дейди. Олим асарнинг умумий услуби Саъдий услубига ўхшаб кетади, хусусан қасиданинг Шайбоний насихатларидан иборат ўринлари "Гулистон"нинг бевосита таъсирида юзага келган, деган фикрга келади. Шунингдек А.Бодроглигети мазкур нашрда ёзган сўз бошида Шайбонийнинг "Рисолаи маориф" асарини қайд этади ва бу асар ҳам "Девон" ва "Баҳр ул-ҳудо" каби шоирнинг етук билимдон, тақводор муслмон, раият ва ислом дини ҳақида ғамхўрлик қилувчи инсон сифатида кўрсатади, дейди [6].

Демак, юқоридagi таржималарда балки, қандайдир камчиликлар бўлиши мумкин албатта, чунки ҳар қандай таржима, бизнинг наздимизда, амалга ошириб бўлмайдиган муаммони ҳал этишга тиришқоқлик билан уринишдек кўринади. Негаки, ҳар бир таржимон икки тўғаноқнинг бирига, яъни ўз халқининг тили ва услубига ҳаддан ташқари амал қилгани оқибатида аслиятга ёки аслиятга ортиқ даражада амал қилгани натижасида ўз халқининг ўзига хос хусусиятига бориб урилиши керакдек гўё. Иккаласининг орасида ўртамиёна нарсага эришиш нафақат қўйин, балки чиндан ҳам бунинг имкони йўқ.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Т.: Маънавият, 2008. - Б. 138.
2. Бегийим Холбекова. Ўзбек тилидан инглиз тилига таржималар тарихидан. // Шарқ юлдузи журнали, 2010. №4.
3. Biography of John Leyden's "Memoirs of Zehired-din Muhammed Babur " annotated and revised by sir Lucas King., in two volumes, volume II. P., 445-447. Humphrey Milford Oxford University Press., 1921.
4. Zany Al-Din Khwafi, Zain Khan's Tabaqat-i Babur., Translated by Sayed Hasan Askari., Annotation by V.P.Ambastha. Delhi; Idavah-i adabiyati., Delhi., 1982.
5. Олаф Кэроу. Совет салтанати. Ўрта Осиё турклари. Нью-Йорк 1967. Б. 229.
6. Мунира Шарипова. Муҳаммад Шайбоний ижоди хорижда. // Жаҳон адабиёти журнали. Тошкент 2010. №4. Б. 172-174.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**ХОҚОНИЙ МАДҲИДА ЁЗИЛГАН ИРФОНИЙ ҚАСИДАСИНИНГ  
ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ**

**Жумаева Камола**

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси I курс магистранти

**For citation:** Jumaeva Kamola. Hocony and social significance of irfan kasida. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 2, pp. 125-129



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-17>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Ёшон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада XII асрда яшаб, ижодий фаолият олиб борган Хоқоний Ширвонийнинг "Дер Ҷафариюси ва Саъафун Ҳазрат Ҳатам ал-Анъу" ирфоний қасидаси таҳлил қилинган. Қасидада Қуръони карим оятларига ишоралар, Абу Ҳомид Муҳаммад Газзолийнинг сўнги асари "Кимёи саодат"да илгари сурилган гоя, шунунгдек Муслмон митақаси учун аҳамиятли бўлган воқеалар очиб берилган. Мақола шоир мисралари мазмунини Қуръони карим оятлари, Ҳадиси шарифлар ҳамда Низомий, Алишер Навоий, Абу Ҳомид Газзолий каби ўша давр шоир ва алломаларининг қарашлари билан қиёслаш асосида таёрланган. Шоир анъанавий бадий санъатлардан ижодий фойдаланган ҳолда ўз қарашларини баён қилган.

**Таянч сўзлар:** тил, матн, асар, вербал, нутқий ҳодиса, ирфон, тасаввуф.

---

**СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ИРФАНА КАСИДЫ ХОКОНИЯ**

**Жумаева Камола**

Ташкентский государственный институт востоковедения  
Кафедра Зарубежной восточной литературы, Магистрант I курса

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье анализируется ирфоний касида Хакани Ширвани "Дер Ҷафариюси ва Саъафун Ҳазрат Ҳатам ал-Анъу", который жил и работал в XII веке. В касиде описаны ояты Священного Корана, основная идея последней работы Абу Хомида Мухаммад Газзоли - "Кимёи саодат", а также события, значимые для мусульманского населения. В статье анализируется содержание строки стихотворения поэта, ояты Священного Корана, Хадис Шариф и сопоставляется взгляды поэтов и мыслителей того периода, таких как Низами, Алишер Навои, Абу Хомид Газзоли. Поэт выразил свою основную идею, творчески пользуясь традиционным и художественным искусством.

**Ключевые слова:** язык, текст, вербальный, языковой феномен, ирфан, мистицизм.

---

## SOCIAL SIGNIFICANCE OF IRFAN THE QASIDA OF KHOCONI

**Jumaeva Kamola,**

Tashkent state institute of oriental studies

Department of Foreign oriental literature I st course master student

### ANNOTTION

This article analyzes the Irfoniy Kasida of Hakani Shirvani "در یکتاپرسی و ستایش حضرت خاتم الانبیا", who lived and worked in the XII century. The Qasida describes the oiyats of the Holy Quran, the main idea of the last work of Abu Homid Muhammad Gazzoli "Kimyo'i Saodat", as well as describes the events which were significant for the Muslim population. The article analyzes the content of the poet's poem lines, the oiyats of the Holy Quran, Hadith Sharif and compares the views of poets and thinkers of that period, such as Nizami, Alisher Navoi, Abu Homid Gazzoli. The poet expressed his main idea, creatively using traditional and literature art.

**Key words:** language, text, verbal, linguistics phenomenon, irfan, mysticism.

G'azal, marsiya, madhiyaviy qasidalar bilan bir qatorda teran ijtimoiy-falsafiy, orifona qasidalar bilan fors adabiyoti tarixida o'chmas iz qoldirgan XII asrda yashab ijod etgan Xoqoniy Shirvoniy, o'z davrining buyuk donishmandi, yetuk shoirlaridan biri bo'lgan. Alisher Navoiy umrining so'nggi yillarida yozgan "Muhokamat ul-lug'atayn" asarida Abdurahmon Jomiy, Nizomiy Ganjaviy, Xusrav Dehlaviy kabi fors adabiyotining yetuk namoyondalari qatorida Xoqoniyga ham yuksak baho berib, shunday fikrlarni bildirgan: "Xoqoniy, Anvari kabi fors shoirlari ma'rifiy qasidani sarbaland cho'qqiga ko'targan edilar". Navoiydek buyuk mutaffakir zotning ta'rifidan ma'lum bo'ladiki, Xoqoniy o'ziga zamondosh shoirlar orasida ham alohida mavq'ega ega bo'lgan.

Xoqoniy dastlab saroy shoiri sifatida ijod qilgan, keyinchalik esa saroy muhitidan chiqib irfoniy-tasavvufiy qasidalar yoza boshlagan. Shoirning ijodi bilan tanishish shuni ko'rsatadiki, u nafaqat badiiy salohiyatga ega bo'lgan, balki o'z davrining turli ilmlarini ham jiddiy o'zlashtirgan ekan. Xoqoniyning tili bugungi kun kitobxonlari uchun birmuncha murakkablik qiladi. Mazkur maqolada Xoqoniyning irfoniy qasidalaridan biri حضرت خاتم الانبیا " tahlilga tortildi.

چوشن صورت برون کن در صف مردان درأ  
دل طلب کن دار ملک دل توان شد پادشا

### Tarjimasi:

*Badan sovutini yechib, mardlar safiga qo'shil,*

*Ko'ngil talabida bo'l, shunda ko'ngil mulki saroyining podshohi bo'lasan.*

Yuqoridagi baytda صورت "surat" so'zi o'z ma'nosida emas, balki umuman "moddiylik" ma'nosida kelyapti. Ya'ni, bu misrada shoir o'quvchiga: dunyo nozu nematlari, hoyu havaslariga berilmasdan, mardlar safiga, o'zini Olloh ixtiyoriga topshirganlar safiga qo'shilgin mazmunida murojaat qilmoqda. Ikkinchi misrada ham bu murojaat davom ettirilgan.

Shoir Xoqoniy “Ko‘ngil talabida bo‘lg’in, chunki ko‘ngil inson vujudining hukmdori” – g‘oyasini ilgari surgan. Aslida bu g‘oya Abu Homid Muhammad G‘azzoliy (1058-1111) ning so‘ngi asari “Kimyoyi saodat” muqaddimasida o‘z aksini topgan bo‘lib, Xoqoniy, Nizomiy, Navoiy va boshqa keyingi davr shoirlarida ko‘p ta’kidlanadi. Navoiy nazdida ko‘ngil – Olloh makoni bo‘lsa, Nizomiy ko‘ngilga Olloh sirlarining xazinasi deb ta’rif beradi. Xoqoniy bu fikrni boshqa shoirlardan oldinroq aytib o‘tgan. Xoqoniy *ko‘ngil talabida bo‘l, ko‘ngilni pokla, Olloh inson qalbidadir* deydi. Darhaqiqat, ko‘ngil – insonning e‘tiqodi, iymoni ramzi, aql ham, bilimlar, tafakkur ham ko‘ngilga tobe va unga xizmat qiladi. Bu sufiyona ta’limot shoirona idrokga ham mos keladigan tushuncha deyish mumkin.

تا تو خود را پای بستى باد دارى در دو دست  
خاک بر خود پاش کز خود هيچ نگشاید تو را  
با تو قرب قاب قوسين آنکه افتد عشق را  
کز صفات خود به بعدالمشرفين افتى جدا

*Toki oyog‘ing bog‘liq ekan, ikki qo‘ling bo‘sh  
Sen o‘zing boshingdan tuproq sochginki, seni hech kim topolmasin  
Ollohga oshiq bo‘lsang, qiyomatdan so‘ng o‘z sifatlaringdan judo bo‘lgach,  
U bilan ikki qosh orasidek yaqinlikka erishasan.*

آن خویشی چند گوئی آن اویم آن او  
باش تا او گوید ای جان آن مانی آن ما

Tarjimasi:

*Sen necha marta men unikiman, men unkiman demagin, sen o‘zingnikisan,  
Shunday bo‘lginki, u aytisin “sen biznikisan, sen bizniki”, deb.*

Yuqoridagi baytda inson har qancha o‘zini “men unikiman, men unikiman”, ya’ni “men Ollohnikiman” deya iddao qilishi samarasiz ekanligi, chunki insonni Olloh yaratgan bo‘lsa-da, ko‘pchilik insonlar hayotda o‘z dunyoviy orzu havaslari, intilishlari bilan band bo‘ladi. Hatto ibodat paytida ham Ollohdan dunyoviy ehtiyojlarini so‘rab duo qiladi. Shoir aytmoqchi bo‘lgan fikr – sen hayotda shunday yo‘lni tanlagin va shunday yashaginki, Olloh Taolo “sen biznikisan, sen bizniki” desin. Shoir yuqoridagi bayt orqali insonlarni yaxshi amallar bilan o‘z sharaflari nomiga munosib bo‘lishga da’vat qilgmoqda.

نيست عاشق گشتن الا بوندنش پروانهوار  
اولش قرب و ميانه سوختن آخر فنا  
لاف يكرنگی مزن تا از صفت چون آينه  
از درون سو تيرگی داری و بيرون سو صفا  
آتشين داری زبان و دل سياهی چون چراغ  
گرد خودگردی از آن تردامنی چون آسیا

Tarjimasi:

*Parvonadek bo‘lmasang bu haqiqiy oshiqlik emas.  
Avval yaqinlashasan, keyin kuyasan, oxiri yo‘q bo‘lasan.*

*Toki sen ko'zgu singari orqa tarafi qora va oldi tiniq holingda,  
men berrangli deb lofurma*

*Xuddi chiroqdek tilda (so'zing) otashin, qalbing esa qorong'u  
Tegirmon singari etaging ho'lu, o'z atrofingda aylanmoqdasan.*

Ushbu misralarda tashbeh va tazod san'atlaridan va ramziy timsollardan unumli foydalangan. Shoir insonni ko'zguga, chiroqqa, tegirmonga o'xshatadi. Ko'zguga nazar solinsa, oldidan shaffof ko'rinsa-da, ammo orqasi bo'yalgan, ya'ni sirlangan bo'ladi. Demak, ko'zgu bir rangli emas, ikki xil rangda. Shoir nazarida inson ham ko'zudek sifatlarga ega. Xoqoniy insonga qarata aytdiki: "Sen o'zingni men bir rangli man deb aldama, aslida ko'zguga o'xshagansan. Tilingda Oллоhni zikr etayotgan bo'lsang-da, ammo qalbing bilan uni tanimaysan. Qalbing chirog'dondek qora. Boshqacha qilib aytganda "Usting oqu, iching qora". Bu o'rinlarda shoir ustalik bilan tazod san'ati imkoniyatlarini ishga solgan.

گرد خودگردی از آن تردامنی چون آسیا

Mazkur misrada *etagi ho'llik* haqida fikr keltirilgan. Misradagi *etagi ho'llik* ramziy ma'noda qo'llangan bo'lib, inson *etagi qachon ho'l bo'ladi?* degan savol tug'iladi. Bizningcha *etagi ho'llik* – insonning ehtiyotsizligi, amallariga bee'tibor bo'lishi oqibatida ortilirilgan illat. Chunki yuqoridagi baytda *tegirmon* timsoli ham kelgan. *Tegirmon* – bu dunyo, moddiy ehtiyojlar yo'lidagi izlanishlar ramzi. Shoir sen moddiy ehtiyojlarini qondirish harakatida kunlaring o'tib, halol-xaromni farqlashni ham unutib qo'ymoqdasan, vaholanki rizqni Oллоh beradi, demochi.

رخت از این گنبد برون بر گر حیاتی بایدت  
نفس عیسی جست خواهی راه کن سوی فلک  
نقش عیسی در نگارستان راهب کن رها

### Tarjimasi:

*Tiriklikni istasang bu dunyodan lash-lushinngni yig'ishtirib chiqib ket  
Iso ruhini istasang, falakka intil!*

*Ibodatxonadagi Iso suratiga sig'inishni bas qil!*

برگذر زین تنگنای ظلمت اینک روشنی  
درگذر زین خشکسال آفت اینک مرحبا

### Tarjimasi:

Bu tor zulmat darasidan o'tib ket, shunda yorug'likka yetishasan  
*Bu qurg'oqchilik ofatini tark et, shunda maqsadga erishasan,*

Shoir bu dunyoni, qurg'oqchilik ofati va zulmat darasiga o'xshatadi va unda qolib ketmaslikka chaqiradi. Misradagi "o'tib ket" fe'li o'z ma'nosida emas, balki "Oллоh roziligiga intil" degan ma'no beradi.

بر در فقر ای تا پیش آیدت سرهنگ عشق  
گوید ای صاحب خراج هر دو گیتی اندرأ



**Tarjimasi:**

*Faqr eshigidan kir, to ishq lashkarboshisi oldingdan chiqib,  
Ey sohib, "ikki dunyo xirojini yig'ishtirib ol" - deb aytguncha.*

Faqr tushunchasi tasavvufda asosiy tushunchalardan bo'lib, ishq ilohiyning ibtidosi ayni shundan boshlanadi. Chunki sufiy ilohiy ishq yo'lini tanlar ekan, ham bu moddiy dunyo hoyu-havaslar, ham jannat-u do'zax tashvishini xayoldan chiqarib, faqat yagona Oллоh roziligi orzusida umrguzaronlik qilishi lozim. Shundagina, sufiy haqiqiy oshiqlik martabasiga yetishishi mumkin.

شرب عزلت ساختی از سر بیر باد هوس  
باغ وحدت یافتی از بن بکن بیخ هوا

**Tarjimasi:**

*Uzlat xohlasang hoy-u havaslardan voz kech,  
Vahdat bog'ini istasang, g'urur ildizini tag - tubi bilan qo'porib tashla.*

Shoir bu baytda o'quvchini ortiqcha hoy-u havaslarga berilmaslikka, kibr-u havoni tag-tomiri bilan chopib tashlash kerakligiga da'vat etmoqda.

با قطار خوک در بیت المقدس پا منه  
با سپاه پیل بر درگاه بیت الله میا

**Tarjimasi:**

*To'ng'izlar galasi bilan Baytul muqaddasga qadam qo'yma!  
Fil qo'shini bilan Baytullohga kirishga urinma!*

Ushbu baytda islom tarixidagi mashhur voqealarga ishoralar bor. Birinchi misrada Xoqoniy salbchilarning Baytulmuqaddasni (hozirgi Quddus ya'ni Iyerusalimni) egallashga bo'lgan urinishlari, ikkinchi misrada esa Abrahanning Makkaga yurishini eslatmoqda.

هرچه جز نور السموات از خدائی عزل کن  
گرتورا مشکوه دل روشن شد از مصباح لا

**Tarjimasi:**

*Agar diling qa'ri "lo" chirog'idan yorishgan bo'lsa,  
Unda sen ilohiy nurdan boshqa har narsani hukmdorlikdan tushir.*

Shoir aytmoqchiki, Oллоh ishqidan o'zga har qanday orzu-havasni dilingdan chiqarib tashla. Bu baytdagi "osmonlar nuri" iborasida Qur'oni karimning "nur" surasiga ishora bor.

Xulosa shuki, Xoqoniy Shirvoniy buyuk iste'dod sohibi, fors mumtoz adabiyotining yetuk namoyondalaridan biri bo'lib uning falsafiy-irfoniy qasidalari insonlarni yaxshi ishlar qilishga, kibr-u havoga berilmaslikka, turli illatlardan, yomonliklardan yiroq bo'lishga chorlaydi. Tahlilga tortilgan yuqoridagi qasida ilmiy-irfoniy uslubda yozilgan. Shoir qasidada tashbeh, talmeh, tazod kabi turli badiiy san'alardan, turli badiiy timsollardan unumli foydalanib qasidaning mazmuni salmog'ini yanada oshirgan.

**АДАБИЁТЛАР:**

1. Komilov N. Faqr nuri porlagan qalb. Toshkent "Ma'naviyat" 2001.
2. Imomnazarov M. Ko'ngil haqida to'rt doston sharhi. Sharq mash'ali №1. 2016.
3. Imomnazarov M. Fors mumtoz she'riyati. Toshkent-2013.
4. دیوان خاقانی شروانی. تهران-1375.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**БАЛЛАДА ЖАНРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛАР: АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР**

**Эшқобилов А.К.**

СамДЧТИ катта ўқитувчиси, АРМ директори  
e-mail:eshqobil-vali@umail.uz

**For citation:** Eshkobilov A.K. Determining Factors Of Genre Ballada: Myths And Stories. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 2, pp. 130-139



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-18>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мақола лироэпик турнинг баллада жанрини назарий-поетик таҳлиliga бағишланган тадқиқотлар ҳулосаларини умумлаштиради. Баллада жанрининг афсонага тянилган асоси унинг жанр сифатидаги хоҳиятига ҳам боғлиқдир. Муаллиф қатор мумтоз адабиёт назарийчилари фикрига таянган ҳолда баллада жанрининг бу хусиятини тадрижий тараққиёти мобайнида ўзгаришларини назарий-аналитик таҳлил қилади. Бу мавзуда ўзбек адабиётшунослигида амалга оширилган кам сонли илмий тадқиқотларга муносабат билдиради.

**Таянч сўзлар:** Мифлар, афсоналар, баллада, жанр, жанр белгилловчи унсурлар, замонавий назарий-поэтика тадқиқотлари, ўзбек балладавиблиги

---

**ОПРЕДЕЛЯЮЩИЙ ФАКТОРЫ ЖАНРА БАЛЛАДЫ: МИФЫ И РАССКАЗЫ**

**Эшқобилов А.К.**

Старший преподаватель СамГИИЯ, Директор ИРЦ

---

**АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена обобщению результатов исследований по теоретико-поэтическому анализу лиро-эпического жанра баллады. Жанровая основа баллады оперирующая на мифы взаимосвязана с ее жанровым содержанием. Автор операясь на мнений ряда классиков теории литературы проводит теоретико-аналитически исследование изменений этих свойств жанра в эволюционном развитии; выражает свои отношения малочисленным научным исследованиям по теме проведенным в узбекском литературоведении.

**Ключевые слова:** Мифы, легенды, баллада, жанр, жанрвые признаки, современные теретико-поэтические исследования, узбекское балладное творчество

---

## DETERMINING FACTORS OF GENRE BALLADA: MYTHS AND STORIES

Eshkobilov A.K.

Senior lecturer SamSFLI, Director of IRC

## ANNOTATION

The article is devoted to reviewing the results of research on the theoretical and poetic analysis of the lyrical-epic ballad genre. The genre basis of the ballad, which works on myths, is interconnected with its genre content. The author, relying on the opinions of a number of classics of literary theory, conducts a theoretical and analytical study of the changes in these properties of the genre in evolutionary development; expresses its attitude to small research on the topic conducted in the Uzbek literary criticism.

**Key words:** myths, legends, ballad, genre, genre signs, modern teretic-poetic research, Uzbek ballad writings.

Ўз эстетикасида инсон тафаккури антитезисларида, баркамол шахсиятда мўъжасамлашган умум-инсоний эзулик ва ёвузлик каби абадий муаммоларни илгари суриб романтик санъат ўзи учун афсонавий фантастика рамзларини кашф этади. Баллада жанри томонидан афсона, ривоятларни "хазм қилиниши" ўзига хос балладик нуқтаи назарни шакллантирди: юқорида таъкидланганидек, субъектив нарсаларни шахсий тажриба асносида объективлаштириш, афсонавий нарсаларни идрок этиш ва қайта яратиш содир бўлди.

Баллада жанрининг афсонага таянган асноси билан унинг жанр сифатидаги моҳияти ҳам боғлиқдир. Б.В. Томашевскийнинг ёзишича, "Ўн саккизинчи асрга қадар Францияда баллада алоҳида строфа-шаклни англатиб, ўзига хос мавзулари мавжуд бўлмаган. Ўн тўққизинчи аср бошларида адабиётда шотланд балладаларига (халқ кўшиқларининг тури) тақлид модага айланади ва тез орада баллада атамаси остида мавзу жиҳатдан халқ оғзаки ижодининг афсона ва ривоятлари қайта ишланган шеърлар бирлаштирилди. Тезда фольклорга тақлид ҳисси йўқолиб, баллада номи билан мўъжиза ҳақидаги ҳар қандай шеърий ҳикоя номлана бошланди" [1, 191]. Маълум бўладики, келтирилган таснифда

баллада жанрининг "афсонага асосланганлиги" таъкидланади. Баллададаги "мўъжизавийлик" унинг жанр сифатидаги мазмунини белгилайди.

Шу ўринда фольклорга оид миф ва афсона тушунчаларининг мазмунига ҳам умумий планда тўхталиш тақозо этилади. Ишонч билан таъкидлаш мумкинки, этнографик миф - бу инсоннинг ғайритабiiй кучлар билан тўқнашуви ҳақида ҳикоя бўлиб, афсона сюжет мобайнида инсон ҳаётининг "бошқарувчи" ибтидога айлантирилади. Миф дастлаб пайдо бўлиш тарихи жиҳатдан илоҳий-диний эътиқодга бориб тақалади. Кишилар тасаввури Худо ва унинг пайгамбарлари, уларнинг издошлари кўрсатган қахрамонликлар ҳақидаги тасаввурлар билан бойитилиб, қизиқиш янада чуқурлашаверади ва охир-оқибатда инсониятнинг пайдо бўлиши, илк одамларнинг тақдири, ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисидаги ҳикоялар яратилади. Ўзининг диний эътиқод билан алоқадорлиги сабабли афсона ва ривоятлар аввал бошдан миллат танламайди. Бу уларнинг Европада христианларнинг, Шарқда мусулмонларнинг умумий қадриятларига айланади ва асрлар давомида шу ҳолда давом этиб, умумбашарий маданий ёдгорликлар сирасига қўшилади.

Ривоят ва миф борлиқни метафоралаштириш, ўзбек тилида ифодаласак, кўчма маънода интиқослаш даражасига кўра фарқланади. Агар биз мифда вақт-замондан ташқари борлиқ чизгиларини, ялпи мазмунни кузатсак, афсона, моҳиятан, борлиқнинг инсон тушуниши қийин бўлган ҳодиса ва қонуниятлар ҳисобидан "яратилган биносини яқунлашдан" иборат. Бу - борлиқни ўзига хос тарзда "идеаллаштириш" ёки янада аниқроқ айтсак, уни мослаштириш демакдир: "Афсонага таркибий жиҳатдан мустақиллик ва тугалланганлик хос эмас. Улар ўз-ўзига босим ўтказадиган эстетик тизим бўлмасдан, янада кенгроқ билиш, дунёқараш тизимларининг намоён бўлиши ёки унсурларидир" [2, 10].

Афсона асосидаги баллада халқ афсонаси поэтикаси асносида пайдо бўлади, унинг сюжети реал борлиқ воқелигидан олинган маълумот ҳисобидан яралган бўлсада, матнга айлангач яхлит бадиий ижод маҳсулига тусига киради.

Инглиз ва немис романтиклари томонидан яратилган адабий баллада жанрининг Шарқ халқлари адабиётида, жумладан, ўзбек миллий адабиётида айрим унсурларига, қисман ўхшаш шаклларига тарихан дуч келсакда, соф романтик жанр бўлган ва ҳозирда замонавий жаҳон адабиётшунослигида аксарият англаган маънодаги баллада жанрининг халқчиллик, миллий ўзига хослик, маҳаллий колоритга йўналтирилганлик каби хусусиятлари, уни бошқа Европа халқлари маданияти қатори, турли миллий адабиётларнинг жанрлар тизимига жадал кириб келишига, шунингдек, бу жанрнинг ўзбек шеърлятида ҳам барқарор ва муқим ўрин эгаллашига сабаб бўлди. Бунда рус адабиёти вакиллари

ижод маҳсуллари таъсирини, алоҳида роли ва аҳамиятини таъкидлаш лозим. Ҳолбуки, рус шеърлятида адабий баллада жанрининг асосечиси бўлган В.А.Жуковскийнинг балладалари ўз даврида, аввал бошданок, таржима жанр сифатида рус маданиятига кўчириб ўтқазилган тарзда идрок этилганлиги тарихдан маълум. Бунга қарамасдан, айнан В.А.Жуковский мактабига рус балладаси қонуниятларини яратиш насиб қилган.

Биз тадқиқотимизда ўзбек балладашунослиги - тарихий тамойиллари ва бугунги ҳолатига батафсил тўхталишдан ҳамда аналитик умумлашмалар қилишдан аввал, бутун XX аср ўзбек балладачилиги, қолаверса, 70-80-йиллар балладаси назарияси ва амалиётига улкан таъсир кўрсатган рус балладачилигининг назарий-поэтик жиҳатдан, биз ўрганган даврнинг муайян қисмида ўрганганилиши тарихига ва унинг фалсафий методологик асоси бўлган рус адабиётшунослигининг мумтоз манбаларига, қисқача бўлса-да яна бир қур тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ топамиз. Зеро, кўрсатилган давр ўзбек балладалари, собиқ тузумнинг сўнгги ўн йилликларида ҳали ягона ижтимоий-маданий макон сифатида мавжуд замонда яратилганлиги, муайян даражада умумназарий қонуниятлар таъсирида ривожланган ва маълум даражада таҳлил этилган адабий-маданий ҳодисалар сифатида эътироф этилганлиги рад этиб бўлмас тарихий далил бўлиб, шундай қилинганда, адабиётшунослик фани доирасида баллада жанри тарихини ва назарий-поэтикасини ўрганишда пайдо бўлиши мумкин бўлган мантиқий узилишга йўл қўйилмаган бўлади.

Мумтоз рус адабиётшунослигида романтик шеърят тадқиқотчилари баллада жанрининг халқчиллиги,

фольклорга асосланган миллий ўзига хослиги каби хоссаларни романтизм эстетикасининг асоси сифатида бир хил эътироф этишади. Рус шеъриятида баллада жанрининг пайдо бўлиши ва тадрижини дастлаб М.Каченевский, К.Батюшков, П.Вяземский, А.Марлинский, Ф. Булгарин, С.Сомов, Н.Полевой ва В.Г.Белинскийлар ўрганишади.

Баллада жанри XIX аср охири ва XX аср бошларида кенг ҳамда жадал ўрганилади ва тадқиқотлар аксарият ҳолларда тарихий-адабий планда амалга оширилади. Бу давр тадқиқотчиларидан Н.Загариннинг "В.А.Жуковский ва унинг асарлари" ("В.А.Жуковский и его произведения", 1983), Н.С. Тихонравовнинг "В.А.Жуковский" (1889), Н.А. Веселовскийнинг "В.А.Жуковский. Туйғулар ва "қалб тасавури" шеърляти" ("В.А.Жуковский. Поэзия чувства и "сердечного воображения", 1904), И.Н.Розановнинг "Рус лирикаси" ("Русская лирика", 1914) каби илмий асарларни кўрсатиш мумкин.

XX асрнинг биринчи ярмида тадқиқотчилар баллада жанрини тубдан янгича идрок этиб, таҳлилга жалб этишади. Улар орасида ҳозирда жаҳон адабиётшунослигининг мумтоз асарларига айланган Ю.Тиньяновнинг "Архаистлар ва новаторлар", Б.В.Томашевскийнинг "Адабиёт назарияси. Поэтика" ва "Шеър ва тил" илмий асарларини, Г.А.Гуковскийнинг "Пушкин ва рус романтиклари", В.Базановнинг "Декабристлар адабиёти очерклари. Шеърляти", Д.Благойнинг "Пушкиннинг ижодий йўли", Б.С.Мейлахнинг "Пушкин ва унинг замонаси" ва бошқа қатор монографияларни кўрсатиш мумкин.

Ўтган асрнинг ўрталарига келиб, собиқ шўро адабиётшунослигида баллада жанри тадқиқига эътибор яна

кучаяди. Бу ҳол илгар ман этилган қатор мавзуларнинг "легаллашуви", маданий мерос объекти ва материалларига эътиборнинг ошиши билан изоҳланади. Хусусан, ўтган асрнинг 50-йилларида аста-секинлик билан миллий жанрлар анъанаси ва хорижий адабиётнинг таъсири, бадиий метод эволюцияси, муаллиф индивидуаллиги, жанрлар поэтикаси масалалари долзарблик касб этади. Айниқса, 60-70-йилларда баллада жанри назарияси ва тарихига оид илмий жиҳатдан қизиқарли ва аҳамиятли тадқиқотлар пайдо бўлади. Жанр тарихи, муаллиф гоёси эволюцияси, шеър ва оҳанг хусусиятлари, тил хоссалари, мавзу хилма-ҳиллиги кабилар тадқиқот объектига айланади. Н.В. Измайлов, И.М. Семенко, Т.И. Сильман, Р.В. Иезуитова, Н.А. Лобкова, А.М. Микешин, С.А. Матяш, Б.А. Лозовой, А.С. Янушкевич, В.Г.Ларцев, В.Б. Лагутов, М.Иброҳимов ва бошқаларнинг тадқиқотлар пайдо бўлади.

Таъкидлаш жойизки, адабиётшунослик фанида баллада жанри, унинг йирик намоёндалари, жанр тараққиётининг айрим хусусиятлари тўғрисида умумий тасаввур ҳосил қилувчи қиймати баланд илмий материаллар жамланганлигига қарамадан ўзбек адабиётшунослигида баллада жанри генезиси, тадрижий тараққиёти ва бадиий поэтикасини ўрганишга бағишланган монографик пландаги илмий тадқиқотлар мавжуд эмас. Ҳозирги қадар XX асрнинг сўнгги чораги, 70-90 йиллар, Мустақиллик даври балладанаислиги бўйича, айрим мўъжаз мақолалар ва обзор тарзидаги баъзи мақола ва кичик қайдлар инobatта олинмаса, яхлит илмий тадқиқотлар умуман яратилмаган. Мавзу бўйича ҳозирга қадар ягона бўлиб турган М.Иброҳимовнинг "Ўзбек балладаси" (1974) рисоласи (3) ўтган асрнинг 70-

йиллари арафасигача бўлган адабий жараёни муайян даражада қамрайди. Биз бу асар таҳлилига кейин да батафсил тўхталамиз. Шундан буён ўтган қарийб ярим аср давомида миллий адабиётимизда яратилган балладаларнинг назарий-поэтикаси адабиётшунослар эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ушбу тадқиқотимиз доирасида, имкониятимиздан келиб чиқиб, санаб ўтилган баллада жанри тарихи ва назарий-поэтикасида муаммоли ўринларни илмий ўрганиш асносида тўлдириш, кўрсатилган адабий-тарихий давр мобайнида яратилган баллада жанрининг типик намуналарини таҳлилга тортиш ва унинг тараққиёт тамойилларини белгилаш амалга оширилаётган ишимизнинг долзарб вазифаларидан хисобланади.

90-йиллар ўзбек шеърлятида яратилган лиро-эпик турдаги баллада жанрининг назарий-поэтикасида, Мустақиллик даври ўзбек адабиётига хос умумий тамойиллар Усмон Азим, Азим Суюн каби сермаҳсул балладанавис ижодкорлар қаторида, Шавкат Рахмон, Хуршид Даврон, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид, Иқбол Мирзо каби забардаст Халқ шоирлари, Турсун Али, Баҳром Рўзимухаммад, Ҳалима Аҳмедова, Азиз Саид, Аҳмад Хўшага ўхшаш таниқли ҳамда янги ўзбек шеърлятида номлари ва асарлари аксарият ҳолда янги бўлган, нисбатан ёш ижодкорлар Абдиқайом Йўлдошев, Сафар Оллоёр, Усмон Бек, Неъмат Душаев, Ориф Тўхташ каби бир қатор шоирларнинг лиро-эпик асарларда намоён бўлади. Бу асарлар назарий-поэтикасида салафларининг ижодида хос жанр қонуниятлари, улардаги бадий-тарихийлик ва миллий-ўзига хослик тадрижий ривожлантирилади. Шу билан бирга, янги давр ўзбек

шеърлятида ички цензура таъсирида ўзидан, ижодий имкониятларини тўласинча намоён этилишидан қониқмаганидан тафаккури ва руҳияти тинимсиз тафтиш қилаётган кўнгил кишиси ҳолатларини чуқур лиризм билан бир қаторда эпик тасвирлаш устуворлик қилади.

Мисол учун Усмон Азим балладалари орасида бадий поэтикаси жиҳатдан бадий семантик майдони ҳайратомуз кучга эга, ижтимоий ва эстетик аҳамияти салмоқдор асарлар ажралиб туради: "Бойсун ҳақида ғамгин баллада", "Баллада", "Дашт ҳақида баллада", "Балладалар"- 16 шеърдан иборат туркум, "Нодраматик баллада ёки ғамгин марш", "Армон ҳақида баллада", "Умид ҳақида баллада", "Севги ҳақида умидбахш баллада", "Тош пари" - уч баллада ва муаллиф монологидан иборат баллада ва бошқалар шулар жумласидандир. Шоирнинг бу асарларида халқ оғзаки ижоди приёмларидан кенг фойдаланишга уриниши яққол кузатилади. Унинг туркум шаклдаги балладаларида уч баҳодир ака-укалар лирик қаҳрамонга айланишиди: Тўнгич ботир, Ўртанча ботир, Кенжа ботир. Бундан ташқари шоир фольклорга хос Қора ботир ва Оқ ботир образларини матнга олиб кириди, бир қатор балладаларида қаҳрамонлар сифатида Тош пари ва Гулпарилар муаллиф бадий-эстетик госясини элтувчи рамзий образлар сифатида иштирок этади. Бестиар-ҳайвонот мотивларидан от устуворлик қилиб, баъзан афсонавий тусга киритилади (Алпомишнинг Бойчибори каби).

Шоир бу образлар воситасида баллада жанрининг бадий-тарихий поэтикасидаги анъанавийликни сақлаган ҳолда ва уларни ривожлантиришга ҳаракат қилиб, шу билан бирга миллий ўзига хос бадий

хусусиятлар билан бойитишга интилади ва ҳақиқий замонавий ўзбек балладалари намунасини яратади. Унинг балладалари, бутун ижоди каби, драматизмнинг чуқурлиги ва ўзига хос рамзий-метафорик бойитилганлиги билан ажралиб туради. Шу нуқтаи назардан, Усмон Азимнинг балладанавис шоир сифатидаги ижоди намунаси сифатида, балладалардан ташкил топган "Тош пари" достони катта қизиқиш уйғотади.

Адабиётшунос К.Муллажонова ўз мақоласида шоирнинг "шаклий-услубий изланишлари давом этганлиги сабабли ҳам янги шеърлар дунёга келаверади. Шоир ижодий экспериментлардан чўчимайди. Сўз санъатининг кейинги ривожини йўлида сезиларли ва муҳим тажрибаларни амалга ошираверади. Бу билан ўзбек тилининг поэтик имкониятларини кўп жиҳатдан очиб беришга муваффақ бўлади... У кўплаб баллада, драматик баллада, драматик достон, шеърини йўлда битилган драматик қисса каби жанрлардаги асарлари билан ҳар қандай жанрнинг ўзбек шеъриятида бемалол истифода этилиши мумкинлигини исботлади-уларни миллийлаштириди" деб ёзар экан, мазкур тадқиқотимизнинг илмий мавзуси асосли ва долзарб эканлигини бевосита далиллайди.

Уч драматик баллада ва муаллиф монологидан иборат бу достон қаҳрамонлари-уч ака-ука ботирлар ва Тош пари. Бу образлар шоир ижодининг эволюциясида муқим ва аҳмиятга молик ўрин эгаллайди. Айниқса, шоир Кенжа ботир образига - мардлик ва эзулик, ҳалоллик ва инсонпарварлик тимсоли сифатида қайта ва қайта мурожаат қилади. Бу қаҳрамонда ёрқин намоён бўладиган, В.Г.Белинский таъбири билан айтганда, субъективлик, муаллиф шахсиятининг ўз қаҳрамонлари билан уйғунлашган

синтези тарзида мужассамлашади. Шоир бежизга дастлаб "Иккинчи апрель", сўнгра "Танланган асарларига киритилган "Учинчи ўғил" шеъриси бундай ёзмайди:

*Бу шеърини ёзганимни билиб қолишса,  
катта акам,  
кичик акам,  
мени умр бўйи қийнайдилар -  
еганим оғу бўлади,  
аммо*

*жонни тикиб қўяман имзо:*

*Бу шеърини ёзган мен - Усмон Азимов*

*Учинчи ўғил!*

"Тош пари" достони композицион жиҳатдан жуда қизиқарли. Айтилганидек, достон уч баллада - Тош пари ва ака-ука ботирлар ўртасида кечадиган диалоглардан иборат. Достонда баллада жанри назарий-поэтикасига хос хусусиятлар, белгилар ярқ этиб кўзга ташланади: сюжетнинг афсонавийлиги, драматизми, фантастикага бойлиги, шартлилиги ва бошқалар. Бу достон замирида халқ оғзаки ижодининг уч баҳодир ҳақидаги эртакнинг трансформацияга-ўзгаришга учраган сюжети ётади. Эртакда бўлгани каби, балладада (достон-баллада) баҳодирлар гўзал қиз - Тош парига учрашишлари ва топшириқларини бажаришлари шарт: кимда-ким уларни муваффақиятга бажарса, гўзал пари қизнинг ҳукмдорига айланади.

Достонда анъанавий преамбула-муқаддима йўқ, асар сюжети баҳодирларнинг парининг олдига келишларидан бошланади. Таъкидлаш жоизки, достон таркибига кирувчи ҳар бир баллада қисмат тўғрисидаги лирик шеър бўлиб, аллегорик мазмун кашф этади. Шу ўринда эпик турда, бадий тафаккур орқали лирик ифодаланиш шеърятда фавқуллода истъедодли ижодкорлар ижодига хос хусусиятлардан эканлигини, буни

замирида ўзбек халқ оғзаки ижоди анъаналаридан кенг хабардорлик каби хислатлар туришини таъкидлаш жоиз.

Шоир дostonда аллегориялар воситасида ўз даврининг, зиддиятли замонасининг, "эртаксимон" ва "қўрқинчи" тасвирини ўзига хос тарзда ифодалашга интилади. Ўз ҳаётликларидан зулм, зўравонлик ва бетартиблик тимсоли Тош пари - ҳаёт рамзининг қули бўлган бўлса, ўлимларидан сўнг, балладага хос ўч олиш гоёсига мос равишда жаллодга, қора ва зулм кучларининг сўқир қуролига айланишади. Асарда Тўнғич ва Ўртанча ботирлар қисмати шундайларга менгзанади.

Дoston Тўнғич ботирнинг Тош парига қаратилган сўзлари билан бошланади: Еру осмон ошиқ, Тош пари, // Жамолингнинг овозасига//. Шоир биринчи мисрадан гўзал латофатига банди бўлганлар ҳақда гапириб, уларнинг сирли-енгиб бўлмас эҳтиросларга тўлиқ образларини чизади; бунинг ортида китобхон гўзалнинг "шарофати билан" яратилаётган ва озиклантирилатган замон қиёфасини англайди. Тўнғич ботир "денгиз оша" қандай "юриб" ўтганини "қаҳр қумистонини" эса "сузиб ўтганини" ҳикоя қилиб, ўзи бажариши керак бўлган вазифани сўрайди. Тош пари, ўзининг жозибадор гўзаллиги, оҳанрабодек нигоҳи билан шоир томонидан гўзал, аммо сохта гоёларнинг шартли-рамзий тарздаги образи сифатида гавдалантирилади. Улар бу дунёга интилаётганларнинг ҳаммасини ва ўз ҳаётини бу гоёларни ифодаловчиман, дея умрини яшаб бўлганларни ҳам, қўшиб, ютиб юборади. Тош пари ўзига хос шаклда шахсий автопортретини тасвирлайди: Қара, сочим қандай тўлғоқдир! // Ҳар толаси бир умр мавжи.// Сочимни деб дунё уйғоқдир//. Сочлар - Тош парининг гўзаллиги ва жозибадорлиги рамзи.

Анъанавий Шарқ гўзали ўзини ҳеч қачон кўргазмага қўймайди, ҳусни билан мақтанмайди. Шоир еру осмонни ром қилган "сочларнинг тўлғоқлиги" орқали рамзий гўзаллик-сохта гоёлар устидан киноя қилади. Кейинги мисра "Сочим гарчи кўнглимнинг ранжи" - тўлғоқлиги билан мақтанаётган гоёвийликнинг мавҳум-рамзий образи ҳамда унга ҳамоҳанг турувчи бу гоёларнинг предметли-ҳиссий мужассами бўлган иккинчи шартли образ ўртасида гўё кўчма маънодаги метафора, шартли чегара маъносини касб этади. Тош пари Тўнғич ботирга унинг қирқ кокилига ошиқ бўлган қирқ ўлканинг қирқ баҳодирини, қирқ дев ва қирқ шаҳзодани ўлдириш шартини топширади. Бу ўзига хос "қирқнинг қирқи"ни: қирқ баҳодир, қирқ дев, қирқ шаҳзода, қирқ эрлик, бирламчи ёки асос ҳисобланувчи ибтидонинг инъикоси сифатида талқин этиш мумкин. Тўнғич ботир Тош парининг бу топширигини сўзсиз ижро этади.

Дostonда қўлланилган рақамлар баллада жанрининг маълум қонуниятларига мос келади. Бироқ муаллиф уларни шунчалик маҳорат билан ишлайдики, натижада гўё сюжетда учлик пайдо бўлади: мазмундаги учлик - ботирларга учта шарт қўйилиши, тузилиш-композицион учлик - уч балладан ибратлилик (ҳатто баҳодирларнинг парининг сочларига, шаҳзодалар, гўзал парининг юзига, девлар-кўзларига ошиқ бўлишлари ҳам ички учлик-триадани ташкил этади).

Барчани ўлдирган Тўнғич ботир жаллодга айланади. Тош парининг ўзи шундай хулосага келади:

*Хизматларинг қаҳримни боғлар...*

*Аммо тилга келмас шод баёт.*

*Висолимга этади шоҳлар,*

*Тўнғич ботир,*

*Сен энди...-*

*Жаллод.*



Бу мисраларда Тош пари образининг, юқори нуқтага кўтарилган, балладага хос амбивалентлиги-икки хил ҳиссиёт уйғотиши намоён бўлади. Бу қарама-қарши иккиланиш асар фожеавийлигини кучайтиради. Тош пари замона гояларининг метафорали тимсоли сифатида ўзи аслида жаллодлик қилади, чунки унинг буйруғи билан кўлаб инсонлар ҳалок бўлади. Лекин у шум ва айёр: ботирга уларни ўлдиришни, аммо жонини, руҳини олиб, танасини қолдиришни буюради. Шоир шу таҳлит жамиятда пайдо бўлаётган кўлаб манқуртларга - нодон ва ёвуз, раҳм билмас зотларга ним ишора қилади. Улар ҳеч бир ўйланиб ўтирмасдан - ўзлигини инкор этиш даражасида, Тош парининг қулига айланишиб, жаллодга, аввало, шахсий ўзлигининг қотилларига айланишади. Ҳатто Тош парининг ўзи Тўнғич ботирнинг қачон унга эришиши ҳақидаги саволига:

*Бу дунёнинг висоли, ботир,  
Баъзан йўлдан қайтгувчиларга.  
Бахтларидан олмай хавотир  
"Йўқ" сўзини айтгувчиларга!*

сўзлари билан жавоб бериб, достоннинг биз идрок этаётган гоёвий эстетикаси тўғри эканлигини тасдиқлайди. Жаллодга айланган Тўнғич ўғил, Тош парининг ити бўлишга ҳам рози. Пари унга "Менинг итим, жаллодим маним!", сўзларини айтиб, уни бутунлай қулга айлантиради. Шу тарзда шоир ўз ҳукмдорлари қўлида кўғирчоққа, бегоналарнинг гоялари қулига айланиб, мустақил фикрлашдан мосуво бўлганлар образини яратади.

Бош қаҳрамони Ўртанча ботир бўлган балладада Тош пари образида ўзгариш юз беради. Бу балладада Тош пари ботирга ўз гўзаллиги, эзгулиги ва меҳрибонлиги билан тош қалбида рашк ҳиссини уйғотадиганларни: қирқ кабутар, қирқ шаҳардаги қирқ малика,

кимки аёллик - фарзанд кўрувчи, тириклик ва ҳаёт тимсоли бўлса, барчасини ўлдиришни буюради. Бундан ташқари, Тош пари Тўнғич ботирнинг ўзига келиб қолишидан ва барчасини тушуниб етишидан қўрқиб, уни ҳам ўлдиришни топширади.

Тош пари образидаги ўзгаришларни, динамикасини тасвирлаш учун, муаллиф рангларга мурожаат қилади. У тинчлик ва фаровон замонлар тимсоли бўлган кабутарлар таъқиби билан ўзи учун оғир замонлар бошланаётганлигини сезади. Бунга унинг сўзлари далил бўлади:

*Юзларимга қара -  
Сориғдир,  
Лабларимга қарагин -  
Ҳазон.*

Маълумки, шарқона эстетикага кўра сариқ ранг - бахтсизлик белгиси. Тош пари Ўртанча ботирга маликалар ҳақида гапирганда ҳам, ранг-бадий колористика муҳим мазмун шакллантирувчи тасвирий воситага айланади:

*Сочларимга қара -  
Оқарди,  
Юрагимга қара -  
Таҳлика.*

Бу ранглар воситасида шоир Тош пари даври, замони тугаётганлигини тасвирлайди, буни ўзича башорат қилади ва ҳақ бўлиб чиқади. Аммо муаллиф нафақат Тош пари ҳукмронлигининг паймонаси тўлганлигини башорат қилади, балки унинг тилидан қуйидаги сўзларни айтиб:

*Қирқ шаҳардан ахир боқади  
Ҳасад билан  
Қирқта малика.  
Бир балолар ҳавода...*

*Ёху..*  
фалсафий башоратгўйлигини чуқурлаштириб, фалсафий мазмун билан бойитади. "Бир балолар ҳавода..."

мисрасида файласуф ва сиёсатдонлар орасида маълум ва машҳур "Европада бир шарпа кезади..." иборасига бевосита зимдан ишора зоҳир бўлади. Бу ишора валюнтаристик ўзибилармонлик, диктаторлик, зулм кабилар охир-оқибат ниҳоя топишини англатади.

Ўртанча ботир биринчи ва иккинчи шартга кўра кабутарларни қийнаб, азоб бериб ва маликаларни "эркалаб" ўлдириб, учинчи шарт - туғишган акаси, Тўнғич ботирни ҳам ўлдиргач, шоир хулосалайди: Ўртанча ботир ҳам Тош пари каби жаллод, яккахокимлик гоёсининг рамзи, тимсоли. У гўё Тош пари ортидан изма-из боровчи шарпага айланади:

***Хавотирли кунларим бисёр.***

***Эрка Боғи Эрамда -***

***Ташвиш.***

***Муҳаббатга содиқ хизматкор,***

***Менинг учун***

***Яна кўрсат иш.***

***Бу шаън қаср ичида кезар***

***Аламзада қасос шарпаси.***

Алданган, севгилиси васли учун жаллодга айланган Ўртанча ботир қисмати акасиникидан-да оғир: ўзини қўллари қон жаллодга тенг билмаган Тош пари унга ўзини ҳам ўлдиришни буюради. Ўртанча ботирнинг бошқа йўли қолмайди. Пари яна бир садоқатли жаллодидан айрилади.

Учинчи баллада бошланиши ўзига хос яратилган: Тош пари Кенжа ботирга муҳаббат изҳор қилади. "Ғоялар" эгаси ва тарқатувчиси муҳаббат гадосига айланади. Кенжа ботир - янги замон кишиси, у ўз даврини "яшаб бўлган" ўтмиш қадриятларидан воз кечади. У парини рад этиб, унинг асл қиёфасини ўзига очиб ташлайди. Аммо пари бу ҳолатга Кенжа ботир ва унга бўлган муҳаббати сабабли тушиб қолганлигини такрорлаб, "беқайғу, бедард" севги ваъда қилади. Ўз қарорида қатъий бўлган

Кенжа ботир унга қуйидагиларни эслатади: Қон йўлларда, ахир, юргансан, // ҳеч бўлмаса, оёқларинг қон... // ва унинг ўлимини тилайди. Бироқ Тош пари қанчалик ўзини ўлдиришга уринмасин, пичоқлар синиб кетаверади. Тош пари мангу азобга маҳкум:

***Қолмагунча дунёда бир тиг,***

***Ўлдирасан ўзингни ўзинг.***

***Сенга шундай ўйлади жазо***

***Мурувватли қудратли Раҳмон -***

***Тош таниннга еткунча қазо,***

***Ботгунингча, тупроққа тобон...***

Аммо бу қачон содир бўлиши маълум эмас, шу сабабли пари уф торганича ўзини жазолашда давом этаверади.

Поэтикасида фольклор анъанаси, мавзу ва сюжети устуворлик қиладиган балладаларни аксарият шорлар ижодида учратиш мумкин. Бунинг сабаби, мақоламиз бошида таъкидлаганимиз, маълум даврда сирлилик, кутилмаганлик ва бошқа унсурлар баллада жанрини белгилловчи омиллар сифатида идрок этилганлиги, мунаққидлар бу гоёни қўллаб-қувватлагани билан боғлиқдир.

XX аср иккинчи ярмидан 90-йиллар ва ҳозиргача, ижтимоий воқеликка муносабат билдириш, даъват этиш, чорлаш эмас, балки Мустақиллигимиз яратган ва талаб қилаётган фалсафий-бадий талаблар асносида, инсон руҳиятига чуқурроқ, теранроқ кириб бориш, унинг маънавий оламини ёритишга интилиш етакчилик қилади, дейишга ҳар жиҳатдан далиллар етарли. Зеро, янги давр шеърлятида яратилган балладаларнинг шаклан янгиланаётганлиги, яратилган мўъжаз намуналари, мазмунан ўзгача, диний-ухровий тамойиллари, пародия қилишга бўлган сайъи-ҳаракатлар бу жанрнинг миллий шеърлятимизда муқим ўрин эгаллаб турганлигини, тадрижий тараққиёти бардавомлигини ва истиқболлини

таъминлайди. Ўзбек шеърлятида ватан ва халқ, миллат тушунчаларига моддийдан кўра, кўпроқ маънавиятга доир руҳоний туйғу сифатида ёндашиш етакчи хусусиятга айлантирилиб, улкан умумбашарий ва умуммиллий ижтимоий муаммолардан кўра алоҳида бир шахс тафаккури ва руҳиятидаги муаммоларни тасвирлашга эътибор кучайганлиги сезилади.

**Адабиётлар:**

---

1. Томашевский Б.В. Теория литературы.-М.-Л.: Гослитиздат, 1979.-260 с.
2. Чистяков К.В. русская народная социально-утопическая легенда.-М.: Наука, 1967.-78 с.
3. Иброҳимов М. Ўзбек балладаси.-Т.: Фан, 1974, 200 б.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**"CHAMBERS 20TH CENTURY DICTIONARY" ЛУГАТИГА КИРИТИЛГАН  
МЕТАФОРИК МАЪНОЛИ СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ**

**Эгамбердиев Жасур,**

Андижон давлат университети, инглиз тили ўқитувчиси

**For citation:** Egamberdiev Jasur. Analysis Of Words With Metaphoric Meaning In The "Chambers 20th Century Dictionary" Dictionary. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 2, pp. 140-143



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-19>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Ушбу мақола "Chambers 20th Century Dictionary" лугатига киритилган метафорик сўзларнинг кодификация қилиниши ва таҳлили ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган.

**Таянч сўзлар:** метафорик сўзлар, метафорик сўзларнинг кодификация қилиниши, тилнинг табиати, лугатшунослик. тил ва маданият.

---

**АНАЛИЗ СЛОВ С МЕТАФОРИЧЕСКИМ ЗНАЧЕНИЕМ В СЛОВАРЕ  
"CHAMBERS 20TH CENTURY DICTIONARY"**

**Эгамбердиев Жасур,**

Преподаватель английского языка, Андижанский государственный университет

---

**АННОТАЦИЯ**

Статья посвящена принципам кодификации и анализа метафорических слов в "Chambers 20th Century Dictionary" и их характерных особенностях.

**Ключевые слова:** метафорические слова, кодификация метафорических слов, природа языка, лексикография, язык и культура.

---

**ANALYSIS OF WORDS WITH METAPHORIC MEANING IN THE "CHAMBERS  
20TH CENTURY DICTIONARY" DICTIONARY**

**Egamberdiev Jasur,**

English teacher, Andijan state university

---

**АННОТАЦИЯ**

The article is dedicated to the principles of codification and analysis of metaphoric words in "Chambers 20th Century Dictionary" and their characteristic features.

**Key words:** metaphoric words, codification of metaphoric words, the nature of the language, lexicography, language and culture.

Албатта, тил ва маданият, тил ва халқ онги муносабати масалалари анча олдин назариётчи тилшунослар томонидан илгари сурилган эди. Жумладан, буюк немис тилшуноси В.Хумдольдт тил ва шахс, тил ва халқ, тил ва маданият муносабати масаласини кўтариб чиққан ва уни моддий ва маънавий маданият билан алоқадорликда ўрганган эди. Унинг таъкидича, моддий ва маънавий маданият тилда мужассамлашади; ҳар қандай маданият миллийдир, унинг миллий табиати тилда борлиқни ўзига хос тарзда кўриниши билан ифодаланади; ҳар бир халқнинг ўзига хос руҳияти, маданияти, ифодаланувчи ички шакли тилга хос; тил инсон ва борлиқни боғловчи бўғин ҳисобланади.

Тилларда мавжуд бўлган, ишлатилаётган ҳар бир сўз ўша тил луғат таркибига киритилади. Луғатлар ҳар бир тил соҳибининг асосий бойлиги ҳисобланади. Фикримизча луғатлар имкон қадар тилдаги барча сўзларни камраб олиши зарур. Юқорида таъкидланганидек тил ва тилдаги сўзлар маълум бир халқнинг маданиятини, руҳиятини, маънавиятини ва ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб бериши керак. Бу борада сўзларнинг кўчма маъноларини луғатларда кодификация қилиш масаласи диққатни тортади. Чунки луғатларда турли-туманлик намоён бўлади. Фикримизни инглиз тилидаги луғатларни киёсий таҳлил қилиш асосида исботлашга ҳаракат қиламиз.

Таҳлилларимиз натижада шу нарса маълум бўлдики, қариб 70 минг сўзни ўз ичига олган “**Chambers 20<sup>th</sup> Century Dictionary**” (1983, E.M.Kirkpatrick) номли луғат сўзларнинг кўчма маъноларини ҳам ўз ичига олган кам сонли луғатлардан биридир. Биз ушбу луғат таркибига киритилган барча метафорик маъноли сўзлар билан танишиб чиққанимизда, унда 220 га яқин метафорик маъноли сўзлар киритилганлиги аниқланди. Луғатнинг ҳажмига нисбатан бу кўрсаткич анча кам ҳисоблансада, бу нарса бошқа луғатларга нисбатан кўпроқ метафорик сўзлар кодификация қилингани, тилдаги мавжуд сўзларни имкон қадар камраб олишга етарли даражада ҳаракат қилинганидан далолат беради.

Ушбу луғатдаги метафорик сўзларни таҳлил қилиб бир қанча фактларга эга бўлдик. **Биринчидан**, метафорик маъноларнинг аксарияти (80%) инсон омили билан боғлиқ. Масалан:

**Angel:** (44 бем)

- |   |                                   |
|---|-----------------------------------|
| 1) a divine messenger                             | - фаришта                         |
| 2) an attendant or guardian spirit                | - қўриқчи руҳ                     |
| 3) a person possessing good qualities             | - яхши инсон                      |
| 4) a dead person regarded as received into heaven | - жаннати одам                    |
| 5) a messenger generally                          | - элчи                            |
| 6) a financial backer or adviser                  | -молиявий ҳомий ёки маслаҳатчи    |
| 7) a man victim for those in search of money      | - пул сўровчиларга қурбон бўлувчи |

**Bud:** (161 бем)

- |                                   |                 |
|-----------------------------------|-----------------|
| 1) a rudimentary shoot of a plant | - Қуртак, гунча |
| 2) a young person                 | - Ёш инсон      |
| 3) a debutante                    | - Дебютант      |

**Lion:** (734 бем)

- 1) a large, fierce, tawny, loud-roaring animal of the cat family - katta, jahldor, och jiggarrang baland o'kiruvchi mushuksimonlar oilasiga mansub hayvon  
 2) a man of unusual courage - noodatiy jasoratli erkak  
 3) the constellation or the sign Leo - burjlardagi arslon

Биз юкоридаги уч мисолда инсонлар турлича тасаввур қилинишини кўришимиз мумкин, яъни яши инсонлар фариштага, ёшлар ғунчага, жасоратли эркаклар шерга ўхшатилаётганини кўраимиз.

**Иккинчидан**, битта метафоранинг бир вақтнинг ўзида бир неча хил маънода қўлланилиши ҳам кўп кузатилди. Масалан:

**Goat:** (527 бем) – 1) эчки

- 2) lecher - суюқоёқ, бузуқ одам  
 3) a foolish person - ахмоқ одам  
 4) the wicked - гуноҳкорлар, нопоклар  
 5) the zodiacal sign - тоғ эчкиси (буржи)

**Hog** (597 бем) – 1) чўчка

- 3) a pig reared for slaughter - сўйиш учун боқилган чўчка  
 5) formerly slang for a shilling - шиллинг (эски жаргон)  
 6) a low filthy fellow - пасткаш одам  
 7) a greedy person - очкўз одам  
 8) an inconsiderate boor - тарбиясиз одам  
 9) a person of coarse manners - қўпол одам

Мисоллардан кўришиб турибдики, Goat (эчки) сўзи “суюқоёқ”, “фаросатсиз” ва “гуноҳкор” маъноларида, яъни уч хил кўринишда қўлланмоқда. Иккинчи мисолдаги Hog (чўчка) сўзи эса “пасткаш”, “очкўз”, “тарбиясиз” ва “қўпол” маъноларини бермоқда.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, “**Chambers 20<sup>th</sup> Century Dictionary**” луғатига киритилган метафораларнинг қариб 70 фоизи жониворлар ва ўсимлик номлари орқали ифодаланмоқда. Бунга мисол қилиб юкоридаги ва куйидаги метафораларни келтиришимиз мумкин:

**Rabbit:** (1065 бем) – 1) қуён

- 2) a persistent but incurably inferior player at games - o'yinlarda doim harakat qilishiga qaramasdan yomon o'ynovchi o'yinchi  
 3) a timid person - uyatchan, qo'rqoq kimsa  
 4) an unimportant, insignificant person - muhim bo'lmagan, keraksiz shaxs

Ушбу луғатга киритилган кўп метафорик маънодаги сўзлар ўзбек тилида ҳам айнан шу маънода метафора сифатида ишлатилади. Мисол учун инглиз тилидаги **Fox** (496 бет) сўзининг биринчи маъноси тулки, иккинчи маъноси маккор, ҳийлагар инсон. Ўзбек тили изоҳли луғатида тулки сўзига худди шундай таъриф берилган.

Лекин таъкидлаш керакки, фақат инглиз тилигагина хос бўлиб ўзбек тилида метафорик маънода ишлатилмайдиган сўзлар ҳам мавжуд. Масалан:

**Brick:** (154 бем) - 1) ғишт

2) *a shaped block of rectangular burned clay* - тўртбурчак шаклдаги пишган лой, яъни ғишт

4) *a child's building block of wood* - боланинг ўйинчоғи қисмлари

5) *a loaf in the shape of a brick* - ғишт шаклдаги нон, булка нон

6) *a good person* - яхши инсон

**Cabbage:** (173 бем) – 1) қарам

2) *the edible terminal bud of various palms* - турли палмаларнинг еса бўладиган охирги қисми

3) *a dull, inactive person* - нофаол, совуқ инсон

**Cat:** (196 бем) – 1) мушук

2) *a spiteful women* - баджаҳл аёл

3) *a movable penthouse to protect besiegers;* - ёгингарчиликдан ҳимояловчи кўчма чодир

4) *a double tripod with the six legs;* - икккилантирилган уч оёқли мослама

Ўзбек тилида ғишт, қарам, мушук каби метафораларни учратмадик. Бу ҳолат мақоламиз бошида айтиб ўтган миллий маданият, халқлар ўртасидаги тасаввурий тавофут мавжудлигини кўрсатади.

Сўзларнинг номинатив яъни лексик маънолари билан бир қаторда метафорик маъноларини луғатларда кодификация қилиш қанчалик аҳамиятли эканлигини биз юқорида кўрдик. Метафорик маънолар ҳам сўзларнинг лексик маънолари қаторида жамиятдаги, борликдаги турли воқеа-ҳодисаларни номлашда, уларнинг қирраларини, ўзига хос хусусиятларини очиб беришда, айниқса нутққа эмоционаллик, экспрессивлик беришда қанчалик аҳамиятли эканлигини биз яхши биламиз. Чунки метафора барча тиллар учун хос бўлган ҳодиса, метафорасиз тил ҳидсиз гулга ўхшайди. Метафора тилнинг жозибadorлигини оширади. Айниқса поэзияни метафорасиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун тиллардаги мавжуд бўлган метафораларни луғатларга кодификация қилиш, луғатларда сақлаб қолиш ҳар бир луғатшуноснинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

#### Адабиётлар:

- 
1. Kirkpatrick E.M. "Chambers 20th Century Dictionary" 1983.
  2. Базарова Л.В. К вопросу о соотношении языка и культуры // Образование и культура России в изменяющемся мире. - Новосибирск, 2007. - С. 72-76.
  3. www.ziyounet.uz

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ  
JOURNAL OF WORD ART  
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

**БЎЛАЖАК РЕЖИССЁР ВА АКТЁРЛАР ТАРБИЯСИДА "САҲНА НУТҚИ"  
ФАНИНИНГ ИННОВАЦИОН-КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ**

**Маматқосимов Жаҳонгир Абирқулович,**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори,  
e-mail: jahongir.80@mail.ru

**For citation:** Mamatkosimov Jahongir. Innovative-conceptual bases of the subject "scene speech" in the education of future directors and actors. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 144-151



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-20>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада замонавий санъат таълимида "Саҳна нутқи" фанини ўқитишнинг инновацион-концептуал асослари ҳақида маълумот берилган. "Саҳна нутқи" фанини ўқитишнинг назарий-амалий ва ижтимоий-ҳуқуқий асослари, ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида саҳна нутқини ўзлаштиришнинг касбий асослари, саҳна нутқини фанлараро алоқадорликда такомиллаштириш, фанни ўқитишда замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва педагогик технология усулларидан фойдаланиш, фан юзасидан талабалар мустақил таълимни ташкил этиш усуллари, малакавий амалиёт жараёнида ҳамда фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида саҳна нутқини такомиллаштириш технологияси, фан бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнида саҳна нутқини такомиллаштириш усуллари илмий-амалий тарзда ёритилган.

**Таянч сўзлар:** Саҳна нутқи, актёр, режиссёр, инновация, концептуал асослар, АКТ, педагогик маҳорат, педагогик технология усуллари.

**ИННОВАЦИОННО-КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРЕДМЕТА  
"РЕЧЬ СЦЕНЫ" В ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ РЕЖИССЁРОВ И АКТЁРОВ**

**Маматқосимов Джаҳонгир Абирқулович,**

Профессор Узбекского государственного и нститута искусств и культуры

**АННОТАЦИЯ**

В данной статье представлен обзор инновационных и концептуальных основ "сценической речи" в современном художественном образовании. Теоретико-практические и социально-правовые основы преподавания "сценической речи", профессиональные основы сценической речи в преподавании специализированных предметов, совершенствование сценической речи в междисциплинарной связи, использование современных информационных и коммуникационных технологий и педагогических технологий в преподавании естественных, приемы



совершенствования сценической речи в процессе профессиональной практики и в научно-производственном процессе, профессорско-преподавательский состав В процессе подготовки и переподготовки научных и практических методов для улучшения речи сценического освещения.

**Ключевые слова:** сценическая речь, актер, режиссер, инновация, концептуальная основа, ИКТ, педагогические навыки, педагогические технологии.

---

## INNOVATIVE-CONCEPTUAL BASES OF THE SUBJECT "SCENE SPEECH" IN THE EDUCATION OF FUTURE DIRECTORS AND ACTORS

**Mamatkosimov Jahongir Abirkulovich,**

Professor of Uzbek state and institute of arts and culture

---

### АННОТАЦИЯ

This article presents an overview of the innovative and conceptual foundations of "scenic speech" in modern art education. Theoretical, practical and socio-legal foundations of teaching "stage speech", professional foundations of stage speech in teaching specialized subjects, improving stage speech in interdisciplinary communication, using modern information and communication technologies and pedagogical technologies in teaching natural science, methods of improving stage speech in the professional process practice and in the research and production process, faculty In the process of training and retraining of scientific and practical methods to improve speech stage lighting.

**Key words:** stage speech, actor, director, innovation, conceptual basis, ICT, pedagogical skills, pedagogical technologies.

---

**И**жтимоий ҳаётнинг барча жараёнларида, шахс ва жамият муносабатларида, комилликка интилган ҳар бир инсоннинг тафаккури, тасаввури, дунёқарашининг юксалишида таълим-тарбия, маънавият ва маърифатнинг тенгсиз, таъсирчан аҳамияти ҳамда вазифаларининг амалга оширишида тилимиз, нутқимизнинг хизматлари беқиёсдир.

Анъанавий санъат таълимида "Саҳна нутқи" фанини ўқитиш жараёнида устоз-педагоглар яратган миллий театр мактаби анъаналарига таянилиб, республикамиздаги театрлар учун малакали актёр ва режиссёрлар тайёрлаб келинмоқда. Лекин, бошқа соҳалар қатори санъат таълимида ҳам ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган фан-техника ютуқларидан самарали фойдалана олиш ҳамда шиддатли тезликда ахборотлар

оқимини қабул қилиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда талабага етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

"Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, унга илғор педагогик технологияларни жорий этиш зарурлиги таълим-тарбия жараёнини технологиялаштиришни тақоза қилади.

Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда "Саҳна нутқи" фанини ўқитишнинг инновацион-концептуал асосларини (1-расм) ишлаб чиқиш ва мазкур тизимийлик асосида ўқув машғулотларини олиб бориш замонавий санъат таълимидаги илк одим ҳисобланади.



**1-расм. “Саҳна нутқи” фанини Ҳқитишнинг инновацион-концептуал асослари**

Фанни Ҳқитишда бадиий ижоднинг замонавий методлари, инновацион техника ва технологияларни пухта эгаллаган педагоглар фаолиятини такомиллаштириш, Ҳқитишнинг замонавий шакл ва методлари, илғор педагогика, инновация ва ахборот-коммуникация технологиялари, электрон ахборот ресурслари, жумладан, Интернетдан кенг фойдаланган ҳолда, таълим жараёнининг юқори даражада олиб борилишини таъминлаш замонавий педагогиканинг бош мақсадидир.

Замонавий санъат таълимида “Саҳна нутқи” фанини Ҳқитишнинг инновацион-концептуал асослари таҳлили қуйидагилардан иборат:

Фанни Ҳқитишнинг назарий-амалий асослари - таълим жараёнида талабаларга фаннинг таълимий ва тарбиявий концептуал функцияларни бажаришдан (2-расм) иборатдир.



**2-расм. Фанни Ҳқитишнинг назарий-амалий асослари**

Фанни ўқитишнинг ижтимоий асослари - саҳна нутқининг ижтимоий аҳамияти оила, маҳалла, ташкилот ҳамда жамоат жойлари билан узлуксизлик ҳолатида назария билан амалиётнинг бир-бирига боғлиқлигини таъминлайди. Саҳнавий нутқ нафақат актёр ва режиссёр учун, балки, ҳар соҳа вакилларининг юксак муомила маданиятига эришидаги бирламчи восита бўлмоғи лозим.

Фанни ўқитишнинг ҳуқуқий асослари - талабаларга фаннинг мазмун-моҳиятини ўрганиш билан биргаликда ўзбек санъати ва маданияти, жумладан саҳна нутқини ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни ўзлаштириш ва уларга риоя этишнинг тарбиявий жиҳатлари ёритиб берилади.

Фанни ўқитишда замонавий педагогик технология усулларидан фойдаланиш асослари - бу жараёнда

ташкил этилган ўқув машғулоти талабаларни муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларга ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга ва ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Шунинг учун ҳам таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари, интерфаол услублари, инновацион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларни таълимда қўлланишга оид билимлар, тажрибалар талабаларнинг билимли ва етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Бу услубларнинг ўзига хослиги шундаки, (3-расм) улар фақат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши натижасида амалга оширилади.



**3-расм. Фанни ўқитишда замонавий педагогик технология усулларидан фойдаланиш асослари**

Ўқув жараёнидаги педагогик технология - бу муайян кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда аниқ бир мақсадга йўналтирган, олдиндан пухта лойиҳалаштирилган ва қафолатланган натижа беришига

қаратилган ижодий педагогик жараёндр [2. 49].

Мазкур жараёнга талаба педагог томонидан янги мавзу ўтилгандан кейин эмас балки, янги мавзу ўтилгунга қадар тайёрланади. Бунинг учун аввало, таълим муассасаси томонидан moodle

тизими амалиётга жорий этилиши лозим. Мазкур тизимнинг асосий вазифаси профессор-ўқитувчи ҳамда талаба ўртасидаги турли хил электрон

ресурслар алмашилиши, мажмуага вазифа ва масалаларни жойлаштириш орқали таълим бериш самарасини ошириш ҳисобланади (4-расм).



**4-расм. Moodle тизимида педагог ва талаба вазифалари**

Фанни ўқитишда замонавий АКТдан фойдаланиш усуллари - фаннинг назарий ва амалий асосларини ёритишда таълим жараёнларини виртуаллаштиришнинг электрон-виртуал таъминотини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, машғулотлар жараёнида замонавий АКТдан фойдаланиш, мавзулар юзасидан тақдиротлар тайёрлаш, электрон дастурлар, мултимедиялар тайёрлаш, аудио-видео материаллардан фойдаланиш, педагогнинг потфолиосини тайёрлаш, фанни ўзлаштирининг Moodle тизимини шакллантириш ва назорат қилиш, энг муҳими фан ўқитувчининг компьютер саводхонлигини ошириш ва ахборот технологиялари билан қуроллантириш лозим.

Саҳна нутқини фанлараро алоқадорликда такомиллаштириш асослари - бу жараёнда фаннинг самара ва ютуқлар кафолати таълим жараёнини фанлараро алоқадорлик асосида олиб боришдир. Бу ҳолат талабани бир томонлама эмас, балки ҳар жиҳатдан билим олишга, қолаверса бир


мавзунинг турли фанлардаги моҳирини чуқур ўрганишга асос бўлади. "Саҳна нутқи" фанини беvosита "Режиссура", "Актёрлик маҳорати", "Саҳна ҳаракати", "Жаҳон ва ўзбек адабиёти", "Драма назарияси", "Сценарийнавислик маҳорати", "Маънавият асослари", "Педагогика", "Психология", "Ижод психологияси", "Саҳна маданияти" фанлар билан алоқадорликда олиб бориш тавсия этилади. Зеро бу фанларнинг мақсади юксак бадиий савиядаги саҳна асарини яратишдир.

Ихтисослик фанларини ўқитиш жараёнида саҳна нутқини ўзлаштиришнинг касбий асослари - "Режиссура" ва "Актёрлик маҳорати" фанлари режиссёр ва актёр тайёрлашдаги фундаментал фан ҳисобланиб, саҳна нутқи мазкур фанларнинг асосий ифодавий воситасидир. Бу жараёнда нафақат саҳна нутқи ўқитувчиси балки, ихтисослик фанлари ўқитувчилари ҳам саҳнавий нутқнинг ифодавийлигига эришиш лозим. Мазкур фанлар "Саҳна нутқи" фани ўқитувчиси иштирокида олиб

борилиши мақсадга мувофиқдир. Ихтисослик фанлари ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини сахна нутқини такомиллаштиришга йўналтириш ҳам муҳим жараёндир.

Мустақил таълимни сахна нутқи билан узвий ҳолатда амалга ошириш - таълим жараёнида талабаларнинг мустақил иши ўқув-тарбия жараёнини такомиллаш-


тиришнинг муҳим воситаси ҳисобланади. Талабаларнинг мустақил ишининг асосий вазифаси шахсий изланишлар асосида билимларни эгаллаш кўникмаларини ва янги билимларни излашга қизиқишини ривожлантиришдан иборат. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш бир қанча жараёнлардан (5-расм) иборат.



**5-расм. Мустақил таълимни сахна нутқи билан узвий ҳолатда амалга ошириш**

Малакавий амалиёт жараёнида сахна нутқини такомиллаштириш - кадрлар тайёрлашнинг муҳим қисми бўлган малакавий амалиёт - илғор корхона, муассасалар ва ташкилотларда ўтказилади. Малакавий амалиёт ўқув режада кўрсатилган фанларнинг назарий қисмини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган, ўқиш жараёнларининг бевосита ишлаб чиқариш шароитларида ўтказиладиган давомидир. Малакавий амалиёт таълим йўналиши

(ихтисослик)нинг малакавий талаблари, корхона, муассаса, ташкилотларнинг тавсифини ҳисобга олинган ҳолда тегишли мутахассислик кафедралари томонидан ишлаб чиқилган ва институт Кенгашида муҳокама этилган ҳамда ректор томонидан тасдиқланган дастур асосида ўтказилади. Малакавий амалиётда сахна нутқини такомиллаштириш борасида бир қанча жараёнларни (6-расм) амалга ошириш лозим.



**6-расм. Малакавий амалиёт жараёнида саҳна нутқини такомиллаштириш**

Фанни такомиллаштиришда фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси - кадрлаш тайёрлашнинг муҳим бўғини ҳисобланиб, бу борадаги вазифаларни иш берувчи ташкилот билан тузилган корпоратив ҳамкорлик шартномалари орқали амалга ошириш лозим. Бу борада саҳна нутқи бўйича масъул этиб белгиланган педагог корхоналарда мастер класслар ўтказиши, актёрларнинг нутқий фаолиятини такомиллаштириш лозим. Шунингдек, мутахассислар иштирокида давра суҳбатлари, илмий семинарлар ташкил этиш, соҳани ривожлантириш юзасидан ҳамкорликда лойиҳалар тайёрлаш, ОАВда мавзу юзасидан чиқишлар уюштириш ҳам муҳим жараён ҳисобланади.

Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш жараёнида саҳна нутқини такомиллаштириш - 2015 йил 12 июндаги "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида Олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг

касб даражаси ва малакасини муттасил ошириб бориш, уларни замонавий талабларга мувофиқ мунтазам қайта тайёрлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш асосида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш [1] бош мақсад қилиб олинган бўлиб, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг педагогик ва касб даражасини мунтазам ошириш асосида уларнинг қонунчилик нормалари, назария, илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳасидаги сўнгги ютуқларни чуқур ўрганиш, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва мософадан ўқитиш усулларидадан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, а х б о р о т - к о м м у н и к а ц и я технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш, олий ўқув юртлари педагог кадрларининг чет тилини амалий ўзлаштириш даражасини ошириш ва ундан ўз касб маҳорати, педагогик ва илмий

фаолиятини муттасил ошириб бориши учун кенг фойдаланиши каби вазифалар юклатилган. Бу борада Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази тингловчилари учун мўлжалланган ўқув дастурини саҳна нутқининг замонавий аҳамияти, фанни ўқитишда глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан фойдаланган ҳолда, замонавий инновацион педагогика, ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш лозим. Энг муҳими мазкур фанни олиб борувчи педагогнинг бу борадаги касбий маҳоратини ошириш, бу борада хорижий мутахассислар тажриба алмашиш долзарб масаладир.

Фанни ўқитишнинг инновацион-

концептуал асослари жорий этишда фан ўқитувчиси учун қуйидаги методик тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Педагогнинг касбий педагогик маҳоратга эришиш зарурати;

- Педагогик технология усулларидан фойдалана олиш имкониятини такомиллаштириш;

- Машғулотларни замонавий АКТдан фойдаланган ҳолда олиб бориш;

- Хорижий мутахассислар билан тажриба алмашишда чет тилини мукамал эгаллаш;

Талабаларни жаҳон стандартига мос ўқитишда биз юқорида таъкидлаган инновацион-концептуал ёндошувдан мақсадли ва мазмунли фойдаланишни нафақат давр талаби балки, машғулот сифатининг ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатишда методик манба сифатида тавсия этамиз.

#### **Адабиётлар:**

---

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чораталдирлари тўғрисида"ги Фармони. - Тошкент: 2015 йил 12 июнь

2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. - Тошкент: Истеъдод жамғармаси, 2008. - 180 б.

---

**СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**КИНО САНЪАТИДА БАДИИЙ СЎЗ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁНЛАР**

**Ходжиматова Махсума Кучкаровна,**

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти

e-mail: maxsuma@uzdsmi.uz

**For citation:** Khodzhimatova Makhsuma. Effectiveness Of Artistic Word In Film Art And Creative Processes. International Journal of Word Art. 2019, vol. 2, issue 8, pp. 152-158



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2019-2-21>

*Келиб тушган сана 23 апрель, 2019*

*Эълон қилинган сана 30 июнь, 2019*

---

**АННОТАЦИЯ**

Мазкур мақолада ёшлар тарбиясида муҳим бўлган сўз санъатининг маънавий асосларининг аҳамияти ёритилган. Мақолада экрандаги тасвири томошабин онги ва тафаккурига етказишда ва унинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилишда бош омил бўлган сўзнинг ўрни, сўзнинг таъсирчанлигини оширувчи омиллар ҳақида маълумотлар берилган. Дубляж санъати сўзнинг бадиий стук даражаси ҳисобланиб, бу борада дубляж усталарининг маҳорати бирламчи воситадир. Мақолада дубляж усталарининг маҳорати қайд этилиб, мазкур маҳоратни такомиллаштиришда бадиий адабиёт муталааси энг муҳим омил эканлиги илгари сурилган. Муаллиф томонидан дубляж санъатининг тарихан шаклланиш даври ва замонавий ҳолати таҳлил этилиб, мавжуд муаммоларни ҳал этишда соҳа мутахассислари билан олиб борилган ижодий ҳамкорлик натижасидаги таҳлилий фикрлар асосида хулоса берилган.

**Таянч сўзлар:** сўз, сўз санъати, бадиий сўз, дубляж, кино, телевидение, сахна нутқи, актёр, режиссёр.

---

**ВЛИЯТЕЛЬНОСТЬ ХУДОЖЕСТВЕННОГО СЛОВА В КИНОИСКУССТВЕ И ТВОРЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ**

**Ходжиматова Махсума Кучкаровна,**

Доцент Узбекского государственного института искусств и культуры

---

**АННОТАЦИЯ**

В этой статье анализируются духовные основы искусства слова, которые важны в воспитании молодежи. В статье представлена информация о роли слова, которая является основным фактором передачи изображения на экране для аудитории и обогащения его мировоззрения и разума, а также факторах, повышающих влияние слова. Искусство дубляжа - это совершенный художественный уровень слова, а талант мастеров дубляжа - основной инструмент в этом отношении. Среди мастеров дубляжа, отмечается такие таланты которые заложены в чтении художественной литературы. Автор проанализировал историческое развитие и современное



состояние дубляжа и сделал выводы на основе аналитических мнений в творческом сотрудничестве с мастерами в решении существующих проблем.

**Ключевые слова:** слово, искусство слова, художественное слово, дубляж, кино, телевидение, сценическая речь, актер, режиссёр.

## EFFECTIVENESS OF ARTISTIC WORD IN FILM ART AND CREATIVE PROCESSES

**Khodzimatova Makhsoma Kuchkarovna,**

Associate professor of the Uzbek state institute of art and culture

## АННОТАЦИЯ

This article analyzes the spiritual foundations of the art of the word, which are important in the education of young people, including the importance of dubbing art in the development of national cinema. The article provides information on the role of the word, which is the main factor in transmitting the image on the screen for the audience and enriching its world view and mind, as well as factors that increase the influence of the word. The art of dubbing is the perfect artistic level of the word, and the talent of dubbing masters is the main tool in this regard. Among the masters of dubbing, such talents as improvement of skill, which is incorporated in the reading of fiction. The author analyzed the historical development and current status of dubbing and made conclusions based on analytical opinions in creative collaboration with the masters of dubbing in solving existing problems.

**Key words:** word, word art, artistic word, dubbing, cinema, television, stage speech, actor, director.

**Х**алқимизда узоқ ўтмишдан ёш Хавлудни тарбиялашда инсон-парварлик, камтарлик, меҳнатсеварлик, дўстлик, меҳр-оқибат, биродарлик, "каттага ҳурмат, кичикка иззат" каби умуминсоний фазилатлар мавжудки, буларнинг барчаси доно ва оқилона айтилган ва ёзилган сўз орқали ўз таъсир кучини намоеън этади. Бу жараёнда сўзнинг кучи, қудратини туйиш, ҳис этиш энг асосий вазифа ва бурч сифатида майдонга чиқади.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар юзасидан адабиёт, маданият ва санъат ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказилган учрашуви бу борадаги муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилди.

Президентимиз халқимизнинг маънавий камолотида ижодкорларнинг хизмати беқиёс эканини алоҳида таъкидлаб, тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида барча соҳалар вакиллари

қатори маданият ва санъат аҳлидан ҳам янада фаоллик, янги-янги ижодий гоё ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи талаб этилаётганини таъкидлади.

Президентимиз бўлиб ўтган очиқ ва самимий мулоқотнинг аҳамияти, мантиқий натижаси ҳақида сўз юритиб, "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади", деган фикрни қатъият билан таъкидлади [2].

"Шоирлар ижодида ва айниқса сўфийлар наздида сўз илоҳийлардир. Сўз мулкани эгаллаш бу - сирлар (гайб) оламига кириш, унинг илоҳий қудрати сирларидан воқиф бўлиш эди", - дейди тадқиқотчи Шухрат Сирожиiddинов [3, - Б. 40].

Сўз санъати, сеҳри, жозибасини халққа етказишда театр, кино, эстрада санъати, радио, телевидение билан бир қаторда дубляж санъатининг ҳам муҳим

ўрни бор. Ҳозирда юртимизда телеканаллар сони ортиб, уларни халқимизга манзур бўладиган кўрсатув, сериаллар ва бадиий фильмлар, долзарб эшиттиришлар билан тўлдириш масъулиятли соҳа мутахассислари ва мутасаддиларидан катта эътибор ва билим талаб этади.

Экрандаги тасвири томошабин онги ва тафаккурига етказишда ва унинг дунёқарашини бойитишга хизмат қилишда бош омил бўлган сўзнинг ўрни, улуши ва салмоғи беқиёсдир. Айтиш мумкинки, инсонларда, ёшларда маънавиятнинг илк шаклланиш босқичларидан бошлаб бадиий адабиёт ва экран санъатининг ҳам муносиб ўрни бор.

Миллий кино ва телевидение маҳсулотларимиз қаторида биз бажонудил, севиб томоша қиладиган жаҳон фильмлари борки, улардаги намоиш этилаётган ибратли тарбия, инсонлар орасидаги яхши муносабатлар, ота-онага ҳурмат, соф муҳаббатга уни эъозлашга қаратилган қалб даъватлари тезкор кечаётган турмуш тарзимиздаги баъзи нохушликларни бартараф қилишга хизмат қилади. Бугун тақдим этилаётган жаҳон фильмларини овозлаштиришда, таржима қилишдаги ўзбек адабий тилининг софлигини сақлаб қолишда экран, хусусан дубляж санъати ҳам ўз тараққиёт босқичларига эга.

Ўзбек дубляж санъати фидойилари бўлмиш Собир Искандаров, Борий Ҳайдаров, Жавод Обидов, Собит Саидов, Илём Ёқубов, Эсон Каримов, Софа Имонқулова, Мирғиёс Соатов, Шарофат Қўшбоева каби режиссёрлар Римма Аҳмедова, Омон Абдуразоқов, Ҳамза Умаров, Тўлқин Тожиев, Мукамбар Раҳимова, Валентина Ғозиева, Арсен Исмоилов, Дилбар Исмоилова, Воҳид Қодиров, Ёқуб Аҳмедов, Махсум Юсупов, Зайнаб

Садриева, Муҳаммад Умархўжаев, Собиржон Раҳимжонов, Фарзиддин Фаёзов, Абрауф Болтаев сингари актёрларнинг бу соҳадаги салкам ярим асрлик фаолияти мобайнида ортирилган тажриба ва малакалар замирида ўзбек дубляж санъатининг собиқ иттифоқ миқёсида тан олинган, шуҳрат қозонган катта ижодий мактаби яратилди.

Машҳур италян трагик актёри Томаззо Сальвинига "Актёр учун энг муҳими нима?" деб савол берганларида, у "Биринчидан - овоз, иккинчидан - овоз, учинчидан - овоз" деб жавоб берган экан. Чиндан ҳам драма, мусиқий драма, оперетта, опера, хуллас, саҳна ижрочилиги санъатининг қайси тури бўлмасин, актёр учун овоз истеъдод ва маҳоратни юзага олиб чиқувчи беқиёс қудратга эга омиллардан бири саналади.

Дубляж санъатида эса овоз актёр изланишлари маҳсулини намоиш этувчи яккаш ва бирдан бир воситадир. Зотан, мазкур ижодий жараёнда актёрнинг фақатгина овози иштирок этади. Тасаввур қилиб кўринг, актёр биргина овоз орқали конкрет характер кашф этиши, мўъжиза яратиши, образнинг яхлит фильм қамровидаги кечинмалари, ҳис-туйғулари силсиласини таъсирчан етказиб бера олиши керак. Шунинг учун ҳам санъатнинг бу турида яратилган ҳар бир образ савияси, асосан, актёрнинг овоз, нутқ ва талаффуз устида ишлаш қобилияти, қолаверса, профессионал актёрга хос чинакам маҳорати ва ижодий иқтидорига боғлиқ. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, актёр у ёхуд бу образга овоз беришда мазкур персонаж билан боғлиқ барча омилларни ўрганар экан, унинг нутқини, нутқига хос белги ва хусусиятларни ҳам эътибордан соқит қилмаслиги лозим.

Ўзбек дубляж санъати XX асрнинг 70-йилларидан эътиборан то мустақиллик давригача собиқ иттифоқ миқёсидаги ижодий кўрикларда доимо биринчи ўринни эгаллаб келган. Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов бу соҳадаги ютуқларни қуйидагича изоҳлайди:

Ўзбекистон Республикасининг дубляж фильмлари собиқ иттифоқ миқёсидаги кўрикларда доимо бош ва совринли ўринларни эгаллаб келарди. Ана шундай кўриклардан бирида Евгений Леонов иштирок этган "Омад сўқмоқлари" фильми намойиш этилди. Фильм тугагач, талай мутахассислар дубляж савиясининг бағоят юксак даражада эканлигини таъкидлаб Воҳид Қодиров овоз берган образ хусусида алоҳида тўхталишди. "Ўзбекларнинг ўз Леонови бор экан. У ўз маҳорати билан бизни жуда мамнун этди", - дея Воҳид Қодиров изланишларига юқори баҳо беришди. Чиндан ҳам биз ҳамкасбимиз Воҳид Қодировни "бизнинг Леонов деб фахрланиб юрардик".

Айниқса, ўзбек кино санъати намояндалари "Уруш ва тинчлик" киноэпопеяси ҳамда "Маугли" мультфильмини намойиш этганларида суронли муваффақият қозонишади. Киношунослар "Уруш ва тинчлик"даги Ҳамза Умаров, Олим Хўжаев, Римма Аҳмедова, Яйра Абдуллаева, Ёқуб Аҳмедов, Ойдин Норбоева, Мукамбар Раҳимова, Зайнаб Садриева, "Маугли"да эса Ҳожиакбар Нурматов, Воҳид Қодиров, Римма Аҳмедова, Ҳамза Умаров, Тўлқин Тожиев каби актёрлар маҳорати ҳақида алоҳида тўхталиб, "бу кино асарларидаги образлар ўзбек овози орқали нафақат инкишоф этилган, балки яхлит фильмнинг ўзи ўзбек тилида яратилгандек таассурот қолдирди", - дея ўзбек дубляж санъати вакиллари катта олқишлар билдирадilar.

Агар эътибор берилса, фильмлар дубляжида фаол иштирок этиб келган актёрлар театр саҳнасидаги ижроларида ҳам нутқий маҳорати, тилининг равонлиги, сўз ва товушларни талаффуз этишда тиниқликка эришишлари билан ажралиб турадилар.

Ўзбек дубляж санъатининг яна бир юксак намунаси - "Қирол Лир" фильми ҳам Москва кўригида юқори баҳога сазовор бўлган. Мазкур фильм намойиш этилганда, Обид Юнусовнинг маҳорати мутахассислар эътиборини тортган, улар асосий ижрочи, Юрий Ярвет Лирдан кўра кўпроқ Обид Юнусов яратган Лирнинг маҳзун, зиддиятларга тўла оламига ошно бўлганликларини мамнунлик билан таъкидлаганлар.

Хўш, ўзбек дубляж санъатининг бугунги аҳволи қандай? Фикримизни машҳур актриса, марҳум Римма Аҳмедованинг қуйидаги сўзлари билан далиллаш мумкин: "Ҳозир дубляж соҳасида анча ўтириб қолдик. Лекин мен бир нарсани ишонч ва фахр билан айта оламанки, ҳеч қаерда дубляж биздагидек санъат даражасига кўтарилган эмас. Биз бу соҳада катта мактаб ярата олганмиз. Бизнинг тилимизни дубляж чархлаган".

Бу борада мақолага янада аниқлик киритиш мақсадида 1997 йилдан бошлаб "Ўзбектелефильм" тизимида ташкил этилган дубляж студияси режиссёрлари юқоридаги биз айтиб ўтган машҳур дубляж мактаби устозлари сабогини олган инсонлар Йўлдош Абдукаримов ва Камолитдин Усмонов билан бўлган суҳбатда Йўлдош Абдукаримов ўз фикрини шундай баён қилади: "Биз катта дубляж мактабини кўрдик. Дубляжга актёрларни танлаш масаласига жуда масъулият билан ёндашган, дубляжда роль ижро этмаган ҳолда овозингиз роль ўйнайди. Микрофон олдида туриб кино актёрларининг заҳматли меҳнатини

очиб бериш керак, лаблаштириш жараёнининг катта бир ижодий жараёни эгаллайди. Шунинг учун дубляж режиссёри энг аввало тилни яхши билиши керак. Нутқ санъати, нутқ техникаси овоз билан ишлаш йўлларида тортиб битта товушни талаффузигача мукамал биладиган мутахассис, касбининг устаси бўлиши керак. Энди Римма Аҳмедова ҳам Ҳамза Умаров ҳам қайта туғилмайди, улар ягона эди. Биз ўша мактабни нуфузи баланд бўлган ўзбек дубляж санъатини сақлаб қолишга ҳаракат қилишимиз. Чет эл фильмлари билан бир қаторда ўзбек кино ижодкорлари томонидан ишланган баъзи фильмлар техник жиҳатдан сифатсиз бўлиб қолади. Шундан уларни сақлаб қолиш мақсадида ўша машҳур актёрларимиз Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамраев, Ҳамза Умаровлар овозларини қайтадан бошқа актёрлар билан ёзишга мажбурмиз", дейди режиссёр.

Ҳозир Россия кино студиялари орқали ёки тўғридан тўғри Корея, Хитой Япония, Мексика, айниқса кейинги пайтда турк сериал ва фильмларини ўзбек тилига ўгириб бир актёр уч ёки тўртта персонажга овоз бериш ҳоллари учрайди. Бу дубляж санъатига путур етказди. Буларда фақат таржима ва кадр ортидан изоҳлаш бор, холос, дубляж санъати йўқ.

Мазкур жараён юзасидан яна бир дубляж режиссёри Камолиддин Усмонов шундай жавоб берган эди: "Ҳозир ҳам ўзбек дубляжининг аҳволи деярли ёмон эмас, шукурки яхши мактабда тобланган актёрларимиз бор. Шулар билан ҳам сақлаб қолиш мумкин. Булар Афзал Рафиқов, Санжар Саъдуллаев, Ойбарчин Бакирова, Зулхумор Мўминова, Фарҳод Алимов ва бошқалар. Мени ташвишга солаётган нарс ҳозирги дубляж режиссёрлигига даъво қилаётган кўштирноқ остидаги

режиссёрлардир. Улар на тилни билади, на актёрларга қўйиладиган талабни, буларнинг баъзилари ҳатто қайси студияда дубляж қилиб маҳсулот чиқаришни ҳам билмайсан киши. Бирики мингга, мингники туманга деган мақол бор. Дубляж санъатига умуман алоқаси йўқ кишиларнинг саёз шошма-шошарлик билан қилинган ишлари боис бу мактаб фидойиларининг азият чекишлари бизни ўйлантиради. Ваҳоланки, кино асарлар асосан хусусий кино студиялар фильмлари кино санъати ҳақида тушунча ва билимлари анча саёз бўлган ҳавасмандлар томонидан суратга олиниб, ундаги ижрочилар ҳам тасодифий кишилардан ёки элга танилиш иштиёқидаги нўноқ хонандалардан иборат бўлиб қолаётганлиги кишини таажжубга солади. Бундай фильмларнинг деярли ҳаммасида шевачилик "кўчаворий" тил асабни чарчатади. Ахир кино санъати маҳсули бежиз "бадий фильм" деб аталмайди-ку. Бадийликда сўз санъатининг кучи ҳам қудрати ҳам юқори бўлади. Сўз санъати мукамал бўлса, уни овозлаштира ҳам сифати йўқолмайди, аксинча моҳир дубляж режиссёрининг қўлида яна ҳам сайқал топади. Мен, - дейди Камолиддин Усмонов, - хусусий фильмларни овозлаштиришда катта эътибор билан ёндашаман, чунки айтганимиздек актёрлик сабоғини олманган роль ижрочилари, ташқи кўриниши мослашуви билан образ яратаяпти. Табиийки, бундаги ижро бироз бўшроқ бўлади. Биз уни маҳоратли, саҳна кўрган сўз устида ишлашни билган актёр билан жонлантирамиз. Кеча санъат институтини тугатиб, келган актёр ҳеч қачон овозлаштириш жараёнида ишлай олмайди, бу аниқ. Чунки унда сўз билан ишлаш учун, микрофон билан ишлаш учун ҳали тажриба етарли эмас.

"Хусусий кино студиялар ҳам аста-секинлик билан фильм сифатини яхшилашга интилоқдалар, - дейди Йўлдош Абдукаримов. - Умид қиламизки улар ҳам келажакда юқори савияли кино асарлари яратадилар. Биз эса бажонидил овозлаштириб халқимизга тақдим этамиз". Ҳар иккала режиссёрнинг ҳам дубляж соҳасида миңга яқин фильмлари борлиги бизни ҳайратга солди. Шундай инсонлар бор экан. Намунали ўзбек дубляж санъати ва сўз санъати ижрочилигига ҳеч қачон путур етмаслигига ишонамиз.

Бир сўз билан айтганда, бадиий адабиёт, нутқ маҳорати ва сўз санъати саҳна ижрочилигининг туб моҳиятини белгиловчи омил бўлиб, ҳар қандай ижодий жараённинг ўзаги, ҳал қилувчи жабҳаларидан бири сифатида мудом шаклланиш ва ривожланиш йўлида бўлиш лозим. Таниқли актриса, марҳум Римма Аҳмедованинг қуйидаги икромиди ҳам тил ва сўз ниҳоятда эътибор талаб омил эканлиги қайд этилади. "Сўз санъати ҳаммасидан устун туради. Биз театрга илк ишга келган даврларимизда ҳар мажлисда "тилга эътибор беринглар" деб тайинлашарди. Мен бу гапнинг мағзини кейинроқ тушундим. Тилни бузиш катта гуноҳ эканлигини англаб етдим... бугунги кунда тилимизга бўлган эътибор, назаримда, жуда сусайди. Биз тилимизнинг бузилишига, унинг хиралашishiга сабаб бўлаётгандекмиз. Сўз хира тортса, демак, фикр ҳам, тафаккур ҳам хира тартади".

Шу ўринда айтиш мумкинки, бугунги кунда бошланғич таълимдан тортиб фарзандларимизга, хусусан ёшларини ҳар томонлама етуқ, иймон - эътиқодли қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилаяпти. Юқорида айтиб ўтганимиздек халқимизда азалдан тарбия масаласига ўта масъулият билан қаралган.

Ҳукуматимиз томонидан эълон қилинаётган қатор қарор, фармон ва фармойишларда ҳам ёшлар тарбиясига, биринчи галдаги вазифа деб қаралиши, таълим жараёнига хориж тажрибаларини татбиқ этиш, тил ўрганиш, аввало оилада, мактабда ўқитиш, таълим-тарбия ишларига чин дилдан, юрак амри билан ёндашиш кераклиги оммавий ахборот воситаларида, матбуотда давра суҳбатлари, ток-шоуларнинг бош мавзуси сифатида халқимизга намоиш этиб келинмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ёшларга билим беришда, уларнинг тасаввур олами кенгайишида, мушоҳада эта олиш кўникмасини шакллантиришда китобнинг ўрни беқийс. Бадиий адабиёт билан ошно бўлиш ўз оиласига, она ватанига, табаррук қадриятларига содиқ қолиш каби эзгу фазилатларни ривожлантиради. Китобдан олинган таассуротлар экран маҳсулотлари билан янада бойиб мумтақамланади.

Ўзбек бадиий фильмлари жаҳон фестиваллари учун рус ва инглиз тилига ўгириб, тақдим қилинаётганлиги ижобий ҳолат. Чет мамлакатлардаги каби бизда ҳам сценарий муаллифи, кадр орти муаллифи, диалог муаллифи бўлиб, улар диалогларнинг ҳаётийлиги ва таъсирчанлигини, юракка етиб борадиган даражада жойлаштириш учун уйғунликда ижодий ёндошаётганлиги фильмнинг бадиий ва тарбиявий қимматини мустақамлайди.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили - бу миллатнинг руҳидир [1, - Б. 83].

Хулоса ўрнида маънавий тарбиянинг муҳим воситаси саналган бадиий

адабиёт, экран, дубляж санъати, санъатлар ичида энг оммавий ҳисобланган кино санъатида тил ва сўз таъсирчанлигини янада такомиллаштиришда миллий қадриятларга суяниб ҳамда замон талабидан келиб

чиқиб, бугунги куннинг долзарб вазифалари билан юкинган санъат асари яратишдадир. Санъат асарлари доимо инсонларни эзгуликка, ибратга, юксак маънавий тарбияга чорлаб қолади.

---

**Адабиётлар:**

---

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - энгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. - 176 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш - халқимиз маънавий олами юксалтиришнинг мустақам пойдеворидир // Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси. Халқ сўзи. 2017 йил 4 август.
3. Буюк алломалар ижодида аҳиллик ва бағри кенглик гоёлари // Ўзбекистон жаҳон тиллари университети илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: 2008.

## **СЎЗ САНЪАТИ**

### **Халқаро Илмий-Танқидий Журнал**

*Журналда тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, журналистика ва таржимашунослик илмининг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалар чоп этиб борилади. Журнал филолог олимлар: тил, адабиёт, фольклор, журналистика ва таржима назарияси билан шуғулланувчиларга мўлжалланган. Шунингдек, журналда олий ўқув юрғларининг иқтидорли талабалари, магистрант ва докторантлари ҳам илмий мақолаларини чоп этишлари мумкин. Журналда эълон қилинган мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, замонавий филология илмининг долзарб муаммоларини ўзида акс эттиради.*

#### **Тақдим этилаётган мақолалар талаблари:**

1. Мақолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида минимал 8 саҳифадан иборат, Microsoft Word ва Open Office Writer форматда Times New Roman, 14 кегль, сатрлар оралиги 1,15 см, саҳифалар барча томондан 2см қолдирилган ҳолда бўлиши шарт.

2. Сатр боши - 1,25 см, сатрларни энига тўғирлаш, сўзларни бошқа қаторга кўчириш-автоматик тарзда бўлиши лозим.

3. Биринчи қатор марказдан муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, 2-чи қаторда муаллифнинг иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, электрон почта манзили ва телефон рақами, 3-чи қаторда саҳифанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфлар билан мақоланинг номи. Ушбу маълумотлар албатта ўзбек, инглиз ва рус тилларида киритилиши лозим.

4. Кейинги қатордан 200 сўздан иборат аннотация 3 тилда: ўзбек, инглиз, рус.

5. Кейинги қатордан калит сўзлар 3 тилда.

6. Кейинги қатордан асосий матн бошланади.

7. Мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, замонавий филология илмининг долзарб муаммоларини ўзида акс эттириши, улардаги факт ва фикрлар асосланган ҳамда мустақил маъно касб этиши, плагиатдан йироқ бўлиши лозим. Муаллиф ўз фикрларини билдиришда фойдаланилган адабиётларни аниқ кўрсатиши, олинган иқтибосларнинг аниқ манбаларини келтириши лозимдир.

8. Сноска яъни иқтибозлар "web of science" ҳамда "scopus" тизимидаги журналлардан бўлиши лозим. (тахрир ҳайъати бу борада яқиндан ёрдам беради)

9. Адабиётларнинг тўлиқ рўйхати асосий матндан сўнг алифбо тартибда кўрсатилиши, ўзбек ва рус тилларидаги манбаларнинг қавс ичида инглиз тилидаги таржималари берилиши лозим.

10. Манба ва адабиётга ишора (сылка)лар асосий матн ичида [1.25] кўринишда бўлиши лозим.

11. Мақолаларни электрон нусхада қуйидаги манзилга тақдим қилишингизни сўраймиз.

**E-mail: [word@tadqiqot.uz](mailto:word@tadqiqot.uz)  
тел: +998919410113**

## ИСКУССТВО СЛОВА

### Международный научно-критический журнал

*В журнале публикуются научные статьи посвященные актуальным научным проблемам лингвистики, литературоведения, фольклора, журналистики и перевода. Журнал предназначен для ученых филологов которые занимаются языковедением, литературой, фольклором, журналистикой и теорией перевода. А также, в журнале могут опубликовать свои научные статьи одарённые студенты высших учебных заведений, магистры и докторанты. Опубликованные статьи журнала содержат актуальные проблемы современной филологической науки.*

#### **Требования к оформлению научной статьи:**

1. Статьи должны содержать 8 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word и Open Office Writer, 14 pt, между строками 1,5 см, со всех сторон страницы 2 см.
2. Начало абзаца - 1,25 см, выпрямить строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от центра Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, адрес электронной почты и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи.
4. В следующей строке аннотация из 200 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова.
6. Далее начинается основной текст.
7. Статьи должны иметь научное значение, отразить актуальные проблемы современной филологической науки, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должны быть взяты из "web of science", а также системы журналов "scopus" (редакционная коллегия поможет по этому поводу)
9. Полный список литературы должен быть указан после основного текста в алфавитном порядке.
10. Сноска на источник и литературу должны быть внутри основного текста в виде [1].
11. Просим отправить статьи в электронной форме по данному адресу.

**E-mail: [word@tadqiqot.uz](mailto:word@tadqiqot.uz)  
тел: +998919410113**



## **"WORD ART"** **International Scientific-Critical Journal**

*In the journal scientific articles are published on issues of linguistics, literature, folklore, journalism, and translation science. The journal is for philologist scientists who research language, literature, folklore, journalism and theory of translation. In addition, in this international scientific journal doctoral student, masters, graduate students and students in researcher of higher educational institutions may also have published their scientific articles. The articles published in the journal have scientific significance and reflect actual problems of contemporary philology science.*

### **Requirements of the articles submitted:**

1. Articles should be at least 8 pages, in Times New Roman, Microsoft Word and Open Office Writer, 14 pt.
2. The line head should be 1.25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The first and last names of the author in the first line, and the title, position, academic degree and title of the author, e-mail address and telephone number in the second line, the name of the article in bold letters in the third line. This information certainly must be entered in Uzbek, English and Russian.
4. An annotation of 200 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages.
6. The next line begins with the main text.
7. Articles must be of scientific importance and reflect actual problems of modern philology, facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. English translations of Uzbek and Russian sources should be provided.
10. Seals and references should be in the main text [1].
11. Articles are reviewed by the Organizing Committee and recommended for publication. We kindly ask you to submit the following articles to the following address.

**word@tadqiqot.uz**  
**tel: +998919410113**

## МУНДАРИЖА

### ТИЛШУНОСЛИК

**Искандарова Шарифа Мадалиевна, Қосимова Феруза Хурсанали қизи**  
"ҲОМИЛАДОРЛИК" КОНЦЕПТИНИНГ ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ЎЗИГА ХОС  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

**Жалолов Жамол Жалолович**  
"ҚИШЛОҚ" СЎЗИНИНГ ОЛИС ЎЛКАЛАРГА "САЁҲАТИ"

**Саъдуллаев Давлатбек Самиевич**  
"ҲАЁТ" МИКРОМАЙДОННИНГ МАДАНИЙ ТУРМУШ ТАРЗДА АКС ЭТИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС  
ХУСУСИЯТИ

**Абдуллаева Наргиза Эркиновна**  
ИНГЛИЗ ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ТАРКИБИДА КЕЛАДИГАН ГРАДУОНИМ ТУРЛАРИ

**Қурбанов Музаффар Абдумуталибович,**  
САДОМЛАШИШНИНГ МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ, УРФ-ОДАТЛАР ВА ҚАДРИЯТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ  
ЖИҲАТЛАРИНИНГ ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ АКС ЭТТИРИЛИШИ

**Латипов Оқил Жўрақулович**  
РУС, ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ "СЎЗ" ЛЕКСЕМАСИННИНГ КОННОТАЦИЯЛАРИ

**Ғайбуллаева Хатира Муратжановна**  
НУТҚИЙ ЭТИКЕТ БИРЛИКЛАРИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ АСПЕКТИ

### АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Мухиддинова Дилафруз Зоҳриддиновна**  
ЗАМОНАВИЙ АРАБ ВА ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА "СИЗИФ ҲАҚИДАГИ МИФ" АФСОНАСИНИНГ БАДИИЙ  
ИНЪИКОСИ

**Нормуродова Нозлия Зарилловна**  
ПОРТРЕТ ТАСВИРИ МУАЛЛИФ АСАРИНИНГ МОДАЛЛИК ИФОДАЛАНИШИ СИФАТИДА

**Юсупов Ойбек Нематжоневич, Ондрина Анна Александровна**  
БАДИИЙ МАТН: ТУШУНЧА ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ ХУСУСИЯТЛАРНИНГ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ

**Ботирова Шахло Исамиддиновна**  
ТАСВИР, ТАЛҚИН ВА БАДИИЙ ПСИХОЛОГИЗМ

**Ержанова Дилфуза Қодирбаевна**  
ИБРАГИМ ЮСУПОВ ПОЭМАЛАРИНИНГ ЛЕКСИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ

**Насриддинов Дилшод Ўззамқулович**  
ЖОРЖ МАРТИННИНГ ФЭНТЕЗИ АСАРЛАРИ ВА УЛАРДА РАМЗИЙ ОБРАЗ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

**Зариф ҚУВОНОВ**  
НАВОИЙ ВА ШАРҚ АДАБИЁТИДАГИ ИЖОДИЙ МЕТОДНИ КОНЦЕПТУАЛ ЎРГАНИШ МАСАЛАСИ

### ТАРЖИМАШУНОСЛИК

**Рустамов Дилшодбек Абдуваҳидович**  
МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ АНГЛАТУВЧИ ҚЎШМА СЎЗЛАР ТАРЖИМАСИ ХУСУСИДА

**Қурбанов Элбек Элмуродович**  
ЎЗБЕК ПОЭЗИЯ НАМУНАЛАРИНИНГ ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ИНТЕРПРЕТАЦИЯСИ

**Жумаева Камола**  
ҲОҚОНИЙ МАДҲИДА ЁЗИЛГАН ИРФОНИЙ ҚАСИДАСИННИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТИ

**Эшқобилов А.К.**  
БАЛЛАДА ЖАНРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛАР: АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

**Эгамбердиев Жасур**  
"СНМВЕРБ 20TH CENTURY DICTIONARY" ЛУГАТИГА КИРИТИЛГАН МЕТАФОРИК МАЪНОЛИ  
СЎЗЛАР ТАҲЛИЛИ

### ЖУРНАЛИСТИКА

**Маматқосимов Жаҳонгир Абирқулович**  
БЎЛАЖАҚ РЕЖИССЁР ВА АКТЁРЛАР ТАРБИЯСИДА "САҲНА НУТҚИ" ФАНИНИНГ ИННОВАЦИОН-  
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

**Ҳоджиматова Махсума Кучкарловна**  
КИНО САҲАТИДА БАДИИЙ СЎЗ ТАЪСИРЧАНЛИГИ ВА ИЖОДИЙ ЖАРАЁНЛАР

## СОДЕРЖАНИЕ

### ЯЗЫКОЗНАНИЕ

- Искандарова Шарифа Мадалиевна, Косимова Феруза Хурсаналиевна**  
СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ КОНЦЕПТА "БЕРЕМЕННОСТЬ" В  
УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ
- Жалолов Жамол Жалолович**  
"ПУТЕШЕСТВИЕ" СЛОВА "КИШЛАК" В ДАЛЁКИЕ КРАЯ
- Саъдуллаев Давлатбек Самиевич**  
НАЦИОНАЛЬНАЯ СПЕЦИФИКА КУЛЬТУРНО-ТЕМАТИЧЕСКОГО МИКРОПОЛЯ "БЫТ"
- Абдуллаева Наргиза Эркиновна**  
ТИПЫ ГРАДУОНИМИИ В СТРУКТУРАХ АНГЛИЙСКИХ ПОСЛОВИЦ
- Курбанов Музаффар Абдумуталибович**  
ВЫРАЖЕНИЯ ОСОБЕННОСТЕЙ ПРИВЕТСТВИЯ, СВЯЗАННЫЕ С НАЦИОНАЛЬНОЙ КУЛЬТУРОЙ,  
ТРАДИЦИЕЙ И ЦЕННОСТЯМИ ПОСРЕДСТВОМ ПАРАЛИНГВИСТИЧЕСКИХ СРЕДСТВ
- Латинов Окил Журакулович**  
КОННОТАЦИИ ВОКРУГ ЛЕКСЕМЫ "СЛОВО" В РУССКОМ, УЗБЕКСКОМ И АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКАХ
- Гайбуллаева Хатира Муратжановна**  
ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЕДИНИЦ РЕЧЕВОГО ЭТИКЕТА

### ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ

- Мухиддинова Дилафруз Зоҳридиновна**  
ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ОТОБРАЖЕНИЕ МИФА О "СИЗИФЕ" В СОВРЕМЕННОЙ АРАБСКОЙ И УЗБЕКСКОЙ  
ЛИТЕРАТУРЕ
- Нормуродова Нозлия Зарилловна**  
ПОРТРЕТНЫЕ ОПИСАНИЯ КАК РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ МОДАЛЬНОСТИ АВТОРА
- Юсупов Ойбек Нематжонович, Ондрина Анна Александровна**  
ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ТЕКСТ: СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЕ И ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНУЮ  
СПЕЦИФИКУ
- Ботирова Шахло Исамиддиновна**  
ИЗОБРАЖЕНИЕ, ТОЛКОВАНИЕ И ХУДОЖЕСТВЕННЫЙ ПСИХОЛОГИЗМ
- Ержанова Дильфуза Калирбаевна**  
О ЛЕКСИЧЕСКИХ ОСОБЕННОСТЯХ ПОЭМ ИБРАГИМА ЮСУПОВА
- Насриддинов Дилшод Ўзсамкулович**  
ФЭНТЕЗИ ПРОИЗВЕДЕНИЕ ДЖОРДЖА МАРТИНА И МАСТЕРСТВО СОЗДАНИЕ  
СИМВОЛИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ
- Зариф КУВОНОВ**  
КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ЗАДАЧИ ИЗУЧЕНИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЕТОДА В ТВОРЧЕСТВЕ НАВОИ И  
ВОСТОЧНОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

### ПЕРЕВОДОВЕДЕНИЕ

- Рустамов Дилшодбек Абдувахидович**  
О ПЕРЕВОДЕ СЛОЖНЫХ СЛОВ ВЫРАЖАЮЩИЕ НАЦИОНАЛЬНЫЕ ЦЕННОСТИ
- Курбанов Элбек Элмуратович**  
ИНТЕРПРЕТАЦИЯ УЗБЕКСКОЙ ПОЭЗИИ НА АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ
- Жумаева Камола**  
СОЦИАЛЬНАЯ ЗНАЧИМОСТЬ ИРФАНА КАСИДЫ ХОКОНИЯ
- Эшқобилов А.К.**  
ОПРЕДЕЛЯЮЩИЙ ФАКТОРЫ ЖАНРА БАЛЛАДЫ: МИФЫ И РАССКАЗЫ
- Эгамбердиев Жасур**  
АНАЛИЗ СЛОВ С МЕТАФОРИЧЕСКИМ ЗНАЧЕНИЕМ В СЛОВАРЕ "CHAMBERS 20TH CENTURY  
DICTIONARY"

### ЖУРНАЛИСТИКА

- Маматкосимов Джахонгир Абиркулович**  
ИННОВАЦИОННО-КОНЦЕПТУАЛЬНЫЕ ОСНОВЫ ПРЕДМЕТА  
"РЕЧЬ СЦЕНЫ" В ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ РЕЖИССЁРОВ И АКТЁРОВ
- Холжиматова Махсума Кучкаровна**  
ВЛИЯТЕЛЬНОСТЬ ХУДОЖЕСТВЕННОГО СЛОВА В КИНОИСКУССТВЕ И ТВОРЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ

## CONTENTS

### LINGUISTICS

**Iskandarova Sharifa Madalievna, Kosimova Feruza Khursanaliyeva**

SPECIFIC LINGUISTIC AND CULTURAL ASPECTS OF THE CONCEPT OF "PREGNANCY" IN UZBEK AND ENGLISH

**Jalolov Jamol Jamolovich**

"JOURNEY" OF THE WORD "QISHLOQ" TO DISTANT LANDS

**Sadullaev Davlatbek Samievich**

NATIONAL SPECIFICS OF CULTURAL-THEMATIC MICRO-FIELD "LIFE"

**Abdullaeva Nargiza Erkinovna**

GRADUONYMY TYPES IN ENGLISH PROVERBIAL STRUCTURES

**Kurbanov Muzaffar Abdumutalibovich**

EXPRESSIONS OF TYPES OF GREETING LANGUAGES OF THE WORLD ASSOCIATED WITH INTERCULTURAL COMMUNICATION, TRADITION AND CUSTOMS US PARALINGUISTIC MEANS

**Latipov Okil Jurakulovich**

CONNOTATIONS OF LEXEME "WORD" IN RUSSIAN, UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES

**Gaybullayeva Khatira Muratjanovna**

LINGUACULTURAL ASPECTS OF SPEECH ETIQUETTE UNITS

### LITERATURE STUDY

**Mukhiddinova Dilafruz Zohriddinovna**

LITERARY LOOKS OF MYTH ABOUT "SIZIFE" IN MODERN ARAB AND UZBEK LITERATURE

**Normurodova Nozliya Zarilovna**

PORTRAIT DESCRIPTIONS AS A REPRESENTATION OF AUTHOR'S MODALITY

**Yusupov Oybek Nematjonovich, Ondrina Anna Alexandrovna**

LITERARY TEXT: SEMANTIC ANALYSIS CONCEPT AND DIFFERENTIAL SPECIFICITY

**Botirova Shahlo Isamiddinovna**

IMAGE, INTERPRETATION AND ARTISTIC PSYCHOLOGY

**Erzhanova Dilfuza Kadirbayevna**

THE LEXICAL FEATURES OF IBRAYIM YUSUPOV'S POEMS

**Nasriddinov Dilshod Azamkulovich**

THE FANTASY WORKS OF GEORGE MARTIN AND MASTERY OF CREATING SYMBOLIC TOOLS

**Zarif KUVONOV**

CONCEPTUAL TASKS OF STUDYING A CREATIVE METHOD IN CREATIVITY OF NAVOI AND EASTERN LITERATURE

### TRANSLATION STUDIES

**Rustamov Dilshodbek Abduvakhidovich**

TRANSLATION OF THE DIFFERENT WORDS EXPRESSING NATIONAL VALUES

**Kurbanov Elbek Elmurodovich**

INTERPRETATION OF UZBEK POETRY IN ENGLISH LANGUAGE

**Jumaeva Kamola**

SOCIAL SIGNIFICANCE OF IRFAN THE QASIDA OF KHOCONI

**Eshkobilov A.K.**

DETERMINING FACTORS OF GENRE BALLADA: MYTHS AND STORIES

**Egamberdiev Jasur**

ANALYSIS OF WORDS WITH METAPHORIC MEANING IN THE "CHAMBERS 20TH CENTURY DICTIONARY" DICTIONARY

### JOURNALISM

**Mamatkosimov Jahongir Abirkulovich**

INNOVATIVE-CONCEPTUAL BASES OF THE SUBJECT

"SCENE SPEECH" IN THE EDUCATION OF FUTURE DIRECTORS AND ACTORS

**Khodzhimatova Makhsuma Kuchkarovna**

EFFECTIVENESS OF ARTISTIC WORD IN FILM ART AND CREATIVE PROCESSES

---

**СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ**  
**JOURNAL OF WORD ART**  
**ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА**

---

**№2 (2019)**

**Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан  
23.03.2018 йилда, № 1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.**

**Зарегистрировано свидетельством № 1175 от 23.03.2018г.  
Агентством печати и информации Республики Узбекистан.**

**The journal was registered by the certificate № 1175 from 23.03.2018.  
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan**

Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6,  
улица Мехригиё, 1-А.  
[www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz) Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)  
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6,  
Mehrigiyo Street, 1-A.  
Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000